



**«Ҳосил»**  
**Якуб ТУРСУМЕТОВ асари**

*Хурматли журналхонлар!*

*2023 йил учун “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока”  
журналларига обуна давом этмоқда.*

*Журналларимизга барча матбуот етказиб берувчи  
ташкилотлар ёки таҳририятимиз орқали обуна  
бўлишингиз мумкин.*

*Обуна индекслари: “Шарқ юлдузи” – 911  
“Звезда Востока” – 831*

4 / 2023

SHARQ YULDUZI

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK

# Шарқ юлдузи



# Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

4 / 2023





**Ўзбекистон халқ ёзувчиси  
Сарвар АЗИМОВ  
(1923 – 1994)**



*Сарвар АЗИМОВ ҳаётидан лавҳалар*

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид  
Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Минҳожиддин Мирзо  
Сайфиддин Рафиддинов  
Фармон Тошев  
Исажон Султон

Хайриддин Султонов  
Маҳмуд Тоир  
Гулистон Матёкубова  
Шерзод Ирзоев  
Нурбой Жабборов  
Кавсар Турдиева  
Шухрат Маткарим  
Адҳамбек Алимбеков  
Нилуфар Йўлдошева

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар

Адабиётшунослик бўлими мудири – Дилфуза Қўзиева





## УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Тохир КАХҲОР



### САЌМОҚЛАР

Сувга айт айтма деб айтилган сўзни,  
Қудукқа айтгин, у ... ёяр ҳаммага.  
Ўзлик, ҳақиқатдан халқ ҳеч тонмагай,  
Тушунмаса ҳамки, сўзла оммага.

Тошга ёз ёзма деб айтилган сўзни,  
Ўқиғай булоқлар, ирмоқлар ўқир.  
Оқиллар ўқиғай, аҳмоқлар ўқир,  
Улар ўқимаса, сўқмоқлар ўқир.

НАСР

Гулнора РАҲМОН



### ИЛАДИИ ЁЛФИЗ ОДАМ

Сотувчи аёл бироз энсаси қотса ҳам бир марта  
ишлатиладиган тоза елим қошиқчалар солинган  
идишни жувон томонга сурди.

– Мана еб кўринг!

Бир неча идишдан татиб кўрган харидорга асал  
маъқул бўлди шекилли:

– Бир кило ўлчанг, – деди. Шунда катта ёғоч  
қошиқ билан банкага асал солаётган аёлнинг қўллари  
титраётганини кўрдим. Жувон асални олиб, пештахта  
устига бир нечта гижимланиб, эскириб кетган пулни  
кўйди-да, нарироқда дарахт остида турган, анча олифта  
кийинган, қора кўзойнак таққан аёлнинг ёнига кетди.

ПАЛҚИН

Шаръий ЖУЗЖОНИЙ



### “ИККИ ДИМ ДОСТЮНИ”


#### ПАРЖИМАСИ

Севги жазбаси ниҳоятда кучли бўлганидан Мудан  
ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмайди ва азмини жазм  
қилиб йўлга чиқади. Накқош унга йўл-йўриқлар  
кўрсатади ва унинг устози муסיқачи чол унинг  
қўлига бир эски танбурни тутдириб “Бу қадимдан  
қолган сеҳрли танбур, уни эҳтиёт қилиб сақла, кўп  
фойдаси тегади”, дейди. Мудан кўп ходисаларни  
бошдан кечиргандан кейин Ҳиндистонга етиб боради  
ва тасодифан сарой боғбони ва унинг ўғли билан  
танишиб қолади.

## ЗЕБУННИСО

Дунё унга сукланиб бокар  
Завқланади сулув сувратдан.  
Кўтарса гар юздан пардасин  
Кун ёришиб кетар хайратдан.

Маликалар ичра маҳлиқо,  
Исми эди шул – Зебуннисо.  
Бобурийлар салтанатининг  
Хуршидидир ул малаксиймо.



## Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ

## ШАРҚИЙ

ШАРҚ МИНИАТЮРАЛАРИ  
ВА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ

Навоий ўзининг барча асарларида Аллоҳнинг буюк ва бекиёс гўзаллигини таъриф ва тавсиф этиш билан бирга, барча мавжудот орасида энг улуғи, энг шарофатлиси инсондир, деган фикрни бадий юксак даражада ифода этади:

*Барчасини гарчи латиф айладинг  
Барчадин инсонни шариф айладинг,*



дейилади “Хайратул-аброр” достонида.

## Гулранг УБАЕВА

## МУНОСАБАТ

НАВҚИРОН ШЕЪРИЯТИ  
ХУСУСИДА

Бу қатламнинг Шаҳриёр Шавкат деган сархил сўз усталари, ўз кўнгил бадиятининг ҳар бир лаҳжасида темирдек жонини тоблаб келаётган Жонтемирлари, аллақачон аллақанча кўнгилларни беминнат зиёси билан ёритиб улгурган Сухроб Зиёлари бор! Анвар Ботир, Нажмиддин Эрматов, Нурмуҳаммад Азизов, Орифжон Комилов, Нурмуҳаммад Абдузоиров, Муҳаммад Сиддик, Раҳмат Бобожон, Алибек Анварий, Рашид Хўжамов, Мирзоҳид Музаффар, Бек Али, Хуршид Абдурашид, Дадахон Муҳаммадиев, Ниятулло Элбек ўғли, Масиҳуллоҳ Мадаминов, Фаррух Ҳасанов ва Муслимбек Мусалламлари бор!





**Муҳаммад АЛИ**

## Мангу қуёш

*Тарихий роман*



### Подшо Арки олдида

Доруссалтана Ҳиротда ғира-шира тонг отиб келарди. Гозургоҳ томонлардаги халигина тун қоронғисига чулғаниб ётган тоғларнинг шаклу шамойили энди аниқ кўзга ташланиб қолди. Чақар маҳалласи тарафдан кечиккан ҳўрознинг жон-жаҳд билан қичқиргани эшитилди. Шаҳарни фавқулудда тараддуд пардаси қоплаган, биров аввал кимсасиз кўринган Хиёбон кўчаси энди гавжумлаша бошлаганди. Мусалло томонлардан, Пули Молон ёқлардан, турли маҳалла ва даҳалардан одамлар гангир-гунгур қилишиб, Боғи Жаҳонорога – подшо арки олдидаги майдонга қараб боришарди.

Кўп ўтмай борлиққа Боғи Жаҳоноро чорраҳасидаги такяхонадан ажойиб савту наво таралди. Қўшиқнинг сўзлари тиниқ ва англашиларили, ўзи бағоят ёқимли жарангларди:

*“Очмагай эрдинг жамоли олам аро қошки,  
Солмагай эрдинг бори оламга ғавғо қошки”.*

Чиндан ҳам, Ҳиротда “Қошки” ашуласи машҳур бўлиб, “оламга ғавғо солди”. Бу – муқарраби ҳазрати султон, шоири замон Навоийнинг ғазалига машҳур бастакор Хожа Абдулло Марварид басталаган дилтортару латиф, ўйноқи қўшиқ эди, Ҳиротда одамлар уни ёктиришиб, уйда ҳам, кўчада ҳам куйлаб юришар, азбаройи завқдан эшитган заҳоти ўйинга ҳам тушиб кетардилар. Эл орасида шуҳрат тутди, ҳатто шеър ошуфтаси, “Ҳусайний” таҳаллуси билан танилган диди юксак шоир, юрт подшоҳи ҳазратларининг олий мажлисларида тилга тушди, катта эътибор топди ва энг суюмли ашулалардан бирига айланди. Ҳамма подшонинг бастакорни шу қўшиқ учун минг динар ақча билан сийлаганини гапириб юради.

Султон Ҳусайн Мирзо ғазални ҳам, қўшиқни ҳам бағоят хуш кўриб, шу қадар роҳатланиб тинглардики, бир кун даврада, истак маъносида, агар пири муршид

---

**Муҳаммад АЛИ** – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат мукофоти соҳиби. 1942 йилда туғилган. Қирқдан ортиқ шеърӣ, насрий асарлар, эсселар, публицистик мақолалар ва таржима китоблари эълон қилинган. "Маишраб", "Гумбаздаги нур" каби достонлар, "Навоӣ ва Бойқаро" тарихӣ драмаси, "Боқӣй дунё" шеърӣ романи, "Сарбадорлар" роман-дилогияси ҳамда "Улуг салтанат" роман-тетралогияси муаллифи.

Ҳазрати Махдуми Нуран шу баҳр, кофия ва радифда бир шеър иншо этсалар нур устига аъло нур бўлғай эрди, деб юборди. Бу сўзлар қулоқларига етгач, Абдурахмон Жомий илҳомланиб дарҳол ғазал битди, унинг матлаъси шундай эди:

*“Дидаме дидори он дилдори раъно, кошки,  
Дида равшан кардаме аз хоки он по, кошки”.*

Ғазал бағоят оҳорли чикди, Ҳокони мансур Жомийга таҳсинлар айтди ва унга кўп эҳсонлар қилди. Лекин бу билан чекланмади, энди Навоийнинг ўзига ҳам вазифа юкланди: яъни Навоий Жомий ғазалига мусаддас боғламоқлари лозим...

Навоий ҳамиша Хуросон шаҳаншоҳи Султон Ҳусайн Мирзо ҳақида: “Шоҳлик – унинг “сурат”и, “сийрат”и, ички дунёси, фазилатлари эса – дарвишликдир”, дейишни яхши кўрарди. “Кошки” атрофидаги ғаройиб тутумлар ана ўша дарвишликнинг бир кўриниши холос. Зотан комил инсонларда, инсонийлик – сурат, дарвишлик – сийратдир.

Шукроналик туйғусига чулганган Навоий подшоҳга эҳтиром, устозга ҳурмат юзасидан дарҳол ишга киришди... Навоийнинг форсийдаги мусаддаси шундай сатрлар билан бошланди:

*“Кардаме дар хоки қўи дўст маъво, кошки,  
Судаме рухсори худ бар хоки он по, кошки...”*

Султон Ҳусайн Мирзо Навоийга салламнолар изҳор айлади ва ўз мурувватларини аямади.

Кўшиқнинг таърифи ҳамманинг оғзида юрарди. Навоийнинг ғазали сабабидан Жомий гўзал шеър битди, Навоий қайтариб унга мукамал мусаддас боғлади... Бунда ҳам дўстлик, ҳам бир-бирига иззат-икром, нозик ҳурмат, тавозе яққол мужассам эди!

– Бу савтга салламно-е! Унга боғланган навони кўрингиз! – завқини яширолмади қирқ ёшлардаги, кўзлари катта-катта, кенг пешонали, бўй-басти келишган, истараси иссиқ рассом ёнидаги йигирмаларда эканига қарамасдан, босиқ кўринадиган истеъдодли тарихчи Хондамирга қараб.

– Санъат сеҳри бир уммон, десангиз, унинг туби ҳам йўқ, чегараси ҳам. Уни англаб етиш мушкул, фақат хайратларга чўмасиз, холос... Бу савту наво нозик санъат дурдонаси бўлибдур! Тарихимиз юлдузи бунга не дейдирлар?

– Санъатимиз юлдузининг сўзларига эътирозимиз йўқ. – Мусаввир билан муаррих бир-бирига эҳтиромларини ана шундай ифода этардилар, бу уларга ярашиб турарди. – Нозик, ҳаддан зиёд нозик, нафис...

Хондамир қўлини кўксига қўйиб, дунёни кўриб қўйган кайвонийлардай босиқ гапирарди. У замонанинг машҳур тарихчиси Мирхонднинг набираси, Навоий “Унсия” кутубхонаси мудирлигини унга топширганди. Бобо-набира “Равзат ус-сафо” асарини ёзиш учун Мирхондга ажратиб берилган Инжил ариғи ёқасида жойлашган “Ихлосия” хонақоҳидаги, шоирга тегишли хос уйда бирга истикомат қилардилар.

Тасвирий санъатда тенги йўқ мусаввир ва тарих илмида чакнаган юлдуз – Беҳзод билан Хондамир Ҳиротнинг асил фарзандлари эдилар. Уларни Алишер Навоийга меҳр-муҳаббат, “Ҳазрат”, “Навоий” деган каломларда яширинган гурур, шогирдлик туйғулари бирлаштириб турарди. Қарангки, унинг устига, Навоий ҳам, Беҳзод ҳам, Хондамир ҳам шу шаҳарда туғилибдилар! Уларнинг она шаҳарлари бир – Ҳирийдур!

Улар ҳам Боғи Жаҳоноро томон борардилар. Катта чорраҳа яқинлашиб қолганди.

– Кўнглимда кўпдан олий мақсадим бордур, Ҳазрат Навоийнинг сиймоларини тасвир айламак, – сўзларди Бехзод. – У шундоқ тасвир бўлмоғи керакки, шухрати асрларга етсун! Чунончи, ҳазратнинг ўткир кўзларини, йўқ кўзлари эмас, балки нигоҳлари ичида бир қарашини – бундоғи фаришталарда бўлади, бежисм, ўша нигоҳда шу лаҳзада ҳазрат қалбида кечаётган тебранишларни, туйғуларни илғамагим, акс этдирмагим жоиз... Шунда сурагга жон кирадур. Сухбат қуришга ҳеч фурсат топилмасди, ул зотда, албатта... Кеча ногаҳон омадим чопди!

– Жуда ажойиб-ку... Фурсат топилибди-да...

– Топилди, денг, топилди... – давом этди Бехзод, унинг ҳаяжони сезилиб турарди. – Ҳазрат Навоийнинг Машҳаддан қайтғонларини эшитиб, зиёрат этиб келмакчи бўлиб турувдим. Умрларининг кўп паллалари, айниқса, подшоҳ Абулқосим Бобур вафотидан кейинги замонлар, Машҳадда ўтғон йиллар... Бу гал ҳам олти ой Машҳадда, Нишопурда, Тусда бўлибдилар-да!

– Шундоғму? – хайратланди Хондамир. – У ерларда шунча узоқ муддат қолиб кетишларига не зарурат бор эркан?

– Сиз билурсизки, – деди овозни кўтармасликка тиришиб Бехзод. – Ул зотнинг табиати савобга қаратилғонидин ортиқча мол-мулкни хайру эҳсонларга сарфлашга мойилдурлар. Машҳад халқи сув танқислигидан азият чекар эркан. Машҳад тепасида Чашмаи Гил деган Хуросонга довуғи ёйилғон ойнадай тиниқ булоқнинг жонбахш сувини муқаддас Машҳадга келтиришни доим орзу қилиб юрарканлар...

– Булоқ олисмикан?

– Ўн фарсахча бор, дейдилар... Лекин йўли нотекис, тош-чақирли эмиш. Хуллас, Чашмаи Гил суви машҳадликларга насиб этибди, одамлар мушқули енгиллашибди, Ҳазрат эл дуоларини олибдурлар... Ўзлари шу ишнинг бошида туриб битирибдурлар-да. Айниқса, зилол сувнинг ариқда шарқираб оқиб келаётганини кўриб, ёш боладай қувониб кетибдурлар! Ўзлари айтдилар.

– Тасаннолар бўлсин!

– Нишопурга сафарларининг ҳам тағи савоб. Нишопурда Шайх Фаридуддин Аттор мазори устида равоқли иморат тиклашни ният қилғон эдилар-да. Хабарим бор эди. Ниҳоят, ўша юмушни ҳам итмомиға еткурмишлар.

– Ҳа-а... Ҳазрат шунча ғайратни қайдин олар эканлар-а!.. – Хондамир жим қолди-да, деди: – Бу ёғи сал ғалат чиқибдирму?... Ҳазратни зиёрат этибдирлару, устод... бизга бир ишора ҳам бериб қўймабдурлар-да, жилақурса, ёнингизда ҳамроҳ бўлардик, холос. Ўз оёғимиз билан борардик, зарар-зиёнимиз тегмасди... Бизларга ҳам ҳаён бўлур эрди... – расмана ўпкаланишга ўтди ковоғи тушиб кетган Хондамир бироз жимликдан сўнг.

– Зинҳор кўнглингизга олмангиз! Ўйлаб юргондим... Насиб-да. Ҳазратнинг ўзлари бирдан каминани ҳузурларига чорлаб қолдилар-да! Сизга айтишга улгурмадим, қарасам, кутубхона эшиги ёпиқ... Аниғини айтсам, кеча Унсияда шом намозидан сўнг Ҳазрат кутилмаганда хос хоналарига таклиф этдилар. Сабаби бор экан. “Бўстон” сурагларини кўриб ҳаяжонга тушибдурлар. Қутладилар... Сахифаларни варақлар эканлар, ўз-ўзидан Шайх Саъдий қиссаси бошланиб кетди, денг – бу ёғини сўрасангиз, шайх ҳақида ҳам менга номаълум кўп нарсалар бор экан, айтиб бердилар. Гурунг тун-оқшом давом этди... Шайх Саъдийдан сўз аста-аста ўзларининг ҳовли-ҳаётларига кўчди... Қулфи-диллари очилиб кетдими... Мени ўзларига яқин олиб, бир сўзладилар, бир сўзладиларки!..



– Ўзлари ул зотнинг жондай шогирдларидурлар! – сўз кўшди орага Хондамир...

– Ўтирофлари учун қуллуқ!.. – давом этди Бехзод. – Чиндан ҳам шогирдларидурмен... Дарвоқе, мана, ўзлари ҳам! Баъзан инсонда шундай ҳол юз берадики, ичингдагини тўкиб соласен киши, бари-баридан қутулгинг келади... То хуфтонгача суҳбатимиз тўхтамади. Эҳ-ҳе... Ана, Ҳазратнинг хориқуллода ғаройиб ва серташвиш болалиги, бесаранжомлик, нотинчлик, мактаб йиллари, оловли ишқнинг сеҳрли ва ғамнок интиҳоси... Йўқ-йўқ, ибтидоси! Бу ишқ достонини эшитиб, бағринга ўт туташмай илож йўқ! Ёниб кетишингга оз қоладур. Бандаси чидаб юрадур-да... Мен Ҳазратни ўзгача кашф этмишмен...

Бехзодни ҳайратлантирган ери, ажабо, унинг тақдири Ҳазратнинг тақдирига ўхшаброқ кетиши эди! Аммо... бу гапни саҳв айтди! Йўқ, йўқ! Унинг ҳазратга ўхшашига, эҳ-ҳе, ҳали кўп қовун пишиғи бор! Ўшанда ҳам ўхшармикин?... Ҳазрат киму, у – ким?..

Пули Молон, Гозургоҳ, Мусалло томонлардан келаётганлар тобора қуюклашиб борарди. Ана, Ферузобод дарвозаси ёқда ҳам бир гуруҳ одамлар пайдо бўлди.

Хуросон мулкининг пойтахти, Ер юзининг тўртинчи иқлимида жойлашган Ҳирот ғаройиб дамларни бошдан кечирмоқдайди. Шаҳарда намоийшкорона кўтаринки руҳ сезилса-да, унинг зимнида қандайдир нотинчлик аломатларини илғаш мумкин, лекин у одамларнинг юзларида кўринмас, юракларида яширин эди. Бузуғлик замонида кўнгиллардан ҳам рўшнолик қочади. Гап шундаки, бир неча ойдан бери “Бадиуззамон Мирзо Ҳиротга бостириб келармиш!..” деган ваҳима бутун шаҳарни қамраган, ўтирганда ҳам, турганда ҳам одамларнинг хаёлидан кетмасди.

Подшоҳнинг катта ўғли Бадиуззамон Мирзо отаси билан келишолмай тортишиб юрар, у ҳақдаги ҳар хил шов-шувли, ваҳимали сўзлар кўпчиб кетганидан каттадан-кичик тасаввурида, шаҳзода одам эмас, балки ёввойи, даҳшатли бадбашара Яъжуж-Маъжуждай бир махлуқ каби туюлар, унинг қачон, қаёқдан – осмонданми тушишини, ерданми чиқишини, ё Астробод томонданми, Балх ёқданми бостириб келишини ҳеч ким билмасди.

Подшо Арки олдидаги кенг майдонда янграётган карнай-сурнайлар, ноғоралар овози Боғи Жаҳоноро чорраҳасида кўчани тўлдириб бораётган олақурук одамларга баралла эшитиларди.

– Подшомиз яна ўғил кўрибдиларми? – сўради одамлардан бири шеригидан.

– Ўн тўртта ўғиллари бор-ку, эсвос! Набираларининг ўзи қанча... – жавоб қилди кўпчилик ичида айикдай лапанглаб бораётган шериги.

– Балки... Балх жангида мансури хоқон Султон Ҳусайн Мирзо Бадиуззамон Мирзони енгиб зафар билан қайтгандурлар? Бутун данғир-дунғур шунинг учун бўлаётгандир? – савол ташлади учинчи одам.

– Бунисини-ку билмайман... Аммо эшитдимки, Низомиддин Мир Алишер тагин саройга қайтган эмишлар... Шуниси рост чамаси. Айни муддао!

– Қайтганлари йўқ... Лекин султон улуғ шоир учун “Муқарраби ҳазрати султон” – ҳазрати султоннинг яқини, деган янги унвонга фармон берибдилар. У ҳамма унвонлардан баланд эмиш. Ўшанга ош берилмоқда эмиш-да!..

– Йўқ, назаримда, Мўмин Мирзонинг кокил тўйларини ўтказишмоқда, шекилли! – ўзича аниқлик киритди кимдир. – Кокил тўйи дегани билан у катта тўйдан қолишмайди, ҳа! Тезроқ кетдик!

### Ҳаёт нақадар гўзал

Одам кўплигидан майдон тирсилларди. Пули Каҳдистон, Боғи Назаргоҳ, Чорсу маҳаллаларидан ёғилган одамлар тўлкини у ёқдан-бу ёққа оқади. Бу ерда донгдор амирлар, нуфузли беклар, лашкарбошилар, сарой аъёнлари, мулозимлар, Хирот зодагонлари, саййиду машойихлар, қозилару қорилар, фозилу фузалар, вазиру вузаро, хатиблару воизлар, мударрису мутаваллилар, толиби илмлар, меъмору муҳандислар, оддий халқ вакиллари учратиш мумкин эди. Осмонда қаёқдандир пайдо бўлган қушлар галаси у ёқдан-бу ёққа парвоз қилар, ғужғон ўйнар, гоҳ Гозургоҳ омонларга учиб кетар, яна қайтиб келарди.

Беҳзод йироқдан кўп таниш чехраларни илғади. Ҳамма ғала-ғовурда гап нимада эканини бир-бирдан суриштирар, “Нега ҳаммани чакиришибди?” “Душман бостириб келяптими?” деган сўзлар жаранглар, бошқаси эса, Боғи Жаҳонорода бутун катта ош берилаётганини айтар, иккинчиси Навоийдан сўз очарди.

Тўрт юз жариб ерга эга кенг ҳашаматли Боғи Жаҳоноро жуда обод, баланд уч ошёналик қаср, салқин хиёбонлар, сўлим кўшқлар, чаман-чотир гулзорлар, шинам йўлкалар унга кўрку салобат бағишлайди. Фрот дарёсининг бўйида қадим Куфа яқинидаги машҳур Хаварнақ шаҳри саройи ҳам боғнинг олдида хижолатдан ўзини кўйгани жой тополмай қолади, деганлари асло муболаға эмас...

Бирдан ўнг томонда ортидан икки шотирини эргаштирган, олабайроқ чопон кийган, бошида оқ қалпоқ подшо жарчиси кўринди. Баланд бўйли жарчи бир лаҳза, гўё, бу ердаги ғофил бандалар кимнинг майдонга кириб келганини пайқашдими йўқми, пайқашгунларича бироз кутиб туриш керакми, дегандай атрофга мағрур қаради ва ҳафсаласи пир бўлди, шекилли, овозини кўтариброқ халққа ушмундоқ хитоб қилди:

– Одамлару одамлар! Эшитмадим деманглар! Хоқони мансур Шоҳ Ғозий Султони соҳибқирон Абулғози Баҳодирхон Султон Ҳусайн Мирзо ибн Ғиёсиддин ибн Мансур Мирзо ибн Бойқаро Мирзо ибн Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари ташриф буюради-л-а-а-ар!..

Кўп ўтмай, бир-бир қадам босиб боғ эшигидан чиқиб келаётган шоҳона либосга чулганган Хуросон подшоси Султон Ҳусайн Мирзо кўринди. Қийик кўзли, шеркелбат султоннинг шижоатли, мард экани яққол сезиларди, ёши бир жойга бориб, соқолига оқ тушган эса ҳам, эғнига кўзга ёқимли қирмизи-яшил ипак ёпинчиқ ташлаган. Байрамлардагидек бошига уч ўрама салла ўраган, ўртасига қарқара патини қойилмақом санчиб олган. Пат шабадада ҳар мақомга тушарди.

Изма-из қозикалон, сипоҳсолор ва бошқа сарой аъёнлари қуршовида подшонинг ўғли, адрас чопон кийган, салобат билан қадам босишга тиришган, маҳди улё малика Ҳадича бегим кўзининг кўрар нури дуркун Музаффар Мирзо келарди. Хиротда бир муддат ҳокимлик мансабида турган акаси шоир Шоҳ Ғариб Мирзо икки йил аввал оламдан ўтгандан кейин, энг суюкли ўғил сифатида Музаффар Мирзонинг саройда ҳам, ўғиллар орасида ҳам мавқеи янада орта бошлаганди. Бу эса она бошқа оғаниларнинг пинҳона ғашини келтирарди.

Майдонни сурон қоплади.

Шу палла чап ёқдан эғнига олабайроқ чопон ташлаган иккинчи жарчининг ҳайқиргани эшитилди:

– Одамлару одамлар! Эшитмадим деманглар! Ҳидоят соҳиби, дину давлат арбобларининг сараси, хайру эҳсонлар пешвоси, салтанат устун, подшоҳларнинг кўлидан етакловчи, хоқон давлатининг умиди, султон жаноби олийларининг яқин дўсти, муқарраби ҳазрати султон, ҳақиқат ва дин низоми – Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари ташриф буюради-л-а-а-ар!.. Улуғ Ҳазрат узоқ сафардан сўнг доруссалтана Хиротга қайтдилар!..

Ҳамма гурр этиб чап томонга ўгирилди. Қийқирик садолари борликни тутди.

Навоий ўзининг яқин дўстлари – муаррих Мирхонд, Машҳадий, Бобоали, Бадахший, Шайхим Суҳайлий, Шайх Баҳлуллар билан бирга оҳиста майдонга кириб келарди. Эғнида оқ ҳарир матодан тикилган ҳелвагай ёпинчиқ, унинг тагида тилладўз авра чопон ярақлаб кўзга ташланарди, бошида эса наврўзий кулоҳ ўзича ғурурга берилмиш эди.

Шайхим Суҳайлий узокдан издиҳом орасида Беҳзод билан Хондамирларни илғади ва, бу ёққа келингизлар, деган маънода уларга ишора берди. Мусаввир ва муаррих ўша томон ошиқдилар.

Беҳзод Навоийнинг дўсти ва мусоҳибларидан бўлган, ҳазрат “ёри азиз” деб ардоқлаган, Султон Абу Саид Мирзо хизматида ҳам, Султон Ҳусайн Мирзо мулозиматида ҳам муносиб марҳамату мартабаларга эга, яхши дўст, яхши инсон, туркийда ҳам, форсийда қалам тебратувчи зуллисонайн шоир, саховатли ҳомий, нуфузли давлат арбоби Шайхим Суҳайлийни жуда эъзозлар, ғазалларида ранг ва кайфият бор, дерди...

Шайхим Суҳайлий одатда ҳамиша бир хил башанг кийинар, пўрим ва олифталиги бошқаларнинг ғашига тегмайдиган, балки ҳавасини оширадиган, одоби мактовдан юқори, чап печи елкасига тушадиган оқ салласи қуйиб қўйгандай ўзига ярашарди; кўнгли тоза, таъби нозик, текис қирқилган қора соқоли оқ юзида ҳошиядай ажралиб турар, чанг-тупроқли кўчадан ўтса ҳам ялтираган қора этигининг учи кир бўлганини биров кўрмаган... У онадан шундоқ ораста равишда туғилган, дейишарди одамлар ҳазил аралаш. Салтанат гиламининг бир четида муқим ўрни бор, зинҳор номулойим амрга учрамаган, ношойиста айб касрига қолмаган, этагини фоний дунё ишлари билан камроқ булғаган... етукликлардан баҳраманд...

Давлатда андоқки обрў-эътибори юксалди, назми ҳам баланд авж олди. “Лайли ва Мажнун” достонини иншо қилди. Ҳатто Шайхим Суҳайлийнинг уч ғазалига Навоий татаббу боғлади, буни кўпчилик эл биларди. Бу катта шараф эди. Навоий муҳрдорликдан истеъфога чиққанда айнан мана шу дўстининг инсофли чин инсон эканини назарда тутиб, муҳрдорликка тавсия этганди.

Навоий олти ойдан бери сафарда эди, уни ҳамма соғинганди: кутубхонада, шоирлар тез-тез йиғилишиб турадиган Абдухалил саҳхоф дўконида, подшо саройида ва яна бошқа ерларда кечажак мушоиралар, илм аҳли ила мулоқотлар, гурунглари бари Навоийсиз гўё шамсиз хонада юз бераётгандай нурсиз кечарди. Мадраса толиби илмлари, зиё аҳли, бозор кишилари, подшо Абулқосим Бобур ҳавас билан қурдирган икки ошёнали Тарабхона, Инжил ариғи бўйлари, етти тоқили маузма жомеъ... шаҳар дарвозалари, чорхари уйлар... чалдиворлар, тупроқли кўчалар... Бари-бари ўз шоирини кўргиси келарди.

Майдонни тўлдирган халқ тўлқини денгиздай чайқаларди. Ясовулбоши бошчилигида навкарлар одамларни сур-сур қилишга тушдилар. Айрим одамлар томошадан қуруқ қоладигандай четга чиқишни истамас, қийинчилик билан ортга суриларди. Беҳзод кўрди, улуғ шоирни соғинган халқ, иложи топилса бориб қўлини ушлашга, чопони пешини кўзига суртишга, пойини ўпишга, ўз эҳтиромини билдиришга, жилакурса яқинроқдан унга бир назар ташлаб қўйишга, таҳсин сўзини айтишга интиларди. Майдон очила бошлади.

Шоҳ билан шоир юзма-юз пешвоз кучоқ очиб бир-бирига қараб юрдилар. Орада юз қадамлардан зиёд масофа бор эди. Султон Ҳусайн Мирзо ўз одатича оҳиста қадам ташлар экан, хаёлидан олис болалик, сабоқ йиллари бир-бир кечди...



Темурийзода Хусайн билан Алишер Хиротдаги Шайх Савсаний мактабида бирга ўқишар, машҳур устоздан сабоқ олишарди. Доим мактабнинг шинам боғида сайр қилишни ёқтиришар, мактаб ёнидаги гулшанда кезишар, узоқ келажак йилларига назар ташлашни хуш кўришар, дориламон замонларни, обод мамлакатни, – бир мамлакатки Нўширвони Одиллар ҳам ҳавас қилсин, – бунёд этишни орзу қилишар, шеърлар тўқишарди. Ҳали умр бепоеъ, дунё абадийдай туюладиган беғам, уч-қуйруғи йўқ, бепарво йиллар... Дарвоқе, Алишер билан Бадъеулжамол орасидаги ишқ достони ҳам шу ерда юз берганди...

Икки ўғлон толиби илмлар орасида Устоз кўнглини яшнатадиган, чакнаб, кўзга кўриниб турган энг илғор шогирдлардан саналишарди.

Кунлардан бир кун, сабоқлар охирлаган, шогирдлар ҳам уй-уйларига тарқалишарди, мулоим феълли, доим жилмайиб турадиган устоз Шайх Савсаний икки дўстни ўз ҳузурига таклиф этди.

– Зеҳнларингизни синамак истагимдур, – деди устоз ҳали ёшлик ўти балқиб турган кўзларини уларга тикиб. – Бас, бу ёққа қарангиз: тахтада икки нарсани чизиб қўйибмен, иккингиз ҳам ақл билан шарҳлангизлар, бир-бирингиздан яширин уларга атаб шеър битингизлар!

Тахтада ёнма-ён бош ва қилич сурати кўзга ташланди. Шогирдлар дарҳол ишга киришдилар. Шайх Савсаний уларни зимдан кузатарди.

Орадан кўп фурсат ўтмай, бир байтдан шеър тайёр бўлди. Ҳар икки ўқувчи ўз ижод намунасини устоз қўлига тутқазди.

Хусайн шеърида, қилич бош узра яраклаб турсин, аммо ҳеч қачон бошга тушмасин, деган эзгу фикр яширинганди. Алишер байтида, бош азиз ва муқаррамдир, унга фақат олтин тож ярашадур, деган маъно жо этилганди.

Устоз Хусайн шеърини ўқиб деди:

– Тасанно! Сиз қиличга шеър битибдурсиз, яъни куч-қудратни шарафлабсиз, бу тийнатингизни ёрқин намоён айлаб турибдур. Зеро, Темурийзодасиз, соҳиби жасорат, Амир Темур киби давлат тузмаклари, юртларни забт этмаклари лозим, қилични маҳкам тутсунлар, бундан ўзга йўл кўзга чалинмайдур!

Алишерга навбат келганда Устоз чеҳраси яна ҳам ёришиб кетди: – Сиз бошни, яъни ақлни мадҳ этибдурсиз... Аҳсан, аҳсан!.. Шоёни диққат ҳодиса!.. Каломларингизда хориқулудда илоҳий учкунлар кўрмакдамен, Оллоҳ буюрса, улар аланга олиб бутун дунёни нурафшон этгай!

Хусайн билан Алишернинг кўзлари чарақлаб ёнарди.

Устоз ҳар иккисининг манглайидан суяб ўпди-да, елкаларига уриб-уриб қўйди ва икки ёнига ўтказиб деди:

– Сизларга айтадурғон яна бир орзуим бордур...

– Қулоғимиз сизда, айтсунлар, Устоз! – қўл қовуштиришди шогирдлар.

– Оллоҳнинг берган умри узун, иншооллоҳ, умидвормиз, шарафларга чулғанмоғига асло шубҳамиз йўқдур. Ҳаёт йўлларида шахдам қадам ташлаб кетмакка инсоннинг бир ўзи ёлғизлик қилур, азиятларда қолур. Ёнида дўсти бўлмоғи лозим...

Кейин иккисини ҳам таажжубга солган ҳодиса юз берди. Шайх Савсаний гапиришдан тўхтаб, дастурхондан бир бодом олди-да, шогирдларга намоёиш қилди ва... уларнинг кўз ўнгида уни оҳиста чакди. Ичидан бир-бирига ёпишган, бир вужудга айланган иккита тўқ мағиз чикди...

Хусайн билан Алишер ҳайрон қараб турардилар.

– Буни ялакат мағиз, дейдилар, – давом этди Устоз. – Қўш мағиз, бошқача айтсак, эғизак мағиздур. Улар ҳеч қачон бир-биридан ажралмайдулар. Худо кўрсатмасун,

дунё остин-устун бўлиб, бодом чақилгандагина чорасиз улар ажралиб кетишлари мумкин. Сизларнинг дўстлигингизни дунёда ҳеч нарса, ҳеч нарса буза олмасун! Ҳеч нарса бир-бирингиздан айира олмасун! Дўстлигингиздан олам ҳайратда қолсун! Чунки сизларда шунга чинакам интилиш бордур. Алишер ва Ҳусайн – ялакат мағиз, бир-бирингиз учун бўлинг азиздан азиз! Бундай дўстлик учун онт ичмак, қасамёд қилмак вожиб саналур!

Бағоят таъсирланган шогирдлар ўринларидан туриб, Устозга чиройли таъзим бажо айладилар ва унинг қўлларига лаб босдилар. Уларнинг асли дўстлик ҳақида яширин қарорлари бор эди, ажабо, Шайх Савсаний тилаги ана ўша аҳду паймон билан бир бўлиб чиқди!

– Умрбод танда жон, кўзда нур бор экан, кўнгилда эса Оллоҳ номи ёд, – биз ялакат мағиздай доим бирга юргаймиз, дўстлигимизни ҳеч қачон ўқситиб қўймағаймиз, ажралмағаймиз, деб қасам ичгаймиз, азиз Устоз! – дедилар Алишер билан Ҳусайн.

Устоз мамнун қўлларини дуога кўтарди:

– Баракалло! Ё Ҳақ Худо, шогирдларим иқболини бер! Ёркин камолини бер! Илоҳи, умрларини пурмазмун қил, андозага сиғмас ёруғ қисмат ато эт!..

Султон Ҳусайн Мирзо билан Алишер бир-бирларига узоқ тикилиб қолдилар...

Султон Ҳусайн Мирзо олти ойдан бери кўрмаган дўстини қаттиқ соғинганини хис этди. Олам бўм-бўш эди, Ҳиротда ҳам ҳеч ким йўқдай... Хайриятки, ёнида “Ҳамса” шерик бўлиб, йўқлигини билдирмай турди. У кўзларида қалқиган ёшни тушиб кетишга қўймай қадамини хиёл тезлатди:

– Менинг суянчим! Дўстим!.. – ҳаприкди Шоҳ Ғозий.

– Улуғ дўстим! Менинг суянчим!.. – жавоб қайтарди қалби жўшган Навоий. – Каминани хижолатга қўйиб, боғ эшигига чиқибдурлар... Ўзим жанобларини саройда, тахт пойида зиёрат этардим-ку...

Ҳамма бир-бирларини бағирларидан қўйиб юбормаётган дўстларга тикилиб турардилар. Сурон кўтарилди, кейин аста тинчиди. Одамлар сафи ҳам торайиб ўраб келди, чунки ҳамма икки улуғ сиймо сўзларини эшитишга мунтазир эди.

– О, Алишер!.. – хитоб этди Султон Ҳусайн Мирзо. – “Ҳамса”ни яратиб, ҳайратларга чулғадилар каминани! Олам мўъжизаларидан биридур бу! Тўғри сўзни айтсанг, шунинг ўзи мактовдир, дейди донишмандлар. Тўғри сўзни айтурмен. Офарин! Ахир улус иши алғов-далғовлардан иборатдур, ғазал битиш, дoston ёзишга ҳиммату ҳол қайда? Золим зулми, тааддиси, мазлумнинг дод-фарёди, раоёнинг ғулу ғалаёни, фарзандларнинг игво-исёни... қўл-оёғингизни боғлаб ташлайдур. Хайҳот, илҳомнинг бунчалар нағмапардоз эркони кўрмағондим! Илоҳий илҳом бу, илоҳий илҳом! – тўлқинланиб давом этди Султон Ҳусайн Мирзо. – Ғазал мулкининг Соҳибқиронисиз, дўстим!! Она тилимизни меҳру хавас-ла, шундоғ ардоқладингизки, бамисли ўлғон тилга Масих нафасидай жон, руҳ ато этдингиз! “Ҳайрат ул-аброр”да таҳ-батаҳ яшнаган гулларга боқиб, тафаккур чаманини сайр этиб, сабъаи сайёرنинг дилкаш суҳбатларига мафтунлигим ортди. Етти сайёхнинг ғаройиб афсоналаридин баҳралар олдим. Фарҳод-Ширин, Лайли-Мажнунлар ишқининг нечоғлиқ поклигидан яко тутдум! Сарбаланд девор тиклаб, зулм йўлини тўсган Буюк жаҳонгир Искандар Зулқарнайнга тасаннолар айтдим!.. Тасаннолар!.. Бу назмни васф этмакка каломлар ожизлик қилур, таърифида қаламлар синур!..

Султон Ҳусайн Мирзо Навоий ҳақидаги бу сўзларни ўзларининг хос суҳбатларида айтса ўринли эди (шоир сал хижолат тортди), лекин подшо ўзини тўхтата олмади, қолаверса, ортиқча камтарлик нечун, улуғ шоир мадҳу мактовини жумла халқ эшитсин, фахрлансин, қувонсин, руҳлансин, деб ўйлади шекилли.

Оломон ичидан: “Салламно!”, “Қойил!” деган овозлар янгради. Хондамир ўзига яқин жойда икки одам пичирлашганини эшитиб қолди:

– Агар мен ҳам Навоийдай бой-бадавлат бўлганимда борми, бештамас, нақ ўнтаёқ дoston ёзиб ташлардим, подшо мактовини олардим!.. – деди ички бир алам билан улардан бири.

– Ўзиям шоири замонга мадраса-ю мулкларидан бир кунда етмиш беш минг динор оқиб келармиш, кеча эшитиб қолдим, шундан ўн беш минги харажатларга кетармиш, холос... – жавоб қилди иккинчиси. – Қолгани-чи?..

– Авом халқ деб шуни айтадилар!.. – деб қўйди ичида Хондамир энсаси қотиб. – Кимнинг дарди нимада...

– ...Ҳали-ҳамон “Хамса”нинг ёрқин таассуротлари оғушидамен... – сўзларини тугатолмасди подшо. – Ажабо, мана шу улкан беш қояли сарбаланд тоғ бўй кўргизгач, жаҳон назм бўстонида туркий адабиётнинг бўй-басти ўзини мағрур намоён айлади. Боқиб кўзим тўймайдур. Э... бу ёқда улуғ адабиёт бор экан-ку, дейишди нописандлар ҳам. Бир ёзилиб қолгон экан-да “Хамса”! Оллоҳ бир илҳом бергон экан-да!

– Оллоҳнинг мадади-ю Ўзларининг қўллаб-қувватловлари билан юз берди-ку бари, Султони соҳибқирон! Доим ҳол сўраб, далда бериб турдилар... – таъзим қилди Навоий ўзини ўнғайсиз сезиб. – Мабодо “Хамса” борасида яхши сўзлар айтилса, барчаси сизнинг насибангиз, саҳву хатолар ҳақида гап кетса, улар, шубҳасиз, каминага тегишлидур.

– Йўк, йўк, ундоқ демасунлар!.. Ҳофиз Куръони каримни ўқиб, тили қандай ҳайратдан боғланса, мен “Хамса”ни мутолаа этиб шундай қўйга тушдим, Амир Алишер! Парвардигор илҳомини тўкиб солибдур. Ҳай-ҳай!.. Илҳомни зинҳор исроф этмай барини ўз қалблариға сингдирғонларига офарин!

– Дақиқалар, соатлар азиз, соатлар эмас, балки ишқ ва қалам йўлида тоатлар азиз бўлди... Бор-йўғи, бир банда сифатида, миллатнинг ўғли мақомида ҳолиқудрат ўз бурчимни бажардим ва мазкур “ушоқ иш”ни адо этдим, холос...

– “Ушоқ иш” эмиш-а-а! Ҳа, улуғларнинг ушоқ иши ҳам тоғларга тенг бўлур! Оҳ, кошкийди, сиздек инсонлар кўпайса, дўстим!.. – ҳаяжонини яширмади ҳокони мансур. – Бир нарсадан ҳайратдамен... Шунча эл ташвишлари ичида туриб қандай қилиб “Хамса”ни битира олдилар экан-а?..

Навоий хотиржам қисқагина жавоб берди:

– Икки йилда “Хамса”га нуқта қўйилди. Фақат ёзилган пайтларининг ўзигина ҳисобга олинса, олти ойдан ошмайдур...

Подшоҳ ростдан ҳам ёқа тутди.

Шу палла Султон Ҳусайн Мирзо Шайхим Суҳайлийга қаради. Шайхим Суҳайлий ишорани тушунди ва бир қадам олдинга чиқди:

– Муҳтарам аҳли Ҳирот! – мурожаат қилди муҳрдор йиғилганларга. – Бугун муқарраби ҳазрати султон, яъни султоннинг яқин кишиси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари олти ойлик ҳижрондин сўнг Ҳирот тупроғига қадам қўйиб, уни кўзга тўтиё этдилар. “Хамса” яратиб, турк тили обрўйини фалакларга етказдилар...

Эл аро олқиш сўзлари янгради. Аммо Шайхим Суҳайлий ҳали сўзини тугатмаганди.

– ...Подшоҳи олам фармон этдиларки, “Хамса”нинг битилғони, миллатнинг шукуҳи, салтанат обрўйи, ҳазратнинг она юртга қайтғонлари шарафига халқимизнинг одатини эъозлаб, юртга ош берсунлар, эл олдиға катта дастурхон ёзсунлар, деб!..

Одамлар орасида: “Савоб!”, “Савоб!”, “Илоҳи, омадларини берсун!” қабилида сурон кўтарилди.

Амир Бобоали ғазалнинг ашаддий мухлиси эди, уларни ўқишдан ҳам кўра кўпроқ мушоираларни ёқтирарди, битта ҳам қолдирмай барчасида иштирок этар, ғазални шоирнинг ўз оғзидан эшитмоқ керак, гулнинг бўйи ўзида кадрли, дерди доимо. Шу боис деди:

– Қандай бахтли инсонлармизки, икки улуғ шоир дийдорлашувини кўриб турибдурбиз. Доим ҳам насиб этавермайди бундай омадли кун. Кошкийди, замонанинг икки улуғ шоири мушоира бошлаб берсалар... Бутун эл-халқ ҳам баҳра олса! Беҳзод, не дедингиз?

– Мушоира, мушоира! – Бобоалини қўллаб-қувватлади Беҳзод.

Одамлар ҳам кутиб туришган эканми: “Офарин!” “Мушоира!” “Мушоира!” “Эшитайлик!” деб кичкириша бошлади.

Навоий ҳокони мансурга қаради:

– Подшоҳим... Шеър парвоз қилиб турғон ерда кўнгилларга ҳамиша фароғату маърифат нури ёғилур!..

– Айни муддао! Соғиниб ҳам қолдик, ҳа... – деди ҳокони мансур. – Билурсиз, энг яхши кўрғон машғулотларимдин бири – мушоира! Шеър ўқисам яйраб кетамен, эшитсам ундан ҳам ортиқ қувонамен! Ростдан ҳам, ғазал ҳавоси гуркираб турибдур. Қани, ўзлари бошласунлар!

– Йўқ, ўзлари...

– Ўзлари...

Шоҳ ва шоир бир-бирларига қараб: “Сиз...” “Сиз!” дея хийла вақт мулозамат шартини адо этдилар. Ниҳоят мушоира бошланди.

*Шоир: Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳамки, ҳуснунгни тамошо айласа!*

*Шоҳ: Эй кўнгул, бўлсанг вафосиз дилраболардин халос,  
Шукр қил, бўлгон киши янглиг балолардин халос.*

*Шоир: Эй сабо, ҳолим бориб сарви гуландомимга айт,  
Йиғларимнинг шиддатин ул шўҳи хандонимга айт...*

*Шоҳ: Айлади лаъли табассум, гунчаи хандон эмас,  
Догини кўнглим қонатти, лолаи нўъмон эмас.*

*Шоир: Қаро кўзум, кел эмди мардумлуғ фан қилгил,  
Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил...*

*Шоҳ: Бир мусофир ой хаёли қилди кўнглимни хароб,  
Қолмади жонимда онсиз, ваҳки не тоқат, не тоб...*

Издихомдаги одамлар шеър ҳаяжони, сўз сеҳрига берилиб ажиб туйғуларга чулганар, ҳар байт жаранлаганда турли ёқдан “Салламно!” “Офарин!” сўзлари янграрди. Навоий фавкулудда ризолик ва шукроналик билан мамнун атрофларга қаради.

Шу палла Шайхим Суҳайлий эълон қилди:

– Ҳамма ёппасига ошга-а-а! Жаҳоноро боғида ёзилган дастурхонлар сизларга мунтазирдур!

Халқ тўлқини боққа қараб оқди.



## Бўрилар шахри

Ҳар кимнинг ўз севган шахри бор. Кимгадир Самарқанд ёқади, кимгадир Шероз, кимгадир эса – Бағдод, Шом... Румни мақбул кўрганлар кўплаб топилади. Шахзода Бадиуззамон Мирзо бу борада асло иккиланган эмас. Унинг дунёда энг ардоқлаган шахри битта, бу – Астробод! Бу кўҳна шаҳарнинг Гурган, Журжон, Ҳиркания деган номлари ҳам бор. Эски китоблардан ўқиб, “ҳиркана” сўзининг кўҳна паҳлавий тилида “бўрилар ери” деган маъно ташишини ҳам билиб олди. Ҳа, Астробод – Бўрилар ери! Ҳамма замонларда ҳам бу шаҳар подшолар кўзини ўйнатиб келган.

Қадимда форс подшоси Буюк Кир забт этиб ўз салтанати қабзасига киритганди, Буюк Искандар худди шу ерда жанг қилганда оғир ярадор бўлганди... Тупроғи серҳосил, Албурз тоғи яқин, шундоққина Хазар денгизи бўйида, иқлими илик, бироқ намхушликка тортади. Тоғлари худди кўл билан супуриб-сидириб қўйилгандек ороستا, қалин ям-яшил ўрмонлар билан қопланиб ётади, кўпчилиги игнабаргли дарахтлар. Гўзал манзаралар кўз олдингизда ақлингизни олмоққа шошилади. Шахзода бу ерларда кезишни, хаёлларга берилишни яхши кўради.

Рўзи азалда ёзилган экан, Бадиуззамон Мирзо мана шу бўрилар ерида туғилди. Туғилишини ҳам ўзича хосиятли санайди, буни бировга айтгани йўқ, сир сақлайди.

Падари бузруквори салтанат даъвоси билан майдонларга от солганда (барини отаси сўзлаб берган) Хуросону Хоразмда, Мозандаронда, биёбонларда “қозоқ”лик паллаларида нимагадир сира омади юришмади, сарсон-саргардонликнинг эса охири кўринмасди. Ҳеч қаердан нажот кўринмасди.

Ажабо, Астрободни кўлга киритиб, ўзининг пойтахти деб эълон қилгандан кейингина, йигирма ёшли Султон Ҳусайн Мирзога толе қопқалари очилиб бораётгандай туюлди, қудратига қудрат қўшила бошлади. Душманлари билан аёвсиз савашлар курди, урди-сурди, чопди, тоғлардан ошди, дарёларни кечди, майдонларни, чўлу маликларни ғолиб жангчиларнинг сурони-ю учқур отининг туёғидан кўтарилган чанглар билан тўлдирди, охири Ҳиротда Хуросон салтанати туғини баланд кўтарди.

Ҳа, Астрободнинг забт этилиши кўп шарофатли чикди – Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳамма зафарларини бошлаб берди! Астробод салтанат тахтига чиқишда мустаҳкам пиллапоя вазифасини бажарди.

Султон Ҳусайн Мирзо, тақдир экан, ўз томирларини машҳур салжуқий подшо Султон Санжари Мозийга бориб улайдиган асли марвлик Султон Санжар билан яқинлашди. Бу Шерозда юрганларида юз берганди. Муносабатлар Марвда, Астрободда давом этди. Булар кейин. Шерозга келган подшоҳ Абулқосим Бобур Ҳиротга қайтиш олдидан Шероз бошқарувини шахзода Султон Санжарга топширди. Худди шу паллалар Абулқосим Бобурнинг оқ фотиҳаси билан Ҳусайн Султон Санжар кизи Бека Султонбегимга унаштирилди. Дабдабали тўй ҳам бўлиб ўтди.

Бирдан Абулқосим Бобур қаттиқ ташвишга тушиб қолди – Ҳиротда ўз акаси Алоуддавланинг қўзғолон кўтариши хавфидан (тахт қўлдан кетиши мумкин!) воқиф бўлди-ю шитобан пойтахтга отланди. Вазиятнинг мўртлигини англаган Ҳусайн Мирзо ва Алишер оилалари ҳам зудлик билан Шероздан Ҳиротга қайтдилар.

Куёвни пайғамбарлар сийлаган, деганларидай, Ҳусайн қайнотасидан кўп яхшиликлар кўрди, унинг мададларига суянди. Айни шу ерда, Астрободда йигирма ёшга тўлганда Оллоҳ таоло унга биринчи фарзандини ато этди: оилада шахзода ва

маликани қувонтириб ўғил дунёга келди! Бу ҳам бир омад, бахт.

Хусайн билан Бека Султонбегим ўғилларига Бадиуззамон Мирзо, яъни, замоннинг нодири, беназир кишиси, деб от қўйдилар. Аслида, бу отни ҳам дўсти, подшо фарзандларига ўзининг фарзандидай қарайдиган шоири замон Навоий қўйиб берди, аниқроғи, Машҳаддан айттириб юборди, кейинчалик уни “Замон аҳлининг бадии, яъни Султон Бадиуззамон Баҳодур” деб таърифлади.

Бу ерда бирон-бир сеҳр борми, ё кимки Астрободни олса, забт этса иши юришади, деган дуо кетганми, ишқилиб, ҳамма сир-синоат шу бўрилар ерига келиб боғланарди, Темурийлардан ҳар бири ўзининг салтанат бобидаги илк қадамларини шу шаҳардан бошлашга ҳаракат қилиши пинҳона қандайдир таомилга айланиб қолганди. Ўша-ўша, Астробод жозибали, ёвларни ҳайрон қолдирган дор ул-фатҳ, ҳамиша музаффар туғ балқиган шаҳар мақомига эга.

Бадиуззамон Мирзо ана шу бўрилар ерида туғилган, ундаги шижоат, шиддат, жасорат, ёвқурлик шу тупроқ нишонаси! Ўзини ҳам бўрига менгзайди. Лекин... кунлардан бир кун шу ерда безгак касалини орттириб олди. Ҳавоси намчил эканидандур, балки. Бирдан тутса, иситмаси ошиб, ўзини қўйгани жой тополмай қолади, гоҳ қаттиқ совқотади, ҳеч исимаиди, иссиғи кўтарилса жойида ётолмайди, кўзига ҳар хил, ақл бовар қилмас, йўқ нарсалар кўринади, қайлардадир нотаниш ерларда юрадим-ей... Кейин, ўтиб кетади. Нега шундайлиги сабабини қидиргани ҳам йўқ, аммо ҳар баҳорда эмчига бориб туради.

Шаҳзода Астробод билан фахрланганини яширмайди. Астрободга алоҳида меҳри бор. Астробод ахир умрининг бир узви, ҳаётининг бир парчаси!..

Подшонинг ҳам, эҳтимол шундан, тўнғич ўғлига меҳри бошқача эди:

– Суянчигим, ўғлим! Сиз шу ерда туғилдингиз, ўзим ҳам давлатни шу ерда қўлга киритдим. Давлатим туфайли сиз дунёга келдингизму ё сиз туфайли давлат куши елкамга қўндиму? – деди бир куни мамнун Султон Хусайн Мирзо ўғлини бағрига босиб, елкаларига уриб-уриб қўяр экан.

– Марҳаматли султоним! Менимча, бахтингизнинг очилишига ҳар иккиси – Астробод ҳам, ўғлингиз ҳам сабабчидур... – мамнун дерди малика Бека Султонбегим.

Бу сўзларни эшитганда, Бадиуззамон хурсандликдан ҳар гал ўзини қайга қўйишни билмай қоларди. Беш ёшдали вақтида отаси уни эркалаб, гоҳ кўтариб, гоҳ ерларга юмалатиб ўйнатгани эсида. Ота қочарди, ўғил қийкириб қувиб етар ва отасидан “ўзиб” ҳам кетарди. “Зўр экансиз!.. – қувониб дерди подшо. – Сиз салтанатим валиаҳди эрурсиз!”

Ўн бир ёшдалигида бир кун отаси билан Астробод шимолидаги овбоп ерга шикорга чиқдилар. Султон Хусайн Мирзо учар қушни урадиган зўр мерган эди. Қулоғини туёғи билан қашиб турган дунёдан беҳабар кийикни узокдан мўлжалга олди ва... илон сиёқли ўқ шувиллаб бориб, кулоқ ва туёқни битта қилиб тикиб қўйди! Мерганликни Баҳромғўрдан ҳам ўтказиб юборди ўшанда!.. “Отам зўр!” деб кўкрак кериб юрганлари ёдида...

Лекин энди Бадиуззамон Мирзо фикрича, ўша ота бугун ўғлига... душман!

Навоий подшо фарзандлари ичида шаҳзода Бадиуззамон Мирзога айрича эътибор берарди. Отасидан ўтган шоирлик фазилати туфайлидир балки Навоийнинг назарида, шаҳзода хусни суратдай кўркли, хусндор, сийрати ҳам, сурати ҳам ораста, ёрқин жамолини ботиний камоли беаган йигитдур. Ўтириш-туришда боодоб, базмда ичмак ва тановулда таъби жуда нозик, худди назм услубига мойил майин ва мулойим...

Бадиуззамон Мирзо ўн беш ёшга қадам қўйганда падари бузруквори уни уйлаш ташвишини чека бошлади ва бу фикрини ўғлига билдирди. Ўзини сипо тутган, ич-

ичидан эса қувонган шахзода бошини ердан қўтара олмади.

Орага бошқа гап сиғмади.

Подшо Султон Ҳусайн Мирзо салтанатда ҳамма ишни чақиндай тез амалга оширишни хуш кўрарди. Кўп ўтмай Султон Абусаид Мирзонинг Хоним бегим деган ўн уч яшар сулув кизини келин қилиб келтириш югур-югурлари бошланиб кетди. Тўйдан ҳам кўра, унинг “бўлди-бўлди”си қизиқ. Бир сирни очсак, гўзал чехрали, қадди-қомати бежирим, кўғирчоқдай суюмли Хоним бегимни Бадиуззамон Мирзо кўпдан пинҳона кўз тагига олиб юрарди. Отаси жанглarda қазога учрагандан кейин етим қолган қиз бирдан чўкиб кетгандай туюлганди шахзода назарида...

Хоқони мансур тўнғич ўғлининг тўйини ҳақиқий шахзодага муносиб тарзда ўтказишга фармон берди. Тезликда Ҳиротдаги Боғи Зоғонда келин-куёвлар учун жуда баланд, ҳашаматли, жаннат боғларининг рашкини қўзғайдиган чортоқ (кўшк) қуришга киришдилар. Бу боғдаги биринчи чортоқ эди. Ўша-ўша, бу боғда ҳар бир шахзодага шоҳона чортоқ бунёд этила бошланди. Боғи Зоғон бора-бора шахзодалар боғига айланиб қолди.

Тўй, шодлик ва сурур айёми бир ойга чўзилди. Созандалар чарчаш нималигини билмадилар, Устод Қулмуҳаммад ҳам танбурини бир неча марта ғилофига жойлаб, талабларга биноан яна қайтадан қўлига олди. Мусиқа овозлари борлиқни тўлдирди, мумтоз қўшиқлар янгради. “Кошки” қўшиғи неча марта ижро этилди экан, биров ҳисоблагани йўқ.

Шаҳардан ташқаридаги катта майдонда эса кўпқари ўйинлари, хўроз уриштиришлар, кўчқор жанглари давом этди. Ичкаридаги кураш майдонида ҳам жанглр тинмади... Тўйнинг доврўғи эл-юртга ёйилди.

Бир шоир кейин тўйни шундай таърифлаб, чиройли муболага қилди:

Боғладилар гўзал ойни сулув юлдузга...

### Кутилмаган фармон

...Ҳаммаси яхши эди-ю фақат бир нарса шахзода Бадиуззамон Мирзо кўнглини ҳира этиб турарди. Ўн йил ўтмоқдаки, оилада ҳалигача фарзанддан дарак йўқ!.. Ўн йил! Айрим укалар ўғилларига суннат тўйларини ҳам ўтказиб улгуришди. Айниқса, кичик, она бошқа укалари фарзанд кўришиб, давраларда мақтанганлари Бадиуззамон Мирзонинг жон-жонидан ўтиб кетарди. Лекин ҳаммасини ичида сақларди...

– Тагин ўғил туғилибди... – дейди укалардан бири гердайиб. – Жудаям истамагандим...

– Бизники бу гал ҳалво бўлибдур... – норозироқ оҳангда дейди иккинчиси даврадагиларга, катта оғаларига тегиб кетишини ҳам ўйламай (эҳтимол атай айтишар?) Бундай гаплардан кейин шахзоданинг безгаги кўзиб, оромини йўқотарди. Шу сабабдан, тўй-томошалардан ҳам ўзини тортадиган одат чиқарди, кўпроқ ҳазрат Навоий билан мулоқотга киришишга тиришарди. Уларнинг вақтлари мазмунли суҳбатларда кечарди.

Мамлакатда вазият жуда нозиклашди, шарқда, айниқса шимоли-ғарбий сарҳадларда танглик юз берди. Замон нотинч, беқарор тебраниб турар, у ёқдан бўлмаса, бу ёқдан исён кўпиб, уруш чиқиб, аланга олиш эҳтимоли юрт бошига ташвиш сола бошлади.

Ўша саҳар, Худонинг ёрлақаган куни, бомдод намозидан сўнг, бинафшазорни айланган Навоий тетик руҳда, хориқулудда бир таважжухда хон атрофига чўкиб, ниҳоят кўпдан ёзишни ўйлаб юрган “Тарихи анбиё ва ҳукамо” рисоласига қўл

урди... Бир ой аввал бошламоқчи эди, бироқ негадир ўшанда қалам юрмади, ишни кейинга қолдирди.

Худонинг айтган куни шу бугун экан, шекилли, шоир:

“Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм!” деди-да, қаламни давогга ботириб ёза бошлади:

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Одам салавотуллоҳи алайҳ хилқати... Одамнинг кунияти Булбашардур ва лақаби Сафиюллоҳдур. Чун иродатуллоҳ анинг хилқатиға муктазий бўлди, Жаброил алайҳиссаломга амр бўлдики, бир миқдор туфроқ анинг тийнати тахаммури учун ул ердинки, ҳоло Макканинг ўрнидадур, келтурсун... Жаброил алайҳиссалом бу амрға иштиғол кўргузди, Ер ҳол тили бида анга онт бердики, туфроғни мендин олмаким, бўлмағайким, бу махлуқдин ношойист амр вужудқа келгайким, ул сабабдин мен Ҳақ таолонинг мужиби сахту хитоби бўлғаймен... Жаброил алайҳиссалом қайтиб, анинг сўзин арз қилди эрса, Микоилга ҳукм бўлди. Ул дағи Ердин ҳам андоқ онт эшитиб қайтди, эрса, Исрофилга ҳукм бўлди. Ул ҳам ул икенинг узри бида қайтқондин сўнгра Азроилга буйруқ бўлдики, Ердин туфроқ кетургай. Ер Азроилга онт берғондин сўнгра Азроил айттиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг амри сенинг онтингдин юқорироқдур. Бир овуч туфроқ Ер юзидин олиб, Ҳақ таолонинг амри бида биҳиштға келтуруб, Ҳазрати Муҳаммад саллалоҳи алайҳи васалламнинг тийнатин тасним суйи бида юғуриб, барча малоикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офаринишидин мунунг хилқатидурким, охир уз-замон пайғамбари бўлғусидур...”

Илоҳий сўзлар эркинликка чиққанидан хурсанд саҳифа бўйлаб югурарди!

Чошгоҳ палласи Шайх Баҳлул эшиқдан аста мўралади ва пичирлаб подшо мулозими келганини билдирди:

– Абулғозий Султон Баҳодирхон Султон Ҳусайн Мирзо жаноби олийлари Сиз Ҳазратни Боғи Жаҳонорога чорламакда эканлар!

– Субҳонолло!... – деб юборди Навоий. – Тинч қилсун, илоҳи!

– ...Подшо олам, Ҳазрат зудлик бирлан етиб келсунлар, деб ўтиндилар. Дарвоза олдида эгарланган от тайёр турибди... – қўшиб қўйди кейин подшо мулозими қўл қовуштирганча.

– Фармонлари кўзимиз устига!... – деди Навоий ва қаламни оҳиста саҳифа устига қўйди.

Отга минаркан, ичида, “Яхшилиқка йўйсун, илоҳи!” дея пичирлади.

– Ҳуш келибсиз, Амир Алишер!

– Ташаққуримни қабул айласунлар! Ҳамиша Оллоҳ омадларга ёр айласун, Султони соҳибқирон! – таъзим қилди Навоий.

Подшонинг кайфияти яхши эмаслиги аён кўринди. “Не кор-ҳол рўй берди экан, Султон бироз ранжигондек кўринадурлар?” хаёлида ташвишланди шоир.

– Кошки эди, имконим бўлса, Амир Алишер, Соҳибқирон лақабимга яраша, ўзлари доим мени шундай деб атайдурлар, бошқа мамлакат ва кишварларга босқин уюштириб, сарҳадларимни кенгайтурсам, юртлар олсам, хазинамни тўлдирсам, доврўқлар таратсам!.. Шундай кунлар қачон келаркин? Келармикин ўзи?..

– Зинҳор умидсизланмасунлар! – деди Навоий. – Аммо... босқин уюштирамак керакмикан, подшойим? Агар у ер халқининг ўзи адолат ўрнатишни истаб мадад сўраб мурожаат этса, албатта, бормаслик гуноҳи азимдур... Соҳибқирон Амир Темур айтғонларидай, адолатли подшоҳ золимларнинг қўлини қисқа қилмак учун ундоғ мамлакатга от солмағи шарт! Инчунин меросхўрлар, ришвахўрлар ва чўталчиларнинг узун қўлларини бешубҳа қисқа айламак лозим... Бу ҳар қандай одил ҳукмдор вазифасидур!



Султон Хусайн Мирзо ўйланиб қолди.

– Гапларингиз мақбулдур, Амир Алишер... – шоирга тикилди подшоҳ. – Хўш... Кеча Астрободдан хабар етди: аҳвол аввал қандай бўлса шундай... нотинчлик у шаҳарга теккан касалдур, Астрободда осойишталик йўқ. Шаҳар ҳокими Амир Мўғул ҳукумат ишларида нуксонларга йўл қўймакда экан... Нохуш нуксонлар...

“Асли-ку, бундай нохуш садоларнинг келганига хийлагина бўлганди, лекин нечундир подшо арқонни узун ташлаб қўйдилар...” деди ўзича Навоий. У подшо мақсадини аниқ фаҳмлолмай турарди.

– Астрободни яхши билурбиз... кўрганбиз... – давом этди Хокони мансур. – Астробод... мамлакатнинг энг чеккадаги мустаҳкам кўргони. Шимолий Ирок, Оккунлилар салтанатига қарашли Ардабил мулки, Ширвоншоҳлар ва бошқа хорижий давлатлар билан чегарадош, ҳар қадамда, табиийки, таҳдидлар, чегаравий келишмовчиликлар юз берадур. Бари осойишталикдан йироқ, бесаранжом юртлар... Атроф диёрларда Султон Узун Ҳасан, Шайх Ҳайдар, Фаррух Ясор, Султон Якуб каби мурасага боравермайдурғон, кўпда гапга қулоқ солмайдурғон қайсар ҳукмдорлар салтанатлар маснадларини банд этгонлар...

Подшо маъноли жилмайиб суҳбатдошига қаради.

Навоий шошилмай ҳодисанинг ўриш-арқоғини топишга уринди. Бундай гаплардан мақсад недур? Подшоҳим нима истайдурлар? Балки... Астрободга муносиб бир ҳоким қўймакчилар шекилли? Яна ҳам аниқроғи, кимни тавсия қилурсиз, деб Навоийдан ёрдам ва маслаҳат сўрамакчилар. Худди шундоқ. Англашиларили. Номзод топиш керак... Бор, номзодлар бор... Дейлик, биринчиси Бадиуззамон Мирзо... Тайёр, вояга етиб турибдур. Тўнғич ўғил, босиқ. Мансабга бағоят муносиб. Иккинчиси, Шайхим Суҳайлий. Орқа-олдини ўйлаб қадам босадурғон тоза, ҳалол инсон, садоқатли, донишмандлиги алоҳида эъзозга сазовор... Йигирма йилдан бери Хокони мансур мулозаматида қоимдур. Икки йил ҳокимликни адо этиб берса кифоя... Учинчиси... Хожа Афзал, таъби ва ахлоқи ҳўб, ўта мутавозеъ йигитдур. Хокони мансур қуллуғида вазорат девонини бошқариб келадур...

Подшо шоир кўнглидаги фикрларни сезгандай деди:

– Астробод эли мушти югуриқроқ, серхархаша эл. У ерда ҳокимлик қиладурғон одам фақат саркардалиқ салоҳиятига эгагина эмас, балки ўткир сиёсатдон, закий, обрў-эътиборли, бағрикенг, узокни кўра оладурғон сиймо бўлмоғи керак. Серхархаша эл, деганим, бу ерда суннийлар ва шиалар гуж ҳолда истикомат этадурлар. Улар бир-бирига беҳос тегиб кетса ҳам учқун сачраб ўт олади, арзимас нарсга жанжал ёки исён чиқиши одатий ҳол. Улар билан муомала тизгинини маҳкам тутадурғон, тинчита оладурғон обрў-эътибори юксак, нуфузи кучли, катта хурматларга сазовор зот зарурдир, Амир Алишер! Сўзларим маъкулми?

Султон Хусайн Мирзо Хуросон давлатининг мавқеини баланд тутиш, зинҳор қўшни давлатлар билан машъум оқибати муқаррар бўлган тўкнашувларга бормаслик, юрт сарҳадларини кенгайтириш, ички низоларга йўл қўймаслик ҳақида узок гапирди, орада Соҳибқирони комкор Амир Темур Кўрагон авлоди эканимизни бир лаҳза ҳам унутмаслик кераклиги устида тўхталиб, бобокалон жасоратларидан ибратли мисоллар айтиб ўтди.

Навоий подшонинг серташвиш чехрасидан кўз узмай, ризо бошини тебратиб ўтирар, ора-орада “Маъкул!” “Маъкул!” деб қўярди. Подшо тўғри гапиряптилар. “Агар Астробод ҳокимлигига камина таклиф этадурғон шахсиятлар маъкул келмаса, яна арзирли бошқа кишиларни топмоғим зарур. Шай турмагим лозим...” – ўйлади у, хаёли яна одамларни саралашга кетди.

Подшо бирдан уч бор қарсак урди. Мулозим кирди:

– Астробод ҳокими ҳақидаги қутлуғ фармон келтирилсун!

– Бош устига! – қўл қовуштирганча мулозим ортга тисарилди ва шу заҳотиёк Самарқанд қоғозига ёзилган найча қилиб ўралган фармонни олиб кирди.

Навоий, не важҳки, таклиф этдилару аммо каминадан ҳеч нимарса сўрмадилар, дея таажжубланди. Доим унинг фикрларини эшитардилар, кенгашлари керак бўларди... Ахир бирор ишга давлатли амирнинг доно фикрисиз, оқил маслаҳатисиз қўл урилмасди-ку.

Бу гал муносабат ўзгачароқ-ми?.. Не ҳол юз берди?..

– Астробод мамлакатнинг энг бой ва муҳим шахри эканини доим ёдда тутмоғимиз лозим. Сарҳадда жойлашганиданми, унинг нуфузи баланд! Қадимий Журжон вилояти маркази-я! – Ҳокони мансурнинг сўзи салмоқли чикди. – Бундоғ шаҳар ҳокимлигига, асосан, мартабали шахзодалар ёки султоннинг синовдан ўтгон, ўта ишончли ва жуда яқин кишилари тайинланмоғи лозим. Маъқулми?.. Ёки... маъқул эмасму?

Кўз олмай қараб турган подшога тикиларкан, Навоий беихтиёр розилик маъносида бош тебратди:

– Маъқул... Маъқул, дедилар, Султони соҳибқирон!

Навоий шундай дер экан, айна пайтда ҳали-ҳануз Астробод ҳокимлигига номзодлар топиш билан банд, ҳаёли бирида тўхтаб, бирида тўхтамасди. Борди-ю айтганлари ўтмаса, Навоий амир Бобоалини таклиф этмокни ўйлаб қўйди. Амир Бобоали қатъиятли йигит, толмас жангчи, кўзи пишган, дунё кўрган...

Султон Ҳусайн Мирзо Астрободнинг яна ўзига хос кўп хушёр тортирадиган жиҳатлари, қийинчиликлари ҳақида огоҳлантирувчи сўзлар айтди ва бирдан мулозимга буюрди:

– Фармон ўқилсун!

Мулозим ўқий бошлади:

“Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Баҳодирхон сўзимиз! Ҳидоят соҳиби, дину давлат арбобларининг сараси, салтанат устунни, султон ҳазратларининг яқин дўсти, муқарраби ҳазрати султон, ҳақиқат ва дин низоми – Низомиддин Мир Алишер Навоий дор ул-фатҳ Астробод ҳокими этиб тайинлансун!..”

Навоийнинг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилиб кетди, тили боғланиб қолди! Субҳонлло! Етти ухлаб тушига кирмаган ҳодиса! Кутилмаган фармон! Амирликни топширгандан кейин гуллайман, деб турган порлоқ ижодий орзулар оғушига ўзини отмоқ умидида юрганди-ку! Энди тагин салтанат юмушларига шўнғимақ керак, эл қор-ҳолидан хабар олмақ лозим, фавқуллодда исёнлар, талончиликларга, урчиб кетган ришвахўрликларга қарши курашиш даркор... Йўқ, Навоий эл-халқ учун вақтини асло аямайди, бироқ, ижод такрор ўксик бўлиб қолишидан қўрқади...

Нима қилмоқ керак? Хуросон мамлакати ҳукмдори амри-вожиб, мисли камондан отилган, аллақачон шувиллаб учиб кетган ўк... Қачон отилган ўқнинг ортга қайтганини биров кўрибди?.. Ахир подшо амридан кимса бўйин тўлғай оладирму? Тагин, подшонинг: “Маъқулми?” деган саволига ўзи розилик билдириб бош тебратиб ўлтирибди!

Тўғри, бу пайт жуда улуғ юмуш ниҳоясига етказилган, “Хамса” ёзиб битирилган, нусхалар кўчирилиб юртга, масжидларга, ўзга мамлакатларга ҳам тарқатилган, шоир қўли ҳам сал бўшагандай эди, Навоий подшонинг юқоридаги қарорга келишида вазиятнинг шу томони ҳисобга олинганига асло шубҳа қилмайди.

Лоп этиб ўн беш йиллар аввал бўлган воқеа шоирнинг эсига тушди. Ўшанда илк бор ижод ва сарой хизмати йўллари бир-бири билан кесишиб қолди. Милодий

1469 йилда Султон Ҳусайн Хуросон тахтини эгаллагач, Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад Мирзога Амир Бобоали орқали шоҳнинг махсус “тавқеъ” белгиси қўйилган ёрлик-фармон юборди. Уни Навоийни саройга расмий таклиф этиш, деб тушуниш мумкин эди. Шу паллалар йигирма саккиз ёшли Навоий Самарқандда яшарди.

Навоий ёшлигидан ўзини, сония-сония вақтини, бутун умрини фақат ижодга бағишлашни дил-дилига туккан зот эди. Табиатан ўзини ижод қилишдан, қалам тутишдан бошқа ҳеч қандай юмуш қўлидан келмайдиган одам, деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳар қандай юқори мансаб, жоҳ, ҳатто сарой хизмати ҳам унга ортиқча заҳматдай туюларди. Бундай ҳоллардан мумкин қадар йироқ бўлишга тиришарди.

Султон Ҳусайн Мирзо Алишернинг шахсан ўзига юборган мактубида шундай дўстона сўзлар битганди:

“...Куллук арзадоштдин сўнг сўз шулким, ўзлари ижод бўстонида гуҳар дўконини очиб, элга бир-бир гуҳарлар нисор этдилар. Фикрлари чаманида раёҳинларни яшнатиб қўйдилар ва халқ уларни бир-бир териб баҳра олмакда...Энди, ёшлик онларидаги орзуларимиз амалга ошгай, обод юрт тузгайбиз... Шундоғ онлар етди. Бизга ардоқли мулозим бўлмоқларини тиларбиз, нафасдек яқин, жондек даркор ва лозим бўлмоқларини истарбиз...”

Навоий икки ўт ўртасида қолди, сарой бошқа, ижод чамани бошқа... У бутун ғазалларини тўплаб икки девон тузиши лозим, шунинг завқи билан банд... Агар саройга борса, буткул хузур-ҳаловатини йўқотур, яна нохушроғи, ижоддан йироқ кетур... Бормаса, жон дўстининг дили заха тортиб қолур...

Султон Ҳусайн Мирзонинг элчиси Амир Бобоали Навоийни олиб кетиш учун югани тилла, узангиси кумушдан гижинглаган тулпор етаклаб келганди. Гоҳида ташқаридан тулпорнинг бесабр ер тепингани ҳам эшитиларди...

Дўстининг меҳри, оҳанрабоси баридан устун келди: Навоий Ҳиротга йўл олди ўшанда...

Энди эса йўл Астрободга тушиб турибди.

### **Қайдасан, Астробод!**

Бу олий фармон яшин тезлигида бутун Ҳиротга тарқалди. “Эшитдингларму? Подшо ҳазратлари Навоийни саройдан ихрож этибдурлар!”, “Ораларидан сўз қочибдур!..”, “Шоир подшо ғазабига учраганмиш!..” қабилида висир-висирлар ёйилиб кетди. Авом ҳеч қачон яхши гапларни тарқатмайди, миш-мишларга ўч келади.

– Шов-шувлар кўпайди, ҳазратим... – деб сўз бошлади Шайх Баҳлул. – Барига барҳам бериш керак!

– Эл оғзига элак тутиб бўлурми... – деди олтмишларга борган, шоир, хаттот, қибат ул-қуттоб Султонали Машҳадий. У ўрта бўйли, хушбичим, кўзлари катта-катта, ҳафсалали одам эди, иссиқ юрай деб, бошини авайлаб, доим қора кўзи терисидан қилинган бўрк кийиб юарди. – Ким чиқаради ўзи шундай гапларни?

– Ойни этак билан ёпиб бўлмас, – салласини чорпеч ўраган, учи ўнг қошининг четига тушиб турган Хожа Дехдор сўзга қўшилди. – Лекин қидирса топиладур...

Бинафшазорни кезиб юришган Навоий ва унинг мулозимлари мавзунини хийла қизитиб, пишитиб ҳозирнинг ўзидаёқ ҳақиқатнинг тағ-тубига етишмоқчийдилар шекилли, Навоий уларни тўхтатди:

– Тангри таолонинг ризолиги йўлида ҳамиша Султони соҳибқирон фармонларини дилустига қабул этгоймен. Ул зот ажралмас дўстимдур, ҳам султонимдур! Айтғонлари бошим устига, камина учун бир қонун, амри вожибдур. Ул зот не буюрсалар, фақат яхшиликка деб қарамоқ керак. Не навъ ишким, халойиқ дуосига боис, халқ ризосига сабаб, подшо садосига муносиб эрса, ул ишлар Тангри иноятидин бизга муяссар бўлур! Илло салтанат тинчлиги, улус фароғати ҳар нарсадан юксакда турур!

– Бағоят ҳақ гапни айтдилар, Ҳазрат!

Шайх Баҳлул бошқа ҳеч нарса демади.

Фармонни эшитиб, беҳад қувонганлардан бири, балки биринчиси шахзода Бадиуззамон Мирзо бўлди.

– Астрободга ҳоким этиб тайинланғонингиз улугъ шарафдур, Устоз! Айниқса, ўзларининг шу вазифага муносиб кўрилишлари қамоли адолатдандур! Чин дилдан муборақбод этамен! – чин дилдан қутлади у. – Ўх-хў, бу Астробод, Астробод-а! Ҳазилакам эмас! Айтмоққа осон!

– Қуллук, қуллук, шахзодам!

– Астробод менинг энг севган шахрим-да, Устоз! Она шахрим! – мағрур қўшиб қўйди Бадиуззамон Мирзо. Шахзоданинг отасиникига ўхшаган қийиқ кўзлари чарақлаб ёнарди. – Сизга ҳавасим келади! Энг улугъ шаҳарлардан бирига бормакдасиз!..

– Ўзлари ҳам борурлар, шахзодам! Насиб этсин, иншооллоҳ! Ноумид шайтон! – деди Навоий.

Бадиуззамон Мирзо ўйга чўмди.

Навоий унга меҳр билан қараб турарди.

– Устоз! – деди ниҳоят ийманганча шахзода... – Ҳозир, ўйлаб қарасам, Ҳиротда қиладурғон дурустроқ ишим йўқ экан. Фақат кўзга кўканак, оёкка тиканак бўлиб юраман бу ерларда. Падари бузрукворимиз ҳам бирор юртни бизга бағишламадилар ҳали... Бағишлагилари ҳам йўқ, наздимда... Бир марта бизга Ҳиротни топшуриб, ўзлари Балх жангига отландилар, лекин икки ой ўтиб, у ерда танглик юз бергач, бизни ҳам ёнларига чакириб олдилар... Ҳирот ҳам кўлдан кетди...

– Юрт бағишлайдурлар ҳали бешак-шубҳа! Сизга эмаса кимга берадурлар шунча юртни? – юпатди ўксинган Бадиуззамон Мирзони Навоий.

– Билмадим, билмадим... – ерга қаради маъюсланган шахзода, кейин давом этди: – Устоз, майл кўргизсалар, сизни ўзим Астрободга кузатиб борсам... Бунини ўзимга бурч деб ҳисоблаймен. Устознинг бир ўзларини қандай ёлғиз юборурмен эркан? Албатта, Ҳокони мансур рўйхушлик берсалар... Агар бирон вазифа иноят этсалар каминага, бош устига... Ёнингизда юрсам дейман...

– О, кошкийди! Катта ҳиммат кўргизурсиз, шахзодам!.. – деди Навоий.

– Умрингиз узоқ бўлсин, азиз Устоз! – миннатдорлик билдирди шахзода...

Бадиуззамон Мирзо Боғи Сафидга шошилар экан, малика Хоним бегимга қувончли хабарни тезроқ етказишни ўйларди. Фарзандлари йўқлиги, шахзодадан ҳам кўра кўпроқ маликанинг бағрини ўярди, хонимлар мажлисларида биров сўрамаса ҳам, ўша сўрамаганининг сабабини ҳам шундан кўриб ичидан эзиларди. Сўрасинлар эди, балки кўнгли енгил тортармиди... Энди Астрободга кетадилар, бегона жой, нотаниш одамлар, у ерда биров билан бировнинг иши йўқ.

Қувончдан ўзини осмонда сезган Бадиуззамон Мирзони уйда ҳам хушхабар кутиб турарди! Шахзоданинг назарида, асли Худо ярлакаган кун экан-да бу кун!

– Ҳеч бундоқ бўлмағонмен... – худди бирон ери қаттиқ оғриётгандай алпозда Хоним бегим...



– Нимага безовталандингиз, маликам? – ташвишли сўради шахзода.

– Шавкатли Мирзом... Сизга қизиқ бир нарса айтмоқчимен...

Малика хонада ҳеч ким бўлмаса ҳам Бадиуззамон Мирзо томон хиёл эгилиб, кулоғига секин деди:

– Юрагимни ҳарос босмакда. Кечадан бери... оғзим бемаза... Таом деса, кўнглим ағдарилур... – маликанинг охирги сўзлари худди айтилибоқ ерга сингиб кетгандай туюлди.

– Нима-а-а!?!.. – деб юборди юраги қинидан чиққудай шахзода... – Нима дедингиз?!..

Бадиуззамон Мирзо шартта маликага қаради: Хоним бегимнинг гўзал чехрасига кўринар-кўринмас енгил доғ излари ярашиб турарди...

Маликанинг вужуд садафида бир дурдона тугун намоён бўлгани аниқ эди.

Кўнгли орзиққан Бадиуззамон Мирзо оҳиста шивирлади:

– Яхши хулқли гўзал заифа – жаннат хури эмиш, маликам... Кеча бир китобда ўқидим... Сиз жаннат хуридурсиз... – маликасини мақтаб қўйди шахзода...

Шу тариқа ҳижрий-қамарий 892 йил ёзи ўрталарида муқарраби ҳазрати султон ўз уғруқи билан Астрободга жўнаб кетдилар.

Астробод йўлида Тахти Сулаймон даҳанасига етганда ҳавонинг авзойи бузилди. Навоий уғруқи манзилга қадам қўйганда аср палласи эди, осмонда булут қуюқлаша бошлади. Лекин шаҳарда йўлларга сувлар сепилгани, шодлик палослари тўшалганини кўрдилар. Катта кўчани тўлдирган одамлар хурсандликларини яширмадилар:

– Хуш келдингиз, сафо келтурдингиз!

– Улуғ манзилатли уммат Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари қадамларига ҳасанот!..

– Султони Ғозий бошлари омон бўлсун, бизга улуғ Ҳазратни соябону раҳбар этиб юборибдурлар!..

Шовқин-сурон авжига чиқди. Бадиуззамон Мирзо, менинг келганимни ҳам билишмади, чунки шахзода эрсам ҳам, қўлимда ҳеч мансаб, юрт йўк, мен кимдурмен, деб ўксинди ичида... Қовоғи солиқ булутли осмонга қараб, кўнгли баттар эзилди, ичи ёришмай тез-тез кўкка қараркан, бу ерларда ёгин кўп ёғади, нахотки ёмғир шариллатиб ёғиб юборса, дея ҳадиксирай бошлади.

Лекин мўъжиза юз берди: ногаҳонда денгиз томондан қаттиқ шамол эсишга турди, булутларнинг ороми йўқолиб талвасага тушиб, лапанглаб, тинчроқ жой қидирибми, ҳар бурчакка ўзини ура бошлади. Бирдан осмоннинг чоки сўкилиб, ёрилди-ю юлдузларни атрофга чаман-чотир сочиб юборди! Ҳа, бир кунда табиатнинг тўрт фаслини ўзида намоён эта оладиган Астрободда бунга ҳеч ким ҳайрон қолмайди. Бадиуззамон Мирзонинг нохуш хаёллари ҳам тарқаб кетди. “Барчаси бешак-шубҳа Ҳазрат шарофатидандур...” – ўйлади шахзода...

– Парвардигор Ҳазрат бошларига ўз юлдузларини тўкиб солдила-а-ар! – деб қичқиришарди мамнун Астробод одамлари.

Навоий эртаси куни жума намозини жамоат билан адо этгани масжидга борди. Одам кўп эди. Турли ёшдаги намозхонлар кичик гиламчаларини қўлтиқлаб, жой топай деб ғизиллаб юришарди. Масжид анча нураб қолган бўлиб, чоғроқ қурилган, бир бечоранинг кулбасидай ғариб кўринарди.

– Қанча намозхон бор Астрободда, масжидда намоз ўқийдурғон? – сўради намоздан кейин Навоий ғалчадан келган масжид имомидан.

– Бир ярим мингдан ошади, Ҳазрат. Кўплар ҳовлига сиғмай кўчага ҳам гилам тўшайдилар.

– Кўриб турибмен... – Навоий бироз жим қолди, кейин Бадиуззамон Мирзога юзланди. – Шаҳзодам, Оллоҳ насиб этиб, кутлуғ қадамингиз қаерга етса, дарҳол масжидни зиёрат этишни одат қилингиз, бу подшо учун вожибдур.

Шаҳзода қўл қовуштирганча бош ирғади.

– Усмон розияллоху анхудан ривоят келтиришларича, Расулulloҳ соллоллоху алайҳи васалламнинг: “Ким Оллоҳнинг розилигини тилаб бир масжид курса, Оллоҳ жаннатда унга ўшанинг мислини қуриб беради”, деганларини эшитгонмен. Бошқа бир ривоятда эса: “Жаннатда бир уй”, дейилгон... – аниқлик киритди Навоий.

– Шайх Баҳлул! – чорлади сўнг Навоий.

– Лаббай, Ҳазратим! – мулозим тайёр эди.

– Астрободда янги жоме масжиди бунёд этурбиз! Шитобан Ал-Мирак меъморга Астрободда жоме масжиди қурилиши ҳақидаги фармонни тутқазиб одам юборилсун! Моҳир бунёдкор ҳозир Ҳиротда, яқинда каминанинг жаҳду жидди ила Ҳиротдан икки фарсах ердаги Султон Санжар ибн Маликшоҳ замонида қурилгон, лекин мўғул босқинида бузилиб кетгон Тўғуз работни тиклаб яхшилаб таъмирдан чиқарди, кўп мужовиру мусофирлар дуосига мушарраф бўлди. Оллоҳ уни кам қилмасун! Дарҳол тайёрланиб Астрободга йўл солсун. Ўзи бирлан зарур инсонлар, жиҳозлар олишни унутмасун.

Барча Навоийнинг сўзларини олқишладилар.

Йўлда кимдир, танишми, нотанишми учраса, унга аввал салом берсанг, эҳтимол бир балонинг олдини оласан, деган ақидани маҳкам тутарди Навоий. Шу сабабдан, у Астрободга келибоқ ишни қўшнилар билан “саломлашиб қўйиш”дан бошлади. Эрон ва Озарбайжон подшоси шоиртабиат Султон Яъқуб Мирзога, Мозандарон, Рустамдор, Гилон ҳокимларига ва бошқа ҳукмдорларга мактублар ёзди. Давлатлар аро муносабатда муомала, гоҳи эса мураса-ю мадора қилиш сабоқларини ўргансин, деган умидда мактубларни атай Бадиуззамон Мирзо билан бирга битардилар. Мирзо мирзаликни адо эта бошлади.

### Заррин коса сирлари

Астробод ҳокими ҳовлисидаги боғда ипак тўшаклар солинган, паркув болишлар қўйилган катта нақшинкор панжарагулчин сўрида, безатилган хон атрофида Навоий ва Бадиуззамон Мирзолар худди ота-болалардай суҳбатлашиб ўлтиришар, суҳбат мавзуси тизгинсиз ва бекамров эди. Ҳиротда вазири аъзам Мажиддиннинг дабдабали тўй ўтказишими, ундан ҳам ортиғи, Музаффар Мирзонинг уйланиш тўйими, ҳақида суҳбат кетарди, барининг довруғи Астрободга ҳам етиб келганди.

Подшонинг суюкли ўғли Музаффар Мирзо тўйида Пули Молон мавзеидан то Жаҳоноро боғигача олти фарсах йўл ойнаванд қилиб безатилибди. Чортоқлар кўтарилиб, иморат ва дўконларга Чин матоси, Фаранг бахмали, Ҳинд атласи ва етти хил рангда товланувчи попуқлар ила оро берилибди. Кўчанинг икки тарафида хушовоз муғаннийлар ва нағмапардоз созандалар наво ва қўшиқларни авж олдириб қутлов маросимини адо этган эмишлар.

Ҳамма томон ярак-юруқ бўлиб кетибди, бозорларни обод этишибди, боғдаги ҳовузга юз ботмон шакар ташлабдилар, одамлар ҳовузга коса солиб сув эмас, тўйганча шарбат ичишар эмиш... Худди эртақлардагидек.

Ирокдаги нотинчлик, Қандаҳор, Балх томонларда Амир Зуннун, Амир Хисравшоҳ ва Амир Муштоқ каби саркардалар кирдикорлари ҳам, Самарқанддаги аҳвол ҳам эътибордан четда қолмасди, Навоий ёш шаҳзодага нафи тегар деган умидда суҳбат равишини атай шундай мавзуларга бурарди.

– Давлат, салтанат – барчанинг кўзини ўйнатадурғон бир заррин коса. Бамисли мана бу гулоб тўла заррин коса, – дастурхонга ишора қилди Навоий. – Юртни, давлатни тутиб туриш жуда мураккаб юмуш, шахзодам. Бу бамисли ўша жаранглаган заррин косани қўлда ушлаганча, ўнқир-чўнқир бўртоқ тош йўлда текис кета олишдай бир гапдур. Коса қўлдан тушиб кетмаслиги жоиз. Тушиб кетса, синадур, давлат қўлдан кетадур...

– Рост, юртни бошқариш, давлатхоҳлик қилиш – санъатлар санъати, уни яхши ўрганмоқ керак, дегандилар падари бузрукворимиз ҳам бир кун биз ўғилларини йиққанларида. – сўзга қўшилди шахзода. – Ҳазрат, юрт бошқариш дейишади, у нима, унинг қандай сирлари бор?

Навоий Бадиуззамон Мирзо саволидан мамнун бўлди, чунки кўпинча бу ҳақда Ҳазрат сўз очарди, энди эса шахзоданинг ўзи суҳбатга чорламоқда, демак, қизиқиши кучаймоқда, заррин коса сирларини билишни истамоқда.

– Юрт бошқаришнинг сирлари хийла теран... Бу борада йўллар ва усуллар кўп. Албатта, билмоғингиз шарт ва билиб ҳам олурсиз, – қатъий деди Навоий шахзоданинг қийиқ кўзларига тикиларкан. – Саройда, юртда ҳам, қатъий тартиб, интизом ўрнатилсунки, тонгсахар уйқудан туриб, намозга юз бурилсун, ташқаридаги масжидда фарзни жамоат билан адо этилсун, токи беш вақт намознинг биронтаси казо бўлмасун. Тағи. Подшоҳ ҳарамдан чиқиб, кўринишхонада сокин ўлтирсун, додхоҳ, эл арз-шикоятини эшитсун; агар бирор мазлум кимдандир зулм чекса, ўша золимнинг шундоқ танобини тортсунларки, токи кўриб бошқа зулмкорларнинг ҳам кўзлари очилсун, бундай нохуш одатлардан тийилсун.

Бу хизматдан сўнг, подшо ичкихонага кириб ўз жойида ўлтирсун, ашрафу ақобирни ҳузурига чорласун, мулку мамолик юмушларини кўздан кечирсун. Тобшурилғон иш ижроси ўша куннинг ўзида тафтиш этилсун, лозим топилса, чора кўрилсун...

Навоий тўхтаб заррин косадаги гулобдан бир хўплади.

– Умид қилурбизким, Парвардигори эгам подшоға ва аркони давлатга чоғирдин куллий тавфиқ бергай. Андоқи, пешиндин олдин чоғирга йўл йўқлиги аниқ белгилаб қўйилсун. Май ичиш – Ҳақ таоло ҳукми билан тақиқланғон, ҳарнечук уни тарк этмак макбул ишдур. Ошкора ва кўп ичмак шариятга ҳилофдур. Ичишнинг шарти – пинҳона ва кам ичмакдур. Кам ичишда ҳикмат мавжуд, пинҳона ичишда – ҳислат бор. Меъёрда ичиш – тани соғ одамларга жўшқинлик бергай. Чоғирга пешиндин бурун йўл йўқ, зинҳор! Чунки, бу ибодатга ҳалал етказгай. Ҳеч вақт тонг намози адо этилмай қолмасун. Тағи. Мулку мол, додхоҳ юмушларидин кўнгил хотиржам бўлғондин сўнг, кутубхонага йўл олинсун. “Зафарнома”нинг мутолаасига киришилсун. Тағи. Судурга тайинлансунларки, сарой эшигида бир имомни, бир қорини ўлтиргизиб қўйсун. Мухтасиб элни намозга чорлашни унутмасун, доим бу савобли иш билан машғул бўлсун...

Бадиуззамон Мирзо ҳазратдан давлат сабоқларини тинглар экан, уларнинг ҳар бирини хотирасига маҳкам жойлашга ҳаракат қиларди. Катта салтанат ишлари билан банд, ижод залворидан қадди букилмаган Ҳазратнинг шунча ҳодисаларни ипидан-игнасиғача эсида сақлаши шахзодага ҳайратланарли эди.

– Тағи. Ироқ кишварига доим ақлли, ишончли, ҳушёр кишилардан танлаб юбориб, аниқ маълумотлар олиб, вазиятдан бохабар бўлиб турмоқ амри вожибдур ва бу маълумотлар бари кўзи ўткир холис кишилар томонидан текширилмоғи лозим. Бу мудофаа ва муҳофаза учун керак, – давом этди Навоий. – Тағи. Шаҳарни қаттиқ тафтиш қилинсун, андоқким, шаробхона, байтул-латаф, қиморхона – буларга ўхшаш шариятга зид ишлар куллий ман этилсун.

Мухтасиблар ҳафтада икки марта бозорга бориб нарх-навони тафтиш этсунлар. Ҳар бир масжид имомига буюрилсунки, маҳалла ўғул ва ушогига мактаб очиб қўйсунлар.

Тағи. Аторуд янглиғ бир кишини муншийликка тайин этсунлар, токи подшо девонда ўлтирғонларида юз берғон ишларни рўзномада битиб борғай, яъни тарихини ёзғай. Тағи. Борди-ю подшо навкарлариким, беқоидалиғ биронтасидан зоҳир эрса текширишда ва сиёсатда қўнғилбўшликка йўл қўйилиб, маъзур тутилмасун. Тағи. Ём отлари ва ёмхоналар ишлари бузуклигини кўздан яшириб юрмасунлар, бу ҳақда шикоят келса кечиктирилмай қўриб чиқилсун ва таъзири берилсун. Зарурат юзасидан қаттиқ чоралардан тортинмасунлар, айнаи фурсатда юмшоқликни ҳам ўкситиб қўймасунлар... Тавфиқ рафиқ бўлсин, омин!

– Қуллуклар килурмен, Ҳазратим! – бош эгди шахзода...

Навоий кўп салтанат ташвишлари ҳақида эринмай сўзлади. Чунончи, судурга буюрмак лозим, ки у вилоят вақф мулклари – масжид, мадраса, қорихона, хонақоҳ таъминоти учун белгиланган даромадли ер-сув ва бошқа мулклар аҳволдан ҳамиша хабар топсун. Бузилғонини тузатсун, зўравонлик қилаётғонларни қаттиқ сиёсат остига олсун, ақчаларнинг ўз ўрнида тасарруф этилишига диққат қилсун. Девондагилар бу кунги ишни эртага қолдирмасунлар. Чунки, эрта ўз ишини олиб келгай. Тавочи бекларига буюрилсунким, мол девонида муҳр босадурғон бекларни назардан қочирмасунлар, токи барчаси ўз хизматларида хушёр турсунлар...

Ўртага сукунат чўкди. Навоий ҳам, Бадиуззамон Мирзо ҳам ўйга толдилар.

– Илигимдин келганча зулм тигин ушотиб, мазлум жароҳатига малҳам қўйдим. Илигимдин келмагани ул Султони Ғозий арзига еткурдим. Бу каминани хокисорнинг ота-бобоси Хокони мансурнинг обо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шижоат ўрмонининг арслони мақомида, улуг мартаба ва мансабларга мушарраф эдилар. Ўзим эрсам, энг аввало, Султон Ҳусайн Мирзонинг жонсипор дўстидурмен... Ихлос-садоқатим чин дилдандур... Ул зот ҳам, Оллоҳга шукр, бу хокисорга шундоқ муносабатда эрурлар...

Навоий тўхтади ва заррин косадаги гулобдан бир хўплади.

– Юрт бошқариш сирларини сўрадилар, шахзодам. Бунда юрт аҳли ҳақида гапирмай илож йўқ. Афсуски, бизда тама аҳли бисёр...

– Наҳотки? Йўғ-е, Ҳазрат... – шахзоданинг кўзлари катта очилиб кетди.

– Ҳа, ҳа, шундоқ, шахзодам... Унинг устига, аҳли тама нотекис мулойимлик килурлар, талабгорлар мулозаматни ҳаддан зиёд ошириб юборурлар, бу номақбулдир. Маҳкамага умид билан мактуб юборғонлар жавобини кутиб, кўзлари тўрт, юзлари сарғайиб қоладурлар; девондаги ходимларнинг ноўрин буйруқларидан рўзғори қаро эҳтиёжмандлар азият тортиб, тоқатсизликка бериладурлар; қарздорлар ёрдам-ёрдам, дейдилар, фарзандини гаров қўйганлар ялиниб-ёлборадурлар; ёмон қилиқли талабалар ариза ёзишдан толмайдурлар, фалокатшиор шоирлар қасида ва қитъаларини тикиштирадурлар; чегарада хизмат қилувчи беклар турли таклифлар йўллайдурлар, уларнинг қўнғлига озор етказмаган ҳолда ноўрин таклифларини рад этмок лозим бўладур. Озодалар, хур одамлар янада эркинликни тилайдурлар, маҳбуслар тезроқ озодликка чиқсам, дейдурлар; машойих ва авлиёлар номидан билдирмай иш битиргувчи сўзда олғир, ишда қолғирлар ҳам учрайдур; баъзилар тирик кишисини ўлик, деб кўрсатиб кафан пули ундирадурлар, уят, ор-номус йўқ...

Вақф иши ила шуғулланувчиларнинг зулмидан талабалар шикоят этурлар; ожиз аҳоли амал аҳлининг азобидан қутқаришни сўраб, илтижо айлағонлари-айлағон...



Бадиуззамон Мирзо кулоқ соларкан, Навоийнинг давлат ишларини, салтанат мувозанатини теран англашини, жамиятдаги муаммоларнинг ипидан игнасиғача яхши билишини кўриб такрор ҳайрат бармоғини тишлади. Бунинг барини эслаб қолиш, унутиб қўймаслик керак! Лекин... ростини айтса, ҳаммаси шаҳзодага майда-чуйда ишлар бўлиб кўринди...

Аҳли тама кирдикорлари, кўзлари тўрт шикоятчилар, ёмон қилиқли талабалар, тирик кишисини ўликка чиқариб кафан пули олмоқчи бўлғонлар... Заррин коса сирлари, яъни давлат ишлари, деганлари фақат шулардан иборатми? Катта ишлар қани?..

Шаҳзода назарида, давлат ишлари улуглик касб этгувчи ҳодисалардур, ҳа, бу ўз номи билан давлат ишлари, деб аталади! Дунёни ҳайратга солувчи катта жанглار ўтказиш, қатор юртларни забт этиб, уларнинг саройлари тепасида ўз байроғини ҳилпиратиш, тахтга миниб, қарнай-сурнайлар чалиб оламга доврўқ таратишлар, жаҳон мамлакатлари султонларидан баландпарвоз муборакномалар, инъомлар олишдан иборат шекилли, давлат ишлари! Ўзаро мажлисларда, айрим шаҳзода укалари ҳам катта кетиб: “Тахтга минсам, Мисрни оламен!” ёки “Албатта Румни забт этамен!” “Энг аввало Ироқни эгаллаймен!” “Шом мўлжалимда турибди!” қабилида оғиз кўпиртириб гапириб юборадилар. Изо тортиш ҳам йўқ...

Аммо подшолик осон иш эмаслигини англаётир Бадиуззамон Мирзо... Бундай юкни қандай кўтаришни ўйлаб боши ғовлаб кетди. Ўҳ-хў... Укалари ҳам бу подшоликнинг чуқур маъноси тагига етишишмайди, чамаси. Бунга уринишиб ҳам кўришганмас. Ҳа, бу осон ишмас...

Яна Навоий сўз олди:

– Бу хокисор банда давлат хизматида эканим учун маош ила сийланғонмен...

– Ие? Маош ила сийланғонмен?.. Ўзлари маош оладиларму ҳали? – таажжубда сўради Бадиуззамон Мирзо...

– Албатта! – деди Навоий хотиржам. – Шариат маръига биноан каминага маош эвазига ер берилғон. Мол-мулкимдан тушган даромад подшоҳ мулозаматига, кўшин сарфларига, подшоҳ хизматидаги “мустаҳик”ларга ва хайр-эҳсон, ободончилик ишларига йўналтирилади. Камина авомдан бирининг маошича ҳақ олурмен... Яъни менга иссиқ-совуқ дафъи учун бир турма тўн, тағи бир кунга муносиб емакка етгулик икки динор ақча кифоя...

– “Бир турма тўн, тағи икки динор ақча...” – хайратланди Бадиуззамон Мирзо. Унинг тилига бошқа сўз келмади...

– Худди шундоғ, шаҳзодам! Ортиғи зарардур...

– Минг бор узр, Ҳазратим... Шунча мол-мулк бўла туриб... қандай... – хижолатомиз сўрай бошлаганди шаҳзода...

– Камина сўйлаб бермоқчи эдим ўзи, шаҳзодам... – жилмайди Навоий. – Шаҳарда дўконлар кўп. Малик бозорнинг тоқияфурушлар тимида икки дўкон, яна жануброқда ёнма-ён қурилиб, бир-бирига уланиб кетғон бешта дўкон, пўстакфурушлик дўкони болохонаси билан, яна бир тимча бор, – кеча-ю кундуз очиқ, ишлаб туради. Малик дарвозаси ташқарисидаги, Масарриҳнинг Кухундўзидаги, Боғи Зоғон кўчасидаги дўконлар ҳам ҳамиша гавжум. Бошқа мадраса, масжид, шифохоналар, работлар, боғлар, қишлоқлар ҳам бор...

– Шунча дўкон, мадраса масжидлар... ҳисоб-китоби қандай кечадур?.. – савол берди шаҳзода тобора ҳайрати ошиб.

– Даромадлар қандай тасарруф этилиши ҳам қизиқ, албатта. Ҳисоб-китоб дегандек... Ҳа, отанг ҳисоб, онанг ҳисоб, деганлар машойихлар. Чунончи, икки мударрис олим маоши учун ҳар бирига йилига минг икки юз олтиндан нақд пул

тўлашни белгиладим. Йигирма тўрт юк озуқа-егулик берилади. Шундан учдан бир қисми арпа, икки сулс, яъни учдан иккиси бугдойдир. Бир дарс гуруҳида ўн бир талаба таҳсил оладур. Жаъми толиби илмлар йигирма иккита. Аъло баҳоларда ўқиғон олти талабанинг ҳар бирига ойда йигирма тўрт олтиндан, йиллик беш юк бугдой, саккизта ўртача баҳоли ўқувчининг ҳар бирига ойда ўн олти олтиндан, йилига тўрт юк, саккизта қолоққа ҳар бирига ўн икки олтиндан, йилига уч ошлик ажратилишини буюрдим... Инчунин яхши ўқиған ўқувчи кўп маош олур.

Рўйхатимизда яна шайх, воиз, имом (унга мактаб тутмоқлик ҳам топширилғон), қори, хонақоҳ ошпази, овқат ташувчи, супуриб-сидирувчи, иккита ходим, мутавалли, иш бошқарувчи ва унинг икки навқари, тафтишчи, соҳиб жамълар бор – ҳаммаларига бериладурғон нақд олтин пул ва озуқани аниқ қилиб қўйдум...

Навоий яна гулобдан ҳўплади.

– Ҳазратим, саволларга кўмиб ташладим... Ортиқча уриниб қолмасунлар... – ташвишланди шахзода...

– Зинҳор! – деди Навоий. – Бу хокисор бандани саволларга тутиб, қутлуғ иш қилдилар. Ўзим ҳам булар ҳақида сизга айтиб бермоғим шарт эрди. Зеро, юрт бошқарувчи зот барини билмоғи зарур... Алқисса. Мутаваллига катта юмушлар юкланур. У бозордан ҳар йили юзта пўстин, жундан тикилган юзта тўн, юз бўрк, юз кафш, юз кўйлак, юз тунбон (чолвор, иштон) сотиб олсун ва уларни икки мударрис билан бамаслаҳат зарур ва муҳтож кишиларга улашсун. Тағи. Ҳар йили кигиз, бўйра, чироқ (ёритгич)лар учун тўрт юз олтин сарфласун. Шу ҳисобдан дастурхон, қозон, идиш-товоқ, пиёла, қошиқ ва бошқа ашёлар сотиб олсун. Ходим ва фаррошлар ҳар кеча керак жойларда шамлар ёкиб қўйишни унутмасунлар.

Нихоят охириг нукта... Қишнинг тўрт ойидаким, қавс, жадий, далв ва ҳут дерлар, ҳар куни ўтмак юз ададким, йигирма ботмон, уч тангалик эт беришни тартибга солсунлар. Агар эт топилмаса фуқарога жижиглик ош пишириб берсунлар. Тағи. Қолғон саккиз ой ҳар кун фуқарога йигирма ботмон ўтмак улашсунлар... Йил давомида нон, гўшти, гўштсиз овқат пишириб халққа тарқатишни одат қилиб қўйдум...

Подшолик ва салтанат юмушларининг аъло даражада ҳавосини олган куллий ҳикматлар соҳиби Навоий билан ҳамсуҳбат бўлаётганидан Бадиуззамон Мирзо бениҳоя фахрланиб кетди. Шундай улуг зот шахзодани азиз тутиб ажойиб мажлислар қурмоқда, дунё билимларини баҳам кўрмоқда, унинг ёш ақлини пешлаб, онг ва тафаккур кўзгусини ёрқинлаштириб тиниқлаштирмоқда, идрок кўзини раваشانлаштирмоқда. Ул зот укаларининг биронтаси билан ҳам бу қадар яқин ва сирдош эмаслар. Уларни ўз асарларида эсламайдулар ҳам. Мана, “Ҳамса”нинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида бир бобни махсус Бадиуззамон Мирзога бағишлабдулар! Шахзода бундан беҳабар! Достонни ўқиб ҳайратда қолди. Албатта, бари ҳали қилинажак ишлар учун олдиндан умидвор айтилган мақтовлар... Шахзода барини тушунади. Насиҳатлар ҳам жуда аъло! Барини эсдан чиқармаслик лозим...

Бирданига шахзода миясида нимадир ярқ этди! Ростини айтганда, тан олиши керак, шундоққина ёнларида юрса ҳам, шахзода ҳали... Амир Низомиддин – Мир Алишер Навоийни яхши биламен, деёлмайду. Лекин бу сирини ҳеч кимга айтғони йўқ... Бу қутлуғ сиймо ким ўзи? Амирми, шайхми, вазирми, ҳокимми, шоирми, авлиёми, донишмандми, дарвешми, инс-жинсми?.. Ёки авлиё тарзидаги, фаришта қиёфасидаги нодири замонми?..

Фариштадурлар балки, чунки фаришталар уйланмайдурлар, оила ташвишини чекмайдурлар. Аниқ, фариштадурлар, жаннатдан ерга тушиб қолган фаришта... Шахзоданинг фикрича, бошқалар ҳам Ҳазрат ҳақида шундоғ ўйласалар ажаб эрмас.

### **Йўлбарс юрагига бошқоронғи малика**

Кейинги кунларда Бадиуззамон Мирзо буткул оромини йўқотган, кечалари уйғониб кетади, бугун-эрта кўз ёрийдиган рафиқаси Хоним бегимни ўйлаб чиқади.

Бечора малика! Иккиқатликни жуда оғир кечирмакда. Қандай фарзанд туғилади, ўғилми, ожизами? Агар ожиза эрса ҳам шахзода дўпписини осмонга отади. Ношукрчилик қилмайди. Асло! Бу Оллоҳнинг илтифоти, қани банда фарзанднинг бир тукини яратиб кўрсин-чи... ўх-хў... кўлидан келармикин? Ахир ўша ожиза унинг хонадониди фарзандлар сафини бошлаб берса не ажаб? Лекин... у Парвардигордан ўғил тилайди! У ҳам ўғлим бор, дейишни истайди. Ноумид қўймасин-да Ўзи...

Хоним бегим шахзодадан мамнун. Астрободга кетурмиз, Ҳазратни кузатиб борурмиз, деганларида узоқни кўзлаган эканлар. Хоним бегимга кўз тегмасин, деб ташвишланганлар-да. Агар доруссалтанада қолганларида, ким кўринган, каттами-кичик маликалар, канизаклар, ҳол сўрайверишиб, уни тинчитишмасди. Баъзан сўрашмай ҳам қўйгандилар. Ундан кейин, ёмон кўзлар ҳам бор... Эҳтиёт бўлиш керак. Бу ерда эса, ҳар хил назарлардан йироқда хотиржам, соғ-саломат юрибди. Атрофида – энага ва ўзининг жориялари, бегона йўқ.

– Мирзом... кўнглим ғалати таомлар тилайдур... Бошқоронғи бўлибмен... Энага айтдилар... – шивирлади Хоним бегим бир куни Бадиуззамон Мирзога.

– Нима тилайдур?... Айтингиз! Ернинг остиданми, осмоннинг устиданми, топиб келгоймен!

Хоним бегим айтишга иккиланди:

– Ҳим-м... Йўлбарснинг юрагини қовуриб беришсин... Жуда егим келяпти...

– А?!... Йўлбарснинг юраги?!... Нималар деяпсиз?!...

Бадиуззамон Мирзо ҳайратдан бир лаҳза қотиб қолди!

Шу палла хонага кириб келган Бека Султонбегим кулиб деди:

– Ҳайрон қолманг, шахзодам! Йўлбарс юраги бўлса, демак, ўғил туғиларкан-да! Ҳа, набирам кўркмас ва кучли бўлади!

Шахзода йигитларини эргаштириб йўлбарс овига ўрмон томонларга жўнади... Бека Султонбегим эса эслаб кетди: у Бадиуззамон Мирзога иккиқат эканида, ажабо, келиб-келиб анқонинг тухумига бошқоронғи бўлганди! Подшо ҳар ёқларга одам юбориб, сўраб-суриштира ҳам, бундай тухумни топа олмагандилар.

Худди шу кунларда Ҳиротдан подшонинг ардоқли хотинларидан бири малика Опоқ бегим меҳмонга келди. Опоқ бегимга ҳали фарзанд насиб этмаган, уларнинг Хоним бегим билан яқинлик ва сирдошликлари бор эди, кўпинча фарзандсизлик борасида сўзлашишар, тез-тез кўришиб туришарди. Ҳар гал суҳбатлари узоққа чўзиларди.

Икки маликаи киром соғинишиб қолишган экан, бир-бирларининг бағирларига отилишди. Суҳбатда Хоним бегим кўп янгиликларни эшитди. Қайси хотин туққани, ўғилми-қизми, кимнинг тўйи бўлди, ё бўлмоқчи, Бека Султонбегим билан маҳди улё Ҳадича бегим ўртасида вақти-вақти билан юз берадиган жанжаллар... – бари ҳақида маълумот олди, кўнгли тинчиди. Саройда Ҳадича бегимнинг мавқеи, обрў-эътиборлари жуда баланд эмиш... Суҳбатда энага ҳам иштирок этарди.

– Ўзингизда... бирон нишона кўринмадими?.. – оҳиста сўради Опоқ бегимдан Хоним бегим тортина-тортина.

– Бўлиб қолар...

Хоним бегим ярани ортиқ тирнашни истамеди, гапни бошқа ёққа бурди:

– Ўзингиз биласиз, эгачижон, бу ерда бир меҳрибоним йўқ... Бирдан-бир меҳрибоним ўзингиз... Энагадан сўрасам, яқинда кўз ёрийсиз, Худо хоҳласа, дейди... Ёнимда бўлсангиз, дегандим.

– Ҳа-ҳа, яқин-да... – тасдиқлади энага ҳам.

– Худо ўзи йўл берсин, маликам. Ўзим ҳам шу ниятда келдим-ку. Иншооллох, ўғил туғилгай! Биласизми, тушимга кирибсиз. Катта қўкаламзор, ям-яшил майдон эмиш-да, сиз хандон отиб, чиройли оқ, оппоқ отнинг жиловидан тутиб, кезиб юрган эмишсиз... Тутиб олибсиз, ҳа... Шу ердамен, ёнингиздамен...

\* \* \*

...Чақалоқ туғиладиган куни экан-да, негадир ўзини бесаранжом сезган Бадиуззамон Мирзо мижжа қоқмади. Безгаги чиқиб, иссиғи қўтарилди. Бир жойда ўтиролмас, уйга кирар, боққа чиқар, гўё илтижоларим Ҳаққа етиб борсин дегандай, осмонга тикилиб-тикилиб қоларди.

Хоним бегим ётган хонанинг пардаси туширилган катта деразасига яқинлашиб, ичкарига аста кулоқ солар, ҳеч қандай сас эшитилмагач, ҳа, ухлашяпти, дер ва хотиржам оҳиста ортига қайтарди. Сўнг боғ этагига йўл олар, ариқ бўйида чўнкаяр, қоронғида ариқни лимиллатиб, тўлиб оқаётган сувни аниқ кўрмаса-да, унинг ҳам шаҳзодага қайишиб, қандайдир изтиробда энтикиб, буралиб оқаётганини ҳис қиларди.

Кунчиқишда осмон бўзара бошлади. Бу осмон подшоси қуёш ташрифидан мужда эди. Шаҳзода бешинчи бор дераза тагига яқинлашди, бирдан чақалоқнинг йўғон ингаси эшитилди! Ўғил туғилди, ўғил!! Чақмоқ ургандай юраги қалқиган Бадиуззамон Мирзо шартта қайрилиб, хўнграганча боғ ичига қараб кетди, қувончидан дарахтларга бориб йиғлаб берди. Ҳар икки овоз бир-бирига ўхшарди...

Шаҳзода ҳеч қаерга сиғмас, не йўл тутишини билмас, у ёқ-бу ёққа юрар, бир жойда ўтиролмасди. Хийла вақт ўтди. Кейин бирдан қувончли хабарни Ҳазратга етказмоқ ниятида саройга шошилди, Оққуюнлилар давлати ҳукмдори Султон Яъқуб элчиси ташриф буюриб турган экан.

Навоий Бадиуззамон Мирзони ўз ўғлидан ҳам ортиқроқ кўриб бағрига босди ва ҳазил аралаш деди (у аллақачон бу янгиликдан хабардор эди, Бадиуззамон Мирзо бунинг қандай юз берганини билмади):

– Субҳонолло! Бизни қутлаб қўйсунлар, шаҳзодам! Биз... Биз набиралик бўлдук!

– Ие... Ие... Набиралик?.. – каловланди Бадиуззамон Мирзо. – Ҳа-а!.. Қуллук! Қуллук!.. Айтмоққа келувдим... Қутлуғ бўлсун!.. Ўзларининг дуолари ила... Оллоҳга шукр!

Шаҳзода Ҳазрат этагини уч бор ўпиб кўзларига суртди.

– Ҳазрат! Чақалоқнинг исмини қўйиб берсунлар. Ким деб атагаймиз? – жавдиради Бадиуззамон Мирзонинг қийиқ кўзлари. – Исм – атоий Худо, деганлар. Осмондан тушармиш-да. Шундоқ исм қўйилсинки, эгаси келажакда исмидан изо тортиб юрмасун! – деди Навоий. – Исм унга ғурур, шуҳрат-шон берсун! Субҳонолло, ўзларининг исмларини ҳам ўзимиз қўйғондик. Замон қанчалар тез, елдек кечмакда! Мана энди ўғилларига исм изламакдабиз... Аслида, кимдир исм изласа, уни ҳам Худо кўнглига соладур. Алқисса. Парвардигор дилимга шу палла

бир илҳом бердики, тилимнинг учига бир исм келди...

– Қандай исм, Ҳазрат?.. – ҳаприқди ёш ота...

Навоий шаҳзодани кўп интиқтирмади ва деди:

– Унинг исми – Муҳаммад Мўмин Мирзо бўлсун!

Хурсандликдан боши осмонда шаҳзода Ҳазратга тикилди. Адолат оламининг улуғ амири, камтарликда фозиллар аълоси, шери майдоннинг ўзлари гўдакни шундай атаб турибдурлар... Меҳрибон кўзларида нур лимиллайди, табассум йўғрилган чехраси фаришталарники сингари беғубор, тоза...

– Муҳаммад Мўмин Мирзо! – ғурур билан такрорлади шаҳзода... Унинг ўқтам овози худди осмонни тўлдиргандай туюлди.

Қувончли хабар доруссалтана Ҳиротга ҳам етди, саройда ҳамма шу ҳақда гапира бошлади. Аъёнлар тўнғич ўғилдан туғилган тўнғич ўғил набира Муҳаммад Мўмин Мирзо номини айтиб, Хоқони мансурни қутлашдан чарчашмасди:

– Қадами қутлуғ келсун, илоҳи!

– Ворис туғилибди-да, ворис!

– Умрини узоқ қилсун!

Султон Ҳусайн Мирзо ниҳоятда бахтиёр эди, ахир авлодлар давом этмоқда, умид улардан!

– Тўнғич набирам, суюкли набирам Мўмин Мирзо шарафига тўй бошлансун! – фармон қилди Султон Ҳусайн Мирзо.

Боғи Жаҳоноро дарвозаси олдида карнай-сурнай овозлари янграб хушхабарни бутун Ҳиротга маълум қилди. Тўй уч кун давом этди.

Вактни бой бермай, бешик тўйини ўтказишни мўлжаллаб Астрободга йўлга чиқдилар. Покиза хилқат бувакни қутлаб манглайдан ўпишдай хушнудлигу хуррамлик бормикан оламда?

Чақалоқнинг яқинларига атаб совға-салом, тухфа-ҳадя, ҳаммага – Навоийга, Бадиуззамон Мирзо, Опоқ бегим, Хоним бегим ва энага-канизакларга тансиқ либослар олинди. Хоқони мансур, дўсти Амир Алишерга алоҳида тугмалари олтин, авраси зардор қора кундузи пўстин, тагин алоҳида иссиқ қамчот бўрк олишларини буюрди, бошлари омон бўлсун, гоҳи оғриб туради, деб тайинлади.

Астрободда уч кун давом этган тўй томошалари, халқ ўйинлари ҳам охирлаб қолди. Малика Бека Султонбегим кайвонилик қиларди, у Мўмин Мирзони бешикка белашдан олдин маросимга кўра она-болани шарафлаган, яхши тилаклар билдирилган қўшиқ айта бошлади. Айтар экан, Ҳадича бегимга қарамасликка тиришарди. Султон Ҳусайн Мирзо бири олов, бири сув икки маликани кузатар, ичида, эски одатларини эслаб, жанжал чиқаришиб, набирамнинг тўйига соя солишмасайди, деган ҳадик уни безовта қиларди.

Бека Султонбегим Султон Ҳусайн Мирзо тахтни эгаллагандан кейин, саройда бош малика сифатида уч йилча шоҳона турмуш кечирди. Бу палла ҳатто Сулаймон пайғамбарнинг нуфузли хотини малика Билқис ҳам қудратда унга тенглаша олмасди. Маликанинг мавқеи шундай баланд эдики, мабодо ўша Билқис келса ҳам уни канизакликка ўтиш-ўтмаслиги муаммо бўлиб қоларди.

Подшонинг ардоқли хотини, доимо ўзини Султон Санжарлар авлодларига мансубман, деб мақтанар, атрофини санамараста канизаклар ўраган, айтгани-айтган, дегани-деган эди.

Аммо саройга Ҳадича бегим келди-ю, аста-секин унинг мавқеи пасайиб, “тахт” қўлдан кетаётганини сеза бошлади. Бунга чидаш мумкин эмасди.

Ҳеч ким билмаса ҳам, Бека Султонбегим Ҳадича бегимнинг кимлигидан яхши хабардор. Ким бўпти у? Тўғри, ёш, гўзал, қош-кўзи келишган, яшшамагур



чиройлигина, юзи кулчадеккина бир нарса... Лекин димоғдор, енгил табиат аёл, ичи тўла макр-ҳийла, фитна... Асли рофизийлардан. Кундошлик азоблари маликани ҳориб-толитди, асаби салга ўйнайдиган одат чиқарди, тили заҳардан заҳарга айланди. Рашкнинг зўридан Ҳадича бегим ёки бошқа маликалар, канизақлар, ҳатто подшонинг ўзи билан ҳам сўзлашганда сабаб-бесабаб чаёндай қақиб олар, дилига озор берар, мулзам қиларди. Гап-сўзга қулоқ солмасди. Ҳар куни жанжал, ҳар куни жанжал... Тазйику дашномлардан тўйиб, кўп дили оғриган Ҳокони мансур Султон Ҳусайн Мирзонинг охири сабри тугади, жанжалларнинг бирида: “Шундан бошқа ишим йўқму?.. Уч талоқ қўйдим!” деб юборди...

Бека Султонбегимга аён – бу султоннинг эмас, анави мегажин, қанчуғ Ҳадича бегимнинг иши! Подшонинг қулоғига гингшийвериб, тинч қўймаган, кундошимни йўқотиб берасан, деб туриб олган ўша бўлади!

Саройдаги кечаги бош малика, энди “пуф сассиқ”қа чиққан Бека Султонбегимни қаттиқ изтироб чулғади, одамлар унга бошқача қараб, орқасидан пичирлашиб қоларди. Малика қадрига йиғларди, холос. У гоҳ Ҳиротда Бадиуззамон Мирзо хонадонида, гоҳ Марвда отасининг уруғлариникида яшаб юрди. Кейинги пайтларда кўпинча Астрободда ўғлининг уйида яшарди.

Албатта, бу маломат ўзини Хуросон салтанати валиаҳди, деб ҳисоблайдиган Бадиуззамон Мирзо юрагида камситишлик, кек, алам асоратини қолдирмай қўймади, шахзоданинг ғурури, иззат-нафси лат еди. У доим онасини авайлаб, юпатиб, чўккан кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади. Айниқса, Хоним бегим иккиқатлигида, бирга турасиз, келинингиздан кўз-қулоқ бўласиз, деб, йўқ деганига қўймай, Астрободга олиб келди.

Бувак он сайин, соат сайин, кун сайин ўсарди...

Чамаси, йигирма кунлар ўтгандан кейин, фарзанд кўриб, бошқача одамга айланиб қолгандек ўзини ниҳоятда бахтли сезган Бадиуззамон Мирзо йигитлари ва мулозимларини эргаштириб Астробод вилоятини айланишга чиқди ва хушманзара Хайробод қишлоғига йўли тушди.

Қишлоқни кўриб, шахзоданинг ҳаваси жўшди, бамисли жаннатдай жой экан, ичида, менда ҳам шундай қишлоқ бўлсайди, деган истак пайдо бўлди. Чинглинг бинолари, ям-яшил боғлари ораста, сўлимлиги ва файзиёблиги таърифга сиғмас Хайробод қишлоғи адирлик пойида шарқираб оқаётган сой бўйида худди қўл билан ясаб қўйилгандай чиройли кўринарди. Кишилари хулқ-атвори ҳам аъло, боодоб ва жуда сертавозе экан. Иттифоқо, шу палла унинг ҳамроҳлари орасида Хожа Дехдор ҳам бор эди. У негадир Хожа Дехдорга ёрилди:

– Хайробод жуда фариштали чинглинг маскан эканми!.. Кимнинг қишлоғи бу? Кошқийди шундай чорбоғларинг бўлса!

– Рост айтадурлар, шахзодам... Жуда чиройли қишлоқ... – деди Хожа Дехдор. – Мен сизга айтсам, Хайробод қишлоғи Астробод ҳокими Низомиддин Мир Алишер мулклари қабзасига кирадур.

Бадиуззамон Мирзо: “Шундайми?..” дегандай ялт этиб қаради-да:

– Қанийди, бирор инсофли одам чикса-ю, бу қишлоқни ул зотдан бизга сотиб олиб берса! – юрагидагини шартта айтди-қўйди шахзода...

– Ў-ў... Уни Ҳазратдан олиш у ёқда турсин, бу ҳақда сўз очишининг ўзи машаққат бўлса керак... – сўзга аралашди кимдир.

Ўзини замон қуллари олами Амирининг сидқидил хизматкорлари жумласига кирувчи деб ҳисоблайдурган Хожа Дехдор алланечук ҳолга тушди, мақтангиси келдими, кутилмаганда қўлини кўксига қўйди-да, ҳамманинг диққатини ўзига

қаратиб, шаҳзодага тикилди:

– Шаҳзодам! Ўзларига шу кишлоқ керакми?..

– Ҳа!.. Жуда ҳам керак эди!..

– Султон ҳазратларининг яқин дўсти, хайру эҳсонлар пешвоси амир ул-замон Низомиддин Мир Алишер каминанинг соҳиби эрурлар, мен ул валинеъматнинг ўринбосаридурмен... – Хожа Деҳдорнинг сўзлари салмоқли чиқди. – Азбаройи яқинлигимдин ул ҳазратга тегишли мол-мулкни истаганимча тасарруф қилмоғим мумкин. Ҳа-а!.. Ушбу кишлоқни, ул Ҳазрат номидан сиз – жаҳон аҳли шаҳзодасига ҳадя этишга қарор бердим!

Даврадагилар Хожа Деҳдорнинг бунчалар жўмардлигидан, журъатидан хайрон қолдилар. Ҳамма, Хожа ҳазиллашаяптиларму, бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди-ку, деган аниқ фикрга келди. Чунки ҳеч ким шу пайтгача Хожа Деҳдорнинг бунчалар жўмардлигини кўрмаганди.

Ҳамма бу ғаройиб хангоманинг охири нима бўлар экан, дея ўйга чўмди.

Мазкур гап олий насабли амир ул-замон Навоий қулоғига етиб борганда, ул зот, хайратдан ҳаммани ёқа ушлатиб, лолу хайрон этиб қўйди: дашномлар олишга тайёр бош эгиб турган Хожа Деҳдор шаънига... таҳсинлар айтди:

– Сидку ихлос юмушини ўринлатиб қўйибсиз, эй Хожа! Шаҳзода Бадиуззамон Мирзо хонадониде ажойиб ўғил туғилди, қутлуг исмини ўзимиз қўйдук, Мўмин Мирзо деб. Мўмин Мирзо! Шаҳзодага нима тухфа этсам экан, деб ўйлаб юргондим. Мана, Худонинг ўзи мушкулумни осон этди: шаҳзода ёқтирган ва тилагон сўлим Хайрободе кишлоғи унга тортиқ қилинди!

Шаҳзода олдида қадди яна ҳам кўтарилган Хожа Деҳдор “холис хизмат”и учун яхши бир чопон, бир отнинг баҳосига тенг минг кепакий миқдориде ақча билан сийланди!

Бадиуззамон Мирзо Навоийга тухфа учун ўз ташаккурини изҳор этди ва тиз чўкиб шоир тўнининг пешини уч бор ўпиб кўзларига суртди:

– Сиз пирымсиз, Ҳазратим!..

Хайрободе кишлоғи уларни яна ҳам бир-бирларига яқинлаштиргани сезилди.

### Алишернинг туғилиши

Орадан олти ой ўтди.

Навоийни давлат ишлари қаттиқ ўраб-чирмаб ташлади. Ҳар куни чошгоҳдан фуқаронинг арзадоштини тинглайди, жума куни шаҳар аҳли билан бирга масжидда намозни адо этади, ҳар куни масжидда авом – бева-бечора, етим-есирларга шулон<sup>1</sup> тарқатилишини назоратдан ўтказади.

Кун кетидан кун келарди.

Саройга бормокка отланаётган эди, Шайх Бахлул Хиротдан чопар борлигини маълум қилди ва уни Навоий ҳузурига олиб кирди. Чопар таъзим бажо айлаб, эҳтиром ила Навоийга аталган бир мактуб узатди.

Сургичланган мактуб тепасиде таниш туғрони кўрди-ю Навоий қувониб кетди, юраги ҳаприқди! Мактуб Хуросон давлати муҳрдори “ёри азиз” Шайхим Суҳайлийдан эди! Дарҳол кўз олдида, бир хил башанг кийинадиган, пўрим, одоби мактовдан юқори, чап печи елкасига тушадиган оқ салласи қўйиб қўйгандай ўзига ярашган сиймо намоён бўлди. Навоий уни жуда ардоқларди, кўнгли тоза, таъби нозик...

---

<sup>1</sup> Шулон – бепул бериладиган иссиқ овқат.

Шайхим Суҳайлий Навоий олдида ҳамиша ўзини масъулиятли сезар, ижодга жиддий ёндашишга ҳаракат қиларди. Уларнинг суҳбатларида ҳечқачон кундалик масалалар, воқеалар, турмуш ташвишлари ва ҳоказо икир-чикирлар ҳақида сўз кетмасди. Гурунг фақат ижод ҳақида, шеър, яна шеър борасида кечарди. Аввалроқ, Шайхим Суҳайлий Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр”<sup>2</sup>, Абдурахмон Жомийнинг “Лужжат ул-асрор”<sup>3</sup> асарларига назмий жавоблар ёзганди.

Мактубда битилишича, у “Лайли ва Мажнун” достонини ниҳоясига етказибди, намуна тариқасида Лайлининг хасталиги таърифидаги бир неча байтни, янги “Ийдия”<sup>4</sup> қасидасининг матлабини, шунингдек, қуйидаги туркча ғазали матлабини ҳам ҳавола этибди:

*Зухд эли тасбиҳ деб ҳайрон қолур авбош аро,  
Пиштаи жисмимни кўрса қатра-қатра ёш аро”.*

“Бағоят хуштабъ айтилибдур... – деди Навоий ичида мамнун. – Мактуб эмас, назмий ҳисобот берибдурлар-да...”

Навоий мийиғида жилмайиб қўйди.

Ҳа, яна, Навоийнинг “Тухфат ул-афкор”<sup>5</sup> асарида ҳам жавоб битибдур.

Навоийнинг юрагини зириллатган нарсаси мактуб охирида эди. Салтанат муҳрдори, дўсти ва устози Ҳазрат Алишерни жуда соғинганини (уни ифода этишга на форсий, на туркий сўз қудрати етсун!), мушоираларда, анжуманларда, айниқса, Ҳокони мансур бошқарган саройдаги олий мақом мажлисларда унинг йўқлиги яққол сезилиб турганини, шундан пинҳона ичида ўқиб-ўқиб йиғлаганларини, изтироб чекканларини баён этганди. Навоийнинг кўнгли эзилди...

Ва шу ондаёқ сафарда юрганларида худди шундай кунларни бошдан кечирганлари ёдига тушди. Бу ҳақда “Соқийнома” асарида ёзганди ҳам! Навоий дўсти Шайхим Суҳайлийни соғинганини (у Ҳиротдан узокдалиқ вақтлари), унинг дамсози ва ҳамрози эканлиги, чархдан унга турли зулмлар ёғилганида, ғусса ва андуҳлар гирдобиди қолганида дўсти суҳбати ва руҳий мададига бағоят муҳтож бўлганини изҳор этганди:

*Манга гар дарди ғам анбуҳ ўлди,  
Қисматим ғуссаву андуҳ ўлди.  
Сен фалак меҳнатидин шод ўлгил,  
Даҳр бедодидин озод ўлгил.  
Шодлиг таркини тутма охир,  
Ҳам бу ғамгинни унутма охир.  
Кимки келса бу тараф ёд айла,  
Тарабойин сўз ила шод айла...*

<sup>2</sup> “Поклар дарёси”

<sup>3</sup> “Сирлар гирдобии”.

<sup>4</sup> Байрамон қасида.

<sup>5</sup> “Фикрлар тухфаси”.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида, “Лайли ва Мажнун” достонида дўстига самимий сўзлар бағишлаганди. Шоир бир мактаб қўяй, деб қалам тутмайди, балки бари дўстига бўлган чинакам меҳр сабабидан кўнглининг қаъридан чиқади, сўзлар табиий равишда ўз-ўзидан оқиб келади. Жаҳонда машҳур бу афсонани (яъни “Лайли ва Мажнун”ни) Низомий ва Хусрав Деҳлавий сингари улуғлар шеърга солганларини, энди эса бу ишқий ривоятни назм авжининг Суҳайл юлдузи – Навоий дўстини исмидан сўз ўйини чиқариб шундай аташни ёқтирарди – тараннум этмоққа майл қилганини, дунё саҳифасида ҳали номавжуд асар яратганини гурур билан таърифлади. Маснавийси пухта, ғазаллари равон, деб ёзди...

Бир-бирига суяниб қолган бир-бирининг руҳиятини чуқур идрок этган икки дўстнинг, икки шоирнинг беғараз ва самимий юрак талпинишлари манзаралари эди бари. Бир кунда не-не инсонларни кўрасен, лекин қай бири билан сирлаша оласен? Шундай инсон борми ўзи? Бу – муаммо. Бу одамни тўлқинлантирмай қўймасди. Навоий ана шуларни ўйларкан, шундай дўсти борлигидан боши кўкка етди.

Навоий дарҳол қўлига қалам олиб Шайхим Суҳайлий мактубига жавоб ёзишга ўтирди. Мактубда Ҳокони мансур амрларига биноан девонлар тузмак юмушлари ила банд экани, бу хийла душвор юмушлиги, янги ғазаллар иншо этмак лозимлиги, “Насоим ул-муҳаббат” асари устида машаққатли заҳмат охирлаб бораётганини баён қилганди. Тез кунларда, Оллоҳ буюрса, дийдор кўришишлари мумкинлигига умид боғлаб, кўнглини кўтариб, мактубни шундай тугатди:

*“...Эй ёри азиз! Битиб эрдингизким: “Мирзо (Султон Ҳусайн Мирзо) тобугида<sup>6</sup>, камина қулни (Навоийни) ёд қилиб, йиғлармен”.*

*Ёд қилурингизга розимен, йиғларингизга – йўқ...*

*Сўз мухтасар, бир рубоий била ихтисор<sup>7</sup> қилишур.*

*Ёнсам<sup>8</sup>, яна ғурбатни ҳавас қилмагамен,  
Ҳижрон ўтига танимни хас қилмагамен.  
Жуз жоми висол мултамас<sup>9</sup> қилмагамен,  
Ҳақ ҳазратида шукрни бас қилмагамен!  
Тавфиқ рафиқ бўлсун, омин”.*

Навоий Шайх Баҳлулга, шу бугуноқ мактубни Шайхим Суҳайлий чопари қўлига топширишни ва доруссалтана Ҳиротга юборишни буюрди.

Бундан бохабар Султонали Машҳадий саройга энди чакирилсам, керак деб кутиб турарди. Ростдан ҳам, Ҳазрат мулозими чорлаб келди. Хаттот дарҳол Навоийнинг ёшлик девони “Бадони ул-бидоя”дан кўчирилган янги нусхани қўлга олди-да, оқ дуррага яхшилаб ўради ва худди чақалокни авайлагандай бағрига босиб саройга йўналди.

Оққуюнлилар давлати подшоси шоир Султон Яъқуб назмга, сўз илмига қаттиқ меҳр қўйганди, туркийда ғазаллар битарди. Унинг Навоийга ихлоси жуда юксак эди. Шоирнинг Астробод ҳокимлигига тайинланганидан бағоят мамнун эканини таъкидлаб, қутлаб, элчи орқали нома юборди, унда кўпдан Ҳазратнинг ғазалларига

<sup>6</sup> Яъни, подшо ҳузуридаги мажлис, йиғинларда, маъносида.

<sup>7</sup> Қисқа қилмоқ маъносида.

<sup>8</sup> Қайтмоқ, маъносида.

<sup>9</sup> Илтимос, маъносида.

гойибона ошuftалигини изҳор этди ва девонини муштоқона ўзига тилаганини билдирди. Номада Султон Яъқуб, шунингдек, Султон Ҳусайн Мирзодан мактуб олгани, унда Навоийнинг Астрободга ҳоким этиб юборилгани зикр этилгани ҳақида ҳам хабар берилган ва ўзаро муносабатларда яхши қўшничилик расму русумларига асосан иш юритилишига умидворлигини изҳор этганди. Бу пайтлар Навоийнинг туркий девонлари султонлар ва киборлар мажлислари беағи мақомини олганди.

Подшо Султон Яъқуб замонанинг машҳур шоири Абдурахмон Жомий билан ҳам хат ёзишиб турарди, ҳатто хатларининг бирида Жомийга, “Саломон ва Абсол” достонини битиш бўйича таклиф ва маслаҳатларини изҳор қилишга журъат этган, асарнинг ёзилишига сабабчи ҳам бўлганди.

Султонали Машҳадий девон устида узоқ тер тўкди, ҳар куни бомдод намозидан то хуфтон намозигача девон кўчириш билан шуғулланди. Иш битгандан кейин ҳам ҳар бир ғазални синчиклаб назардан ўтказди. Девонни аввал ҳам ўзи оққа кўчирганди, нақшин суратларини мусаввир Бехзод чизганди, ўшанда бирда-ярим ўтиб кетган саҳвларни ҳам йўл-йўлакай силлиқлаб кетганидан кўнгли тўлди.

– Маъзур тутадилар, Ҳазрат... – гуноҳқорона жилмайди Султонали Машҳадий. – Ялқовлигимни кечирингиз. Аммо бад: кўчирғонда ғазални қайта-қайта ўқиймен, янгидан-янги маънолар топамен. Аввал ўқиғондим-ку, нечун кўрмағонмен, деб ўзимни-ўзим уялтирамен... Хаттотлигим эсимдан чиқиб, мутолаага киришиб кетганимни билмай қоламен. Шундан ишим сал чўзилиб кетди шекилли...

– Ҳамиша мактайдурсиз... – норизо оҳангда деди Навоий. – Қутулмоқнинг яхши йўлини топғонсиз...

Султонали Машҳадий ерга тикилди. Сукунат чўкди.

Навоий ширин ҳаяжонга чулғанганча Самарқанд қоғозида ораста кўчирилган девонни қўлига олиб оҳиста варақлай бошлади, назарида саҳифаларда ғазаллар эмас, унинг бебаҳо кўз нурлари жамланган, ёшликнинг қувонч-ҳасратлари кўриниб турарди. У ҳар бир ғазалга назар ташлар, айримларини ўқир, хаёлга чўмар, мабодо бирон хатоси йўқми, дегандай саҳифаларни варақлашда давом этарди. Моҳир саҳхоф ҳар саҳифани заррин нақшлар билан ўраган, унинг ичидаги бинафшаранг тўғри тўртбурчакли гардишда эса ғазал бежиримгина “жойлашиб” олганди.

– Қаттиқ тер тўкибдурлар, Султонали! Салламно! – мактади энди хаттотни шоир.

Бўйи ўсган фарзандини кўриб қувонган ота мисоли худди хизматга шай бир сафда тартибли тизилиб турган аскарлардай хушбичим ғазалларга назар ташлар экан, Навоийнинг кўзи бирдан қазо янглиғ қуйидаги сатрларга тушди:

*Ёшунгон эмиш, оҳ, қаро булутқа моҳим,  
Гардунни-да совурмоқлик эрур дилхоҳим!  
Кирмиш қаро тупроққа, воҳ, қуёшдек шоҳим,  
Невчун қаро қилмасун ул қуёшни оҳим?..*

Ҳазрат беихтиёр: “Эвоҳ! – деб юборди. – Сен қайда эрсам ҳам мен билан биргадурсен!..” Оҳ! У шу палла севгани, жонкуяри, меҳри-муҳаббатининг гултожи, ёш туриб хазон бўлган дилдори Бадъеулжамол бегимни эслади. Алишер суюклиси исмига “бегим” сўзини кўшиб айтишни ёқтирарди. Асли шу рубоийни кўрмайин, деб “Бадоиъ ул-бидоя” девонини сира қўлига олмасди. Ҳозир беихтиёр ғафлат босиб бу девонни варақлаб қўйибди...

Бутун вужудини қайғу-алам ҳасрати чулғади, кўнгли чок-чокидан сўкилди... Юқоридаги рубоий маъшуқасидан айрилган куни шоир қалбидан шеър бўлиб



отилиб чиққан чорасиз фарёди, аччиқ ноласи эди...

Аммо шоир “Эвоҳ!...” сўзини демаса, ҳар галгидек изтиробларини ташқарига чиқармади, барини қалбининг бир пучмоғига кўмишга ўзида куч топа олди, аламларини кимсага билдирмасликка эришди. Ҳаммининг алами ўзига етарли, унга яна қайғу-ҳасрат юклаш инсофсизликдур. Навоий ҳеч нарсая бермагандай ясама мамнун кайфиятда Султонали Машҳадийга қаради:

– Лекин узукка кўз қўйгандек адо этибсиз. Ташаккур, эй султон ул-хаттотин!<sup>10</sup> Илоҳи, қўлингиз дард кўрмасун! Шайх Баҳлул!

– Қулоғим сизда, Ҳазратим! – таъзим қилди мулозим.

– Султонали Машҳадий жанобларига беш минг кепаккий диноҳ ва битта зар ёқали иссиқ пўстин инъом этилсун!

– Худо ато этгон меҳнатимиз... – камтарона деди Султонали Машҳадий қўл қовуштириб. – Икки оғиз ширин сўзлари бизга кифоядур. Сидқидил азият чекдук, Ҳазрат, зинҳор сийловни ўйлағонимиз йўқ...

Навоий бир сўз ҳам демади. Девонни дарҳол совға-саломлар билан Хожа Деҳдор Табризга элтсун, деб буйруқ берди.

Айнан шу кун пешиндан кейин, жума намозидан эндигина қайтиб турганди, Навоийга доруссалтана Ҳиротдан чопар борлигини, подшо Султон Ҳусайн Мирзо фармонини олиб келганини билдирдилар. Шунингдек, ул зот мактуб ҳам жўнатибдурлар, ундаги сўзлар мусофирлик дамларини бошдан кечираётган фақир ҳақир шоир қаддини сарбаланд қилиб қўйди...

Навоий фармонни ўқиб, фавқуллода қувониб кетди! Жойида ўтиролмай, туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Хуросон подшоси ўғли Бадиуззамон Мирзони саройга чорламакда эканлар! Шаҳзода салкам икки йилдан бери Астрободда яшарди. Лекин чорлов ҳақида Султон Ҳусайн Мирзо Астробод ҳокими билан маслаҳатлашиб ҳам ўтирмади. Балки шошилиш қарорлиги туфайли бунга улгурмагандир. Не бўлганда ҳам, бу кутлуғ қадам эди.

Демак, подшо ўз фарзанди ташвишини чекмакда. Навоийнинг ўзи бу ҳақда подшога сўз очмоқчийди, унга Сарахс ҳокимлигини топширсунлар, бизга яқин, хабарлашиш осон, деб кенгаши бермакни мўлжаллаганди. Дўсти бу борада чакқонроқ чиқибди чоғи.

Муборак мактубида Ҳокони мансур ҳар галгидек кўнгил илтижоларини баён қилган ва сўнгги ойларида бир насада камлик сезаётганини, яъни Амир Алишердан янги битилган ғазаллар олмаётганини айтиб, ўпкаланган ва шундай ёзганди:

*“Паришон абётингизни<sup>11</sup> жам қилиб Мавлоно Султонали Машҳадийга ёздуруб, ҳаялламай йиборсунлар”.*

Навоий хижолат бўлди, ўзини ичида қойиди. Лекин, нафсиламрини айтганда, кейинги пайтларда ёзган шеърларини Ҳокони мансур назарига юбормоққа шайланиб юрганди. У доим шундай йўл тутарди. Ғазалларни даставвал Султон Ҳусайн Мирзо раёларига ҳавола этар, ул зот ўқиб, лозим жойларга таҳрир киритиб, фатво берар, сўнг у асарлар девонга жойланарди.

Янги ғазалларни жўнатар экан, унга қилинган кичик илова хатда, эмну омонлик, дийдорлашув умидлари ҳақида хоҳишу истаклар билдирилгач, шундай сўзлар битилди:

*“Умид улким, узрхоҳ мақбул кўрингай ва узр мақбул тушгай... Сочилгон*

<sup>10</sup> Хаттотлар султони – Султонали Машҳадий лақаби.

<sup>11</sup> Абёт (араб.) — Байтлар, яъни ғазаллар.

назмлардин бир жуз жам қилиб тобуқта<sup>12</sup> юборилди. Чун муборак назарлари тушгай – ислоҳ<sup>13</sup> ила мушарраф бўлгай... Умид улким, Мирзомнинг шариф зотлари даги ҳамиша сикҳатда бўлуб, давлатлари кундин кунга ортқай...”

Фармондан кўнгли таскин топган Навоий Амир Бобоалини ёнига олиб Бадиуззамон Мирзо уйига ташриф буюрди. Ота билан ўғилни бир-бирига дўст айлаш, орадаги гина-кудуратларни йўқотиш – унинг доимий мақсади! Шунда юртга тинчлик инади, эл-халқ хотиржам яшайди.

Шаҳзода шаҳар шимолида, янги қурилган масжид кўчасида турарди. Ҳовлибоб кенггина, ўртада шинам яшнаган гулзор кўзга ташланади. Гулларга малика Хоним бегимнинг ўзи қарар, экар, парваришлар, сувидан хабар оларди. Гулзорни оралаб юрган малика меҳмонлар дарагини эшитиб, ичкарига ўзини урди...

Бадиуззамон Мирзо нозик меҳмонлар ташрифини кутмаганиди, шошиб қолди, дарҳол деворларига эрон гиламлари осилган, тўкин дастурхон ёзиқлик муҳташам меҳмонхонага бошлади. Жойлашдилар. Фотиҳа ўқилди. Навоий гулобдан бошқа ҳеч нарсага қўл теккизмади, Бобоали у-бу тановул қилган бўлди.

– Муборакбод этамен, шаҳзодам! – деди Навоий мамнуният ила. – Подшо отангиздан фармон келибдур. Нечоғлик хурсанд эканимни айтамен! Ул зот, ўғлим Бадиуззамон Мирзо набирам Мўмин Мирзони олиб саройга етиб келсун, соғиниб қолдик, деб ёзибдурлар... Тавфиқ рафиқ бўлсин, омин.

Шаҳзода ерга қаради.

У Навоийга билдирмай ичида отасидан ўпка қилиб юрар, шунча вақт ўтса ҳам падари бузрукворим бизга бирон-бир юртни ё мансабни иноят айламадилар, назар этмадилар, дерди. Ҳатто подшо Мўмин Мирзонинг бешик тўйида ҳам Хоқони мансур оғзини пойлади, бир четга чақириб, ўғлим, гап бундай-бундай, шунга қараб қадам ташлаймиз, тайёр тур, дейди, деб умид қилди. Аммо бу ҳақда бирон сўз эшитмади.

Унинг устига, отасига нафрати пасаймаган, волидаи зорининг саройдан қувилиши алами юрагига тошдай ботган, битмас ярага айланиб мадда бойлаб ётарди. Бир томондан онасининг кўнгли эзилади, иккинчи тарафдан отаси ўксинади... Бу ёқда – отаси, у ёқда – онаси... Не йўл тутсун, бечора шаҳзода? Қаёққа қайрилса ҳам унинг шаънига оғир исноддур...

Энди балки, бирон кор-ҳол юз бериб, отасининг шаҳзодага иши тушиб қолгандир? Қандай иш?.. Соғиниб қолдик, дебдилар. Соғинган эсалар, набирани соғинганлар-да, ўғилни эмас, албатта... Бу – аниқ! Ўғил – одамми, ўғил... Икки дунёда ҳам ўғил – одам бўлолмайди бу туришда! Бир мажлисда подшонинг набира Мўмин Мирзо ҳақида жўшиб: “Ўригидан данаги ширин-да!” деганларини бутун Ҳирот эшитибди... Ўғли ҳақида эса гап йўқ. Гап – данакда... Данаги ширин, данакни катта қилган бечора ўрик эса аччиқ...

Бадиуззамон Мирзонинг ичи зардобга тўлганди, аммо сиртга чиқармади ва деди:

– Шундайми?.. Хайриятки, бизнинг пешонамизга ҳам офтоб шуъласи тегибдур...

Навоий унинг кўнглида кечган ўйларни яққол кўриб турарди. Шаҳзода бундан ҳайрон қолди:

– Ота меҳрибонлик аён этиб турғонда фарзанд пешона, тақдир ва ҳоказо борасида гап сўқмасдан, кўлини кўксига қўйиб: “Қуллуқ!” демаги вожибдур... – юмшоқроқ деди

<sup>12</sup> Тобук – ҳузурингиз, таъзим билан, маъноларида.

<sup>13</sup> Ислоҳ(араб) – тузатиш.

Навоий. Аммо унинг сўзлари жиддий оҳанг касб этди. У шахзода янгиликдан бағоят қувонади, деб қутганди. Чунки ҳалигача бундай хушхабар бўлмаган. – Бу Худога ҳам ёқадур, бандасига ҳам! Ношукрчиликка борилмасун, бу бандасига ярашмайдур...

Ҳазратни ранжитиб қўйишдан чўчиб кетган шахзода дарҳол ўзини ўнглади:

– Йўқ, йўқ!.. Албатта, бу ўзларининг саъй ҳаракатлари мевасидур, Ҳазратим! Ўзларидан миннатдормен!

– Зинҳор, шахзодам! Бу сўзларга эътирозим бор! Камина ҳали сиз ҳақингизда оғиз очиб улгурмагондим, лекин яширмаймен, мақсадим бор эрди. Ҳа, бу фақат Султони Ғозийнинг дилидан чиққан пок ниятлари! Маъзур тутадурлар...

Шахзода Навоийнинг бироз қуюнганини ҳис этди ва вазиятни ўнглашга киришди:

– Узимни қабул этсунлар! Мен ёшлигимга борибмен. Англамабмен. Сиз ҳақсиз, Ҳазратим! Шаксиз ҳақсиз! Падари бузрукворимиздан миннатдормен, шубҳасиз...

– Ўзлари бағоят ақлли шахзодадурлар, салтанат боғининг олдинги гули. Ақлли киши тақдирга гина сақламайдур... Айниқса, сиздек оқил инсоннинг беҳудага қуюнмаги афсусланарли ҳол... Ўғли-ю набирасини соғинсалар, нур устига нур-ку! Дарвоқе... биз ҳам набирамизни кўргимиз келиб қолди-да... – Навоий гапни бошқа ёққа буришга уринди. – Кўришиб ҳам қўййлик... Лекин, айтайки, Мўмин Мирзони жуда ардоқлаймен. Ҳа, ҳа, сизни қандай ҳурмат этсам, уни ҳам шу мақомда кўрамен! Юрагимнинг тўридадурсиз! Иншооллоҳ, сизлар, салтанатимизнинг келажагидурсизлар, Худо хоҳласа! Сизлардан умидим катта!.. Бошқа шахзодаларни зинҳор камситмасмен, зинҳор! Аммо сизлар улардан мутлақо бошқаадурсизлар! Буни Шоҳ Ғозийга ҳам айтамен, хурсанд бўлурлар! Жиллакурса, тарих айтадур ҳали!

– Қуллуқ, қуллуқ, Ҳазратим! – деди Бадиуззамон Мирзо кўнгли фавқулудда ийиб. – Худонинг суйган бандаларидан эканимга имон келтирдим! Чунки каминани сиздай авлиё зотга шогирд этиб қўйди! Оллоҳга шукр!

Шахзода ўрнидан туриб Ҳазрат тўни пешини уч бор ўпиб, кўзларига суртди.

– Набирамизни кўришни истаб қолдик, дедилар, Ҳазрат... Чақалоқли уйга фаришта кирмас экан, покиза уйга кирмагимга ҳожат йўқ, дермиш-да... – сўзга қўшилди Амир Бобоали. Унга Бадиуззамон Мирзо тутумлари кўпда ёқавермасди, лекин бунга ҳеч кимга билдирмасди.

– Ҳозир, ҳозир... – деди шахзода чехраси ёришиб, ичкарига йўналаркан. – Энага! Ҳо, энага!.. Ҳозир Мўмин Мирзо чиқиб, ўзларини зиёрат қиладур, Ҳазратим...

Бироздан кейин у оқ ипак чойшабадаги чақалоқни оҳиста қўлида кўтариб чиқди.

Бу Мўмин Мирзо эди.

Навоий тараддудланди:

– Субҳонолло! Э-э... Келсинлар! Келсинлар-чи... Қани...

Навоий чақалоқни суюб қўлига олди. Чақалоқ ширин ухларди. “У ҳозир тушида жаннатда юрибди!.. – деди ичида Навоий гўдакка фавқулудда меҳри жўшиб боқаркан. – Олам кирдикорларидан, қабоҳатларидан мутлақ йироқда... Муштдеккина покиза хилқат... Иншооллоҳ, у тўнғич набира, Шавкатли Темурийлар салтанатининг давомчиси эрур!..”

Навоий гўдакка тикилиб бирдан кўнгли бўшашиб кетди... Гўё безавол салтанат аломатлари унинг гўзал юзларида товланар, улуғлик нурлари диллар пучмоқларини ёритарди, Ҳазрат назарида...

Бадиуззамон Мирзо Ҳазратни кузатаркан, ички шуур билан ул зотда қандайдир эврилишлар юз бераётганини пайқади. Чиндан ҳам, шоир мурғаккинадан кўз

олмасди, унга шу жимитгина чакалоқ, чакалоқ эмас, субҳонолло, балки олам, мавжудот, борлиқ, табиат, тирик жоннинг бир узви сифат туюлди ва... ўзини эса, ажабки, унинг ўрнида бамисли шу чакалоқ каби ҳис қилди! Чакалоқлиги кўз ўнгида жонлана бошлади...

Шу палла Навоий тафаккури бағоят тиниқ, хаёли бир лаҳзада оламни кезиб чиқишга қодир даражада учқур ва чопоғон эканини сезди! Негадир ўзини-ўзи идора этолмаган ҳолга тушди, жазаба юз берди шекилли, хаёллари тезлашиб кечмишга қараб елди...

Бир пайтлар раҳматли онаси Гулбегим гапириб берган, кейинчалик зуҳро пешонали энагаси Мунажжима момо такрор-такрор сўйлаганидан ёд бўлиб кетган воқеалар бирдан қуюлиб келди ва атрофини ўраб олди, барини Алишер дурри гавҳардай юрагида сақларди... Ҳали ҳеч кимга айтмағон... Хотиралар қайноқ, ўчмас эди. Барини эслаш шартмиди, деди-ю, аммо эсламасликнинг ҳам иложини тополмади...

...Хоқони саид Шохрух Мирзо замонлари. Подшо аъёнларидан бири Амир Фиёсиддин Кичкина ўзининг жуфти ҳалоли Гулбегим билан Ҳиротда яшашар эди.

...Гулбегим ўша куни эрталабданоқ негадир зил-замбилдай бошқача бўлиб юрди, ҳеч ўзига ўхшамас, қўл-оёқлари ҳам худди бировникидай туюларди. Жойга чўзилиш истаги ҳол-жонига қўймас, қани энди бир роҳатланиб бошини ёстикка қўйса...

Лекин унинг ёнидан жилмаган энага Мунажжима момо: “Ҳай, бола каттариб кетади, бекажоним!” дея ваҳима қилар, қўярда-қўймай кезишга боққа олиб чиқарди. Момо ҳаммасини ҳисоблаб қўйган, соат-сонияси қачонлигини билмайди-ю, у Худога аён, лекин кунини аниқ айта олади – бекаси худди шу бугун кўз ёриси аҳтимол...

Мунажжима момо асли андижонлик, тақдир тақозоси билан Ҳиротга келин бўлиб тушган қиз эди, бойи<sup>14</sup> – Шохрух Мирзо лашкарбошиси, Озарбайжон юришида ҳалок бўлганди. Ўшандан бери Фиёсиддин Кичкина хонадонида энагалик вазифасини адо этарди. Мунажжима момо фавқулодда хушсурат аёл эди, одобли, мулойим табиатли, ў тутуми сўзидай чиройли. Гулбегим ёнида бамисли онаизордай парвона бўлар, тин билмасди.

Кобуллик Шайх Абу Саид Бекнинг қизи Гулбегим Соҳибқирон Амир Темурнинг волидаи ғамгузори Тегина Хотунни ардоқлаб эслашни хуш кўрар, унга ҳавас қиларди. Тегина Хотун ҳам бухоролик шайхнинг қизи эди. Темурбекнинг авлодлари, амирзодалар хонадонларида, ҳар хил йиғин, тўй-тўйчиқларда аёллар, хотин-қизлар орасида доим Соҳибқирон хонадонига мансуб маликалар, аёллар, хусусан, Тегина Хотун, Бибихоним, Туман оқа, Хонзода хоним, Гавҳаршод бегим ва бошқа хонимлар ҳақида гурунглар қизгин кечар, хотиралар саҳифалари варақланарди. Гулбегим маликалар ҳақида энага Мунажжима момога кўп бор хикоялар сўйлаб берган.

Муборак рамазон ойининг ўн еттинчи куни қоқ ярим кечаси Гулбегимни илк марта расмана тўлғоқ тутди...

– Хайрият! Хайрият! Бу яхши хабар! Худонинг ўзи мададкор, бекам! – тинчлангирди энага Мунажжима момо. – Илоҳи, Биби Сешанбанинг ўзи қўлласун!

Тўлғоқ тобора кучайиб борарди. “Болажоним туғилишни истамаётирму... Гуноҳкор ерга оёқ қўйишни хоҳламаётирму... Оллоҳ ўзинг йўл бергил, юмушимизни осон этгил!..” изтиробга чўмди она минг бир хил андишада. Энага

<sup>14</sup> Бой – бу ерда турмуш ўртоғи.

Мунажжима момо уни чалғитиш, сабр-тоқат тилаш билан овора. Ота-боболардан мерос тўлғоқнинг ўзига хос расм-русумлари борлигини, уларни адо этиш аёлнинг бурчи эканини қайта-қайта уқтиради:

– Гуноҳга қолиб юрмангиз тагин! Ахир Ҳасан-Ҳусан ўғилларини дунёга келтиришда Биби Фотима онамиз розияллоҳу анҳонинг чеккан изтиробларини эслангиз, бекажоним! – деди энага. – Биз аёлларга бундай азоблар Парвардигор томонидан азалдан белгилаб қўйилгон-да!

Буларни эшитгач, бечора она ўзига сабр тилашда давом этади.

Тонг қоронғисига борганда бирдан табиат жунбишга келди. Момоқалдирок овози оламни тутди, ҳар ёқдан қарс-курс, олатаъсир гулдурак садолари эшитиларди. Энага илғади: улкан бир яшин Ҳирот узра Мусалло миноралари устидан учиб ўтиб, Гозургоҳ ёқларда яраклаб ёлқин ташлади! Чақмоқ иккинчи бор ўзининг букилмас қиличини ерга урганда сачраган шуълалардан борлиқ ёришиб кетди! Кутилмаганда Парвардигор оби раҳматини ёғдирди – шовуллаб ёмғир ёға бошлади!

Беш ойлик юкли эканида шайх падари бузрукворининг айтган ушбу башоратомуз сўзлари Гулбегим эсига тушди: “Эй, менинг гулдан пок ожизам, доно қизим! – деган эди шайх. – Барҳақ олам эгаси, барча тошу тоғ, дала-водийлар, мамлакатлар, подшоҳликлар, Еру осмоннинг мутлақ ҳукмдори, кабиру зулжалол, жаббору ғаффор Қудратнинг донолардан доно ҳикмати шуни тақозо этадурки, ҳар неча замонда бир марта туғилиш уфқидан соҳибжамол хулқли, яраклаган нуридан оламларни ёғдуга буркайдурғон, инсоният қалбини мунаввар айлайдурғон бир қуёш юз кўргизадур. Алалхусус, мартабаси улуғ хоқон, дунё ва дин таянчи Шохрух Мирзо салтанати замонида, иззату иқбол чаманида орзу-умидлари ҳеч қаерга сиғмас бир ниҳол униб чиқса, мартаба ва буюклик осмонида сўнмас бир қуёш порласа не ажаб?.. Не қилса Ўзи қилур!..” Бобонинг нияти ана шундай эди.

...Бирдан бир марта “Инга-а-а!..” овози эшитилди!

Овоз чақмоқлар шовқинини босиб кетди Гулбегим назарида...

– Ўғил, бекам! Ўғи-и-ил!! – қувончи ичига сиғмай қичқирди йиғламсираган Мунажжима момо каловланиб. – Худойим ўғил ато қилди-и-и!!..

Гулбегим чақалоққа бир боқишга ўзида куч топа олди. Қаради. Ажабо, ким у?.. Чақалоқ эмас, бир фаришта дунёга келганди, фаришта! Чақалоқ, йўк, онанинг ёнида фалакдан тушган фаришта ётарди! Ундан қандайдир илоҳий нур таралиб турарди! Онани кўрқув ҳисси чулғади ва ҳушидан кетганини билмай қолди...

У фаришта – Алишер эди.

Мунажжима момо: “Қўрқманг, бекам! Қўрқманг!” дея, оҳиста она юзларига шакаррез сув сепиб, бошларини силай бошлади. Ҳар силаганда: “Ўзим ўргилай!.. Ўзим...” – деб ҳапқирарди.

Бешак-шубҳа, шу куни осмонларда фалак котиби ўзининг хос дафтарида фаришталарни мамнун этиб, сидқу ихлос ила бу исмни қайд қилиб қўйди. Фаришталар ўз сафларига ким қўшилганини, раҳнаmolари келганини билдиларму экан, йўқми?..

Алишер ҳижрий-қамарий солноманинг товук йилида, саккиз юз қирқ тўртинчи йил рамазон ойининг ўн еттинчисид<sup>15</sup> йўқлик оламидан борлиқ дунёсига қадам қўйди.

Товук йили амир оиласи учун сербарака келди. Узоқ кутилган ўғил –

<sup>15</sup> Милодий 1441 йил 9 февраль.



Алишер туғилганда отаси Ғиёсиддин Кичкина ва гўзал чехрали онаси Гулбегим Парвардигорга шукрона айтиб, тўй маросимини бошлаб юбордилар, назр ва садакаларнинг юзига қарамадилар, ҳамма нарсани мўл-кўл қилдилар. Қанчалар кутишди-я бу кунларни! Уларнинг кўчасида ҳам офтоб чикди.

Ғиёсиддин Кичкина кулиб деди:

– Бир насага ҳайратдадурмен: бек ўғлим моҳи Рамазоннинг ўн еттинчисида дунёга кўз очди, бекам!

– Вой ўлмасам! – деб юборди Гулбегим...

– Нима бўлди, бекам? – сўради ташвишланиб Ғиёсиддин Кичкина.

– Ахир пайғамбар саллалоҳи алайҳи васалламга ваҳий келиши ва Қуръони каримнинг туширилиши ҳам худди шу куни юз берғон-да, мухтарам амирим! – деди хаяжонда бахтиёр она...

– Ана шуни айтмоқчийдим-да. Тўғри айтдилар, бекам! Бу жуда хосиятли кун! Эсингиздаму, ахир Бадр жанги ҳам худди шу куни рўй берғон. “Бадр жангида кучингиз оз эрса ҳам, Оллоҳ сизларни ғолиб қилди-ку!” ояти нозил бўлганди ўшанда. Тарихчиларнинг айтишларича, Қадр кечаси ҳам моҳи Рамазоннинг ўн еттинчисида юз берар экан. Мен сизга айтсам, гўдагимизнинг ўзида ҳам хосият бор, фақат уни англамоқдан бизлар ожиздурмиз... Унинг қутлуғ чехраси ва бахтли манглайига қараб, толе шуъласини кўргандаймен, илоҳи...

– Рост айтасиз, менга ҳам шундай туюладур... Вой ўлмасам!.. – деб юборди яна Гулбегим...

– Тинчликми, бекам?

– Қарасам... тўйимиз ҳам худди шу куни ўтғон экан, мухтарам амирим!..

– Йўғ-е!.. Ё Раббий!..

Иккиси ҳам бундан бағоят таажжубга тушдилар. Алишернинг туғилиши турфа сирларга тўла эди.

Шавҳарининг<sup>16</sup> тикилиб турганини кўрган Гулбегим уялганча ерга тикилди ва дарҳол мавзунини ўзгартирди:

– Чақалоқ туғилганда каттик йиғлайди, деб эшитғондим, амирим... Ўғлимиз фақат бир марта “инга-а...” деди, холос...

Тетик чақалоқ худди бу гапларни тушунгандай оёқчаларини ўйнатиб, нозик лабларини чўччайтириб жилмайишга ҳаракат қиларди.

Чақалоқ он сайин ўсарди. Парвонадек гирдикапалак ота-онаси буни ҳар лаҳзада сезишарди. Йигирманчи куни кўп меҳмонлар келишди, катта бешик тўйи бошланди. Турфа совға-саломларни қўймоққа жой топилмай қолди. Кайвони аёллар ва энагалар чақалоқни силаб-сийпашиб, айланиб-ўргилишиб, тилак-дуолар билдиришиб нақшинкор бешикка беладилар, бешик эса кимни олиб ётганини сезгандай мамнун тебранар, бир лаҳза тўхтамасди.

Гулбегим билан энага иримиға, бахмалдан йўргак бичтиришди, кимхобдан қовуз тиктиришди, сув ўрнига бол ичиришди... Илк бор алла айтганида Амир Ғиёсиддин Кичкина дунёга сиғмас даражада қувониб кетди! Ахир унинг хонадонида биринчи марта сеҳрли алла оҳанглари янгради-да!

Икки ёшга кирганда Алишернинг мусичадай илк гувранишларида қандайдир маъноларни уқиш мумкин бўлиб қолди. Буни ҳаммадан олдин Мунажжима момо илғади. У доим чақалоқ атрофида парвона эди. Чақалоққа худди ўзи туққандай куюниб қарарди. “Болам гапиряпти, болам гапиряпти!” суюнчилади у бир куни Гулбегимга... Она хурсандчиликдан ўзини йўқотиб қўяёзди.

<sup>16</sup> Шавҳар (форс.) – турмуш ўртоғи, ёстикдош.

Шундан кейин болани гапга соладиган одат чиқардилар.

Алишернинг фавқулудда гапириб юборган, илҳом нишонлари кўриниб турган кутилмаган сўзлари кишини ўйлантириб қўяр, ҳайратларга чулғарди. Илму ҳикмат ояти унинг манглайига ёзилгани аён. Гўёки, “Унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат (ва илм) ато этдук”<sup>17</sup> ояти, астафидуллоҳ, Алишер учун нозил бўлгандай туюларди падари бузруквори назарида.

Ғиёсиддин Кичкина ўғлига қараб, Гулбегимга деди:

– Шайх Тобадгоний дедиларки, бола секин-аста ўсиб мутафаккирликка етишади, ахир қамиш ҳам секинлик билан қандга айланади-ку...

– Айтғонингиз келсун... – дейди онанинг кўнгли ийиб.

Ғаройиби шу эдики, болани ҳамма талашиб томоша қиларди. Кимдир суюб бошини силаб қўяр, кимдир жоникиб тийрак кўзларига тикилар, жуда ёқимли бола эканми, бунақа ширин болани ҳали кўрмағондим, дер, қариялар эса ардоқлаб, илоҳи кўз тегмасун, баҳодир, умрингни берсун, дея манглайдан ўпиб қўйишарди. Мунажжима момо эса болани бошқалардан кизғанар, ичида: “Намунча, булар бола кўришмаганми? Болажонимни чарчатиб қўйишмасин-да, ишқилиб...” дея куйинарди.

Хиротлик нуфузли дуохон момолардан бири Гулбегимга, бундай болалар таъби жуда нозик келади, инс-жинсдан асраш учун унга тумор тақиб қўйинглар, деб тайинлади. Энага дуохонга бориб чиройли зарҳал тумор қилдириб келди. Туморни Алишернинг бўйнига тақиб қўйдилар.

Султон Ҳусайн Мирзонинг отаси, салобати Амир Темурга тортадиган, қўллари узун Ғиёсиддин Мансур Мирзо Алишерни ўз ўғлидай кўрар, уни Темурий ўғлон, дерди. Фақат умас, хотини Феруза бегим, учраган аёлу эркак, бошқа хешу ақраболар ҳам шу гўдаккинадан яхши сўзларини аяшмас, суюб бокқанларида ҳар бирининг кўзидан меҳрибонлик нурлари ёғилар, болакайнинг қандайдир ҳеч нимага ўхшамайдиган жозибаси борлигидан ҳайратга тушишарди.

Ҳашаматли амир Ғиёсиддин Кичкинанинг мукаррам ва азиз обо-аждодлари қадим замонлардан бери Умаршайх Мирзо баҳодир ибн Амир Темур Кўрагон хонадонининг ичкилари қаторидан жой олгандилар, тақдир эъзоз қалами билан кўкалдошлик бахти нақшини уларнинг кўнгил лавҳларига битиб қўйганди.

– Худо бизга бойлик, ҳазина, суянч бўладурғон тоғ ато этибдур, баҳодир! Болангнинг кўзлари чарақлаб турғонини кўрдингму? – боқиб завкланарди Ғиёсиддин Мансур Мирзо.

– Кўрдим, султоним, кўрдим...

Ғиёсиддин Кичкинанинг юраги бир қалқиди-ю тасдиқ маъносида бош тебратди. Беихтиёр ўта меҳр ва илтифот билан чақалоққа қаради. Бу – унинг биринчи фарзанди! Эҳ-ҳе... ўғлини кута-кута унинг ҳам, Гулбегимнинг ҳам кўзлари тўрт бўлди-я! Уйга кирадилар... ташқарига чиқадиладар. Яна-яна... Аммо шамсиз, парвонанинг ўзи билан уй ёришганини биров кўрганми?.. Наҳотки, Барҳақ эгам, бизга фарзанд ато этмаса, Оллоҳнинг олдида не гуноҳ қилган эканмиз, деган ўй неча йиллар уларга тинчлик бермас, оила қурганларига ҳам йигирма йилдан ошиб борарди.

– Боланинг насл-насаби, тозалиги чехрасидаги нурдан кўриниб турадур, баҳодир... – файласуфона деди яна Ғиёсиддин Мансур Мирзо Ғиёсиддин Кичкинага. – Ўзинг биласен, уч йил бурун ўғлим Султон Ҳусайн туғилғонда унга бобоси Султон Ҳусайн Мирзо исмини қўйғонмен, чунки онаси шуни тилади.

<sup>17</sup> Куръони карим. Марям сураси, 12-оят.

Ҳақ таоло энди Алишерни бериб, Султон Ҳусайнга дўст ато этди! Худо хоҳласа, фарзандларимиз зўр инсонлар бўлишади. Олам доноларга, камолига етган ақлларга ҳамиша муҳтождир...

Баходир оқибатли ва меҳрибон кўкалдошининг ёрқин тилакларидан қувонди. Улар иккиси яқин сирдош дўст эдилар. Эсида, Султон Ҳусайн дунёга кўз очганини эшитганда Ғиёсиддин Кичкинани кучли ҳаяжон чулғади, шитоб одамлардан холи жойга югуриб кетди. Ўшанда менга ҳам ўғил ато эт, дея ёлвориб, осмонга боқиб, Оллоҳга илтижолар айлаб, ўқиб-ўқиб йиғлади.

Алишернинг уч ярим ёшларда шеърлар ёдлай бошлагани барчани ҳайратга солди. У шеърларни шундай мулойим тарзда сўзларни дона-дона қилиб ўқир эдики, овози худди жаннат қушларининг овозидай жарангларди. Ота-онаси бундай фазилят ўғилларида қаердан келганини билмасдилар. Фақат ўз бағрида ўстирган, япроқлар орасида қип-қизил бўлиб пишиб осилиб турган олтиндай мевасига ҳайрону лол қараб қолган дарахтлардай, бир-бирларига боқиб: “Худонинг ўзи асрасун!” дейишарди, холос.

Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзога жума намози куни масжидда бир нобакор, нопокнинг пичоқ ургани воқеасидан кейин бир ойлар ўтгач, Ғиёсиддин Кичкина хонадонида меҳмонлар тўпландилар, ҳамманинг оғзида ўша хунук ҳодиса айланарди. Ғиёсиддин Мансур Мирзо, Алишернинг меҳрибон тоғалари – ака-ука шоирлар Мир Сайид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлар, қариндош-уруғлар давра қуришган. Етти яшар Султон Ҳусайн Мирзо ҳам шу ерда, улар Алишер билан бир-биридан ажралмас, иноқликлари тобора ортиб борарди.

– Амирзодалар шеърлар ўқиб беришсун! – деди Ғиёсиддин Мансур Мирзо. У болаларнинг ширин тилда сўзлашларини, шеър ўқишларини жони-дилида кўрарди.

Етти яшар Султон Ҳусайн Мирзо ўртага чиқди. Қайси шеърни ўқисам экан, деганча ўйланиб атрофга жавдираб қаради. У анча-мунча ғазалларни ёд биларди. Кейин шу паллалар Ҳиротда ёйилиб кетган Мавлоно Лутфийнинг бир байтини айтишни лозим топди:

*Сенсен севарим, хоҳи инон, хоҳи инонма,  
Қондур жигарим, хоҳи инон, хоҳи инонма!*

Олқишлар янгради.

– Мавлоно Лутфий! Офарин сенга! – мақтаб қўйди ўғлини Ғиёсиддин Мансур Мирзо.

– Тасанно! – олқишлади Кобулий.

Навбат Алишерга келди. У дадил чиқиб ўртоғи Султон Ҳусайн Мирзо ёнида қад ростлади ва форсийда равон шеър ўқиб кетди:

*Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,  
Бо давлати гами ту зи фикри жаҳон чи бок?*<sup>18</sup>

– О, О, О!.. – деб юборди Ғиёсиддин Мансур Мирзо...

– Амир Қосим Анвор! – хитоб қилди Ғарибий. – Ринд шоир!

Ғарибийнинг фикрича, Ҳиротда яшаб ўтган, асли озарбайжонлик машҳур сўфий ва файласуф Шайх Қосим Анворнинг бу байти Алишернинг умрида

<sup>18</sup> Риндурмену ошиқдурмен, куйган ёқавайрон кас,  
Ғаминг билан ободдурмен, ким не дер – писанд эрмас.

ёдлаган биринчи шеъри эди! Унинг устига, шундай мўътабар даврада илк бор ўқиб турибди.

Қосим Анворнинг рутбаси шоирлик даражасини ортда қолдирган, катта обрўга эга эди. Шайхнинг пурмазмун ва файзли ғазал-маснавийлари карим ул-хулқ озодалар, азим уш-шаън шахзодалар, амирзодалар давраларида, яъни хур, озод фикрли, хушчақчақ кишилар орасида катта эътибор қозонганди, уларни излаб юриб топишар, дарҳол кўчириб олишиб бир-бирларига улашишарди. Оташнок нафасли шайхнинг назмига эл чиндан ҳам мойил эди.

Ғиёсиддин Мансур Мирзога Султон Ҳусайн Мирзонинг равон шеър ўқиши жуда ёқди. Тўрт яшар Алишернинг Қосим Анвордай улкан шоир шеърини қийналмай ёдлаб олганини, унинг сўфиёна фалсафий мазмунини чуқур англаганини кўриб хайратдан ёқа тутди, дарҳол ўрнидан туриб болаларни ўз қучоғига олди, ҳеч бирини айри кўрмай ардоқлади, меҳр билан бағрига босиб, пешоналаридан суюб ўпиб қўйди:

– Худо хоҳласа, бу йигитлар икки бақувват қанотим бўлурлар! Ўсиб камолга етингиз, ўғилларим! Камолга етингиз!.. – жўшиб деди юракдан.

– Аҳсану аҳсан! – қичқирди шоир Кобулий.

– Офарин! – қўшилди унга Ғарибий. Тоғалар муштдеккина жиян билан сидкидилдан фахрланар, ундан ғурурланардилар.

Мақтовлар олқишларга уланиб кетди.

Ҳамма дуога қўл очди.

Алишернинг тоғалари Кобулий ва Ғарибийлар секин бир-бирларига қараб: “Кўрдингизму?” дегандай, маъноли бош тебратиб қўйдилар... Ахир, улар таниқли шоирлар бўла туриб баъзан англашлари мушкул сеҳрли шеърият жиловини жиянлари Алишер ҳозирданоқ қўлга киритибдур!

– “Ринд” сўзининг маъносини илғай олгонмикин жиянимиз? – сўради яхши табъи бор Кобулий укасидан секин. – Ринд нималигини билармикин? Ёш бола...

– Илғагон, биладур! – комил ишонч ила жавоб қилди акасига хушсуҳбат, хушхулқ, хуштабъ дардманд йигит Ғарибий. У созларни яхши чаларди. Уни ва услуби ҳўб эрди. Мусиқий илмидан хабардор, айна пайтда ҳуснихат соҳиби сифатида танилганди.

– Илғагон у, бағоят ақлли, оға! Илғамаса, ёдламайдур. “Ринд” сўзи барча бойлик, лавозим, зоҳирий илтифоту мулозаматлардан юз ўгириб, олам ва башарнинг энг юксалган мақомига чиққанида ҳам ўзини озод сезувчи хур фикрли инсонни англатур...

Кобулий Ғарибийга тушундим, деганлай бош ирғаб қўйди.

Ғиёсиддин Кичкина ҳамиша ўғлининг ғайриоддий ҳаракатларини кўравериб ўрганиб кетганидан индамай қараб турарди. Гулбегим эса ўғлига боқар, “Ғаройиб ўғлим бор-да!.. Илоҳи, умрини узоқ қилгин!” дер, кўзларидаги лим-лим ёш юзларини юваркан, ҳам кўрқар, ҳам қувонарди...

*Давоми бор*

## Замон бош эгмас



Тоҳир  
ҚАХҲОР

### Маконим

Кувғинди ёмғирлар келди ёнимга,  
Бўзлашди дардларин айтиб – тингладим.  
Самовий ларзалар тушди жонимга,  
Мен ҳам ёмғирларга ўхшаб синградим.

Ёт ўлка қушлари келди ёнимга,  
Сайрашди қафасни мактаб – тингладим.  
Чангу тўзон қўнди порлоқ жонимга,  
Ғариб бир ғубордай учиб, инградим.

Учардим, бир булут келди ёнимга,  
Остинда йиғларди бир эл – тингладим.  
Эгикбош бу қавми нотавонимга,  
Ох, бағрим, жигарим, дея мунградим.

Ҳамон ғубор эдим... олов дуч келиб,  
Қўндим – ўт туташди қону жонимга.  
Сен лов-лов ёнардинг – ватаним, элим,  
Ёнғинда қайтдим мен ўз маконимга.

---

**Тоҳир ҚАХҲОР** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқаро Аҳмад Яссавий, Турк дунёсига хизмат (Туркия) мукофотлари билан тақдирланган. 1953 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. “Оқ ўрик”, “Оқаётган дарё”, “Осмон кимники”, “Эшик тақиллаётир”, “Қун кўзи”, “Юлдузлар менинг боғим”, “Тоғнинг парвози”, “Хур Туркистон учун” каби шеърӣ ва публицистик китоблари босилган. Г. Маркеснинг “Ошкора қотиллик қиссаси”, Ҳ.Н. Отсизнинг “Кўкбўриларнинг ўлими”, “Кўкбўриларнинг тирилиши”, Д. Алпнинг “Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур” романлари, И. Аканинг “Буюк Темур давлати”, Насимийнинг “Жононни севарман”, С. Ширвонийнинг “Ғазаллар” ва бошқа қатор жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилган.



### Қорликда бораётган одам

Эрталабдан қалин қор ёғди.  
Янги эмас – бу азалий қор.  
Маҳзун дилга бир чироқ ёқди  
Бу музайян, бу ғазалий қор.

Музламиш боғ овози, доди,  
Тоғдай қадди ётар чўкиниб.  
Табиатнинг хур бир авлоди  
Ётар руҳин букиб, юкуниб.

Дунё ғамин ювгувчи қорлар,  
Ювинг миллиўн умрларимни!  
Кўзлар боқсин очилиб, порлаб,  
Ювинг кўнгли кўмирларимни!

Қалбим силтар қорли дунёни –  
Музлик ичра ўт умрим ўтар.  
Бор менинг ҳам ўлмас бир жоним,  
Кўкламларга у мени элтар.

Бок: оқармиш чиркин йўллар ҳам –  
Тушмиш эркин инсон излари.  
Ҳей, қорликда боргувчи Одам,  
Мангу сенга боқар кўзларим.

### Шифоли гиёҳлар

Тўхтанг, ҳей! Қаёққа борурсиз кочиб,  
Ўткинчи шамолга топинган каслар!  
Шамол ўтар-кетар  
Ғуборлар сочиб,  
Ўтда ёниб-битар  
Нопок нафаслар.

Кийсангиз ҳам темир чопонингизни,  
Тўзонга қоришиб, бўлғайсиз адам.  
Шамол тортиб олар  
Кафанингизни,  
Шармисор, хор бўлар  
Жасадингиз ҳам.

Шамолга эгилмас, эй қоятошим,  
Шифоли гиёҳлар ўсар ёнингда.  
Мангу паноҳ бизга ватан қуёши,  
У менинг жонимда,  
Сенинг жонингда.

### Сўқмоқлар

Сувга айт айтма деб айтилган сўзни,  
Қудуққа айтгин, у ... ёяр ҳаммага.  
Ўзлик, ҳақиқатдан халқ ҳеч тонмагай,  
Тушунмаса ҳамки, сўзла оммага.

Тошга ёз ёзма деб айтилган сўзни,  
Ўқиғай булоқлар, ирмоқлар ўқир.  
Оқиллар ўқиғай, аҳмоқлар ўқир,  
Улар ўқимаса, сўқмоқлар ўқир.

### Қари ҳасрат

Фақирлигин нондай еган бу жаҳонаро  
Ҳақирлигин, хорлигини сувдай ичганлар.  
Кун ўтсин деб дунёлардан, ўздан кечганлар,  
Айтинг, сизлар қаримисиз, ҳасратингиз ё?..

Менга тенгдош севинчларим бугун қарибдир,  
Дардларимнинг ёшин сўрма, мингдан ўтадир.  
Одам-ку, ғам чекиб бир кун ўлиб кетадир,  
Қари ҳасрат эса ўлмас, ҳайҳот, бу на сир?..

### Ёвузлик

Юртинг омон бўлса, халқинг тинч бўлса,  
Кимдир умри битиб, тўсатдан ўлса,  
Мусибат аҳлига далда бер, далда,  
Ўртик сўзлар айтиб, майлига алда.

Эл нобуд, юрт нобуд бўлар маҳалда,  
Бундан фарёд этмай, сўзласанг ёлғон,  
Фожеларга чидаб яшасанг, инсон,  
Ёвузсан, баттарсан ҳатто ажалдан.

### Қуролим

Қўлимдан бошқа бир қуролим йўқдир.  
Қўлим – далаларнинг хўжаси, қули.  
Тилимдан бошқа бир қуролим йўқдир,  
Тилим – ватанимнинг курашчи ули.

Йўлимдан бошқа бир қуролим йўқдир,  
Йўлимни қиличдай қайраб, тигларман...  
Ўлимдан бошқа бир қуролим йўқдир.  
Ўлсам, ҳеч йиғламанг. Ўзим йиғларман.

### Шафқатсиз

Қандайин шогирд булар –  
Устозини ҳам куткулар?

Олдида мактаб, кулар,  
Сўнг ортидан нафрат қилар!  
Қандайин шогирд булар –  
Ҳар не тубанликни билар;  
Ўзлари шафқатсизу  
Устозидан шафқат тилар.

### Эзоп

Мен қуллар ичида яшадим, шундан  
Қулнинг тили билан арзи ҳол этдим.  
Зимдан сўз юритдим зулму туткундан,  
Асорат ҳаққинда масаллар битдим.

Касаллик емиргай бу салтанатни:  
Қуллик ва кулдорлик – тузалмас касал.  
Мен эркли қилолмам бу жамиятни,  
Ҳур рухга элтса, бас, мен битган масал.

### Ожизлик ва буюклик

Тангрилик даъво қилган Нумрудга

Сени улуғ дерлар, қудратли дерлар,  
Бу куннинг ҳокими, тож-тахтли дерлар.  
Бор, боринг кўрсатиб, қад кер улуғвор –  
Буюксан, деб товуш берарми мозор?

Номингни чиқарган қонхўрлигинг-ку,  
Юртни мозор қилган жонхўрлигинг-ку;  
Талаб, тўплаганинг бойликларни соч –  
Ўлганлар қўл чўзмас. Улар тўқ. Сен оч.

Чиндан улуғ бўлсанг, қудратли бўлсанг,  
Бутун эл пастда-ю, сен тахтли бўлсанг,  
Минглаб қурбонингдан бирин сувратин  
Тахтингга ўтқаз-чи, тирилармикин?..

### Сумэрлар юртида\*

1

Уста бир кишига уй қилса,  
Уй бир кун бузилса, йиқилса,  
Эгаси остида гар ўлса,  
Ўлдирилсин ўша уста-да.

2

Уста бир кишига уй қилса,  
Уй бир кун бузилса, йиқилса,  
Уйдаги бир бола гар ўлса,  
Ўлдирилсин уста боласи.

---

\*Ҳазрат Исодан олдинги 2123–2081 йилларда ҳоконлик қилган Хаммураби ясаларига суяниб ёзилди.

3

Уста бир кишига уй қилса,  
Уй бир кун бузилса, йиқилса,  
Эгасин бир қули гар ўлса,  
Бир қул берсин унга уста-да.

4

Уста бир кишига уй қилса,  
Уй бир кун бузилса, йиқилса,  
Не синса, мол-қўйи ё ўлса,  
Барчасини тўласин уста.

5

Уста бир кишига уй қилса  
Уй тезда нураса, йиқилса,  
Ўзининг ақчасин ишлатиб,  
Бир уй қуриб берсин у уста.

### **Йигит**

Туркнинг эти чуримас,  
Суяклари қуримас.  
*Эски отасўзи*

Қутқарар битта мих  
Битта тақани.  
Қутқарар бир тақа  
Бир отни, аник.

Учқур от қутқарар  
Битта йигитни,  
Бир йигит қутқарар  
Бир мамлакатни.

### **“Турк сўзлиги девони”дан**

1

Таниш шайтон ётдан яхши,  
Эшагим ёт оддан яхши.

2

Бўри қўшнисин емас,  
Ўғри ўз қўшним демас.

### **Ёмонлар тилаги**

Ит дуоси бўлса ижобат,  
Кўкдан суяк ёғарди факат.

### Қум донаси

Ўтиб кетган ҳар одамга бу борлик энди йўқликдир.  
Нишонда ҳар одам жони, ўлимнинг ёйи ўқликдир.  
Одамдан бошлаб ўтганлар ҳисобин ҳеч қилиб бўлмас,  
Буюк саҳродаги қум донаси қанча – билиб бўлмас.

### Одамсиз ер

*Ёки бир цивилизациянинг тугаши*

Билгич ёлғиз Тангри дерлар,  
Инсоннинг не билими бор?  
Ҳар одамдек халқ ҳам ўлар –  
“Ҳар умматнинг ўлими бор”.\*

Бироқ ажал оний келар,  
Унинг ойи, йилими бор?  
Бўлиб қолар одамсиз Ер –  
Бор халқларнинг ўлими бор.

### Асорат

Оллоҳнинг лутфи-ла чекинди душман,  
Қутулдик босқинчи касофатидан.  
Ўзимга, ўзгага боқиб, ўйлайман –  
Қутулдикми шайтон асоратидан?..

### Қалам ва тузоқ

Эй, замон эгаси, сендан узоқман;  
Арабмас, форс, чинмас, ўзбек, қозоқман.  
Узоқлик яхшидир, чунки сен – тузоқ,  
Мен ҳам қаламим-ла сенга тузоқман.

### Мустамлакани соғинтириш

Ўрмонда ўттиз йил яшар айиқлар,  
Ҳайвонот боғида эллик йил яшар.  
Мардикор бўлгандан кўра ўр-қирда,  
Майли, ҳайвонот-ла яшай занжирда.

### Ипакдай Ёруғлик

Вужудим кучлийдим – темир-ди, мис-ди,  
Олтимиш еттимда нафасим қисди.  
Қўркувим олдида писди журъатим,  
Энди не бўлар, деб ўйлаб қолдим жим...

Юрагим кўклардай юксак, кенг, буюк:  
Менга не юкдир бу дунё деган юк?!  
Қўнглим тинч: ипакдай ёруғ қаршимда,  
Жон йўлим уланган Тангрим аршимда.

---

\* “Қуръон”дан: “Аъроф”, 34.



## Қуш ҳақида икки туш



Муҳиддин ОМОН

### Биринчи туш

Қўлимда китоб,  
хаёл  
оғушида сузардим,  
Ухлаб қолдим  
эхтимол,  
Ўзимни Қуш сезардим...  
Атрофга боқсам, дилгир,  
Паррандалар галаси,  
Ҳар бирида  
Пинҳон сир...  
Ўзгача муддаоси.

Қаҳратоннинг  
қаҳридан,  
Дарахтлар  
титрар зир-зир...  
Изғириннинг  
заҳридан  
Тугар  
бардош ва сабр.

---

*Муҳиддин ОМОН – 1963 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тугатган. Ижодкорнинг “Кўнгил дарбозаси”, “Толе фасли”, “Мунаввар соғинч”, “Ўртамизда ишқнинг гулхани” шеърий ҳамда болалар учун “Даканг хўроз ва унинг жўжалари”, “Соғломжон алифбоси”, “39 топишмоқ”, “Зеҳни аъло, тили бурро”, “Буюмлар тилга кирса” номли китоблари чоп этилган.*

Ажаб, кўнглим  
гумонда,  
ўйланаман  
не маскан.  
Мен ўзим қай  
парранда,  
Ўзимни  
тополмасман...

Сўнгра  
Очиб кўзимни,  
Бир қур разм  
ташлайман,  
Қушлар  
аъмолин кўриб,  
Секин  
таний бошлайман...

Осмон узра  
Қарғалар ҳоким,  
Бор овозда  
қағиллар чунон.  
Бўғотларда  
Мусичалар жим,  
Чумчуқларнинг  
ҳоли кўп ёмон...

Бойўғлилар энди  
чиндан бой,  
Патларидан  
тўкилар викор.  
Эсламаслар улар  
хойнаҳой,  
Чиққан жойи –  
эски чолдевор...

Иссиқ юртда  
яйрайди Лочин,  
Бургут тушмас  
тоғидан сира.  
Қузғунлар ер  
Отларнинг лошин,  
Зоғ Булбулни  
қилар масхара...

Майналарнинг  
тилида олқиш,  
Майна эмас  
Тўтига ўхшар,  
Ёмон тушдек  
чўзилди бу қиш,  
Қаҳратондан  
суяклар қақшар.

Ажаб,  
Ҳумо қушнинг  
тожини,  
Қўндирибди бошига  
Ҳакка,  
Энди қушлар  
бахт-ривожини  
Ҳал этмоқлик –  
Шу тирмизакка...

У не деса – шу бўлар  
амал,  
Қайси шохда  
қайси қуш жойи.  
Барчасини  
Ҳакка қилар ҳал.  
Ҳакка эмиш  
Қушлар – Ҳумойи...

Не ажабки, бирор  
Кекса қуш,  
Унга қилмас зарра  
эътироз.  
У айтгандек  
дон чўқилармиш,  
У айтгандек  
қилармиш парвоз...

Ҳакка айтса –  
Товус  
ошиб тоғ,  
Булутларга  
парвоз қилармиш.  
Ҳакка айтса –  
ҳар бир Қарқуноқ,  
Ҳар чоракда  
Булбул туғармиш...



Мен уни қидириб,  
теграмга боқсам,  
Боғ тугул, бир оғоч йўқдир ақалли...  
Кошкийди бу тушнинг  
мағзини чақсам,  
Таъбирини англаб  
топсам, тасалли...

Ё Раббий... бўғилса  
унинг нафаси  
Мени ҳам ёвуз қўл  
бўғаетгандай...  
Наҳот вужудимдир, унинг қафаси,  
Юрак ҳам шу Қуш деб  
ураётгандай...

Бу не синоатдир, бу не каромат,  
Мавҳум туш, сирли қуш...  
дилим бўлар хун.  
Наҳот интиҳого қилгай ишорат...  
Наҳот, парвоз вақти  
етди энди мен учун...

Алҳазар... алҳазар, ўшал қуш паноҳ  
топган бўлса агар  
менинг лошимдан...  
Демак... У жон қушим, яратган Аллоҳ,  
бевақт учирмагай уни бошимдан...

Балки у қалбимдир,  
беором тутқин,  
Эҳтимол руҳимдир,  
синикқан, толган.  
Балки орзуларим – чақнаган ёлқин,  
Балки илк севгимдир ...  
йўқолиб қолган...

Эҳ, кошки, берилса бир лаҳза имкон,  
Сўғорсам шул қушни  
тилақларимдан,  
Кейин десам унга: “Сенгадир – осмон,  
Озодсан...  
бу қафас – кўкрақларимдан!...”

Кейин парвоз этсак,  
у билан бирга...



Энг ойдин, энг ёруғ  
чаманлар сари...  
Қанотдек силкитсак қўлни тақдирга...  
Тубанларда қолса  
ёмонлар бари...

Бизни тонг чоғида парқу булутлар...  
Жаннатнинг пойига  
элтиблар қўйса...  
Онамнинг кафтидан есак оқ тутлар...  
Отамнинг ҳидини  
димоғим туйса...

Қай сўзим рост эрур, қай бири рўё:  
Мен ҳамон шу қушни тунлар  
тинглайман.  
Сабабин билмасдан  
ўзим ҳам ҳатто...  
Йиғлайман, йиғлайман...  
фақат йиғлайман...

Оҳ, қушим, жон қушим.. мени афу эт,  
Чирқиллаб сайрасанг,  
дош беролмадим...  
Мендан юзинг ўгир, майли, ташлаб кет..  
Мен ҳануз қафасни  
синдиrolмадим...

Ўксик томчилардек гавҳар тавалло,  
Субҳидам уйғотар мени бомдодга.  
Ёстиғим жикқа ҳўл,  
дилимда дуо,  
Мен яна қайтаман... ҳиссиз ҳаётга...

Гоҳида тунлари тушимда мискин,  
Бир қушча чирқиллаб  
сайрайди нолон.  
Билмайман, ранг тусин,  
билмайман исмин  
Лекин нимасидир жуда қадрдон...

# Йўлдаги ёлғиз одам

Ҳаётий ҳикоя



Гулнора РАҲМОН

Болалигингдаги шарқираб ётган ариқлар кўмилиб кетган, борлари ҳам тўлиб-тошиб эмас, жилдирабгина оқадиган бўлиб қолган, ўйнаб-ўсган далаларинг ўрнини номланган кўчалар, рақамланган уйлар эгаллаб олган бўлса ҳам туғилган ерингни соғинавераркансан. Бориб қолсанг ҳам ўнта одамдан тўққизтаси нотаниш... Умр шунақа оқиб ўтиб кетадиган дарё экан-да...

Автобусдан тушиб шу тахлит хаёллар билан бирпас турдим. Олис йўл жуда чарчатган эди, бироз ўтириб дам олгим келди. Сал қулоғимга ўрнашиб қолган ғув-ғув тинсин, кейин яна йўлга чиқаман. Бу ёғи энди яқин, ярим соатда етиб оламан...

Автобекат яқинидаги тепасига “ДИЛОРОМ” деб ёзилган кафенинг ташқарида қўйилган столларидан четроқда турганининг курсилардан бирига бориб ўтирдим. Атлас қўйлак кийиб, олдига фартук боғлаган аёл дарҳол дафтарчасини кўтариб ёнимга келди:

- Нима буюрасиз, хола?
- Ҳозирча бир чойнак чой, – дедим.

Шу пайт ён томондаги кичкинагина, “Акфа”дан ясалган бежирим дўконча сотувчиси билан харидор ўртасидаги савдо қулоғимга чалинди. Йигирма беш, йигирма олти ёшлардаги жувон:

- Асалингизнинг килоси қанчадан, хола? – деб сўради.
- Ўттиз мингдан, – деди гулдор рўмол ўраб олган асалчи аёл.
- Қиммат-ку, хола, сал арзон қилинг...

Энди воқеанинг давомини астойдил кузата бошладим. Кўзимга олифта кийиниб олган жувон ҳам, асалчи аёл ҳам таниш туюлди. Аммо дафъатан уларни қаердан билишимни эслай олмадим.

Рўмолли аёл бирмунча асабийлик билан:

- Хўп, қанчадан берай? – деди.
- Йигирма мингдан, – деди жувон.
- Олинг, – деди сотувчи аёл.
- Э, аввал татиб кўрай, яна асал деб қиём сотиб ўтирган бўлманг, хола!

*Гулнора РАҲМОН – 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат Театр санъати ва рассомлик институтининг (ҳозирги К.Бехзод номли МРДИ) рангасвир бўлимини тугатган. Унинг “Марварид шодаси”, “Юрак деворидаги суратлар”, “Умрнинг уч фасли” номли насрий китоблари чоп этилган.*

Сотувчи аёл бироз энсаси қотса ҳам бир марта ишлатиладиган тоза елим қошиқчалар солинган идишни жувон томонга сурди.

– Мана еб кўринг!

Бир неча идишдан татиб кўрган харидорга асал маъқул бўлди шекилли:

– Бир кило ўлчанг, – деди. Шунда катта ёғоч қошиқ билан банкага асал солаётган аёлни кўлари титраётганини кўрдим. Жувон асални олиб, пештахта устига бир неча ғижимланиб, эскириб кетган пулни қўйди-да, нарироқда дарахт остида турган, анча олифта кийинган, қора кўзойнак таққан аёлни ёнига кетди. Қизини кутиб турган бу аёлни дарҳол танидим. Танидиму, рўмолли аёлга қарадим. У бу иккаласи кетаётган томондан юзини ўгириб олган, жувон тўлаган пул пештахта устида ётарди. Енгил кўтарилган шабада пулларни бирин-кетин учуриб пастга туширди. Аммо сотувчи аёл қайрилиб ҳам қарамади. Кузда тўкилган барглари ўйнагандек, шамол уларни аллақаяқларга суриб кетди. Гулдор рўмолли аёлни ҳам жуда яхши эсладим... Ва ҳаёлимда бундан қирқ йиллар муқаддам содир бўлган воқеалар жонланди...

...Беньковда талабамиз Тупик Аллея кўчасида ижарада турамиз. Ўша, охирида пиво заводи бор машҳур кўча... Бир гала қизмиз, кимдир кўчиб кетади, кимдир қўшилади, лекин Ҳабиба опанинг уйи асло бўш қолмайди. Сал нарироқда йигитларимиз туришади, яъни бизнинг ўқишда ўқийдиганлар. Байрамлар, туғилган кунлар уларнинг квартирасида ўтади. Ўзлариники ҳам, бизники ҳам. Бекамиз уйини қизларга, “Йигит зотини киритмайсан, аканг ё уканг бўлса ҳам”, деган шарт билан ижарага берган. Бир куни кўчада битта қора танли йигит билан танишиб, расмини чизишга олиб келганимизда, ҳаммамизни кўчага ҳайдашига сал қолган. Хуллас, байрамлар, айниқса, Янги йил дастурхони у ёқда ташкил қилинади. Дастурхонга лимонад, шампан виноси, йигитлар учун ароқ ҳам қўйилади. Кейин танса-манса... Буларнинг уйининг эгаси рус аёл. “Пускай молодёж гуляет”, деб қўяверади. Бу квартирада менинг бир акам ҳам туради. Ҳамқишлоғим Мардон ака. Уйланган, битта ўғилчаси бор. Хотини Моҳира янга бўйидан икки марта тушиб, учинчисини ўлиб-ўлиб, тирик туғиб олган. Янга қишлоқда. Ҳомилалари ҳам қишлоқнинг оғир ишларини қилаётганида, ой куни етмай нобуд бўлган. Улар мактабдаёқ севишган, Мардон ака армияга кетганда Моҳира опани бошқа йигитга унаштиришганди. Бу орада Мардон ака армиядан қайтиб келиб қолди, бўлажак куёв билан муштлашиб, муносабатларга аниқлик киритиб, тўйни бўлмайдиган қилиб, кейин ўзи совчи юбориб, муроду мақсадига етишди. Хуллас, шу бахтиёр янга қишлоқда, ака ўқишда. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ака жуда келишган, бўйлари баланд, қорақош, қорақўз... Ҳалиги қизларнинг белидан енгил ушлаб тушиладиган рақс булар учун қучоқлашишга (танцы мансы-обжиманцы) бир баҳона, шунақа қилиб, ака битта қизимизга илашиб қолди. Дугонамизнинг бўйи баланд пошналар туфли кийса, аканинг тирсагидан келади. Навбатдаги Янги йилни бизнинг қишлоқда, Мардон аканинг уйида кутиб оладиган бўлдик. Ҳаммамиз пул йиғиб поездга чипта олдик. Йўлдамиз, кетяпмиз. Умумий вагон, сиқилишиб ўтирибмиз. Мардон ака чарчадим, ухлайман, деди-да, икки қўлини иккита ўринга тираб бир сакради ва унча-мунча одам тирмашиб чиқолмайдиган учинчи тахтага қушдай қўна қолди. Бўйи ҳам бўй-да! Кичкинагина, нозик ниҳол дугонамиз ҳам уйқусизликка чидай олмай қолди. Ака уни тепадан қўл узатиб, хўппа, деди-ю, бир кўтаришда ёнига олди. Дугонамиз ўша учинчи полкага, аканинг ёнига сиғди-ей! Кичкинагина-да! Хуллас, поезддан тушиб, йўл мошинларга осила-осила қишлоққа етиб келдик.

Мен уйимга кетишга шайландим, (тўрт-беш ҳовли нарида турамиз) Мардон ака чамадонимни кўтаришган бўлиб, бирор юз кадам мен билан юрди ва таҳдид қилди:

– Янганга айтсанг, ўлдираман! Яхшиси байрамни биз билан ўтказишга келмай қўяқол. Уйингда кут, – деди. Мен уйимга кетдим, аканинг ҳовлисини эса оч талабалар галаси босди. Унинг хавотир бўлганича бор, чунки мен янга билан ўртасидаги муҳаббат тарихини билардим ва “кичкинагина”га мутлақо қарши эдим.

Янгамизни огоҳлантириш ниятида қайтиб келдим. Бироқ бу оғир юмушни бажаришимга тўғри келмади. Қишнинг қаҳратонида бу тўдага елиб-югуриб хизмат қилиб юрган янга қараса, ака ҳеч “кичкинагина”дан айрилмаяпти, ҳа деб шу билан танса тушаверади, тушаверади....

Янга оғир-босиқ эди, байрам жанжалсиз ўтди. Эр-хотин ўзаро ёлғиз қолишганида нима гаплар бўлганидан хабарим йўқ. Менимча ака маст эдим, ўзи ёпишаверди, орамизда бир гап бўлса уйга обкелармидим, каби важлар билан ўзини оқлаб олди шекилли, янга вокзалгача кузатиб чиқиб, қайтиб кетди.

Аммо Тошкентда уларнинг севги қиссаси давом этди. Қаранг-ки, “кичкинагина”нинг акаси Тошкентда ўзининг тўрт хонали уйида тураркан. Синглисига ҳам ҳайронман, туравермайсанми акангникида, тайёр овқатни еб мазза қилиб! Биз билан бирга қайнатилган макарону, ковурилган карам еб юрмасдан! Ҳа, ковурилган карам зўр бўлади-да! Ҳам текин, ҳам ширин!

Шу ерда озгина чекиниш қилсам. Бешёғоч бозори шундоқ туپик Аллея кўчасининг биқинида, у пайтлари сотувчилар иш кунининг охирида молининг устини мато билан ёпиб кетаверар эди. Қоровулнинг уйчаси эса бозорнинг нариги томонида. Бу томонида менга ўхшаган йили маймун одам бемалол ошиб ўта оладиган ёғоч дарвоза. Пулимиз бутунлай тугаб қолса, қизлар қараб туради, мен карам ўғирлаб келиб дарвозанинг у ёғидан отаман, бу ёғида улар илиб олишади. Балки картошка-пиёз ҳам ўғирлагандирман, униси эсимда йўқ. Лекин карам ўғирлаганларим кечагидай ёдимда. Ҳатто ким сотадиган карам мазали эканлигини ҳам билардим!

Хуллас, шу кичкинагина дугонаимизнинг акаси оиласи билан қаергадир бирор ҳафтага кетибди. У бизни акасининг уйига олиб борди. Янгаси келиб, “Туларга сув қуйиб турасиз”, деб, калит бериб кетган экан. Аканинг уйи бир хиёбоннинг яқинида эди, кечкурун қизлар айланишга чиқиб кетишди. Мен ўзимни ухлаб ётганга солдим. Улар кетгач туриб, “кичкинагина”нинг акасига чакимчилик хати ёзиб, шкафдаги костюмлардан бирининг чўнтагига солиб қўйдим. Асосан Мардон ака билан Моҳира янганинг оташин муҳаббатига батафсил тўхталиб, шунақа севишганларнинг орасига синглисининг тушиб юриши яхши эмаслигини айтиб ўтдим. Ва акаси синглисига яхши насиҳатлар қилиши кераклигини тушунтирдим. Лекин хатни фалончи ёзди, деб ўзимни қўшиб қўймадим. Ҳар эҳтимолга қарши. Кўп ўтмай, акаси келиб синглисини ўз уйига кўчириб олиб кетди. Эҳтимол Мардон ака билан ҳам жиддий гаплашиб қўйгандир. Хатда унинг қаерда яшаши-ю, исмини ҳам айтган эдим.

Шу билан сичқон ўрага тушди, гулдур-гуп, деб хурсанд бўлиб юрувдим, адашган эканман.

Биз билан қўшни республикадан келиб ўқийётган бир қиз ҳам бирга турарди. Боя айтдим-ку, ака кўзга яқин эди, деб. Бироқ бу қиз ҳам чакки эмас эди, аста-секин иккови ўртоқ бўлиб қолишди. Кўп ўтмай дўстона муносабатлар ишқу, муҳаббатга айланиб кетди. Бу қиз мендан бирор икки ёш катта эди, ҳай-ҳай, деганимни

менсимади. Бир куни кечки пайт, учрашув олдидан пардоз қилаётган эди, қилиб юрган иши номаъқул эканлигини яна эслатдим:

– Опа, бировнинг рўзғорини бузаяпсиз, шу ишингиз яхши эмас...

Айтган жавоби ҳали ҳам эсимда:

– Буни яшаш учун кураш, дейдилар, мен ўз бахтим учун ҳаракат қилипман, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирган қиз эрсиз қолади, – деди.

– Бировнинг бахти ҳисобига бахтиёр бўлиб бўлмайди. Кейин янгани танийсиз, бориб нон-тузини татигансиз, виждонингиз қийналмайдими, – дедим.

– Менга ақл ўргатишга ёшлиқ қиласан, – деди.

– Ақл ёшда эмас бошда, бориб хотинига айтаман, – дедим мен ҳам бир гапдан қолмай.

– Айтавер, бузғунчи, чақимчисан, – деб жавоб қайтарди узун киприкларини туш билан бўяётиб.

Мана бўлмаса, дедим-да, поездга ўтириб жўнадим. Янгага бориб эрингиз фалончи билан юряпти, дейишга тилим бормади. Лекин, бориб бирга туринг, атрофида қизлар ўралашиб юрибди, бирга яшамасангиз, эрингиздан ажралиб қоласиз, – дедим.

Янга боласини онасига қолдириб, мен билан йўлга тушди.

Унинг тугун-пугунларига кўтаришиб, ака турган жойга эсон-омон етказиб, ўз квартирамизга келдим. Шундан кейин аканинг янги севгилиси билан муносабатим таранглашиб кетди. Опамизнинг ака томонга отиладиган қадами вақтинча тийилди. Улар янга шу ерда пайтда фақат ўқишда кўришиб юришди. Айни пайтда иккаласи ҳам менга қарши совуқ уруш эълон қилиб, гаплашмай қўйишди. Опа билан бир жойда туриш жуда ҳам оғирлашиб кетди. Мен кўрпа-тўшагим ва чамадонимни кўтариб бошқа дугонамнинг олдига кўчиб кетдим. Шундан кейин опамиз қаламми, дафтарми сўраб эр-хотин турган квартирага чиқади ва Моҳира янга билан бир-икки кун ичида дугона ҳам бўлиб олади. Ҳу, Янги йил кутишда уйига борган, ўшанда эрига бирор-бир алоҳида эътибор кўрсатмаган қиздан янга асло шубҳаланмайди ва ундан эри битта-яримта билан дон олишиб юрган-юрмаганини сўрайди. Табиийки, опа-дугонамиз мени ёлғончи, тухматчи, ўқишдаги бошқа севишганларнинг ҳам орасини бузиб юрадиган нокасга чиқаради. У бир бало қилиб, янгани Мардон ака ҳали расм чизилмаган оппоқ қоғоздай тозалигига ишонтиради. Чунки хавф-хатар манбасининг исми айтилмаган, ҳақиқатан ҳам аканинг олдига бегона қизлар келаётгани йўқ, янга бир томондан эрига ишона бошлаган бўлса, иккинчи томондан тилаб-тилаб олган боласини соғинган бўлса керак, кунларнинг бирида қишлоғига жўнаб кетди.

Шундан кейин ишқу муҳаббат достони тўхтаган нуқтасидан давом этди. Бу сафар опамиз бахт-саодат қасрининг асосини мустаҳкам қилиб қўйди. Унинг гўзал афту ангорида енгил доғлар пайдо бўлди. Мардон ака уйланмай иложи қолмади, десам, тўғри бўлмас, у бошқатдан оила қуришга жони-дили билан жиддий киришди. Аввало, хотинининг ҳисоб-китоб талаб қилган ота-онасига, “Қизингиз туққан бола меники эмас”, деди. Янга, “Ўламан саттор, кетмайман”, деб туриб олгач, ака тухматни янада чуқурроқ олди. Худди ўзига қуйиб қўйгандай ўхшаб турган ўғлини энг яқин қариндошига тўнкади... Шокка тушган янга бор-э, деб этак силкаб, боласини кўтариб чиқиб кетди. Опамизга қойил қолдим лекин! Ўз фарзандидан тонишга ва уни энг яқин одамига тўнкашга эркак кишини қандай журъат қилди экан?! Қайнона-қайнота ҳам келиннинг ёнини ола қолмади. Келин

ҳам бир-икки иддао қилган бўлса керакда: мен бу ёқда сенларнинг нонингни ёпиб, иштонларингни ювиш билан овораман, анави дардисарларнинг эса бегона қизлар билан ялло қилиб юрибди, чакириб бир-икки оғиз гапирсанглар-чи, деб. Асли фотиҳамни буздирмай, фалончига тегиб кетаверишим керак экан, бошимга бу кунлар тушмас эди, деб ҳам кўшиб қўйгандир. Хуллас, рўзғор бузилди, Моҳира янганинг ўрнига бошқа келин кириб борди.

Янги оилада ували-жували бўлиш катта муваффақиятлар билан йўлга қўйилди. Энди опамиз кетма-кет туғиб, уйда бола боқиб қолаверди, акамиз катта ўқишга кирди. Эндиги ўқишнинг кўлами анча кенг, бу ерда рассомлар ўнта бўлса, юзта бўлажак сахна юлдузлари соллона-соллона қадам ташлайди. Таъкидлаб ўтилганидек, акамиз кўзга яқин, келишган, ёнидан ўтиб кетаётган аёл орқасига бурилиб бир қараб оладиган йигит. Бироқ бу вақтга келиб ўн етти, ўн саккиз ёшдаги гўр, тенгдош йигитлар билан қуюқ дарахтзорларнинг барглари шитирлатиб юрган бўлажак сахна юлдузлари наздида анча “амаки”роқ ёшга етиб ҳам қолган эди. Агар акамиз “овчи” эмас, асосан ўзи тузоққа тушиб юрадиган “ўлжа” десак, тўғрироқ бўлар. Инсоф билан айтганда ўғли жиҳатидан айтилган инкорлар ҳам унинг ўз “ижоди” эмас, уқтирилган гаплар бўлиб, айтиш ўзига ҳам осон бўлмагандир. Тайинли тузоқ ташловчи йўқлигидан акамиз бир-икки йил ажабтовур яхши баҳоларга ўқиди ҳам, “халтура” расмлар чизиб рўзғорга ҳам қарашиб юрди. Лекин қани бир кўрсатиб кўрай-чи, нима дейишаркан, деб кўргазма залларига олиб борган расмлари ҳайъат аъзолари томонидан деярли эътирозсиз қабул қилиниб, томошабинларнинг нигоҳи тушадиган асосий деворларга осилиб, бирданига машҳурлашиш жараёни бошланиб қолди. Ўзининг беқиёс ва ягона гўзал эканлигига шубҳа қилмайдиган хонимчаларнинг “Мени расмимни чизиб беринг, ўзимга қараб фигурамни чиза оласизми?” каби мурожаатлари кўпайгандан кўпайди. Шундай қилиб, аллақачон сахналарни яшнатиб юрган, одамлар кўрса “Вой ана Олтиной артис” дейдиган даражада танилиб қолган, айна пайтда керак бўлиб қолар, деб диплом учун ўқиб юрган ёши каттароқ “Юлдуз”ча расмини чиздирди.

Тамом. Қарабсизки, акамиз яна тузоқнинг тўрлари аро чиқиб кетолмай гаранг...

Гуруҳларимиз бошқа-бошқа, салом-алигимиз ҳам яримта-юримта, мени Мардон аканинг ижоди ҳам, ҳаёти ҳам қизиқтирмайди, хуллас воқеалар ривожидан мутлақо хабарим йўқ, билишни ҳам истамайман. Охирги курсларда ўқиб юрибмиз.

Шундай қилиб, таътиллارнинг бирида қишлоқ оралайман. Опамиз билан муносабатлар яхшиланган. Ўтмишдаги "душман"лигимиз "унут" бўлган. Борсам, борини ўртага тўкиб меҳмон қилади, ўйнаб-кулиб суҳбатлашиб ўтираммиз. Бу сафар қарасам опа-янгамнинг кайфияти носозроқ. Ҳар доимгидек, дастурхон ҳозирлади.

Ўтирдик.

– Сенга бир гапни айтмоқчиман, – деди...

Опамиз Моҳира янгадай шалвираган эмас, ўткир!!!

Хуллас, у артист аёл ва эри ўртасидаги ишқий муносабатдан жуда осон хабар топибди. Акамизнинг чўнтагидан “Сизни соғиниб кетдим, қачон келасиз азизим, кўзларим йўлларингизда тўрт бўлиб кетди, сизнинг ёрқин толе юлдузингиз Олтиной” деб ёзилган мактуб топиб олибди. Шундан кейин аканинг неча қават терисини шилиб, қанча туз сепган, билмайман.

Хуллас, опам воқеани энг қизиқ жойларини айтиб бераётган бир пайтда ака кириб қолди.

– Энди шуни эшикдан келган одамга айтавериш шартми, бориб ҳаммага ёяди, –



деди. Опа эса:

– Мақсадим шу ўзи, шунинг учун айтиб беряпман, – деб жавоб қилди.

– Сизларнинг жанжалларингни кўтариб юришдан бошқа ишим йўқми?! – дедим жаҳлим чиқиб.

– Акангни олдинги хотинига гап ташиб тажриба орттиргансан-ку, бориб одамларга дoston қиласан-да энди, – деди опа.

– Э, боринг-э, – дедиму, чикдим-кетдим. Қишлоққа кейинги борганларимда уларга кўринмай келиб, кўринмай кетиб юрдим. Бу орада Мардон ака билан бирин-кетин ўқишни тугатдик. Мен шаҳарда қолдим, у қишлоққа қайтди.

Мен бу опа-янгам ва ака-поччамни кўрмасам ҳам кўнглим ёздагидай, улардан узилиб кетганимдан айтишга арзигулик изтироб ҳам чекканим йўқ эди. Бир куни қишлоқ йўлида опамни учратиб қолдим.

– Ҳа, йўқолиб кетдинг, ёмон аразчисан-да ўзинг ҳам. Эртага кел, кўксомса ёпиб кўяман, – деди.

Узоқ иккиландим. Онам, “Иззат қилиб чақиргандан кейин боргин-да, нима бўлганда ҳам дугонанг-ку”, деди.

Бордим. Опам дастурхон ёзиб, ваъда қилинган кўксомсани ўртага қўйди. Гаплашиб ўтиравердик. У мендан ҳалиги воқеанинг давоми нима бўлганини сўрашгани кутаётганини сездим. Мендан шахсий ҳаёти ҳақида савол чиқмагач, ўзи гап бошлади.

– Ёсингдами, ўтган сафар келганингда Олтиной деган артис ҳақида айтиб берувдим, – деди. Ўзимни эслашга уринаётгандай тутиб.

– Ким эди у? Артистларни яхши танимайман, уларга кизикмайман ҳам, – деб жавоб бердим.

Кейин эрининг чўнтагидан ўша Олтиной деган қўшиқчи раққосанинг хатини топиб олганини қайтадан ҳикоя қилиб, воқеа қандай яқунланганини ҳам батафсил сўзлаб берди...

“Болаларни ўзига қолдириб (яъни эрига) Тошкентга жўнадим. Тўғри Мавлудаларникига (бир гуруҳда ўқиган тошкентлик дугонаси) бордим. Эрталаб раққосанинг уйига телефон қилдим. (Рақамларини эрининг ён дафтарчасидан билдирмай ёзиб олган). Телефонни эри олди. “Кимсиз”, деб сўраган эди, “Олтиной билан бирга ўқиганман, яқин дугоналаридан бириман”, десам, “Исмингизни айтинг”, деди. “Йўқ, исминни айтсам, қизиги қолмайди, манзилингизни беринг, “сюрприз” қилиб кириб бораман”, – дедим.

– Исмингизни айтмасангиз манзилни бермайман, агар ростдан хотинимнинг дугонаси бўлсангиз, ўзингизни таништирасиз, – деди. “Мен: яхши, “сюрприз” сизни кизиктирмаса, бермай қўя қолинг. Ўзингиз биласиз, бормай қўявераман”, – дедим. Бироз ўйлаб тургач, манзилини айтди, ёзиб олдим. Кечга яқин боришга ваъда қилиб, гўшакни қўйдим. Кейин энг янги русумдаги қўйлагимни кийиб, пардозни жойига қўйиб, сартарошхонада сочимни турмаклатиб, (Олтиной артис жазманининг хотини қўйлагига ҳалпиллаган қишлоқ аёл эмаслигини кўриб қўйиши керак-да) таксига ўтириб айтилган манзилга қараб жўнадим. Уйи шаҳарнинг кўркем бир жойида экан. Рақамига қараб дарвозасини топдим-да, кўнгиракни босдим. Бироздан сўнг дарвоза занжири шикирлади. Ўзимни орқароққа олиб, қараб турдим. Олтинойнинг ўзи баданининг ярми кўриниб турган шифон қўйлақда аквариумдаги балиққа ўхшаб чиқиб келди. Бироз қараб тургач, “Кечирасиз, сиз кимсиз”, – деди. Сумкачамдан ҳалиги хатни чиқариб узоқдан кўрсатдим-да, “Сенинг ажалингман,

жонингни олишга келдим” дедим. Шошилиб дарвозадан ичкарига бир қаради-да, “Қанча сўрасангиз бераман, хатни қайтариб ўзимга беринг”, деди.

– Э, йўқ, ҳозир эрингни чақирамиз, кўрсатамиз, бировнинг оиласини бузиш қанақа бўлишини сенга кўрсатиб қўяман. Эрингни чақирмасанг, телефон қилиб кўчада учрашиб кўрсатаман, жонинг мени кўлимда, – дедим.

– Товба қилдим, иккинчи марта бу иш такрорланмайди, эрингиз билан алоқани ҳозир, шу дақиқалардан бошлаб уздим, эримга айтманг, – деб ялинди. Анча ялингач, “Сен билан ҳисоб-китоб қилиш учун харажат тортиб келдим. Йўлкирага сарфлаган пулимни чиқар, кейин гаплашамиз”, дедим. Юз минг сўм олиб чиқди. Олдим-да, “Майли эринг билан қўша қариб юр, хат менда туради, агар ваъдангда турмасанг, кейинги гал бошқача бўлади”, деб, товбасига таянтириб кетдим...

Индамай эшитиб ўтирдим-да:

– Ўқишни битирганимизга анча бўлди, менинг танишларим ўртасида сизларни биладиганлар йўқ. Бу гапларни кимга етказишим кераклигини тушунмай турибман, – дедим. Опа кулиб юборди-да:

– Захарлигинг ҳали ҳам қолмабди, – деди.

Шундан кейин ҳам баъзан бориб турдим ва айникса охирги марта борганимда дилим хуфтон бўлди. Опа овозимни эшитиб суюниб кетди, қучоқлашиб кўришгач, деворларни ушлай-ушлай ошхонага йўл олди. Мен ҳам эргашиб бирга чиқдим. “Бир келиб қолибсан, қандай меҳмон қилмай жўнатаман”, деб газга ўт ёқди. Ёғ қиздириб бир дона тухум чакди. Бироқ товага соламан деб, ерга тўкиб юборди. Иккинчи чаққани ҳам қизиб турган ёғ устига тушмади.

– Кел, шуни ўзинг пиширақол, анчадан буён яхши кўрмайман, гўё кўзимга узун найча тутиб, худди охиридаги айлана ёруғни кўраётгандай бўлиб қолганман, – деди. Бир-биримизга анча қаттиқ-қуруқ гапириб, баъзан аразлашиб, баъзан ярашиб юрган бўлсак ҳам, жуда хафа бўлдим. Одам туғма кўзи ожиз бўлса яшайверар, чунки у нимадан маҳрумлигини билмайди, аммо кўзи очиқ одам кўрмай қолса, кейинги ҳаёти ҳаётми?

...Олислаб бораётган она ва унинг кўлидан етаклаб бораётган қизи орқасидан қараб ўтирар эканман, “Наҳотки бутунлай кўрмай қолган бўлса”, деб ўйладим.

Бировнинг боласи тез катта бўлади, деганларидек, мен бориб юрган пайтларим бу қизлар жуда ёш эди. Шу қиз қайсиси экан, каттасими, кейингисими? Нима бўлганда ҳам у Моҳира опани танимади. Онаси эса опани жилла курса овозидан таниган бўларди, бироқ у қизи савдо қилаётганида анча олисда эди.

Моҳира опанинг иш куни охирладими ё ҳозирги харидорларни кўриб кайфияти бузилдими, ҳар ҳолда пештахта устидаги идишларни йиғиштириб ола бошлади. Ўрнимдан туриб ёнига бордим.

– Ассалом алайкум Моҳира опа, – дедим. Опа таниди-ю, бироқ исмимни эслай олмади. Қучоқлашиб кўришдик.

– Келинг опа, бирга ўтириб бир пиёла чой ичамиз, – дедим. Опа ниҳоятда ёқимли кексайибди. Сочлари оппоқ бўлса ҳам, юз-кўзларидаги ажинлар диққат билан қарамасангиз, сезилмайди. У кичикроқ идишдаги асални очиб, бир марталик елим қошиқчаларни ликопча устига қўйди:

– Бизнинг асалдан татиб кўринг. Тоғ асали, шифобахш. Одамлар олислардан қидириб келиб олиб кетишади...

– Иш кунингиз тугадими, опа?

– Йўқ, бугун эртароқ йиғиштирдим. Анави жувоннинг “Қиёмни асал деб сотиб

ўтирган бўлманг” дегани асабимни бузди. Ёлгон айтиб яшайдиган одамлар ҳаммани ёлгончи деб ўйлайди.

– Жувонни танидингизми?

– Ҳа, онасининг ёшлигини кўргандай бўлдим...

– Ўзингиз қандай яшаяпсиз, Моҳира опа? Ўғлингиз катта йигит бўлиб кетгандир?

– Акангиз билан ажрашиб кетгач, кўп ўтмай бир асалчилик билан шуғулланадиган кишидан совчи келди. Хотини билан беш йил яшаб, фарзанд кўрмаган экан. Ажрашиб кетиши билан хотини турмушга чиқиб қизалоқли бўлибди. У киши, “Демак, айб менда экан”, деб изтироб чекиб юрган эканлар. Менга совчи қўйиб, “Боласига оталик қиламан, бошқа исм қўйиб, оталик номимга ўтказаман, Худо фарзанд берса берар, бермаса шу бола суянган тоғим бўлади”, дебди. Кўришиб ҳам ўтирмай тегиб кетдим. Елиб-югуриб ўғлимни фамилиясига ўтказди. Исмини ҳам Нортажидан Нодиржонга ўзгартирдик. Чап ёноғида норми, тожми қизғиш холи борлиги учун қайнонам исмини Нортажи қўйган эди. Менга ҳам акангизнинг, “Бола меники эмас”, дегани жуда алам қилган эди, жуда хурсанд бўлдим. Қарангки, эримнинг олдинги хотини билан бор-йўғи юлдузи тўғри келмаган экан. Биз ҳам бир йил ўтиб яна фарзандлик бўлдик. Нодиржон билан ҳаммаси бўлиб уч ўғлим, бир қизим бор. Ажрашиб кетганимизда Нодиржон жуда кичкина эди. Эримни ўз отаси деб биларди. Аммо тили узунлар барибир топилар экан. Ким айтганини билмайман, кимдир, “Сенинг отанг бошқа одам”, дебди...

...Нортажи-Нодиржонни бу янгилик мушкул аҳволга солди. Аввало шундай меҳрибон, ақлли инсон отаси эмаслигига ишонгиси келмади. Ҳамиша акангдан ўрган, акангга қара қандай яхши ўқийди, акангдан сўра мен ҳозирги дарсларни тушунмайман, деб укалари олдида хурматини ошириб келган одам наҳотки отаси бўлмаса... Бироз вақт ўтиб, ҳўп, ўша ўз отам бўлмиш қандай одам экан, деган қизиқиш пайдо бўлди. Мактабни аъло баҳолар билан битириб Тошкент Тибиёт институтига ўқишга кирган йили недир ноаниқ бир истак уйғонди. Онаси билан қўшиб уйидан чиқариб юборган ўғли бирор марта хабар олмаган бўлса ҳам, одам бўлиб, обрўли бир олий ўқув юртига ўқишга қира олганини билсин...

Минг марта бормоқчи бўлиб, минг марта йўлдан қайтди. Яна бир нарсани тушуниб етдики, бориб ўша одамни бир кўрмаса, бу хаёллар миясини тарк этмайди...

Нодиржон сўраб-суриштириб қидирган манзилини топиб борганда Мардон ака айвонда бир киши билан суҳбатлашиб турарди. Йигит қандайдир оёқлари бор дастгоҳда турган расмга эътибор қилди. Галстук таққан салобатли бир одамнинг сурати. Худди тирикдай чизилган. Яна айвон деворига шунақа галстук таққан, айримлари дўппи кийган одамларнинг ажойиб суратлари суяб қўйилган.

– Ака, расмни лекин тирикдай чизасиз-да, қойил! Ҳали сизга кўп буюртма бераман, – деди ҳалиги киши чўнтагидан бир даста пул чиқара туриб. Уй эгаси кириб келган йигитга буюртма қилишга келган бўлса керак, деб ҳали эътибор қилмаган эди, кўриб қўй, сен ҳам шунақа тўлай олсанг, айтган нарсангни чизиб бераман, дегандай, пулни шиқирлатиб, намоийшкорона санаб олди. Буюртмачи рассом билан ҳисоб-китоб қилгач, оппоқ сурпга ўралган расмни кўтариб, дарвоза томон юрди. Мардон ака шундан кейингина йигитга қаради ва келинг, нима хизмат, деди-ю, нафаси ичига тушиб кетди.

– Сен... Нортажимисан? – деди.

– Ҳа... Сизни бир кўриб кетай, деб келувдим...

Ота ўғлини барглари қуюқ, ғарқ пишган қоп-қора узум бошлари осилиб турган ток остидаги сўрига таклиф қилди. Мезбон қанча қистамасин, йигит тўрға чиқмади, иккови сўрининг икки томонида бир-бирининг рўпарасида омонатгина ўтиришди. Йигитни ҳув ўша янги йилда меҳмонга келганида гўдаклигида кўргану, кейин учратмаган бўлса ҳам, опанинг ер остида илон қимирласа сезадиган кўнгли бу сафар ҳам алдамади. Бироқ барибир дастурхон кўтариб чиқиб, ўртага ёзди. Йигитнинг саломига бош ирғаб қўя қолди. Қовоғини очмай, бир чойнак чойни пиёлалар билан олиб келиб қўйди ва эрига қараб, “Ҳалиги пулни бу ёкка беринг”, деди. Эркак пулни чўнтагидан чиқариб хотинига узатди.

Меҳмон билан мезбоннинг гапи гапга қовушмади.

– Онанг соғ-саломат юрибдими? – деди Мардон ака.

– Раҳмат, яхши. Ўзингизнинг ишларингиз яхшими? – деди йигит.

– Ҳа, мана, юрибмиз, кўриб турганингдай. Шаҳарда яшаб қолганимда машҳур расом бўлиб кетардим. Ҳозир шу, буюртмага расм чизаман. Тирикчилик ёмон эмасу, лекин армон бор-да, барибир.

– Лекин зўр чизар экансиз, расмларингиз худди тирик одамдай, – деди йигит ҳайратини яширолмай.

Унинг мактаганига уй эгаси қувониб кетди. Бир зумда ўртадаги ноқулайлик кўтарилиб анча эркин суҳбатлаша бошладилар.

– Э, ўқиб юрганимдаёқ катта кўрғазмаларга қатнашардим, чизган расмларимни журналлар босиб чиқариб қолувди. Шаҳарга кўчиб кетишга журъат етишмади, қишлоқда қолиб кетдим... Яна орага жимлик чўкди. Ота бошини кўтариб ўғлига қаради.

– Хўш, ўзинг нималар қилиб юрибсан, мактабни тамомладингми?

– Ҳа. Бу йил тамомлаб ТошМИга ўқишга кирдим.

Эркакнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

– ТошМИга? Мединститутгами?

– Ҳа, бюджетга ўқишга кирдим...

– Вой маладес! Дўхтир бўларкансан-да...

– Ҳа, Худо хоҳласа...

Бу орада уй бекаси ликопчаларни шақир-шукур қилиб, уйилган қовоғини очмасдан бир-икки келиб кетгач, йигит турмоққа изн сўради.

– Бўпти, мен борақолай...

Йигит бирор марта ота, демаган бўлса ҳам уй эгаси фотиҳа қилиб ўрнидан тураётди:

– Келганинг учун раҳмат, ўғлим, яхши бор, онангга салом айт, – деди. Иккаласи ҳам сўридан тушгач, отанинг хаёлига недир фикр келди, шекилли. Сен шошмай тур-да, ҳозир келаман, деб ичкарига қилиб кетди.

У ҳадеганда чиқавермагач, йигит яна худди тирик одамдай бўлиб турган ҳайратомуз расмларни яна бир томоша қилиш учун айвон яқинига борган эди, очиқ турган деразадан эр-хотиннинг унча баланд овозда бўлмаса ҳам гаплашаётгани эшитилди:

– ТошМИга кирибди ахир, эрта-индин жўнаб кетаркан, ҳалиги пулдан бирор эллик минг сўм берайлик, – деди эр.

– Йўқ, бермайсиз. Ёмон ўрганиб қолади, пул сўраб келаверади кейин.

– Одам эмасан сен, пулни чиқар, ўз боламга эллик минг сўм беролмайманми?

– Ҳа, Мединститутга ўқишга кирганига болангиз бўлиб қолдими, мандан

бўлмаган, хотиним отамдан орттирган деган гапингизда тулинг-да энди. Бўлмаса ўзим чиқиб айтаман!

– Шу гапни сен ўйлаб топган эдинг, аҳмоқ!!!

Йигит товонигача музлаб кетди. Унга ҳеч ким отасининг бу қабих гапини етказмаган, онаси ҳам айтмаган эди...

Мардон ака хотинидан пул ундириб чиққанида йигит аллақачон катта йўлда балодан қочгандай, югуриб борарди.

Нодиржон бориб отасини кўрганини онасига айтмади. Қачонлардир дунёга келишига сабаб бўлган, бироқ оталик қилмаган, наинки оталик, балки гўдак фарзандига хиёнат қилган одамни хаёлидан мутлақо чиқариб ташлади...

...Моҳира опа:

“Нодиржоним мединститутни тамомлаб бир-икки йил Тошкентда ишлади. Уйлантирдик, иккита неварамиз бор, ҳозир Москвада магистратурада, у ёқда ҳам бепул ўқияпти, кичик ўғилларим ҳам акасига ҳавас қилиб дўхтир бўлишди”, деди.

Сўзимиз-сўзимизга, кўнглимиз-кўнглимизга тўғри келиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Моҳира опа:

– Бугун шу ерда, ўртанча ўғлимникида қоламан, эртага тоққа ўз уйимизга чиқиб кетаман. Юринг, келинимнинг қўли жуда ширин, меҳмон бўлиб кетасиз, – деб астойдил ўтинди. “Ёки кетгунингизча шу ерга келинг, тоққа уйимизга олиб кетаман. Жуда ҳам чиройли жойлар. Ўзим тонг-саҳар уйғониб чиқаётган куёшни, атроф-жавонибни томоша қилишни яхши кўраман. Шунча йилдан буён шу тоғ қишлоқда яшаб, ҳали табиатининг хуснига тўйганим йўқ. Бир томондан куёш чиқиб келаверади, бир томондан уйимиз деразасидан нур таралади. Сиз кўрсангиз, албатта шундай расм чизгингиз келиб қолади. Сиз албатта бир меҳмоним бўлишингиз керак, – деди. Насиб этган кун албатта боришни ваъда қилдим.

Кўнглимга Моҳира опанинг уйига меҳмонга бориш ниятини туғиб қўйдим. У киши тасвирлаган қишлоқ манзарасини бир томоша қилиш орзуси ҳам пайдо бўлди. Аммо барибир вақт топиб бир бориб келмадим. Тасаввуримда қирлар устида қатор-қатор терилган асалари қутилари, деразаларидан ёғду таралаётган уй ва чексиз-чегарасиз чаманзорда чўққилар ортидан кўтарилаётган куёшни томоша қилаётган аёл образи яратилиб, муҳрланиб қолди.

Шу билан ҳикояни якунласам ҳам бўларди, “Аммо тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашади”, дегандек, мен шифокор Нодиржонни учратиб қолдим.

Бир куни қутилмаганда ўз-ўзидан қон босимим кўтарилиб кетди. Болалар “Тез ёрдам”, чақирмоқчи бўлишди, лекин бу фикрни қатъий рад этиб, қизимга кийик ўтидан дамлаб келишини сўрадим. Кетма-кет дамлама, кўк чой ва баъзи дориларимдан ичиб, бирор икки-уч соатда қон босимим меъёрига келди. Аммо эрталаб ўнг кўзим ачишаётганини сездим. Ойнага қарасам, кўзимнинг ярми қондалаш бўлиб кетибди. Кечгача кўзимнинг оқи бутунлай қизариб қорачиғ билан қўшилиб кетди. Дўхтирга бормаи иложим қолмади. Дўстларнинг тавсияси билан “ЎТКИР НИГОХ” деган кўз клиникасига эрталаб соат саккизга етиб бордим. Клиника очилиши билан биринчи рақамли кириш қоғозчасини олдим.

Келиб “Тиббиёт фанлари доктори, профессор Нодир Раҳмонов” деган тахтача осилган эшик рўпарасига ўтирдим. Иш вақти саккиз яримдан бошланар экан. Шу исм-шариф ёзилган тахтачага қараб ўтирганча хаёлимдан ўзим билган барча Нодир исмли танишлар ва қариндошларни ўтказдим Нодир-Матлуба жиянимнинг ўғли, ҳуқуқ соҳасида ишлайди. Унинг ҳам фамилияси Раҳмонов. Ўғлимнинг

ўртоғи Нодир, яна биринчи қаватдаги кўшнимнинг кичкинтойи ҳам Нодир. Хуллас кўпгина Нодирларни кўз ўнгимга келтирдим. Шу жумладан Моҳира опанинг ўғли, ёноғида нори бор дўхтир Нодирни ҳам. Фақат қайси соҳа бўйича дўхтирлигини билмайман. Шунингдек, фамилиясини ҳам сўрамаганман. Хўш, яна Нодирлардан кимларни биламан?

Шу пайт ичкаридан ҳамшира эшикни қия очиб қаради-да:

– Биринчи рақам эгаси, кириш, – деди.

Кирдим.

– Хув анави ерга ўтиринг.

Мен бир томонда ўтириб, кўзимни очиқ ҳолда аппаратга босдим. У ёғидан дўхтир қаради. Пешонасига тақилган лампа билан ёритиб кўзларим тубини ҳам текширди. Деворга осилган катта-кичик ҳарфларни ҳам кўрсатди. Кейин стол ёнига бориб ўтирди-да, тиббий никобини ечиб ҳамширага узатди.

– Бошқа никоб беринг!

Шу тобда чап юзидаги бирдан кўзга ташланадиган норини кўриб қолдим.

– Ие, Нодиржон, Моҳира опамнинг ўғлимисиз? – дедим қувониб кетиб. Дўхтир ёзаётган нарсасидан бошини кўтарди.

– Онамни қаердан танийсиз, хола, – деди.

– Онангиздан доим асал олардим. Жуда кадрдон эдик. Сизнинг дўхтирлигингизни, укаларингиз ҳам сизнинг изингиздан кетганлигини онангиздан эшитганман. Кейинчалик бир-биримиздан суриштириб бир мактабда ўқиганимизни ҳам билиб олганмиз, – дедим. Негадир олдиндан танишимни айтгим келмади.

– Сиз ҳам Пастдарғомдан экансиз-да унда хола, ўзингиз нима иш қиласиз? – деди. “Рассомман” дегим келмади.

– Ўқитувчиман, ҳозир нафақадаман, – дедим.

– Кўзингизга дори томизасиз. Бир кунда беш-олти марта. Аммо, тавсияни бажармасангиз кўриш қобилятингиз пастлаб кетади. Шу кунларда қон босимингиз кўтарилганмиди?

– Ҳа, ўтган куни.

– Ўшанда кўз сиртига яқин томир ёрилиб кетган. Сиз қон босимингиз ошмаса ҳам ҳар куни ноль ўн миллиграмли берлиприл деган доридан яримтадан бир маҳал ичиб юринг. Ўшанда қон босими меъёридан ошмайди. Кўзга томчи дорини эса, ўзим бераман. Ҳалиги айтганимдай тавсияни сўзсиз бажарасиз.

– Онангизга ўхшаб сиз ҳам саҳий экансиз. Асални ё пулини олмасдилар, ё ошиғи билан берардилар. У киши ниҳоятда дилбар ва оқила аёл, мен сизга айтсам, – дедим.

– Менинг онам фақат яхши аёллар билан дугона бўладилар, мен сизга айтсам, – деди дўхтир ҳам менинг охирги сўзларимни ҳазиломуз такрорлаб. – Икки ҳафтадан кейин яна бир келасиз, хола. Тавсия эсдан чиқмасин!

– Тавсияни эсдан чиқарганлар ҳам бўладими, Нодиржон?

– Бўлади...

...На томчи дорилар, на кўз атрофига қилинадиган уколлар фойда бермади ва опанинг кўзи охир-оқибат нўхатдеккина нурни кўрадиган бўлиб қолди. Ака азда-базза пул тўплаб, газетада номи чиққан кўз шифохонасини қора тортиб, хотинини ёнига ўтиргизиб машинага бориб қўнадиган хонадонга аталган совға-саломларни юклаб йўлга тушди...

...Кўз шифохонасида рўйхатдан ўтгач, ҳамширалар опани етаклаб УЗИ, ЭКГ ва ҳоказо кўриклардан ўтказиш учун олиб кириб кетишди.



Ака беморлари билан келганлар қаторида ўтирар экан, атрофдагиларнинг гап-сўзларига кулок тутди.

– Мен шу шифохонага икки йил олдин етмиш ёшли тоғамни олиб келувдим. Нодиржон деган дўхтир операция қилувди. Ўзи Москваларда ўқиб келган, кўп билимли йигит-да, барака топгур. Тоғам ҳозир жуда яхши кўради. Энди, энамни олиб келдим. Кўзнинг гавҳарини алмаштираркан.

– Нодир Раҳмонов яхши дўхтир, бу ерга келганларни асосан шу киши операция қилади, – деди кириш эшигига суяниб турган йигит.

– Пули-чи, пули қанча бўлади? – деди ўтирган аёл.

– Пулини кассага тўлайсиз. Ўшанда бир миллион эди, ҳозир қанча, билмайман. Лекин нархлари жуда қиммат эмас. Кўрмай қолганда юз минг доллар кўтариб келинг, бефойда. Ҳозир харажат қилиб, даволатиб олганингиз яхши-да, – деди йигит. Мардон ака секин бориб ҳамшира кизлардан сўради:

– Москвада ўқиб келган профессорнинг кабинети қайси?

– Хув, ана йўлакнинг бошидагиси.

Ака бориб кабинет ёнидаги курсилардан бирига ўтирди. Икки одамдан кейин навбати келиб, ичкарига кирди. Дўхтир келинг, деб бир қаради-да, қилиб турган ишидан бир зум тўхтаб қолди.

– Хизмат?

Ака гап бошлади.

– Ука, янгангизни олиб келувдим. Кўзи деярли кўрмай қолди. Нўхатдайгина ёруғликни кўради. Сизни доврўғингизни эшитиб узоқдан келдик. Ўзингиз операция қилмасангиз бўлмайди. Бошқа дўхтирларга ишонмайман. Даволаб берсангиз мана бу деворларингизни расмга тўлдириб ташлайман. Мен рассомман, энг яхши манзараларимни текинга келтириб бераман. Шифокор индамай ёзишда давом этди.

“Расм эмас, пул керак шекилли”, деган хаёлга борган ака чўнтагидан белига резинка қистирилган бир даста пул чиқариб стол устига қўйди.

– Ҳозирча шуни олиб туринг, операциядан кейин яна бераман.

– Операция ҳақини кассага тўлайсиз, пулингизни олиб қўйинг.

Ака пулни яна дўхтирнинг олдига сурди:

– Олаверинг, кўчада гапириб юрмайман.

Дўхтир ҳамширага қараб кичкирди:

– Навбатдаги кирсин!

Яна бошини кўтармай акага гапирди.

– Чиқинг, вақтимни оляпсиз!

Мардон ака мулзам бўлиб ўрнидан турди...

Шифокор шу кундан бошлаб, оқ қалпоқни бостириб кийиб, тиббий маскасиз юрмайдиган, йўлакка чиқса, қора кўзойнак тақадиган бўлиб қолди.

Операция муваффақиятли ўтиб, уч кун деганда беморнинг кўзи боғланган бинтларни ечишди.

– Қани кўзингизни очинг-чи, – деди палата шифокори.

Кўзини очган бемор қувончдан кичкириб юборди.

– Вой, кўряпман, ҳамма нарсани кўряпман! Деразани, дарахтларни, сизни, ҳамма нарсани кўряпман!!!

– Ҳа, ана кўрдингми, тиббиёт қандай юксалиб кетган! Бор-йўғи икки соат операция қилишди. Қарабсанки, икки кўзинг ҳам очик, – деди эри.

Опа эрига қараб ҳазиллашди:

– Сизни юзингизни тузук-курук кўрмаганимга анча бўлди-да, қариб қолибсиз!  
– Сени дардинг қаритмай қўядими?  
– Майли, хафа бўлманг, ўзим яшартириб оламан, – тагдоргина гап қилди опа.  
– Ҳа, ишқилиб тезроқ ўрнингдан туриб кетсанг, уйга етиб олсак, қолгани бир гап бўлар, – деди эр.

– Дўхтирни рози қилинг, бориб ҳу бошда олмаган пулни беринг. Олдиндан олмаган бўлса ҳам, энди олади. Ишини яхши бажарди-ку. Олмаса, чўнтагига солиб қўйинг. Пулларингиз ёнингиздами?

– Ёнимда.

– Дўхтирлар ҳали тушликка кетадиган пайт бўлгани йўқ, ҳозир боринг-да, беринг.

Ака, “Тўғри айтасан”, деди-да ўрнидан турди. Яна ўша йўлак бошидаги кабинет томон кетаётган эди, дўхтирнинг ўзи ичкаридан чиқиб қолди.

– Ука шошманг, мана шу атаганимни олинг, сиздан ўла-ўлгунимча миннатдорман, – деди-да, яна бир даста пулни узатди.

– Мен сизга айтдим-ку, керак эмас, деб!

Ака, “Йўқ оласиз, олмасангиз бўлмайди”, деди-да, бир даста пулни шифокорнинг чўнтагига тикди. Шифокор, “Керак эмас, деб сизга неча марта айтиш керак”, деди-да чўнтагидаги пулни олиб, энди икки қадам ташлаган аканинг ортидан отди.

– Олинг пулингизни!!!

Аканинг нигоҳи шифокорнинг ғазабнок, қиёфасига тушди ва кўз-қоши жуда-жуда таниш туюлиб кетди. Шифокор унинг ўзига тикилиб қолганини сезди-ю, халатининг кўкрак чўнтагини асабий пайпаслади. Чиқаётганида тақишни унутган қора кўзойнакни шошилиб кўзига тутди, бироқ, “Бўлар иш бўлди”, деб ўйлади, шекилли, яна қайтариб чўнтагига солди... Мардон ака полга сочилган пулларини териб олганида иш куни тугаган профессор Нодир Раҳмонов аллақачон шифохонадан чиқиб кетган эди... Ака, “Наҳотки ўша бўлса, ё мен янглишдимми, наҳотки, бўлиши мумкин эмас, лекин кўзлари... кўзлари... жуда ўхшайди”, деб ўйлади ва бошини кўтариб эшикдаги ёзувга қаради. “Тиббиёт фанлари доктори, профессор Нодир Раҳмонов”... Бўлиши мумкин эмас, туғилганлик гувоҳномасини ўзим бориб олганман... Яна ҳам ким билади, балки исм-фамилиясини ўзгартиргандир... Агар онаси ҳалиги гапларни айтган бўлса... У йўлак ўртасида серрайиб турар экан, шубҳаларига аниқлик киритишга қарор қилди ва рўйхатхона олдига келиб, нималарнидир ёзиб ўтирган аёлдан сўради:

– Синглим, профессор Раҳмонов қаерлик?

– Самарқандлик бўлсалар керак, аниқ билмайман. Нега сўраяпсиз, амаки?

– Жуда таниш туюляпти-ю, қаерда кўрганимни эслаёлмаяпман. Мабодо чап юзида қизил холи йўқми?

– Бор. Хол эмас, нор, шекилли...

Мардон ака ташқарига чиқиб, боши оққан томонга қараб кетар экан, шифохона йўлаги ўртасида дўхтир отиб юборган пулларни тераётган аянчли аҳволини кўз олдида келтириб ўз-ўзига гапиринди: Дунёга келган кунидан буён беш сўмни раво кўриб, битта хўрозқанд олиб бермаган боланг беш юз минг сўмингни юзингга отди! Ўл бу кунингдан Мардон!!!

...Саккиз соатли йўлда хотини ажойиб билимдон профессорни тинмай алқаб келди. Аканинг “ғинг” деган овози чикмади.

...Опа кўзи очилиб кетганидан ниҳоятда мамнун, ўзини кўргани келганларга

Москвада ўқиб келган профессор операция қилганини мактаниб сўзлар, кўзойнак тақиб юрган одамни кўрса, шу дўхтирга бир кўринишни маслаҳат беришдан чарчамасди. Фақат дўхтир тавсияси бўйича энди то умрининг охиригача кунига уч маҳал дори томизиб юриши шарт эди. Шу ҳам ишми, кўзи ярақлаб очилади-ю, атиги уч марта дори томизишни эплаёлмайдими?

Эри эса негадир одамови бўлиб қолди. Ҳеч ким билан гаплашгиси келмайди. Опа “Ё кўзим кўрмай қолганидан фойдаланиб, эски одати кўзиб, бирорта бева-севага илашдимикан”, деган хаёлга ҳам борди...

...Опанинг кўзлари ярақлаб очилиб кетгани муносабати билан табриклаш учун Самарқандга тушиб кетган икки қиз куёвлар ва неваралар билан меҳмонга келиб қолишди. Дастурхон безатилиб, байрамона таомлар тортилди. Опа яна куёвлари ва қизларига ажойиб қўли енгил билимдон жарроҳ ҳақида оғзидан бол томиб ҳикоя қила бошлади:

– Палата дўхтири очинг кўзингизни, деганда, тўғриси, жуда кўрқдим. Шундай кўзимни очсаму, олам-жаҳон ҳали қоп-қоронғи бўлса нима қиламан, деб ўйладим. Барака топсин, ўзбеклардан ҳам шундай дўхтирлар чиқаркан!

Кутилмаганда ака столни бор кучи билан муштлади.

Дастурхондаги биллур қадаҳлар ва ликопчалар жаранглаб кетди.

– Бўлди-да энди, ҳадеб бир гапни тўхтаб қолган пластинкадай қайтараверасанми, жонга тегиб кетдинг-ку!

– Ҳа, нима бўлди, тинчликми? Ўзи сизга кўзим очилгани ёқмаётганини сезиб юрибман. Битта-яримта билан дон олишиб қолган бўлсангиз, учрашувга боролмай қолдингизда-а?

– Аҳмоқ, кўзингни ким даволаганини биласанми? Сен ўша эллик мингга раво кўрмаган менинг болам операция қилди!!!

– Бўлиши мумкин эмас, – деб қичқирди опа! – Ўша...ўша операция қилишини билганимда, кўр бўлиб қолиб кетсам ҳам унга қилдирмасдим! Опа бирдан эрини сенсираб бақирди:

– Ўзингни ҳам, ўша болангни ҳам кўришга кўзим йўк!

– Бошқатдан кўр бўлиш қийин эмас. Бир ҳафта берган дорисини томизма, тамом. Олдинги ҳолингга қайтасан, – деди овқатига хотиржам қошиқ ураётган эр.

Опа жаҳл билан бир ҳафта эмас, ўн кун кўзига дори томизмади. Аммо кўзи равшан кўраверди. Ҳатто кўзим асли яхши эди, ўша дўхтир бир-икки тиғ урдими, йўқми, арзимаган икки соатли операцияни деб қанча пулни ташлаб келдик. Мана, жуда дорисини арзанда қилиб буни кунига томизмасангиз ундай бўлади, мундай бўлади, деб кўрқитувди, шусиз ҳам кўряпман-ку, деб ҳам олди.

Ўн биринчи кун эрталаб уйғониб кўзини очганида яна иккита нўхатдай ёғдуни кўрди!

– Аҳмоқ қари чол, ўша куни индамай жим ўтирганинга ўзимни бу азобларга қўймасдим деб қарғана-қарғана, пайпаслаб томчи дорини топиб, шоша-пиша кўзларига томизди. Бироқ фойдаси бўлмади. Бир ойга бормай ҳалиги иккита нўхатдай ёғду ҳам ғойиб бўлди...

Ака эса нигоҳини олисларга қадаб тупроқ йўлда ўқтин-ўқтин ёлғиз кезадиган бўлиб қолди...

# Аср изтироби

Ҳикоя



**Хурсанд АЛИ**

Чотқол тоғ тизмалари арчаларга бой. Уларнинг ёши минг йилдир, балки икки минг. Уни ҳеч ким билмайди. Кўк қоядай маҳобатли, барглари кўм-кўк орасидаги оқиш кўкимтир тусга кириб, қуриб қолган йўғон шохлар уйғунлашиб, тириклик ва мангуликни қориштириб ташлагандай. Гўё кўҳна деган бўёқ пайдо бўлгану, улкан арчаларга сепилган. Ҳақиқатан арчалар кўҳна китобга ўхшайди. Қишлоқ чеккаси-дан бошланган сўқмоқ йўл адирларнинг тепасидан, жарларнинг устидан ғалтак ипдай из солганча тоққа қараб сингиб кетган. Йўлида манзили бўлак неча-неча сўқмоқлар кесиб ўтган бўлса-да, адашмасдан Учтош тоғига етганда улкан арча атрофини кўр айланиб, яна қаёққадир чувалаб кетган. Ўша сўқмоқ йўлнинг эътиборини тортган арча жуда катта, билганлар арчакапа деб атайди.

Бўрон гувиллаб, чувиллаб, сувга бўккан оғир булутни арчакапанинг тепасига боғлаб, бир ҳафта ёғдирмайдими. Остига на шамол киради, на ёмғир тушади. Кирмоқчи бўлсангиз ергача осилган кўм-кўк шохини аста четга суриб кейин кирасиз. Ичи бир уй, бир айвондай. Кўзингиз тепага уйнинг тўсинидай ҳар ёкка тарвақайлаган ярим қулоч баҳайбат шохларига тушади. Оёғингиз эса барглари-нинг чириндиларига тўла юмшоқ тупроғига ботади. Фақат туйнуғи йўқ. Бурчакда иккита тошдан бино бўлган миттигина ўчоқ, орасида чала ёнган тараша. Бу уйнинг бор бисоти шу. Ёғин-сочин кунлари йўловчими, паррандами, даррандами бағрига олиб, иссиқ жой беради. Одамлар эса дарров тепасидан осилиб тушган қуруқ шохларидан синдириб, исингани ёки чой қўйгани киришади. Мўъжазгина ўчоқ олдин тутаб, чарс-чурс қилиб, сўнгра алангаланиб кетган гулхан атрофга хушбўй арча ҳидини сочади...

Шундай кунларнинг бирида Арчакапанинг қуюқ шохлари ораларидан қизил шуъла липиллаб, узоқлардан бойқушнинг ваҳимали овози эшитилиб турарди. Остида эринибгина ёнаётган мўъжазгина гулхан ёнида телпагини бостириб олган қариянинг юзидаги ажинларини бўрттириб кўрсатар, қўллари совқотмаган бўлса-да, одат бўлиб қолган икки кафтини оловга тутиб, чуқур ўйга толганди. Эғнидаги кўк курткази эскимасу, янги ҳам эмас, резинка қўйиб тикилган энги калтарок, шундан жигарранг жемферининг энглари анча чиқиб турарди. Ёши етмиш-саксонларни

---

*Хурсанд АЛИ – 1971 йилда туғилган. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини (ҳозирги ТошДАУ) тамомлаган. Ҳикоялари Республика матбуотида эълон қилинган.*

коралаган, ўтган йиллар аямаган пешонасидаги чуқур излар, кўзлари атрофида ажибужи чизиклар ҳаёти равон кечмаганлигидан далолат. Атроф эса сукунат, қоронғилик қаъридан сойнинг бир текис шовуллаши-ю, пасайиб қолган гулҳаннинг сассизгина чирсиллаши калтакесакнинг чириллаши билан ҳамоҳанг. Арчакапага ҳам нотаниш одамнинг исми Дюшен. Липиллаётган шуълада юзларида бир қатъийлик кўринса, бир маҳзунлик зоҳир. Гоҳ тўхтаб, гоҳ пичирлаётган қариянинг кўҳна арча билан ўртасида шундай суҳбат кечарди.

Дюшен хаёлчан гулҳанга тикилганча, шундай дерди:

– Эй асрларни қаритган арча, мен узоқдан, олислардан келганман. Уч кун илгари ҳов анову қоялари булутга макон, осмонларга қадалган чўққидан оламга бир боқмоқчийдим. Сўқмоқ менга йўл бошлади. Ёнингдан ўтаётганимда ҳайратимни яширолмадим. Чунки сендай кўркем, улкан дарахтни кўрмаганман.

– Ёдимда, ҳавонинг авзойи бузилиб турганди, бўй-бастимга тикилиб, атрофимни айландинг. Сўнг баргларимни қафтларинг орасига олиб эзгилаб, ҳидлаб кўрдинг-да, кейин яна тоғ томонга ўрлаб кетдинг. Кўп ҳам ўтмай туман босди, шаррос жала ёғиб, кетма-кет чақмоқ чақар, еру осмон гумбурлади. Шошиб-пишиб қайтиб келганимда шилта бўлишга улгургандинг, енгинг билан юзларингга оқиб тушаётган сувни артиб, шохларимни четга суриб, ташқарига шариллаб ёғаётган ёмғирни томоша қилардинг.

– Тўғри, ҳали сендан узоқлашмай, ёмғирдан қочиб келиб, остингдан паноҳ топгандим. Кўк гувиллаб, қалдираб чақмоқ чақарди. Тағин кундуз куни-ю, атроф зимистон қоп-қоронғи тортиб кетган. Телба шамол суғуриб оладигандай шохларингдан тортиб юлқилар, қуриган майда шохларинг баргларинг шувиллаб пастга тўкилар, сен эса кемадай чайқалардинг. Баргларинг эса елкандай парилларди. Ўша пайт бўронда қолган кемамга жуда-жуда ўхшардинг, шунда яқинимни топгандай ҳис қилгандим. Ҳа, айтганча, ўзимни таништираман-ку, исмим Дюшен, бобом кўйган. Пойидан кўм-кўк денгиз бошланган Мўйноқданман. Ҳозир Мўйноқ денгизини йўқотган. Мен эса Оролимни, яқинларимни. Қалбим тўла дард, ичимни кемириб боряпти. Ҳеч қаерга сиғмайман. Ҳаммасини унутишни хоҳлайман, шундан бу ерларга келиб қолдим. Қуриб кетган денгизу, болалигимда кезган жин кўчалар, ҳамма-ҳаммаси ортда қолади деб ўйлабман. Жин урсин, унутишни истайман-да. Лекин гоҳ илгариллаб, гоҳ ортда қолиб, узоқлашсам чопиб, бутун ўтмишимни орқалаган хотираларим, содиқ итдай изма-из ҳеч қолмади. Урмай-сўкмай, минг ҳайдамай, кесак етмас жойга туриб олади-да, кўздан қочирсам ёнимда турган бўлади. Ана шунақа! Мен ўша йўқликка юз тутган денгизданман! Балки эшитгандирсан?

– Ҳа, қулоғимга чалинган. Кўкламда жанубдан шимолга, кузда эса шимолдан жанубга қушларнинг ўткини бўлади. Какликлар йўрғалаб кирдан-қирга ошиб ўтса, турналар осмону фалакда қайчи шаклида тизилиб, кучли йўлбошловчи ортидан қолмай учиб ўтади. Айниқса, кечаси “Қур-е, қур-е!” деган пала-партиш овозлар осмону фалакни тутиб кетади. Баъзан иссиқ ўлкаларда дунёга келган ёш турналар чарчаб қолса, дам олгани қўнган пайтлари бўлган. Кўп эмас, шу пайтгача икки марта. Ўшанда қанотли қарвон пастлагани сари осмонни савалаётгандай шув-шув этиб, уларнинг тартибсиз қийқириқлардан қулоғим том битганди. Кечаси ғуж бўлиб олган турналар ташвишланиб, бедаво дардга беланган сув ҳақида чуғурлашган. Менимча ўша денгиз ҳақида гапиряпсан?

– Ҳа, ҳа, шундай арчажон. Номини – Орол, илгари аجدодларимиз “Кўк денгиз” деб атаган. Шунақа улкан эди-ки, охири йўқ. Болалигимни яхши эслайман, қирғоқларга

тўлқин кетидан тўлқин урилар, парчаланиб, оппоқ кўпикка йўрғакланган томчилар қуёш нуридан жилोलаниб ортга қайтиб тўкиларди. Завқланиб кетган ўйинқароқ балиқлар отилиб чиқар, ҳавода мувозанатини йўқотиб, думини ликиллатганча чалқанчасига ялт-юлт қилиб йиқиларди. Шунда дарров тилла балиқ ҳақидаги эртак ёдимизга тушганча, “Эҳ, шу ерга тўр қўймабмиз-да, ҳозир тилла балиғимиз бўларди”, дердик. Орамиздан шаддодроғи “Мен отамга айтаман, эртагаёқ қўйиб беради”, деб мақтанарди. Кейин эса “Олтин балиқ тилагингни сўраса, нима дердинг?” деб бир-биримизни холи жонимизга қўямасдик. Ҳар доимдагидай сўрайдиган нарсамиз бир хил бўларди. “Катта кемам бўп қолса, довулу бўронларни менсимаса, пишқирганча кетма-кет келаётган катталиги томдай-томдай тўлқинларни ёриб ўтса, ўзим денгизнинг зўр балиқчиси бўлсам...” Шунда кимдир ақллилик қилиб, “Тилла балиқ битта тилакни бажаради. Сенлар учта сўраяпсан. Ғирром қилиш йўқ, бўлмаса тилла балиқ тушмайди, аҳмоқмас!” дерди. Тортиша-тортиша чарчардик. Кейин эса нимага келганимиз эсимизга тушиб, дарров атрофдаги саксовулларнинг қуриган шохларини йиғишга тушиб кетардик. Ҳаяллаганимиздан қайси биримизнингдир безовта онамиз бизни пешонасига қўлини қўйиб кутаётган овулга ўтинимизни орқалаб кириб келардик. Шундай, денгиз бўйларида овуллар кўп. Қачон келиб қолган, қачон пайдо бўлган ҳеч ким билмайди. Шунақанги қадимгики, бувам ҳам эслолмаган. Лекин, “Бир асрлар илгари биринчи темир кемани бўлақларга бўлиб, туяларда олиб келишган”, деганди. Кейин эса, кемалар оккушлардай кўпайиб кетди.

– Дюшен, мен денгизни кўрмаганман, лекин ҳикоя мароқли, эшитгим келяпти, давом этавер.

– Кечаси қоп-қора, теп-текис денгиз ортидан оймомо чиқиб келарди. Сеҳрли тун бўларди-да, ўзиям. Шунда оймомо то кўтарилиб олгунича денгиздаги кумуш акси овулимнинг пойигача йўлак бўлиб келарди. Худди кўприк устидан у ёққа бир, бу ёққа ирғиб ўйнаётган ялтироқ балиқларни кўриш мумкин эди, бемалол. Қани пардай енгил бўлсангу, йўлакчада орзуларинг сари юурсанг.

Йигит бўлгач, қўшни қизни севиб қолдим, исмини ўша кеча оймомога айтганман. Кейинроқ севгилим билан қирғоқда, жимирлаб турган кумуш йўлакнинг икки томонига туриб олиб, бир-биримизга сув сепганмиз, бахтимиздан шодон отиб қулганмиз. “Болаларимиз овулнинг энг эпчил балиқчилари бўлади”, деб орзулар ҳам қилгандик. Э, ўша пайтлар, эсласам юрагим ҳаприқиб кетади.

Овулим билан денгиз ораси чамаси юз метр. Агар денгиз тарафдан қарасанг уйларимиз худди гуп-гуп, гуп-гуп этиб секинлашиб бекатимизга эшелон келиб тўхтагану, энди эса сиренанинг, “Қани йўлга!” деган чинқирғини кутиб турган вагонлардай тизилишиб турибди. Уйларимизда дераза бўлмасди ҳисоб, бўлса ҳам туйнук бўларди. Ўша туйнукдан кузатсанг қирғоқ бўйларида бири тўнқарилган, бири боғланган қайиқларимиз турарди. Денгиздан қайтганда қайиқларимизни ярмигача кум устига тортиб чиқариб нам чилвирни қирғоқ четидаги темир қозикқа ўраб қўярдик. Билиб бўлмайди-да, денгиз яна қайтиб олиб кетиши мумкин. Тўнқарилган қайиқ яқин ўртада денгизга чиқмайди дегани. Овулдагилар тирикчилик юмушлари билан уй атрофида ғимирлаб юрса ҳам ҳеч қачон денгизни кўздан қочирмайди. Чунки овулнинг забардаст ўғлонлари доим денгизда, улар балиқ овлагани кетишган. Қариялар эса узундан-узун тортилган тўрларни, денгизга рўпара тикка туриб олганча йиртиғини ямаб, пишиқ иплар билан ўраб борар, ишга берилиб кетганидан лабининг бир четидаги тутаб турган муштути эсига ҳам келмасди.



Сўнгра аллақачон ўчиб, кулга айланган мохоркани қоқиш учун муштукни керза этик тумшугига ура-ура, пуфлаб тозаларди ва уни янгитдан мохоркага тўлдирадиди, қийик кўзларини қисганча чуқур-чуқур тортарди. Тўрларни, чилвирларни қайта кўздан кечирар, пишиқлигини текшириш учун қаттиқ тортиб кўрарди. Панд бериши керакмас-да. Ахир сувга бўккан оғир ёғоч кеманинг эшкагини эша-эша эллик чақирим нарига бир кун сарфласангу ови келиб турганда, сен ўраган чилвиринг бас келолмай тарс этиб узилиб кетса ёки тўқиган тўринг типирчилаган баликка дош беролмай шир этиб йиртилса. Камига устингдан кулаётгандек чавак балиқлар қайиғинг ёнидан чўлп-чўлп этиб ирғишлаб турса. Аламини айт. Қариялар ҳам вақтида зўр балиқчи бўлган, энди эса қариди, кучдан қолди. Йўлини ўғилларига бўшатиб берган. Тўғри-да, манзилига етгунча кун билан зил-замбилдай эшакни сувга ботириб айлантира-айлантира тортишнинг ўзи бўладими. Тўр ташлаш ўз йўлига, лекин ташлаб қўйган темир илгакли чилвиринг силкиниб қолса нима бўлади? Чилвирнинг нариги учида сув юзига важоҳат билан чиқиб, бир денгиз тубига шўнғиб бораётган улкан балиқни жиловлаш, қайиққача олиб келиш, сўнг ёғоч ўкқа боғлаш. Ўх-хўўў, қани унга куч. Буларнинг бари қари балиқчиларнинг бошидан ўтган. Шунинг учун қария капрон ипли чилвирни икки билагига ўраб, қаттиқ тортиб, синчиклаб кўздан кечиради. Эринмасдан тўрларни ёйиб кўради. Ўғилларига очиқ денгизда панд бермасин дейди-да.

Уйимизнинг рўпарасида, сохил бўйида қайиқларни боғлаб қўядиган йўғон, қорайиб кетган қозикдан сал берида ёғоч ўриндик бўларди. Денгиздан қайтгач, ўтириб бир оз нафас ростлардик. Шунчалик кўп хизмат қилганидан рандаланган тахтадек силлиқ ва билинар-билинемас ёпишқоқ бўлиб қолганди. Биласанми, азизим, ўша ўриндик хотирамда энг ёруғ шуъла. Энди уйланган кезларим аёлим Бибисора билан ёруғ кечалари шу ерда бир бутунга айланган орзуларимиз ҳақида жўшиб-жўшиб суҳбатлашардик. Ҳазиллашиб, мириқиб-мириқиб кулардик, тонггача гапимиз ҳеч тугамасди. Денгиз ҳам қизиқиб эшитгиси келар, осилтириб олган оёқларимиз тагидан ой нуридан товланиб сассизгина чулдираб ҳафсаласи пир бўлиб яна ортига қайтарди. Чунки биз шивирлашиб сўзлашардик-да. Шундай ойдин кечаларда Бибисора арвоҳ келин ҳақидаги афсонани эслаб, кўрқиб кетарди. Ўзиям сескантирадиган-да. Ривоятни овулимнинг бари билади, лекин қачон пайдо бўлганини билмас-ов. Ҳамон тилдан-тилга кўчиб келяпти.

Айтишларича, ёш оила тинч-осуда умр кечирар, балиқ овлаб кун кўрарди. Эри денгизга чиқиб кетаётганда келинчак кирғоққача кузатиб, ортидан дуррасини силкиб, кўринмай кетгунича кўз узмай, кейин ортига қайтар экан. Қайтадиган вақтидан ҳаялласа яна ўша жойга чиқиб, олис-олисларга кўзини тикканча жуфтини кутаркан. Бир ёқда денгиз бўронлари-ю, бир ёқда куруқликнинг жазирамаси, яна шўр сувга бўккан тирикчилик машаққати, уларнинг муҳаббатига раҳна солганмас. Қайтанга бир-бирини кучлироқ севишган. Булар кимга эриш туюлса, кимнидур ҳавасини келтирган. Келинчак жуда гўзал бўлган, айниқса ҳавас қилган майда қизчалар сочимни йиғиб беринг деб, баъзида ҳар нарсани баҳона қилиб уйига бо-раверар, то эри келиб, ёлғондан дўк қилиб, “Ҳа шайтонлар, боринглар уйларингга”, демагунча, давом этади.

Кунларнинг бирида кечаси бойкуш сайроғидан келинчак уйғониб кетди. Ўзи ўрганиб кетгану барибир товуши ёқимсиз-да, юрагингни жойидан бир кўзгатади. Кейин уйқуси учиб, ташқаридаги деворга суяб қўйилган супургининг сопига ўтирган қора чигиртканинг бир маромда чириллаб, озгина ўрмалаб яна чириллаёт-

ган хонишини тингларди. Бевозга бўлган кўппакнинг узиб-узиб хуриши, якин жойдан яна “Ху-ху, ху-ху-ху!” деган овоз хаёлини бузди. Ҳеч бундай яқиндан эшитмаганди, аёлининг бадани совуқ қотгандек жунжикди. Бойкушнинг чақчайиб турган кўзларини кўргандай бўлибди. “Намунча сайроғи совуқ бўлмаса”, дея хаёлидан ўтказди. Эрининг ҳам уйғоқлигини сезиб, қўлини маҳкам сиққанча, кўзлари юмуқ, ҳадик билан, “Негадир кўнглим ғаш, денгизга чиқма”, деди шивирлаб...

Эри уйку аралаш:

– Сенга нима бўлди, ёмон туш кўрдингми? – деди.

– Билмадим, назаримда кеч кузда увуллаган изғирин шамолли яланғоч дарахтнинг сўнгги баргини юлқиб-юлқиб олиб кетгандек, бойкушнинг хунук сайроғи ичимдан бир нарсани узиб олгандек бўлди. Эсинг айнаиб қопди дема, азизим, қўлингни ушлаб ҳароратингни ҳис қилаяпману лекин шу дақиқада шундай узокдасанки, соғинчдан юрагим тарс ёрилай деяпти. Биз ҳеч қачон бир-биримиздан ажралмаймиз-а?

– Сенга нима бўлди, бироздан сўнг тонг отади. Оғир ёғоч қайиқни денгизга то қуёш нури Зухра юлдузни осмонга сингдириб юборгунча эшкак эшсам, балиғи мўл манзилга етган бўламан. Унинг учун уйкуга тўйиб олишим керак, кўнглимни ғаш қилма. Бизни ҳеч ким ажратолмайди.

– Майли, гапларимга парво қилма, аёллигимга бораман-да. Ёлғиз пайтимизда азизим дейман, севгилим дейман, тўғриси айтсам, эркалаб исмингни ҳам айтгим келади. Лекин урф-одатларимиз йўл қўймайди-да. Агар тўнғич фарзандимиз дунёга келса, сен қўйган исмни айтиб фалончини отаси деб чақираман. Қандай яхши-я, қани шу кунлар тезроқ кела қолса. Ухлай қол, сен дам олишинг керак. Ҳали тонг отишига анча бор, юлдузлар ой атрофида парвона.

Кўп ўтмай улар уйларининг пойидаги қирғоқ томон йўлга тушишибди. Йигит елкасига тўр ва лаш-лушларни илиб олган, ортида келин бир қўлида теридан ишланган халтада чучук сув, иккинчисига эса тугунга ўралган балиқ қоқи, зоғора нон. Эри борадиган манзилида балиқлар кўплигини, олдинги сафар мўлжал қилиб келганлигини ортига қарамай тўлқинланиб сўзлаб борарди. Тумшуғи куруққа илиниб турган қайиқ олдида келиб, елкасидаги юкларини ичига ташлади ва орқасига қайрилиб, умр йўлдошининг қўлидаги егуликларни олиб астагина уч томонга сув тегмайдиган қилиб жойлаштириб, сўнг жимгина ортида кузатиб турган рафикасига ўгирилиб, белидан қучди.

– Бахтим мени, биласанми, тўримга олтин балиқ тушиб қолса нима сўрайман?

– Йўқ, билмайман, айтинг, – деди кўксига бошини қўйиб.

Йигит мийиғида кулиб:

– Шу ерда-я, ахир денгиз бўйида турибмиз, эшитиб қолса думини ҳам кўрсатмас, – деб, ёрини кучоғидан бўшатибди-да, қайиғини сал суриб, ичига жойлашибди.

Парвозга ҳозирланаётган оқкуш қўшқанотидай икки томонга ёйилган эшкакларни тутган йигит, қайиқ ўртасида денгизга тескари ўтирганча, ёрига қошларини ўйнатиб кулибди. Келин билинар-билиномас қалқиб турган қайиқнинг четидан ушлаганча, денгиз томон итариб, “Овинг бароридан келсин, қайиғинг балиққа тўлсин!” дея ният қилибди. Ёри аста-секин қоронғилик қўйнига сингиб кетибди. Аммо анчагача эшкакларнинг шалоп-шалоп этган овози келиб турибди.

Келин кўнгли ғаш уйга қайтибди, лекин ичкарига кирмай то денгиз ортидан қуёш чикиб заррин нурлари ёри кетган томонга ташламагунча девор тагида

ги кундада ўтириб чикибди. Кўнглида ғашлик ҳеч тарқамасмиш. “Нега бундай бўляпти”, дебди ўзига-ўзи. “Ахир хавотирга ўрин йўқ-ку? Ана қўшнимизнинг эгизак кучукчалари айқашиб ўйнаб юрибди... Ҳаво очик, ҳар кунгидай денгиз сокин ва меҳрибон. Қара, ҳеч нарса ўзгармаган, бир бойқушнинг сайроғи мени шундай ташвишга солдими-а? Билмадиму негадир бойқушни ёмон кўраман, балки овозининг хунуклигидир, балки тун куши бўлгани учундир. Кўй, ўйлаганга арзимаиди, шунча юмушим бор, ҳаммаси эсдан чиқиб кетади”, дея ўчоқ бошда куймаланиб кетибди-ю, барибир ғашлик тарқ этмасмиш.

Тушдан кейин кун чиқарда патсимон оппоқ булут пайдо бўлибди. Бундай ҳолат кўп бўлади. Лекин буниси борган сари катталашиб, қуюқлашиб қора-кўкимтир тусга кириб, осмонни беркитиб келарди. Денгиз ҳам безовта бўлиб қолган, қирғоққа шилдираб-пилдираб қайтиб келиб юрган сув, энди тўлқинларга айланган, борган сари шалоплар, тошиб кетгиси келарди. Қантарилган қайиқлар бир кўтарилиб, бир тушар, орадаги тортилган темир занжир таранглашганда ғийқилласа, бўшаганда шақирларди. Бироз ўтмай довул бошланди. Ана қиёмату, мана қиёмат, бўрон чийиллаб, ёмғир шиддат билан ёғардики денгизга тўлиб кетган пуфаклар порсиллаб ёрилар, гўё шақирлаб қайнарди. Атроф зим-зиё, ҳеч вақони кўрмайсан, шамол ва денгиз илондай ўралиб олишар увилларди, чийилларди. Овулга ташвиш тушди, одамлар ёмғирпўшми, сув ўтказмайдиган буюмми, нима бўлса устига ёпганча қирғоқ томон отиларди. Ахир у ёқдаги ўғлонлари, жигарлари ҳоли не кечди. Келин эса аллақачон қирғоқда, кийими ҳилпираб, қунишиб олганча қотиб турарди. Юзларига пайдар-пай урилаётган жалага эътибор қилмас, бир қўли билан ёқаларини сиқиб, бири билан тез-тез кўзларини артиб қўяр, йиғлаётгани ҳечам билинмасди. Ҳамманинг кўзи денгизда, қари балиқчилар букчайиб, олдига қўйиб олган ҳассасини икки қўллаб ушлаганча суянган. Юзлари, соқол мўйловларидан сув оқар, кўзлари қисилиб, шариллаб ёғаётган совуқ томчилар орасидан дилбандларини изларди. Қани энди кела қолса. Биринчи қайиқ кўринди, икки киши. Бири, пишқираётган тўлқинларга тегса-тегмаса қирғоқ томон эшкак эшар, иккинчиси тўлиб қолаётган қайиқдаги сувни ёғоч тоғорада тинмай денгизга қайтариб тўкарди. Ҳолдан тойган, аҳволи оғир эди уларнинг. Одамлар қирғоққа етиб келган қайиқни ушлашиб, сувдан бери судраб чиқиб, балиқчилар белидаги тортилавериш қотиб қолган арқонни зўрға ечишди.

Ҳа, Арчакапа, зўрға ечишди, деганимга ҳайрон бўлма. Илож қанча, тўфон бошландими, белидан арқонни ўтказиб, қайиқ четига маҳкам боғлайди. Қутурган тўлқин улоқтириши ҳеч гапмас-да. Худо сақласину қисматида чўкиш бўлса тўфон ўтиб, хожасини ихтиёрини олган қайиғи беозоргина сув юзида қалқиб олиб юради. Бахти чопса, излаб чиққан қариндошлар ҳеч бўлмаса жасадини ер бетига қўяди-ку, деган умид бор-да. Кўрдингми, балиқчи нималарни бўйнига олиб яшайди.

Шу десанг, уч кун тўфон тинмабди. Денгиз ғазабидан тушмаган бир пайтда икки дунё орасидан келганлари келибди. Келин ҳамон қирғоқдамиш. Тўфон тиниб, ҳеч нарса бўлмагандай мавжланиб ётган денгиз узра қуёш чиқибди. Лекин қирғоқлар сув ўтлари-ю, бадани шилиниб кетган буталарга яна қандайдир шилимшиқ нарсалар тўлиб, офтобда қуйиб сасий бошлабди. Кунлар ўтарди, ёрдан эса дарак йўқ. Келин қуйиб тамом бўлган, ҳамон соҳил бўйидан кетмасмиш. Овулдагилар кўпчилик бўлиб қайиқларда, пиёда қирғоқларни ахтарибди. Ҳамманинг оғзида келин, жони ачирди. “Шундай кўҳлик келин-а, адойи тамом бўлди”, дер эдилар бир-бирига. У уйи билан қирғоқ орасида бўзчининг мокисидай тинмай қатнаб турарди. Соҳил

ёқалаб кетаверар, кетаверар, кун ботганда ортига қайтар оёқларини базўр кўтариб, судралиб-мудралиб ярим кеча уйга қайтиб келарди. Кийимлари кир-лой, чокидан сўкилган, энди ўзига қарамасди, ҳали қуёш чиқмасдан яна кирғоқ бўйида узоқ-узоқларга тикилган кўйи қотиб турарди. Бундай давом этавериши мумкинмас-ку, овулдаги оқсоқол ва қариялар ўртага олиб тушунтирди.

– Келин, ёринг энди қайтмайди, тўғри, тан олиш оғир, лекин наилож. Бандамиз, кўлимиздан нима ҳам келарди, ўзингни қўлга ол. Ҳали ёшсан – турмушга ҳам чиқасан, этагинг тўла бола бўлади. Сени кўриб, овулдагилар ҳам безовта, қўй энди аза очайлик! – дейишибди.

Келин эса бир аҳвол, олдиниға тушунмабди, кейин юзини қўли билан беркитиб, югуриб чиқиб кетибди.

Яна соҳил бўйида. Ёрининг олтин балиқдан нима сўраши армон бўлган, ўз қўллари билан астагина қайиқни денгизга итарган кирғоқ. Келин ўтирганча, кўзи денгизда. Энди ўзига-ўзи гапирар, шартта ўрнидан турарди-да, сувни кечиб белигача чўмганда қайтиб кирғоққа чиқарди. Қани, сув кўтарса, чопиб кетса, балиқ бўла олса-ю сузиб кетса, ёрини излаб топарди. Қайиғини у ёқ, бу ёғини кўраётган балиқчиларни кўриб қолса, худди кетиб қоладигандай югуриб борар, “Эй оғаларим, денгизда ёримни кўрсанглар айтинглар, қайтсин! Олтин балиқ керакмас, ундан нима ҳам сўрардик!” деркан. Овчилар, “Албатта, айтамыз, айтамыз...” дейишаркан бошларини эгиб. Бечоралар нима десин? Айрилиқ телба қилган келинчак тушунармиди? Тўр ямаётган қариялар унинг қораси кўриниши билан юзларини четга буришаркан. Нима деймиз, ўртага олиб айтдик-ку, нима қилса бўлади, телбалашиб боряпти-ку, келин тушмагур. “Эй Худойим, бечоранинг қалбидаги муҳаббатни бунча кучли қилмасанг, тафтидан емирилиб, тўкилиб боряпти. Қалбингда шундай гўзал ва кучли туйғуларинг бўлгани яхши, лекин бундай пайтда ортиқча”.

Келин кирғоқдан бери келмас, ўзи билан ўзи гаплашар, овулдагилар ҳам ўрганиб қолди. Энди ёрдам сўрамас, лекин, “Орол ёмон, бойкуш яхши”, деб кўп қайтарганини эшитган. Кунларнинг бирида у йўқолиб қолди. Телбалигига кўникаёзган одамлар, шу куни жунбушга келибди. Еру кўкни излашибди, топишолмабди. Чўкиб кетдими, жардан тушиб кетдими, ғойиб бўлибди. Қарияларнинг шу куни кўзига ёш келибди. “Нима қилиб қўйдик, боғлаб қўйсак бўлмасмиди? Бефарқ бўлдик. Қаранглар, дунё бўшаб қолгандай. Келинга Яратган Эгам оламга етгудай олий туйғу берганди, увол қилдик. Оқкуш жуфтини йўқотса, денгиз устига кўтарилиб ўзини қояларга уриб, ўлимга маҳкум этаркан. Айтинглар, келин шунга ўхшамасдими?” деб хўнграб йиғлаб юборибди. Кейин ҳеч ким кўрмабди. Лекин денгизда бўрон туриб, чакмоқ чақиб, осмон ёрилиб ер бир сонияга ёришганда абгор кийимда келин кирғоқда пайдо бўлиб қолар экан. Жуда ғамгин-а, нима дединг? Ҳар эсласам ўша ривоятнинг жони борга ўхшайди, ичимга руҳи қамалиб, изтироб чекиб юраман.

Қўй, ундан кўра овулим ҳақида айтай, Арчакапа, доим овулимдан шўр, нимататир балиқ ҳиди анқийди. Айниқса, кечки пайт денгиз томондан майин шамол эсганда сув ўтларининг иси билан қоришиб, ажабтовур бўлиб кетади. Ўша овулда катта Мутен тўпидан таркаган бешта уруғ яшайди. Шулардан бир Самас, менинг уруғим. Азалдан тирикчилиги балиқ овлаш. Шунданми, халқ ичида “Балиқ сасир мутен”дан деган иборалар юради. Нима деса десину, ўша исни соғиндим...

– Мен эшитяпман, жим турма, Дюшен.

– Овулимнинг биқинидаги тепаликлар орасига денгиз суви кириб борган жой

бор, одамлар калта кўл деб атайди. Сувнинг сатҳи четларида тўпигинга, ўртаси кўкрагинга чикмайди, суви илик, ажойиб. Атрофи ғуж камишзор, эринибгина чайкалаётган сув ўтлари тиник сувнинг четларида бемалол кўриниб туради. Соҳил ёкалаб ўша беор ўтлар устидан югуришни севардим. Чопаётиб, бир пайт сув қатлари орасидаги қорайиб турган чиринди, чўкиртақдай кўриниб кетар, тўхташга кеч, оёқ эса етиб борган. Назаримда юрагим тўхтаб қоларди. Кўзимни беркитиб, тишимни-тишимга босиб, ана, ана, ҳозир ғарчиллаб оёғимга киради деб ўйлайман. Йўқ. Кирмади, зиёнсиз ўтиб кетаман. Ичинг зувиллаб кетади. Асли, сув ўтида чўкиртақ бўлмаслигини биламан, лекин мияга ўтириб қолган-да. Чунки янтоқ босган саҳронинг ўтлар орасида ўтган йилги қуриб қолган пояси доим мени пойлайди. Юрагим зириллаб қолган. Оёғимнинг таги тешилиб, яра бўб кетганди, ўзиям. Билмай босиб олардим-да, кейин ўтириб олиб йиғлардим, сизиб қон оқаётган тово-нимга тупроқ сепардим. Кўзларимдан ёш оққанча оқсоқланиб, оёғимга, “Илтимос, оғрияпти, ачишмагин – дердим. – Энди кўзимга қараб юраман, башмоғимни ташламайман”, деб кечирим ҳам сўрардим. Қаёқда дейсан, оғриқ босилса дарровгина унутардим.

Кўклам пайти, болалик пайтимда, даладан молимиз келмади. Отам сахар уйғотди-да, “Калта-кўлда қолганов, бу тўймас камиш кавшаб юргандир, топсанг подага қўшиб келақол”, деди. Чамаси ўн-ўн икки ёшлар эдим. Тонгнинг муздай эпкинидан жунжикиб, қўлларимни қўлтиғимга тиқиб, елкамни қисганча, эснаб кетяпман. Ҳали уйкуси қочмаган кўзиларимни салқин эпкин ёшлантитар, қунишганча икки қўлтиғимга тиқиб олган қўлларимни чиқармасдан билагимга артаман. Шу пайт сувдан чиқиб турган камиш кимирлади, кейин ёнидагиси яна ундан нарида... Навбат билан силкинар, борган сари тезлашарди. Қараб турсам, балиқлар. Сузгичлари сувни ёриб, тарам-тарам из қолдириб, борган сари кўпайиб, қирғоқ четида ўйнарди. Жунжикаётганим ҳам эсимдан чиқди. Шартта қирғоққа бош қўйгандай ярми кўлдан чиқиб турган таёқчани олдим, сув сачрамасин деб циркчи отдай, беш олти қадам тиззаларимни киндиккача кўтара-кўтара чопиб, биқирлаб турган жойда пайдо бўлдим. Ҳайронман, балиқлар мени кўрмасди, сезмасди ҳам. Беш-олтитаси қатор бир-бирини қувлаганча шиддат билан келиб урилар, икки оёқларим орасида мушукнинг боласидай сувни чапиллатиб айланар, питирлаб теккан совуқ бадани ва сузгичлари илонни ёдимга солиб, сесканиб ҳам кетардим. Кейин эсимни йиғдимда, бирини мўлжалга олиб, таёқ билан туширдим. Ўтлар орасида ёнбошлаб, оқариб қорни кўринди. Нима бўлсаям балиқчининг ўғлиман-да, шартта олиб қирғоққа улоқтираман. Бўлмаса, ҳушига келгач денгиз томон сузиб кетади, кейин эса етиб бўлсан. Чопиб бориб нарироқдагисини саваладим, яна чеккага қараб отдим. Қизиқиб кетганимдан қирғоқ бўйлаб юравериб йигирмадан ошиқ ярим қулочли балиқларни эсини оғдирибман. Агар куёш чиқмаса тўхтамасдим.

Нега дейсанми? Нега бўларди, соҳилга қуёшнинг заррин нурлари тушиши билан қирғоққа сиғмаётган балиқлар бир зумда ғойиб бўлди, қўйди. Ҳозиргина биқирлаб турган сув, ҳеч нарса бўлмагандай жилоланиб жимирларди. Тушимми, ўнгимми, ҳайрон эдим. Ўнгим эди, албатта. Ана, мен овлаган балиқлар қумлоқ устида чўзилишиб ётибди. Овора бўлиб, эътибор бермаган эканман, очофат қарғалар уймалашиб, талашиб балиқларимни кўзини ўйиб ерди. Соҳил бўйлаб югуриб, текинтамоқлар деб бақириб, қўлларимни силкитиб, ҳайдаганман. Ана шу, болалигимдаги энг катта овим бўлган. Иккитасини кўтаришга чоғим зўрға келади. Лекин йигирмадан ошиқ балиғим бор, мен қувонмай, ким қувонсин. Катталар



мени балиқ овига олиб борибдими, “Сен зумраша ҳали ёшсан, денгиз ёш болаларни ёқтирмайди”, деб доим ташлаб кетарди. Нима қилай ўртоқларим билан сувга бўккан, тумшугидан қирғоққа тортилган, қозикқа тисланган наввосдай қайиқларга чиқардик-да, эшкакни кум устида эшардик. Худди ёмғир дувуллаб ёғаяпти-ю, чийиллаб денгиз шамоли эсяпгандай, “Тўрни торт, тўрни торт!” деб шовқин солиб бакирардик.

Говмуш эсдан чиққан, тезроқ уйга етсаму, отамга мақтансам. Қаерда, қайтанга роса уришганди. Мақтов эшитаман деб турсангу, гап эшитсанг хўрлигинг келиб кетаркан. Ёшим ғилтиллаб турганини кўриб, шаштидан тушди, секин, “Бундай пайтни балиқларнинг бўкаланг даври дейди, йилда бир марта юз бериб, балиқлар маст бўлади. Энди бундай қилмагин, ярамайди, эртага сен ҳам катта балиқчи бўласан, балиқчига ор бўлади” – деди. Катта бўлгач, мақтаниш эмасу зўр балиқчи бўлдим десам бўлаверади.

Сенга айтганимдай шундоққина денгиз қирғоғида пастқамгина уйимиз жойлашганди. Ўша пайтда уйлар қамишдан бўлиб, ташқаридан ораси лой билан суваб тўлдирилган бўларди. Қўшнилари билан орамизда тўсиқми, қўрами бўлмаган. Унинг ўрнида биз “шаланг” деган сув ўтлари ва лойдан ювиб, тозалаб, қуриш учун дордай тортиб қўйилган узундан-узон, ҳар томонга тортиб ташланган тўрлар эгаллаганди. Дайди шамол дастидан эски кирдай ҳар томонга патирлаб учиб ўралиб қолмасди. Чунки тўрнинг таг қисмида кўргошин, батки илиб чиқилган, оғирлигидан ерга тортиб турарди-да. Саҳарлаб уй эшигини очишинг билан денгиз томондан эсаётган салқин эпкин уради. Жунжикиб кетасан. Қўлларинг билан ушлаб олган камзулингни барларидан тортиб оласан. Қирғоқ бўйида қорайиб бири тўнкарилган, бири эса чарчаб мудраётгандай от каби қотиб турган қайиқларга кўзинг тушади. Яссиланиб кетган қирғоқда, денгиздан шилдираб юпқагина тўлқин чикиб келаётганда беш олти лойхўрак доим пойлаб туради. Ортига қайтиши билан югургилаб, кум бетида қолдириб кетган сув қуртларини шошиб-пишиб, териб ейди. Кейин яна четга чиқади-да, кўзлари жавдираб навбатдаги тўлқинни кутади. Денгизга чиқиш учун тайёргарлик кўраётган балиқчиларнинг қораси кўринади, эрта чиққанларидан демак, олисга отланибди. Э, жин урсин, сенга сўйлаб беряпману, юрагим ҳаприкиб кетаяпти. Ҳозир ўзимни олдинга энгашиганча сопидан ушлаб олган узун эшакларимни денгиз сувига оҳиста ботириб, бутун гавдам билан орқага қараб тортяпгандай ҳис этипман. Ҳар тортганимда қайиғим борти билан эшак ишқаланган жойи, заифгина ғирчилайди. Сувга тўла тери меш, емиш қопчик, тўр ва лаш-лушларга тўла қайиғим, бир маромда денгиз устида ўрмалайди. Қирғоқдан кўзимни узмайман. Мени кузатиб чиққан итим, кетимдан уч-тўрт кадам сувни кечиб, кейин орқасига қайтади-да, олиб кет дегандек алаmidан вовуллайди, зириллаб у ёқ, бу ёққа югуриб ҳам кўради. Иложини топмагач чўнқайганча ўтириб, то кўринмай кетгунимча кузатади. Кучугим ола-була, лекин узоқлашган сари ранглари чапланиб қора нуктага, аста-секин чўнг овулим ҳам тўпланиб, миттигина қора нуктага айланади. Кейин сув бетида ғоз патидай қалқиб-қалқиб, кўздан ғойиб бўлади-ю, борлиқни осмон ва денгиз эгаллайди. Атрофга аланглайсан, тўрт томонинг кўзинг илғаганча кўм-кўм тўлқин. Эшакни эшаверасану, назаринг миқтигина қайиғинг бир нарсага илиниб, писта пўчоқдай тўлқинлар устида қалқиб тургандай туюлади. Бу, сув париларининг макри, қадимдан келаётган ривоят. Ривоятда, “Шуурингни авраб кўяди”, дейилади. Шундан тажрибасиз балиқчи ваҳимага тушади-ю, пайдар-пай бор кучи билан эшакка ёпишиб, манзилини йўқотади, охир-окибат қирғоқ қайси томон-



далигини унутади. Ақли ва ҳисларига суянмай кўрқиб кетиб, жонҳолатда ўзини ўққа-чўққа уриб, емиши, суви тугаб, ҳолдан тойиб қайиқ тубига йиқилар. Агар денгизнинг раҳми келса, бебош париларни дўқлаб-дўқлаб, тўлқинларига, “Қирғоққа элтиб қўйларинг!” дея бақириб беради. Бундай воқеалар кўп бўлган, нима дердим, ношуд балиқчи-да. Кел, ўшаларни эсламай, ундан кўра менга ёқадигани, очик денгизга чиққач, Яратгандан, ўтган катта балиқчиларнинг руҳларидан мадад сўраб, эринмасдан устига пўкак тугилган тўримни бир учини сувга ташлайман. Эшилиб-эшилиб сувга чўкиб бораётган тўримдан кўз узмайман, “Насиб килса, зўр балиқ ови бўлади-да ўзиям!” деб қўяман. Ҳали овим зўрлигидан ботай-ботай деб, оғирлигидан сув бетида милтиллаб турган ёғоч қайиғим қирғоққа яқинлашганида, овулдошларим пешонасига қўлини соябон қилганча, “Ана Дюшен келяпти, омад кетидан чопиб юради-да. Э, отангга раҳмат!” дегани эшитилгандай бўлади.

Ўша пайтлар айниқса, кечаси осмонда улкан чироқдай осилиб турган оймонинг остида минглаб митти чироқлар жимирлаб, денгиз юзида товланади. Ухлай олмайсан, кўзингни юмиб олсанг ҳам фойдаси йўқ, худди ковоғингга денгиз қамалиб қолгандай шуурингда ялт-юлт қилади. Лекин мизғиш керак-да, эртага тўрингни текширасан, овингни чамалайсан, иш кўп. Уйқунг келмаса ҳам бор-е, деб ётаверасан, шунда атрофингни эшитишни бошлайсан. Денгиз жонланиб кетади.

– Тўхта, шошма, Дюшен. Ўша ёруғ, осуда тунни тасаввур қиялпман, баркашдек ой, осмон тўла юлдузлар, уларнинг акси денгиз устида жимирлаб, бутун борлиқ кумуш рангда товланаётир. Қандай гўзал, сўз ожиз, сен бахтли одамсан, ўзинг кузатиб, танангда ҳис этгансан. Шунда, яркироқ тўлқинлар ичида аллалагандек бир маромда тебраниб мудраётган қайиғинг ичида мириқиб ухласанг керак-а?

– Ҳа, кўзимни юмиб ётаверардим, ётаверардим, кейин эса ухлаб қолардим.

– Билсанг мен ҳам ухлайман. Сен айтгандай кечалари нариги бетдаги улкан қояларнинг қўланкаси қора парда тортилгандай сойларни ёпиб турганлигини кўриш мумкин. Осмонларга бўй чўзган чўққилар ой нурида кумуш суви юритилгандай товланади, кўзинг қувнайди. Атрофни кузатиб, кўзинг тўймайди. Шунда мен ҳам баргларимни осилтириб, сен сингари кўзларимни юмиб оламан-да, ўйлар оламида муаллақ сузиб, қачон мудраб қолганимни билмайман. Анови қояда қарға дўстим яшайди, ғира-ширада шохларимга ўтирганча худди атайлаб қилгандай қағ-қағ, деб қичқирса ҳар гал чўчиб уйғонаман.

– Э, Арчакапа, ўша кечалар... Ҳа, айтганча, сендан сўраб ўтирмай арчакапа, арчакапа дейишимни қара, хафамасмисан. Лекин одамлар сени шундай атайди.

– Нега хафа бўлай, менга ёқади, сен одам боласисан-ку, шундай атайвер. Ундан кўра, чалғима, денгиз ҳақида кўпроқ сўзлаб бер.

– Ўша кечалари майда кўзли тўримни ҳам ташлаб қўярдим. Катта тўрни йиққунча, бунга ҳам унча-мунча балиқ тушиб қолади-да. Лекин тез-тез тозалаб турмасанг бўлмайди, тўримнинг кўзи майда, шундан ҳам денгиз бўйлаб беҳисоб миқдорда сузиб юргувчи деярли кўзга кўринмайдиган планктонлар йиғилиб қоларди. Албатта, планктон нималигини билмайсан. У сув юзасида сузиб юрадиган кўзга кўринган ва кўринмаган минглаб майда жонзотлар. Улар сув ўсимлиги, баъзилари балиқларнинг уруғи ёки жимит жониворлардир. Кўпчилиги қисқичбақанамо жониворлар бўлиб, орасида эркин сузувчи балиқ тухумлари ҳам бор. Лекин улар орасида эндигина тухумдан чиққан миттигина балиқлар, малюскалар ранг-баранг, турли-туман майда жонзотлар ҳам бўларди. Кечаси, атрофимни қуршаган сув фосфорланиб товланган чоғлар тўримни тозалаётганимда

қимматбаҳо тошларни денгизга силкиб-силкиб ағдараётгандек бўлардим. Қўлимга олсам миллионлаб майда тошларга ва ялтироқ балиқ уруғларига айланарди. Улар ой нурида кипқизил чўғдек товланарди. Эҳ, кўрсанг эди, тананг ҳаяжонга тўлади. Атроф жимжит, кузатиб турсанг бир ёқдан қанотлари сувдан чиқиб балиқлар галаси сувни кўпиртириб келиб қолади. Худди уриб кетадигандай яқинлашганда иккига бўлинади-ю, шиддат билан қайиғингни айланиб, чўчитиб юборганини сезгандай атрофингда биқирлаб турган кўпик аралаш пуфаклардан узрини ташлаб кетади. Шўхлиги тутиб кетган учар балиқ сувдан отилиб чиқади, думини осилтирганча кушларга тақлид қилгандай қанотларини ҳавода кериб, хув нарига чўлп этиб тушади. Ортидан иккинчиси кейин яна, худди ким ўзарга ўйнаётгандай. Шундай ёруғ кечаларда жимирлаб турган теп-текис сувни икки томонга бўлиниб, олдинда хиёл кўтарилган тўлқиннинг шошмасдан кетаётганини кўриб қоласан. Тагида улкан лакка, биз қорақалпоқлар “Жайин” деймиз, ўзиям йириклари катта, ниҳоятда катта бўлади, юз йигирма, юз олтмиш кило тош босади-ёв. Ана ўша тўрингга тушса борми, ҳақиқий омад. Лекин осон кечмайди, у қайиқ ичига тушгунча не кўйларга солади. Дастлаб беғам балиқ парво қилмай, баданига хуш ёқиб, сирилиб бораётган тўрга бамайлихотир митти кўзлари билан кузатгандай бўлади. Қанотларини эринибгина қимирлатиб, секин суза бошлайди. Лекин қимирлаган сари таранглашиб бораётган майин тўр, ўраб-чирмаб, гўё пўлат ипга айланиб, танасига пичокдай бота бошлайди. Ана шунда, жайиннинг фаҳми етади, танасида сирпалиб, ўралиб оладиган кадрдони сув ўтлари эмас, ажал иплари. Унгача қанча вақт ўтса ўтсин, оҳиста тўрни айлантриб-айлантриб, балиқни ўрашга ҳаракат қиламан, ана шунда марра сеники. Асли балиқчининг маҳорати ўшанда. Қутуриб кетган жайин сувни кўпиртириб, сачратиб, ўзини у ёқ, бу ёққа ура бошлаганда, ҳосил бўлган пўртанада қани қайиғинг тек турса. Бундай пайтда улоқни тақимига босган чавондоздай тўр устидаги арқонни кўлимга ўраб, бир қолипда ушлаб, кутурган букани тутгандай тутиб тураман. Оёқларимни қайиқ тубига тираб, пастга бир тепага ўзини иткитаётган жайинни ушлаб турган қўлларимнинг мадори қолмас, биллақларим тортишиб оғрийди. Устиларим шалоббо, шўртанг денгиз сувига тўйиб улгурган брезент коржамамнинг остида танамдан пастга қараб ўрмалаётган илик терни ҳис қиламан. Кучингга эрк бермайсан, чунки аҳмоқликдан бошқа нарса эмас-да, ақл билан иш кўриш керак. Сабаби баттар кутуриб, денгиз тубига судраб кетиши ҳеч гапмас. Тўрни аста бўшатаман. Буни сезган қайсар махлуқ шаштидан қайтгандай бўлади. Қанчалик ўралганини англамоқчидай аста сузгичларини, думини ва катта бошини қимирлатиб кўради. Қарасаки иш чаток, ҳамма бало сув бетида бешикдай тебраниб турган қайиғимдалигини сезгандай қаҳрли қотиб қолган митти кўзлари менга хўмрайгандай бўб кетади. Қани тўрда бўлмаса-ю, бахайбат думи билан уриб ағдарса, яна қиёмат кўпади. Мен тўрни қайиққа қараб тортаман, сув махлуқни денгизга, менга балиқ керак, унга эса жон. Биз узоқ олишамиз, баъзида бир кунгача чўзилган.

– Эҳ, балиққа жоним ачиб кетди. Қандайдир ноҳақлик бордай, нима дединг?

– Нега ахир, олам шундай яратилган занжир-ку! Мен уни, у ўзидан майдасини, майдаси заррасини, то кўзга кўринмайдиганигача озуқа бўлиб келмаганми? Ўзингчи, ўзинг хафа бўлмагину, ўраб-чирмаб, кун кўрадиган чирмовуқдан нима фарқинг бор? Мана, ҳозир қоядай бўлиб, кўм-кўк яшнаб турибсан, кўрган кўз қувонади. Лекин сенинг яшашинг учун тагингдаги улкан томиринг минглаб майда илдизлар билан она ерни тўрдай коплаб, бағрини тилкалаб, сўрмаяптими?

– Ҳа, Дюшен, мантиқан олсак сен ҳақсан, ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман.

– Кўхна арча, табиатда меъёр бор. Биз одамзот мана шуни унутдик. Кўрдик – кўрмаганга олдик, эшитдик – эшитмаганга солдик, оқибатда табиатнинг занжиридан “Орол” деган ҳалқасини сидириб олдик. Қани энди жойига қўйиб кўр. Қанча оҳ-воҳ қилма, энди тиклаш имконсиз.

– Узр, сўзингни бўлиб, фикрингни бузиб юбордим. Нима қилай, денгиз овини зўр таърифладинг балиққа жоним ачиб кетди-да. Ҳатто жон талвасасидаги балиқ кўз ўнгимдан ўтди. Ҳайрон бўлма, менам балиқ кўрганман. Сеникичалик катта эмасу, қаричингдай келарди. Ёзда қишлоқнинг чорваси шу ерларга кўчиб келарди, туш пайти моллар ётганда тинчимаган чўпон болалар пиёз қопдан тўр ясаб, балиқ ушлагани сойга тушиб кетади. Кулоқ солгин, гулдур-гулдур қилиб, шовул-лаб, қоронғилик қаъридан келаётган ваҳимали овоз ўша сойники, одамлар уни Қумушқонсой деб атайдди. Болалар тушмагур ҳеч вақт ўтмай, бир нарсаларни гапириб, тортишиб, гангур-гунгур қилиб келиб қолади. Ҳозир сен исиниб ўтирган гулхан ўрнида олов ёқиб балиқларни чўп ўтказди-да, қизаргунча тутиб туради. Кейин пуф-пуфлаб, лабларини куйдириб, оғиз атрофига куя суртгандай, иштаҳа билан тановул қилади. Сен лакка деяпсан, улар қора балиқ дермиди-эй, бир нарса, тилим ҳам келмайди.

– Тўғри, тоғнинг балиғи майда бўлади, сойга яраша балиқ-да, ахир денгиз эмас-ку. Ҳа, айтганча, ёз деганинга ёдимга тушиб кетди. Билсанг, балиқ тез айнувчан мавжудот. Денгиздан қайтгач, харидорлар келгунча сақлашга тўғри келади, тирикчилигимизда, шундан қишда ғамини еймиз. Овулимдаги ҳар бир уйда чуқур ўра қовланган. Биз уни “Шуланг” деб атаймиз. Ердан салгина кўтариб, устини берки-тиб, мўъжазгина эшигига қалин кигиз қоқилган. Кузда ичини тозалаб, беш-олти метр чуқурликда тупроғини оламиз-да, қаҳратон қишни пойлаймиз. Қишимиз совуқ кечар, орол суви сал тортилиб, атрофда денгиздан узилган қўллар пайдо бўларди. Орол музламайди-ю, лекин қўллар қаттиқ музлаб қоларди. Айниқса, ҳаво очиқ кунлари эринибгина эсаётган совуқ шамол тананг билан кийим орасида аста сизилиб, баданингни увуштириб юборарди. Қор учқунларини астагина айлантириб, кўкка кўтарса яна бошқаси олдига солиб олиб, соҳил ёқаларига тўпларди. Қўл чиннидай ялтирайди, баъзан ойнага қарагандай уст-бошимни тузатганман. Музнинг қалинлиги бир метргача, қиш қаттиқ келган кезлари бир ярим мергача етган. Биз арралаб, бўлақларга бўлардик-да, от аравага ортиб, бояги ертўлага қалаб чиқардик. Сўнг устидан тупроқ билан текислаб, устидан балиқларимизни тахлардик. Ўзиям ҳақиқий муз қалъа бўларди. Маҳкам беркитилган эшикни ҳуда-беҳуда очавермас, денгиздан қайтганда ёки харидор келгандагина очардик, бу бизга ёзнинг чилласига қадар овлаган балиғимизни сақлаш имконини берарди.

Қишда денгиз ови машаққат, ғириллаган аёзда бир энлик жойда ўтиришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, тортаётганингда тўринг қайиғинг этагига гир айлана тахланиб, денгиз суви шариллаб, бир зумда тўнғиб, ора-чира ой қулоғидан қапрон ипларига чалкашиб қолган балиқни саватга ирғитганида бир-икки биланглаб, оқариб бориб, муз бўлагига айланса. Сувга бўккан қўлларингдан совуқ суяқларинггача ўтиб-ўтиб, росмана оғриққа айланиб кетади, додлаб юборгинг келади. Шундан музлаб ётган қўл маъкул. Кун совуқ бўлса ҳам устинг қуп-қуруқ, совуқ ўтса жойингга сакраб-сакраб қизиб оласан. Қўлнинг ови ўзгача, муз тагидан тўр тортамиз. Овулдагилар, “Ҳа, Дюшен, қанча тўр тортдинг?” деса, “Бир кукли ёки тўқсан бас”, деб жавоб бераман. Балиқчилар тилида бир кукли ўттиз метр, тўқсан бас тўқсон метр дега-

ни. Энди бу сўзлар ҳам денгиз каби тилимиздан қочиб кетди. Ишонавер, ростдан ҳам шундай, ҳозирги ёшлар учун афсонага айланиб улгурган денгиз ўрнида туз тўзони тўзғиб юрган саҳро қолди. Уларга, “Бу ерларда денгиз бўлган, қайиқларда сузардик, ов қилардик, бай-бай-бай!” десам, бу чол алдаяпти деб, кўзимга неча бор қисқ кўзлари билан қув қараганини кўрганман. Чанг босган, шўрдан тўрлаб кетган норасида юзларга қараб раҳминг келиб кетади.

Кунлар липиллаб ўтмоқда. Сен минг йил яшайсан, шундан балки англамассан. Назаримда худди бекатда турибману, гумбурлаб келаётган поезд ортидан ҳаёт қайнаётган вагонлар эмас, пайдар-пай судралганча кунлар ўтиб турибди. Вақт тезлашган, вақт шошмоқда. Буни мен ич-ичимдан сезаман. Менимча олам мезонларида нимадир ўзгарган, балки бузилган. Узр, Арчакапа чалғиб кетдим. Сенинг ёшингни ўндан бирини кўрмаган бўлсам керак, яна сенга фалсафа сўқиб ўтирибман. Лекин шундай бўлса-да, саксон ёшли умримда асрлар кўрмаган фожианинг гувоҳиман. Ҳа майли, аслида қаҳратон Орол кишининг гаштини айтмоқчийдим-ку! Эзма бўлиб кетдим-а, лекин жим туриб эшитган кулоқ кимга ёқмайди.

– Ҳечқиси йўқ, Дюшен, парво қилма. Мен эшитяпман, лекин ҳикоянг ўта ғамгин, ҳам мароқли. Поёнсиз денгиз уфққа бориб туташган, ҳар томонда кемалар, устида чағалайлар учиб юрибди. Жуда гўзал-а. Лекин, ҳозир йўқ десанг, бўрон қўпиб, баргларимга шитирлаб урилаётган тузли қумни ҳис қилаяпман. Майли, нима десанг дегину, фақат тўхтаб қолма, жим қолсанг, яна бир-биримизни тушунмай қолдикми деб хавотирга тушыпман. Саксон ёшли умрим деяпсан, бу қанча билмайман. Билганим шуки одамларнинг вақтга нисбатан ўлчови. Шошма-шошма чиндан ҳам мен қанча яшадим, жуда қизиқ-ку.

Дюшен елкаларини қисди, жигарранг пўстлоқлари қалинлашиб, арчилик тепага тарвақайлаб кетган арча танасини энди кўраётгандай ҳайрат билан тикилиб:

– Қайдам, мингдур, – деди пичирлаб.

– Қўявер, бошингни қотирма, билганим, ҳов анови қоронғилик қаърида милтиллаб турган овул ҳаётимда иккинчиси. Қара, орасида бир у ёққа, бир бу ёққа икки кўзли чироқлар кўнғизга ўхшаб ғимирлашиб юрибди.

– Ҳа, машиналарми, Арчакапа?

– Илгаригиси кечалари тим қоронғи, жимжит эди. Ахён-ахёнда ҳуриб қўйган кўппакча мудраб қолган окшомни бир силкитиб қўярди. Тонг отганда кишлокқа гўёки жон кирарди. Сен чиқиб келган сўқмоқ йўл анча пастдан ўтган, мен унда кичкина, кишлокқа бўйим чўзиб қарардим. Кўклам пайти одамлар тоққа кўчиб келарди-да, кузгача қапа тикиб ўтирарди. Ҳали ёдимда, исми Ўлжавой, аёли саҳар туриб, қозикларга боғланган сигирларни соғиб, сўнг бузоқларни қўйярди. Қора қозонга ўт ёқиб, сут пишганда болалар ҳам уйғонган бўлар, сўнг ёғоч косаларда усти қаймоқ қайноқ сутга нон тўғраб, нонушта қилишарди. Ортганини уютиб, сузма халталарга жойлар ва бу юмуш ҳар куни тонгда такрорланарди. Суви қочиб, қуюлиб қолган сузмани қурт қилгани бўшатганида халталарни ювиб, қурисин деб, у ёнимга, бу ёнимга, тепамга ташлаб қўярди, бўйим кичкина бўлсаям пахмоққина эдим-да. Вой бўй, кун қизигач халтанинг ачимсиқ ҳидини айтмайсанми, бўғилиб кетардим. Бу оила менга жуда қадрдон эди. Кунларнинг бирида Ўлжавой яшайдиган овул эрта кўклам кўч-кўронини кўтарганча орқасига қарамай кўчиб кетди. Кейин қайтиб кўрмадим. Бунга сабаб ўша йилнинг қиши қаттиқ келганди. Сойлар қирлар барабар бўлди, қаҳратон совуқ қамраб олган сойлар мунгига тўлиб кетганди. Мени қанча кўмди, айтолмайман, лекин бетиним ёғаётган қор борган

сари босилиб, эзғилаб, шохларимни ёнимга зичлаб оғир оппоқ-кўкимтир парга чақалокдай йўргаклаганди. Энди куёшни кўролмайманми дегандим, Ўлжавойнинг ачимсиқ халтасига ўралсам ҳам майли эди, дегандим. Мен турган жой кунгайда, шундан эртароқ қор кетди. Қарасам, қишлоқ томон оппоқ қор, ҳалигидай турибди. Харисини бўш қўйганми, оғирликка дош беролмай кўпчиликнинг томи босиб қолибди, молхонани-ку, сўрама. Э, бечораларнинг омон қолгани қор устидан эмас тагидан бир-биридан унгул қовлаб хабар олган эканлар. Анча одам нобуд бўпти. Зўр-базўр кўкка етган бир ҳовуч одам, бу ер энди бизга юртлик қилмас мазор бўлди, деб бошқа юртларга кетиб қолган. Улар менга қадрдон эди. Ҳаммасини деёлмайману, кўпчилигини танирдим. Ўзимча исм қўйиб олгандим. Ана фалончи бўри тоққа ўрмалаб кетяпти, пистончи мол қайтаргани кетяпти, деб кузатиб ҳеч зерикмасдим. Уларни атак-чечак юрганидан мункайиб таёққа суянганча кузатганман. Одамларнинг умри қисқа, кўп ўтмай мен билганларнинг уйи олдида бир тўп одам тўпланарди-да, елкаларига олганча ҳув анови тепалика олиб чиқиб кўмарди. Кейин қайтиб кўрмасдим, ичимдан бир нарса узилгандай қолардим. Ўша мудҳиш қордан кейин ағдарилган, ярим бутун томларнинг ўрни дўмпайиб-дўмпайиб ғариб бўлиб анча турди, бора-бора ер билан битта бўлиб устидан майсалар ҳам униб чиқди. Э, ундан кейин қанча-қанча сувлар оқди. Кўнлардан бир қуни мол етаклаган беш-олтита одам келди. Кейин яна. Аста-секин кўпайиб сен кўриб турган қишлоққа айланди. Буларни мен янги одамлар деб атаيمان. Янги қишлоқ йўқликка йўл тутган аввалгисидай кечалари тим қоронғи ва сокин бўларди. Кейин-кейин бир иккита чироқ пайдо бўлди, аста-секин кўпайди, бора-бора чароғон бўлди. Дастлаб далаларни ҳўкизларда ҳайдашди. Омочнинг тиши илдизгами, тошгами илиниб қолса, қуни билан ҳолдан тойган ҳўкизлар қалтираб жойида туриб қолар, бечоралар, тупроқ чангига беланган бошларини эгиб, бурун катаklarини катта-катта керганча оғир нафас оларди. Ортдаги эгаси қиши билан ётдинг-ку ишёқмаслар деб бакириб, қўлидаги гаврон билан ҳар урганда устиларидан гуп-гуп этиб чанг чиқар, орқа сонлари дир-дир титраганча яна олдинга зўр-базўр судраларди. Бу ҳар қуни давом этар, то мўлжалга етмагунча ерни шундай ҳайдарди, ҳосилни от эшакда ташир, қисқа қилиб айтганда, тирикчилик уй-ҳайвонларсиз ўтмасди. Кейинроқ уларга муҳтожлик қолмади. Ўзи юрадиган гулдираган ғалати омоч пайдо бўлди. Уни трактор деб аташарди. Ўҳ-хў, ундан ер қочиб қутулолмас экану, кўм-кўк тоғнинг бағрини қотган ярадай шудгор қилиб ташларди. Чўккилар ҳам, қоялар ҳам ҳайратда. Ахир уларга ҳам кўз тикди-да, олдидан чиққан харсангларни ағдариб, минг йиллик арчаларни кўпориб йўл солар, тарилаганда мўрисида чўғ аралаш қора тутун атрофга таралиб, хиди кўнгилни беҳузур қиларди. Янги одамлар ҳар-ҳар жойларга вагон қўйиб, ёнидаги бурғуларни гувиллатиб, тоғ қаъридан олтин излаб титкиларди. Айниқса, кечалари тоғ кўкрагига қоқётган пўлат қозикларнинг овози узоқ-узоқларга танг-танг этиб тун қаърига сингиб боради. Э, вертолётини айтмайсанми, устимдан тегай-тегай деб қалдиратиб ўтиб қолганида, пўстлоқларим танамдан ажрайман деб зириллайди.

– Ҳа, арчакапа, вақт ўлчови сарҳадсиз. Онгнинг тараккиётини кўрибсан-а, унинг олдида бир инсоннинг ёки овулнинг бутун умри нима деган гап. Лекин ҳали навқиронсан яна нималарни кўриш бор, Парвардигор билади. Ўзинг ўйла, сен кўрган умрни ўндан бирини кўрмадим. Лекин қариб қолганман, соч-соқолим оқарган, оёғимда қувват йўқ, қўлимда асо. Бир тутам умримда денгиз ғамини кўтаролмай бошим эгик, ерга сиғмай қариганда шарпадай кезиб юрибман. Кўксимдаги оғриқни



тасаввур ҳам қилолмайсан. Бизда билсанг нақл бор, ҳар дардга вақт малҳам, балки кун ўтган сари қалбимдаги яралар аста-секин битиб борар, лекин хотира-чи, азизим, ўчармикан? Орол ҳақида айтяпман-да, ўша жойларда ҳозир озгинагина денгиз қолган, шўри ошиб, на балиқ, на ўт бор. Қисқаси сахро қолди, холос. Денгиз тубидаги тузлар, кум-чанг ва заҳарли моддаларга тўла кум бўронлар кўзингни очирмайди. Уруғимга офат ёғилди. Бирпасда навқирон йигитлар ҳам мажруҳ бўла бошлади. Турини айтмайсанми бу дарднинг. Нафас йўли ишдан чиқса, кимдир саратон. Айниқса, қанча-қанча болалар яқингача ичкетардан кўз юмди. Оиламни ҳам олиб кетди. Денгиз ўлди, бизни ташлаб кетди. Ўрнида бу ерларда қачонлардир улкан бандаргоҳ бўлган дегандай баланд маёқ, занглаб, чириб бўлаёзган, кумга ботган ўнлаб кемалар қаторлашиб инграётгандай. Атрофида ярим очик, ярим юмуқ чиғаноқлар куннинг тигидан қоврилиб, шўрлаб, қалашиб ётибди. Қараб туриб кўзларингга ёш келади. Баъзан тиззаларига устма-уст қўйилган қўлларига иягини тираганча кемалар қабристонини мунғайиб кузатаётган эски балиқчиларнинг қораси кўриниб туради. Қанча ўтиради, тонггачами билмайман. Лекин ўтмиш билан сўйлашади. Ўзим ҳам кемалар қабристонига ҳар замон бориб тураман. Ахир улар орасида яқин дўстим, катта кемам бор. Икки ёнига катта ҳарфларда “Белый лебед” деб ёзилган. Мен қорақалпоқчалаб “Оқ қуш” деб атайман. Тўғри, ҳозир ўқиб бўлмайди, занглаб ўчиб кетган, бироз излари қолган, холос. Лекин бу менга муаммо эмас, ўнлаб чириб, қорайиб кетган кемалар орасидан кўзимни юмиб топа оламан. Қандай дейсанми? Мен ҳидидан биламан, ўн тўрт йиллик ис ахир. “Оқ қуш”имни девордай саланглаб турган темирлар орасидан қўлларим билан силаб ажратаман. Борган сари занги ортиб, темир баданлари ғадир-будур бўлиб, нураб, қирғоқдаги қоядай емирилиб боряпти. Қандай кема эди-я, нималарни кўрмаган. Иккинчи жаҳон урушида Қора денгизда фашистлар билан олишган экан, тугагач шу ерга Оролга олиб келишган. Мен эса урушдан кейин сузганман. Ўн тўрт йил капитан бўлдим. Ўнта одам билан кунига олти юз-етти юз килограм балиқ овлардик-да, Мўйноқдаги консерва заводида топширардик. Эҳ-е, меникига ўхшаган кемалардан ўша пайтда икки юз элликтаси денгизда сузарди. Оролимни ўша пайтлар катталиги бўйича дунёда тўртинчи ўринда туради деб айтишган. Биз балиқчилар ғурурланардик. Ёдимда, 1950 йиллар “Оқ қуш”имда денгизнинг у ёғидан, бу ёғига сузиб ўлчаб ҳам кўрганман. Шунда узунасига тўрт юз йигирма олти километр, энига эса икки юз саксон олти километр чиққанди. Нима дединг, Арчакапа, жуда улкан-а? Қадрдон кемам ва бошқалари ҳам боя айтганимдай олиб келинган, энг қизиги улар билан ўрисча атамалар ҳам кириб келган. Кеманинг кенг, қалин ойналар билан ўралган, бутун атроф кўринадиган айвондан каттароқ энг юқоридаги бўлмани “капитанский мостик” дердик. Капитанман, мени жойим ўша ерда. Бошимда денгизчилар фуражқаси, эгнимда сув ўтказмайдиган брезент плаш, штурвални икки қўллаб ушлаб оламан-да, денгиз билан осмон бирлашиб, кўкимтир қизгиш рангга чулганган уфққа тикиламан. Ён томонимда тунги компос, кечалари қаттиқ туман тушганда манзилимни белгилайман.

“Левый руль, правый руль, так держат” деб команда бераман. Кемам эса гувиллаб олдинга интиларди. Э, қандай замонлар эди-я, ҳаммаси саробга айланди. Ҳозир чириб бўлаёзган маёқ турган бандаргоҳ кемалар қабристони дейилади. Азизим, номининг ҳунуклигига қара, ичингни титроқ босади. Денгиз қочиб кетган, ўрнига туздан сахро қолдирди. Илгари кўм-кўк тўлқинлар билан ўйнаган беғубор шамол, бутун дайди, ҳам телба. Энди у қаҳрли, жуфтини йўқотган бўридай увиллаб, туз тўзонни узоқ-узоқларга учуриб, жуфти денгиз тагида қолиб кетгандай кавлашдан ҳеч тўхтамайди.



Шундай кунларни бирида хотирамга эргашиб, кемалар қабристонига бордим. Энди кема кимга керак, одамлар темирларини кўчириб-кўчириб металлومга топширган, ойналари йўқ, ярим қумга ботиб, қорайиб-қорайиб турарди. Шамол гувиллар, зўрға илиниб турган темир эшикларни “тақ-тақ-тақ” этиб, силкитиб, “даранг” этиб очиб юборарди-да, ичкарига бостирганча девор ёриқларигача изланиб, денгизни кўрдингми, деб сўрай деса ҳеч кимса йўқ, аламидан чийиллаб увиллаб яна чиқиб кетарди. Шундоққина қум тепаликда бир ғарибнинг марсиясига дўмбира жўр, сахро бўйлаб мунгли сабо таралар, шунда шамол аста эсиб пойига бориб тин олади.

*Ээээээй,  
Оримсан, оқ патли Оролим,  
Асов тулпор, кўк ғумбаз осмон.  
Қариганда ғайрат ва дармон,  
Боримсан, оқибатли Оролим.*

*Шамолларда тузнинг саслари,  
Қирғогингда гиёҳ хаслари.  
Бефайзлик чўккан ястаниб,  
Қоримсан, ғурбатли Оролим.*

*Донгинг қани дунёга кетган,  
Бонгинг қани дунёга кетган?  
Тонгинг қани қалбларга етган?  
Зоримсан, кулфатли Оролим.*

*Сен меҳрибон онамдай эдинг,  
Икки кўзда жоламдай эдинг.  
Бугун ҳоргин ноламда дедим:  
Боримсан, зулматли Оролим.*


*Чағалайлар учмас бағрингда,  
Борми эди сахро даҳрингда?  
Йиғлаб келдим сенинг дардингда,  
Оримсан, оқ патли Оролим!*

Денгиз, бахшининг ноласи хотирамда қолди, холос. Эҳ, бечора ёғоч қайиқлар аллақачон нураб, чанг-тўзонга айланиб бўлди. Баҳайбат занглаб кетган кемалардан ҳар куни, баъзан ҳар соат тарақа-туруқ қилиб бир детали узилиб тушади. Айниқса, шамол турса темир темирга ишқаланиб, ғичирлаган совуқ овоз денгиз ёшларидан бунёд бўлган туз қировидай саҳроларда сузиб юрибди. Э, Худойим, инграётганга ўхшайди. Ҳа, азизим, сенга ўхшаб асрларни қаритмаган бўлсам ҳам, бошимдан асрлар кўрмаган фожиа кечди. Бир тутамгина умримда қочиб кетаётган денгиз кетидан ёш боладек ўпкам тўлиб чорак аср югурдим. Ташлаб кетма, тўхта, дедим. Эшитса-да, англамасди, олазарак ҳамон қочиб борарди. Э, Худойим, телба эди у. Кейин эса идрок қилдим. У қирғоқдан, бу қирғоққа охири йўқ тўрлар тортдик, камига икки жон томири – Амударё, Сирдарёни шартта кесдик. Улкан денгиз аста-секин манқурт бўлди. Оролим-а хотирадан мосуво... Денгизлигини унутди.

## Зебуннисо

(Достон)

---



ЎКТАМОЙ

Кездим кўҳна Ҳинд боғларини  
Тавоф этдим аждодлар хокин.  
Хотиралар уйғок заминда  
Оппоқ сочли сукунат ҳоким.

Ҳайдаб келди пода – булутни  
Чўпон – шамол ҳаллослаб чопиб.  
Бирдан йиғлаб юборди осмон,  
Хотиралар чакмоғи чақиб.

Зебуннисо қабрига боқиб  
Юрагимда кўзғалди бўрон.  
Шоирликнинг аччиқ қисмати  
Шууримда бўлди намоён.

Ишқнинг қора қисматин туйиб,  
Кўзёшларин оқизар фалак.  
Бу дунёдан ҳур бўлиб кетди,  
Чимилдикни кўрмаган малак.

У кунларнинг шоҳиди Жамна  
Йиғлаб оқар, ҳамон азадор.  
Кўзёшлари бўлар бир дарё,  
Соҳилга у кўнгил ёзадир.

---

**ЎКТАМОЙ** – 1959 йилда туғилган. Наманган давлат педагогика институтини (ҳозирги НамДУ) битирган. Шоиранинг “Сирдон”, “Томаётган кўнгил”, “Вақт занжири”, “Меҳр гули”, “Оққуш излари”, “Сабрга суяниб” номли шеърӣй ва насрий тўпламлари нашр этилган. Инглиз, ҳинд, турк, панжоб тилларида ҳам тўпламлари босилган.

Гунг ва соқов турар Салимгарх,<sup>1</sup>  
Азобларнинг таъмини туйган.  
Қизнинг дарду фарёдларидан  
Ғурурлари дарз кетган қўргон.

Ота – подшоҳ, такводор, жоҳил,  
Эрк деганин этмиш занжирбанд.  
Адолатнинг оёқларига  
Кишан солмоқ бўлди у абад...

\*\*\*

Ҳар гўшада мухташам қаср,  
Пештоқида безак, нақшлар.  
Бобурийлар қурган саройлар  
Ҳинд ерига бир кўрк бағишлар.

Боғ. Теграда анвойи гуллар,  
Чиройидан қўнгил мавжланар.  
Ифоридан маст еллар ўзин  
Май ичгандай ҳар ёнга урар.

Ниначилар рақсини бошлар,  
Гулдан бўса олар капалак.  
Тиллоқўнғиз – бўйдоқ бир ошиқ,  
Дўриллайди, имлар гул – малак.

Олмаҳонлар дарахтдан тушиб,  
Чигалини ёзар оёғин.  
Юмалатиб ўйнашар қувнаб,  
Чақолмасдан қаттиқ ёнғоғин.

Боғ саҳнида катта бир ҳовуз,  
Жимирлайди қуёш нурида.  
Севинчидан сакрар фаввора,  
Сифмай кетар шавқдан терига.

Сув юзида рақс тушар чунон  
Орзулари оппоқ оққушлар.  
Томошага чиққан тераклар  
Қарсак чалиб шодон олқишлар.

Нилуфаргул – бокира қизлар  
Шабнамларга ювар юзларин.

---

1 Салимгарх қўргони. Аврангзеб йигирма йил шу қўргонда Зебуннисони тутқунликда сақлаган.

Кўз-кўзлайди хиноларини  
Тонгда туриб уйқудан секин.

Бу оламда ундан йўқ гўзал,  
Патларини ёзади товус.  
Уни кўргач ақли лол бўлиб  
Қайрилиблар қарайди ҳовуз.

Шўх майсалар қикирлар шодон,  
Сачраганда сувлар эпкини.  
Хайратлардан ёришар кунлар,  
Четга сураб ғамнинг юкини.

Гурунг кетар кенг бир супада,  
Тўшамалар бари парқу, зар.  
Атиргуллар сулув қиз мисол  
Гўзаллигин кўз-кўз қилишар.

Юзга парда тортиб ўлтирар,  
Тилло тахтда бир маҳваш, зебо.  
Қоп-қорадир чарос кўзлари,  
Чақнаб турар, тун каби ялдо.

Қалдирғочдир камон қошлари,  
Кулгусидан тонг улгу олган.  
Яноқлари – қизарган шафақ,  
Ой юзлари сутга чайилган.

Дунё унга суқланиб боқар  
Завқланади сулув сувратдан.  
Кўтарса гар юздан пардасин  
Кун ёришиб кетар ҳайратдан.

Маликалар ичра маҳлиқо,  
Исми эди шул – Зебуннисо.  
Бобурийлар салтанатининг  
Хуршидидир ул малаксиймо.

У танбурни шундай чаларки,  
Булбулларни бўзлатар оҳанг.  
Нағмасидан сел бўлар кўнгил,  
Самоларни йиғлатар оҳанг.

Гоҳ созида “Наврўзи Ажам”,  
“Гиря”дан дил эзилиб кетар.  
Симнинг ўтли нолаларидан  
Киприкка ёш тизилиб кетар.

II

Бу саройда шоирлар бисёр,  
Қалбда назм илдизин отган.  
Мушоира, қизғин гурунглар  
Қиз қалбида ҳавас уйғотган.

У созанда, олиму ҳаттот,  
Гўзал эди нома-аъмоли.  
Шоир бўлиб туғилгани чин,  
Гўзал эди илму амали.

Шоҳ Аврангзеб сезмай қолмади,  
Қизнинг зукко, зийраклигини.  
Назмиятга кучли ҳаваси,  
Кўнгли нозик теранлигини.

Фахрланар подшоҳи олам,  
Ўзи ашъор битар гоҳида.  
Улуғ китоб – Каломуллони  
У ёд олган саккиз ёшида.

– Шу қизимга меҳрим бўлакча,  
Манглайида шони бор, – дейди.  
Темурийлар сулоласидан  
Бобурийлар қони бор, – дейди.

Ашраф Исфакхоний саройда  
Назмгўйлар гултожи эди.  
Подшоҳ унинг тарбиясига  
Шу суюкли қизини берди.

Зебуннисо хўп ақли расо,  
Тез ўрганди назм сирини.  
Ғазали дил торидай нозик,  
Ҳайратларга солди пирини.

Чанқоқ эди илмга ғоят,  
Фикри теран, оқила эди.  
Тафаккури баланд ўзидан,  
Ижоднинг тар гулларин терди.

Ўша давр урфига монанд  
Форсий тилда тебратди қалам.  
Унинг назмин инжалигига  
Тан бердилар чўнг шоирлар ҳам.

Сахийдир ул, ҳомийлик этар,  
Зиё аҳли фузалоларга.  
Чин меҳр ва шафқат кўрсатар,  
Санъат аҳли руҳафшоларга.

Толеига айтар шукрона,  
Бедил унга замондош эди.  
Назм боғин сўқмоқларида  
Елкадошу бир сирдош эди.

Мирзо Бедил сизди қиз қалби  
Эзгуликла тўла бир маъво.  
Шогирдликка берди қизини  
Юксак эди дилда муддао.

### III

Хушҳол юрар гулзорни кезиб,  
Ҳижрон ва ишқ оралиғида.  
Шуъла сочар ўтли бир ёлқин  
Кўзларининг қоралиғида.

Ифोरини сочган тонггача  
Ишқ розини гувоҳи гуллар.  
Новдаларни най қилиб чалиб,  
Райҳонларни силкитар еллар.

Гул-чечаклар кетар чайқалиб,  
Қизнинг кўзи ёнар севгидан.  
Ул назмига ошиқдир булбул,  
Қиз сув ичар ишқнинг илкидан.

Дарахтлар ҳам чалишар чапак,  
Қушлар куйлар алёрларини.  
Муҳаббатдан маст, сархуш юрак  
Ёзар кўнгил хуморларини.

Жимирлайди сувлар сайҳонда,  
Топилмайди кўнгилга овунч.  
Ёрин ҳаёллари тинч қўймас,  
Юрагини чўқийди соғинч.

Боғбон йигит девона ошиқ,  
Аста келар сулув қошига.  
Тўқнашади олов нигоҳлар,  
Ниҳон сўзлар чиқмас ташига.



Қизнинг юзи ёниб ҳаёдан  
Ошиғига рўмолча тутар.  
Дил розини айтолмай боғбон  
Шеърларида мужассам этар.

– Байтларингиз бунча жонфизо,  
Кўнгилларга ғавғо солурсиз.  
Ҳисларингиз ипакдек майин  
Сиз илҳомни қайдин олурсиз?

– Илҳом берар шу маъво, гулшан,  
Ишқ ўтидан дилда сармастлик.  
Шу жаннатнинг ичинда яшаб  
Айб бўларди шоир бўлмаслик.

– Қолар экан юракларда доғ,  
Ишқ дегани этмасми афғор.  
Отам билса муҳаббатимиз  
Бошингизга келгусидир дор.

– Оллоҳимдан кўрқаман фақат,  
Сизсизлик бу менга ўлимдир.  
Оёғингиз остида хасман,  
Ишқ деб ўлмоқ ошиқ йўлидир.

Ҳижронларга қилолмас тоқат,  
Кипригига маржонлар инар.  
Боғбон эмас, кўнглин хоқони,  
Соғинчлардан бағри сел бўлар.

Қиз энтикиб бир ғазал ўқир,  
Япроқ каби титрайди дир-дир.  
Ошиқларнинг ҳолидан огоҳ,  
Етим шамол югуради зир.

Ошиқлар ишқ майин симирар,  
Бунча ширин ишқ деган бода.  
Қанотлари қайрилса ҳамки  
Умид қуши бўлмас ғамбода.

#### IV

Балоғатга етган шоҳ қизи,  
Ўн беш кунлик ойдайн тўлган.  
Унинг гўзал ҳусну жамоли  
Бутун элга овоза бўлган.

Ким бир кўрса бўлғуси ошиқ,  
Тунда ой ҳам кетар уялиб.  
Ўрим сочи солланиб турар  
Сарв бўйларига суяниб.

Совчи келмиш яқин-йироқдан,  
Манман, кибор шаҳзодалардан.  
Совчиларнинг кети узилмас,  
Амирзода, бекзодалардан.

Аврагзеб у – қаттиққўл ота,  
Итоатсиз қизидан куяр.  
“Ёрин ўзи сайласин” дея,  
Қизини ўз раъйига қўяр.

Аммо ота билмас, ўжар қиз,  
Шу маъвода унинг суйгани.  
Ёшлигидан меҳрини қўйган –  
Бир боғбондир кўнгил қўйгани.

Ғазабидан қўрқар падарин,  
Дил дафтарин очолмас асло.  
Ота билса қўймагай омон,  
Ич-этини ер Зебуннисо.

## V

Ошиқ учун ҳижрон – бу жазо,  
Сабрлари кетар сарғариб.  
Пинҳон нома юборар қизга  
Юрагига таскин ахтариб.

Оқшом чўккан, коп-қорадир тун,  
Ошиқлар-чун айна муддао.  
Теракларнинг учига қўниб  
Гап пойлайди соқчи оймомо.

Боғбон гулин бағрига босар,  
Юраклари кетар тирналиб.  
Ариқчада жилдираган сув  
Улар томон кетар буралиб.

Шундай қалтис учрашув, висол,  
Лаҳзалардан қон иси келар.  
Бирор кимса бир шарпа сезса  
Ясовуллар шамолдай елар.

Боғбон ғазал ўқийди маъюс,  
Соғинчларнинг азоблари жам.  
Эгилмаган у мағрур бошин  
Ишқ олдида қилиб турар хам.

Ёр назмидан беҳол, маст бўлиб,  
Бедов ҳислар келар жунбушга.  
Қизнинг кўнгил наволаридан  
Айланади ҳислар оққушга.

Ногоҳ қадам товуши келар,  
Итлар хурий бошлади бирдан.  
Иккиси ҳам қочди икки ён  
Боғ оралаб кетдилар илдам.

## VI

Пари ёзганларин ўқир гулларга:  
Тинглайди майсалар қиз қалбин маҳзун.  
– Тўрт унсур кўнглимни овлайди маним:  
Назм, майса, оқар сув ҳамда шу замин.

Шу пайт сезиб қолди таниш шарпани  
Шеърин қайта ўқир оқариб юзи:  
– Тўрт унсур кўнглимни кўтарар маним:  
Намоз, рўза, тасбеҳ, истиғфор сўзи.

Аврангзеб эшитиб қизин ашъорин,  
Муслима қизидан кўнгли тўқ алал.  
Дину ислом туғин маҳкам тутган шоҳ.  
Сал қолса малика бўларди ўсал.

Фахр-ифтихорга тўлади ота,  
Қизида илоҳий туйғулар бисёр.  
Зебуннисо унинг маслакдоши ҳам,  
Салтанат ишида иштироки бор.

Аммо қизнинг эрки эмас қўлида,  
Маҳрум: дили баҳра олар неки бор.  
Қизнинг маҳзун кўнглин овутолмагай  
На шону шуҳрату нада бойлик, зар.

## VII

Санам ғазаллари нафис ва инжа,  
Дунёвий севгининг соғинч оташи.

Умид қалдирғочи кўкда кезаркан  
Тонглар отаверар довонлар ошиб.

Мағрибда, Машрикда тўрт девор ичра,  
Мазлума аёллар ҳуқуқи паймол.  
Замона юргизар тегирмон тошин,  
Не-не навжувонлар кетгандир увол.

Эшитилар найларнинг нолаларидай  
Эрксиз аёлларнинг юрак садоси.  
Шоира қуйлайди парда ичинда  
Топталган ҳисларнинг кўнгил нидосин.

Оқила санамнинг фикрлари хур,  
Унинг битигида кезар озод руҳ.  
Муҳаббатнинг ҳарир туғёнларидан  
Дилни нурлантирар самовий шукуҳ.

Муҳаббат кўзида чакмоқлар чаккан,  
Бир ширин туш каби висол онлари.  
Тараннум этади ошиқ юракнинг  
Соғинчдан тўкилган изтиробларин.

Хокисор қалб ишкқа, меҳрга ташна,  
Тириклик таъмини туяр ҳаётда.  
У яшаш ҳадисин ўргатар гулга  
Сўзларни маржондай тизади байтда.

### VIII

Баъзан сигмай кетар еру самога  
Гулу майсаларга тўкар ёшини.  
Гоҳ қочиб кетмоқни қилар ихтиёр,  
Дашту саҳроларга олиб бошини.

Аммо ўйларига ғов бўлган ҳаё,  
Ёпишиб олади этакларига.  
Падаримнинг боши ҳам бўлар дея  
Йўл бермас кўнгилнинг этакларига.

– Булбул менга менгзаб олди ҳадисин  
Сайрамоқ илмини, ҳам гулга ошно.  
Шамга ошиқ бўлган парвоналар ҳам  
Менинг ошиғимдир нурларга ташна.

Бу дамлар дам демас ишқ бўлмаса гар,  
Қоронғи кўнгилда шамлар ёнмаса.

Муҳаббатсиз киши одамми дейди,  
Ишқ уни ёндириб ўтга солмаса.

Ишқ олдида агар эгилмаса бош  
Энг баланд дорларга рўбарў бўлсин.  
Ким ошиқ дилларга этса ситамлар  
Жаҳаннам ўтида ул кимса куйсин.

Фақирликка бурди юзини ҳар дам,  
Хокисорлик дилда ҳўп сийратидур.  
Шоҳ қизидур қўнгли мискинлик истар,  
Шоҳона ҳаёти бу – сувратидир.

## IX

Шаҳзодалар урфу одатга кўра,  
Уйланмоқ ишташар шоҳ қизларига.  
Шоҳбонулар ота ихтиёрида  
Қарши чиқолмаслар шоҳ сўзларига.

Ўз эркидан маҳрум зебо санамлар,  
Ул қаттол замоннинг қурбони эди.  
Суянса кўзёшга суянди улар,  
Қўнгил – тўлган дардлар уммони эди.

Баъзан ноҳақликка кўтарар исён,  
Подшоҳни чўчитар қизин ҳақ сўзи.  
Шунча жасоратни қиз қайдан олар,  
Ожиз санар баъзан шаҳаншоҳ ўзин.

Темурий малаклар ичида тенгсиз  
Гўзаллик бобида танҳо эди моҳ.  
“Зебуннисобегим сўз хирманидан  
Қанча қалам аҳли терарди бошок”<sup>2</sup>.

Девонлар тузди ул одоб, ахлоқдан,  
“Зебут-тафосир” у ул “Зебун-нишод”.  
Илм товушларин қалдиरोқлари  
Чанқоқ не дилларга беролди нажот.

## X

Ой шуъласин эларди бошдан,  
Қиз сочидай қаро эди тун.  
Ишқ бодасин ичар икки дил,  
Бутун борлик унутдир бутун.

---

<sup>2</sup> Ризо Дехлавий Зебуннисога берган баҳо.

Бу кечаниннг ялдоларида  
Бўса олар қовушган кўзлар.  
Йигит кўкси бўлар беланчак,  
Кўкда ҳилол висолдан сўзлар.

Бехос қадам товуши келар,  
Гўзал тунни бузмиш шарпалар.  
Ўзин четга олади боғбон,  
Тун ошиққа бўлди пардалар.

Неча вақтки изига тушган,  
Учрашувдан хабар топган шоҳ.  
Айғоқчилар кун-тун изғишиб  
Подишоҳни этганлар огоҳ.

Боғбон қолиб чорасизликда,  
Дошқозоннинг ичига тушар.  
Қопқоғини ёпаркан шошиб  
Тирк этади бир товуш бесар.

Қизни олиб кетди ясовул,  
Сўзларига қулоқ солмади.  
Ҳар бир шарпа, ҳар сирли товуш  
Шоҳ наздидан четда қолмади.

Маҳкам ёпиб қозон қопқоғин  
Бир оёқ-ла босиб турди у.  
Каловланиб турган навкарга:  
“Ўт ёқинг”, деб буйруқ берди у.

Алангадан ёнди тун бағри,  
Шоҳ жаҳолат отига минган.  
Бу депара атрофни тутиб  
Қуйиндининг ҳидлари келган.

Қуйиб жисми адо бўлса-да,  
Боғбон шўрлик чиқармади сас.  
Қиз шаънига тушмасин деб доғ  
Мағрур туриб жон берди абас.

Қўтардилар қозон қопқоғин,  
Қўрдиларки мурда жизғанақ.  
Бу сирни тез ёйди шамоллар  
Бу золим шоҳ зулмидан дарак.



Шундай ишққа ясалди якун,  
Севги бўлди ер билан яксон.  
Малак ишқни қалбига кўмиб,  
Кўкда кезган ой янглиғ сарсон.

\*\*\*

Кўзёши шашқатор, алами кучли,  
Ёр руҳига қасам ичади дилдор.  
“Хуркиздай дунёдан кетарман, шаксиз,  
Энди қиёматга қолади дийдор”.

Майсалар чайқалиб кетар бу сўздан,  
Қуёш ҳам яширинар булут ортига.  
Атиргул беркитди қулоқларини  
Юраги дош бермас ишқ фарёдига.

Малика яшириниб олди овлоққа,  
Еб-ичмас, сўзлашмас, бўлар ҳоли танг.  
Шоҳ – ота ачинар қиз аҳволига  
Не қиларин билмай бўлади гаранг.

Подшоҳ тошбағир ва диндор “файласуф”,  
Севги кўчасидан бир бор ўтмаган.  
Хуррамдай<sup>3</sup> суймаган, у муҳаббатни –  
Тотидан бир тилим тотиб кўрмаган.

Маликалар тенги шаҳзодалар деб  
Боғбонни гулханда куйдиргани рост.  
Тухмат тошларини осиб бўйнига  
Қилди-ку ошиқнинг ул жонига қасд.

## XI

Қирқ кун ўтгач чикди хонадан  
Ранглари заъфарон ул пари.  
Куюк янгила нар ўйласа,  
Азобларин сурди сал нари.

Отасига сўйлар паришон:  
– Изн беринг, кўрайин бир бор,  
Тутқинликда ётган бобомни,  
У бизлардан бўлар умидвор.

---

<sup>3</sup> Хуррам – Аврангзебнинг отаси. Севикли ёри Мумтозмаҳал шарафига Аграда Тожмаҳал курдирган.

Шоҳнинг кўзи ғазабга тўлган,  
 Миниб олган жаҳл отига.  
 Қизин рангу рўйини кўриб  
 Қулоқ тутди арзу додига.

Неча йилким сиёсат қилиб  
 Бандиликда сақлар отасин.  
 Телба ошиқ эди Шоҳжаҳон  
 Қаср қурган – унинг хатоси.

Неча канизаклар-ла санам  
 Қизил қалъа томон йўл олди.  
 Дарвеш ошиқ эди бобоси  
 Ишқ уни шу қуйларга солди.

Муҳаббат ва садоқат қасри  
 “Тожмаҳал”ни этди зиёрат.  
 Сағанасин силаб энасин  
 Хаёлан у қилади суҳбат:

– Армонингиз борми моможон,  
 Ишқ дарёси бўлган мунтазир.  
 Қулоч отиб тўлқинларида  
 Бахт топгансиз, умрга арзир.

Яшадингиз бахту тахт билан  
 Чўмилганча висол атрига.  
 Сизга бобом қурган бу қаср  
 Татигулик неча асрга.

Ичиргансиз бобомга қасам:  
 (Худбинлик бу ҳар бандага ёр)  
 “Уйланмайсиз мендан кейин”, деб  
 Қилгандингиз нени ихтиёр?

Хато эди сиз берган қарор.  
 Бобом бутун бир меҳрга зор.  
 Кўзин ёғин еган болалар  
 Падарларин қилдилар афгор.

– Эрка ўссин дебман болалар,  
 Ўғайликнинг кўрмасин кўзин.  
 Бобонгни бу ҳолини туйиб  
 Қаро бўлди бу икки юзим.

Қисқа экан бу умрим ғоят,  
 Муҳаббатнинг тўймай тотига.

Ташлаб кетдим жондан суйганим  
Бу дунёнинг зулумотига...

Оловланиб кетди қиз дарди  
Тураида қолмай ҳаловат.  
“Дунёи дун бир кам экан”, деб  
Қўл кўтариб қилди тиловат.

\*\*\*

Бобосини кўрди хилватда  
Соч-соқоли оппоқ, паришон.  
Такдирнинг шум ўйинларига  
Жаҳонаро<sup>4</sup> бўлғайдир нишон.

Хизматларин қилади адо,  
Қиз киргиттон ота бошида.  
(Отаси деб кўрмас чимилдиқ.)  
Малак келар бобо қошига.

– Аҳволингиз нечук бобожон,  
Юрибсизми сиз соғу омон?  
Неча йилки келиб кўрмадим,  
Юрагимда улғайди армон.

– Мен ўлганман Мумтоз ўлган кун,  
Кўмилганман у билан бирга.  
Тириклигим бу – катта хато  
Аллақачон кирганман гўрга.

Тутқинликда яшашдан кўра  
Рози эдим минг бор ўлмоққа.  
Бу не ҳаёт қариган чоғим  
Орзуларим шами сўнмоқда.

Тож-тахт деган жангларсиз бўлмас,  
Қанчаларга берганман азоб.  
Тўккандирман бегуноҳ қонин  
Бу менгаким берилган жазо!

Мумтозимга қурдим “Тожмаҳал”,  
Ёруғ бўлди бу юзларим, лек,  
Қаср истадим қора мрамрдан  
Барисига отанг қўйди чек.

---

<sup>4</sup> Жаҳонаро – Хуррамнинг тўнғич қизи.

Йигирма йил курган қасрим деб  
 Бўлган эди хазина ярим.  
 Қора мрамр бир қаср курсам  
 Бўшар эди ғазна бу – тайин.

Оқибатин билардим аммо,  
 Юрагимда жунунваш бир ишқ.  
 Салтанатни ўйлатмай қўйди,  
 Хаёлларим ишққа қоришиқ.

Бир девона ошиқ эдим мен,  
 Унутгандим тож-тахтни буткул.  
 Отанг ақли ноқис, деб мени  
 Шу қалъага қилганди сургун.

Балки отанг ҳақдир малагим,  
 Салтанатни бошқармоқ қийин.  
 Бўшаб қолса хазина агар,  
 Тожу тахтга дарз кетар тайин.

Не алпларни тиз чўктирган шоҳ  
 Ётса нетонг, йилларки банди.  
 Қандай чидаб турибсан дунё,  
 Нахот шоҳ қулга айланди.

## XII

Оловини пуркамиш қуёш,  
 Ҳансирайди боғу далалар.  
 Чанг-чунгларга беланган осмон,  
 Қушлар учмас бунда галалаб.

Йўл четида гул дарахтларин  
 Ифорида уйғонар шаҳар.  
 Ҳар қадамда кўзни қувнатар  
 Ол юзли қиз – гўзал гулмаҳор<sup>5</sup>.

Зебуннисо қўлдаги созин  
 Чала бошлар баъзан шиддат-ла.  
 Бунда диллар сел бўлиб кетар,  
 Нахот симлар шунча қудратли.

Жўшқин қуйга аста жўр бўлар,  
 Ариқдаги жилдираган сув.

<sup>5</sup> Ҳиндистонда йўл четларида ўсадиган гулнинг номи.

Булбул хониш қилар ногоҳон  
Бир оқшомки қиз каби сулув.

Бу бир куйки, чертар дил торин,  
Ошиқ юракларни сўзлатар.  
Ноласига асир тушар дил  
Бу бир куйки йиғлаб бўзлатар.

Созни ўтли нолишларидан  
Муз юраклар кетар куйлашиб.  
Олов чиқиб кетар нохундан  
Дардларингга кетар илашиб.

Аригандай бўлди сал ҳижрон,  
Азоб дилдан кетгандай нари.  
Зебуннисо аста тин олди  
Юрагида тинди кўпқари.

Оқ қорага, юрак ярага  
Айланади, чекди озорлар.  
Армон бўлиб қолди ёр васфи,  
Қиёматга қолди дийдорлар.

Бор аламин олар қаламдан,  
Ижод – бу ёр васлидай тотли.  
Еб битирмас энди изтироб,  
Юрагида ўзга тонг отди.

### ХШ

Бугун Ҳиндда Наврўзи олам,  
Ноғоралар қилар овоза.  
Янги кунни кутиб олмоққа  
Дов-дарахт шай қилиб тавозе.

Безангандир Жамна соҳили,  
Тўлиб кетган алвон гулларга.  
Соҳилларга бош урар тўлқин,  
Ошуфталиқ солар дилларга.

Осилгандир қатор дошқозон,  
Сумалаклар қайнар биқиллаб.  
Куй-қўшиқлар чиқар авжига  
Қушлар тинмай сайрар ку-кулаб.

Балиқ кабоб пишар қўрада  
Иш топилди бугун овчига.

Бу сайлга элни чорлашар  
Карнай-сурнай чиқиб авжига.

Фил ясанган келинчак гўё,  
Кўзни олар тақинчоқлари.  
Нортуялар қолишмас ундан  
Бўйнида бор дур, маржонлари.

Бечораҳол, ғариб касларга  
Улашилар хайру эҳсонлар.  
Ўқилади ҳам “Мушкул кушод”,  
Ёғилади абру найсонлар.

Чиқиб олган ёшу яланглар,  
Фил устига бахмаллар ёпиб.  
Варракларин учирар кўкка  
Болажонлар ортидан чопиб.

Анҳорларда югуради сув,  
Камалак бўй қизлардай сулув.  
Янги куннинг гулгун навоси  
Юракларга солади ғулув.

Жамна бўйи ялангликларда  
Кураш тушар энг зўр ботирлар.  
Ғолибларга соврин тикилган,  
Бу кунлардан ёдгор хотирлар.

Зебуннисо бош барча ишда,  
Тадбирларни ҳадисин олган.  
Машваратли бу урф-одатлар  
Мумтозмаҳал<sup>6</sup> момодан қолган.

Тикилгандир бунда чодирлар,  
Бошланади базм, мушоира.  
Сўз сел бўлиб қуйилган оқшом,  
Ғазал ўқир, дилдан шоира.

– Мен илон оғзидан шакар талабман,  
Ўргимчак уясидан пар талабман.  
Эркак шер кўксидан сут талаб қилсам  
Оёқяланг марддан зар талабман.

<sup>6</sup> Шохжаҳоннинг хотини, Зебуннисонинг бувиси.



## XIV

Етти иқлим аро кетмишдир,  
Гўзаллигин овозалари.  
Қиз гулдайин яшнаб тураркан,  
Ёпилмас ишқ дарвозалари.

Келар Ажам, бири Машрикдан,  
Тоза молнинг харидори мўл.  
Ман-ман деган беку тўралар  
Қиз қалбига излашади йўл.

Аммо писанд этмагай дилдор,  
Кўнгли шикастаю инжадил.  
Бир кимсанинг барин тутмоққа  
Халал берар ундаги кўнгил.

Эрон юртин бир шаҳодаси,  
Ғойибона ошиқ бўлмишдир.  
Таърифини эшитиб элдан,  
Фироқида куйиб ёнмишдир.

Қизни сўнган юрак олови,  
Чўғларига куллар босилган.  
Унинг оташ муҳаббати ҳам,  
Орзулари дорга осилган.

Айланади кажрафтор дунё,  
Дил тубида дардлари пинҳон.  
Зорларига замон етмади,  
Ўзин ишққа айлади қурбон.

Севганидан қолди хотира —  
Муҳаббатнинг сарлавҳалари.  
Ҳаётига бир безак бўлди,  
Ўлмас ишқнинг ҳар лавҳалари.

Мен соғиндим укпар қоқиғул,  
Майсаларнинг оғушларини.  
Паға-паға булут қаърига  
Сингиб кетган окқушларимни.

\* \* \*

Кундан-кунга қиз борар сўлиб,  
Шоҳ кўрдик, у афтодаҳол.  
Унутар деб бироз дардларин,  
Шоҳ Лоҳурга жўнатди дарҳол.

Лохур гўзал хушхаво маъво,  
 Табиати чиройли кўркам.  
 Нур чўмилар сойлар қўйнида,  
 Осмонлари ложувард ўлка.

Умидбахш ул тоғу даралар,  
 Эпкиnlари ела бошлади.  
 Андухларин унутиб бироз,  
 Қиз ўзига кела бошлади.

Ўйлаб топди бир режа, юмуш,  
 Шу мўътадил жаннатмаконда.  
 Яратса гар бир боғи Эрам,  
 Дил яйраса қадам босганда.

Иш бошланди. Қазилди арик,  
 Сув чиқариб этдилар обод.  
 Ҳашарчилар келди ҳар ёндан,  
 Ёшу қари бўлди бари шод.

Ким ўтқизар дарахт кўчатин,  
 Гул уруғин кимдир келтирар.  
 Малика бош бўлиб ҳашарда  
 Ноёб, турфа гуллар эктирар.

Ёдга тушар раҳматли боғбон,  
 Кўзларидан ёш оқар тинмай.  
 Қайтмоқ истар ҳинд сари шу он,  
 Еру кўкка ҳасрати сиғмай.

\* \* \*

Аврангзеб у тақводор подшоҳ,  
 Маҳкам тутмиш дину исломни.  
 У маън этмиш майпарастлигу  
 Гиёҳвандлик аталмиш домни.

Фаҳш ишларин олдин олмоқ-чун  
 “Тоқ ўтмасин бева аёллар,  
 Йўкса юртдан чиқиб кетсин”, деб  
 Подшоҳ қўяр шундай талаблар.

Макруҳ, дея олтин косаю  
 Тилло идишларни синдирган.  
 Барча анжом синигин тўплаб  
 Уни етим-есирга берган.

Вайрон этган бутхоналарни,  
Қўзгатганча Ҳинднинг нафратин.  
Бутхоналар ўрнига қурмиш  
Масжидларни кўринг ҳайбатин.

Қизиктирмас дабдаба, ҳашам,  
Мол-давлатга шоҳ қўймас ружу.  
Тилло, кумуш тақмади қўлга,  
Камарини безамас инжу.

У хуш кўрар бир муслим каби,  
Одийгина ҳаётни афзал.  
Жимжимадор саройдан кўра,  
Ибодатга талпинган азал.

Аммо юртга солар солиқлар,  
Тўйиб кетди божлардан улус.  
Қўл учида кун кўрган бу халқ  
Ночорликда бўзлайди маъюс.

Ҳаддан ошар фармони олий,  
У маън этди куй-қўшиқни ҳам.  
Рақсни рад этди “шайтоний”,  
Муғаннийнинг ҳам аҳволи танг.

Мамлакатда куй, қўшиқ тинди,  
Ҳинд лол турар тутгандай мотам.  
Подшоҳнинг қаҳридан қўрқиб  
Сайрамасдан қўйди булбул ҳам.

Урушлардан чарчаган ўлка,  
Кўтаролмай қолди-ку бошин.  
Билиб-билмай юргизарди шоҳ,  
Эл устидан тегирмон тошин.

Нон қолмади энди бу юртда,  
Ишсиз қолган муғаннийлар жам.  
Бошларини олиб кетдилар  
Санъат аҳли бўлганча мулзам.

Ҳайрон турар ниначи – раққос,  
Ерга отмиш булбул найини.  
Карнайгуллар жўнар тонг-сахар,  
Шошиб йиғиб карнайларини.

Ғижимланар шамолнинг туси,  
Шум хабардан юборди увлаб.

Куйлар учиб кетди самога,  
Шамол чопар оҳангни қувлаб.

Аламини ичга ютолмай  
Бирдан исён кўтарди гулюз.  
Қаршисига чиқар отасин  
Ноҳақликдан кўнгли синган қиз.

– Бу қандайин ситам, залолат,  
Ухлаб тушга кирмаган зулм.  
Оломоннинг қандай айби бор,  
Шодликларсиз сўлади гули.

Уруш, қирғин, талотўплардан,  
Ҳолдан тойди ота, одамлар.  
Ўйин-кулги вақтичоқликдан,  
Олса нетар қалбга оромлар.

Ноғоралар чалинсин тўйда,  
Шаккоқликка йўйманг, отажон.  
Даврингизда ўйнаб кулсин эл,  
Ғам-ғуссага кўйманг отажон.

Фақир дилга рўшнолик бермоқ  
Кўнгил олмоқ савобдир азал.  
Тавба, тавоф, ибодатлар ҳам  
Каъба зиёратидан афзал.

Подшоҳнинг чимирилди қоши,  
Қор ёғилди қовоқларидан.  
Телба тўнин кийди тескари  
Қизининг берган “сабоқлари”дан.

Капалаги учди баногоҳ,  
Шоҳ бир лаҳза ўйларга толди.  
Озод фикр қизидан чўчиб  
Бошига ит кунини солди.

Ҳақсизлигу зулмга қарши  
Маликада нафрат уйғонди.  
Озодлигу эркини юлиб  
Салимгарҳга шоҳ этди банди.

## XV

Бу дунёда қолмади илинж,  
Зебуннисо бағри шикаста.

Юрагида туғён урган ишқ  
Тонгларига бўлар вобаста.

Заъфарондир қизил юзлари,  
Умидига ғам соя солган.  
Қора шарпа кезар кулбада,  
У арвоҳга айланиб қолган.

Оғу ичди алам-ситамдин,  
Оҳларига етмади бир кас.  
Ёқалашди дунёи дун-ла,  
Жаранг берди деворлардин сас.

Ўтли юрак жунбушга келар,  
У қаламдан олар аламин.

Жазавага тушар туйғулар  
Бекор ўтказмади ҳар дамин.

Кўнгил синиқлари қонатди  
У тўкилиб-тўкилиб ёзди.  
Тоғ каби улғайган армондан  
Санам гўзал бир девон тузди.

Денгиз узра тинди тўфонлар,  
Дарди кетиб бўшашиб қолди.  
Уммон каби тошқин дардлари  
Сокинликлар ичра тин олди.

Шоҳ исломнинг баридан тутган,  
“Шариатда шеър макрух”, деди.  
Қизин ёзган дилномаларин  
Айғоқчиси ўғирлаб келди.

Варақлаб ҳам кўрмай девонни,  
У оловда ёқиб юборди.  
Гўёки бу билан қизини  
Дўзах оловидан қутқарди.

Қоғоз эмас, ёнди қиз қалби,  
Дарду ҳасрат ёнди чирсиллаб.  
Маъшум ишдан бўлганда огоҳ  
Қиз кулади ерга гурсиллаб.

## XVI

Мен ҳинд оташида жаннат яратган  
Бобурийзодларни қилдим зиёрат.  
Тинмай келаётир сайёҳлар оқиб  
Қасру салтанатлар сиру синоат.

Ҳинд заминин кездим, кўрдим Аграни  
Минг йиллик армоним эди Тожмаҳал.  
Севгини бошига тож этган санам,  
Эгнида тиллодан дур, зару зарҳал.

Хуррам тутқун ётган “Қизил қалъа”дан  
Ёшитдим ошиқнинг оҳу фарёдин.  
Ошиқ руҳларини шод этмоқ учун  
Тавоф этар дунё аждодлар ёдин.

Дехлида Ҳумоюн қурган мақбара  
Ҳамон овозаси оламни тутар.  
Ота юртдан олис, меҳрдан йироқ  
Сағана ичида мунғайиб ётар.

Зебуннисо юрган ерларни кездим,  
Изларин кўзимга айлаб тўтиё.  
Бокира, пок кизнинг пешонасига  
Қисмат не кунларни кўрмишдир раво.

Йигирма йил дарду кўзёшга тўлган,  
Ҳасрат кўрғонига бордим ниҳоят.  
Қулоққа урилди оҳу нолалар,  
Кўзимдан жолалар қуйилди ғоят.

Бу кўрғон қаршимда гунгу лол турар,  
Ичга ютиб ғаму фарёдларини.  
Зебуннисо кулфат, ғами кўмилган,  
Шу кўрғон тинглаган оҳу зорини.

Шоир бир дунёга сиғмади ҳайҳот,  
Ҳасратлари тошган қирғоқларидан.  
Шунча жабр-зулмга эдими лойиқ,  
Тошар кўзёшларим ирмоқларидан.



Фақирликни дилдан ихтиёр этган  
Не савдолар тушди унинг бошига.  
У хокисор эди, камсуқум эди,  
Шу сўзлар ёзилмиш қабр тошига:

“Ба ғайри сабза напўшад касе мазори маро  
Ки қабрпўши ғарибон ҳамин гиёҳ басаст”<sup>7</sup>.

\*\*\*

Бир фараҳбахш насимлар елар,  
Бугун дилни этиб сарафроз.  
Мозийларнинг қаъридан келар,  
Ишқ ва Эркни куйлаган бир сас.

Ўзгартирмоқ бўлди дунёни...  
Армон чуқур қазди чоҳларин.  
Бугун кўкка ўрлаб кетмоқда  
Хур кўнгилнинг сўнгги оҳлари:

– Қочай десам саҳрога  
Ҳаё муножот қилди.  
Кездим муҳаббат боғин  
Орзулар барбод бўлди.  
Жабру жафолар қасри,  
Бағримда бунёд бўлди.  
Тўкилади куз билан  
Олтмиш уч баҳор бирга.

Япроқларда руҳим бор  
Сингиб кетарми ерга?  
Ҳароратли ишқимни  
Кўмиб кетяпман шеърга.

Ўқиган тафт сезмаса  
Ёзганим ёлғон элга.

Январь-февраль-март, 2021 йил

---

<sup>7</sup> Зебуннисо ғазали.

## Мумтоз адабиёт шажараси



**Нафас ШОДМОНОВ**

Адабиётимиздаги ҳамма ютуқларнинг онаси мумтоз асарлардир. Мумтоз адабиёт шажарасининг ҳар бир бўғини юксақ, рангин ва серҳосил янги новдалар зоҳир қилиши аён ҳақиқатдир. Бундай муваффақиятга фақат унинг сирларидан воқиф бўлган ижодкоргина мушарраф бўлади.

2022 йилда мумтоз адабиётни ўрганиш борасида олиб борилган ишлар мундарижасига диққат қаратилса, унинг кўлами ниҳоят кенгайганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Асосий илмий журналимиз мисолида айтиш мумкинки, юртимизда мумтоз адабиёт бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг ўзагини навоийшунослик ташкил қилади. Зеро, биз танлаган журналлардан сараланган мақолалар жами 25 та бўлса, улардан 16 тасида Алишер Навоийга мурожаат қилинган. Хусусан, “O‘zbek tili va adabiyoti” журнаליдаги 11 та мақоладан 10 таси; “Sharq yulduzi” журнаליдаги 8 мақоладан 4 таси ва “Jahon adabiyoti” журнаליдаги 5 та мақоладан 2 таси Навоий меросига бағишланган.

“O‘zbek tili va adabiyoti” 2022 йилги сонларида 11 та салмоқли мақола эълон қилинган. Журналининг биринчи сониди Боқижон Тўхлиевнинг мақоласида ҳозирда яхшигина урф бўлган ғазал шарҳлари масаласига диққат қаратилади. У Дилором Салоҳий, Олимжон Давлатов ва Зухра Мамадалиевалар томонидан “Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат билан санга, Андоқки, қурб тақвову тоат билан санга” матлаъли ғазалнинг шарҳи қиёси мисолида бу фаолият муаммоларини таҳлил қилади. Мақсуд Асадов шоир фардларидаги маст, май, муғ дайри, ошиқ, ёр, дунё, кўнгил, кўз, кабутар, вайрона, олам аҳли, кўзгу, жаҳон аруси, сахий, гавҳар, лаб, ёр итлари, куёш, тонг, бало, баҳор каби хилма-хил поэтик образ ва тимсолларни атрофлича талқин қилган. Қодиржон Эргашев Навоий тарихий асарларида келтирилган Рум тарихи маълумотларини бошқа ёндош манбалар билан қиёслаб талқин қилган. Сайфиддин Рафиддинов Навоий асарларидаги ҳаж воқеалари, Каъба, Ҳарам тарихи ва унинг адабий-бадий тимсол сифатида қўлланишини Каъба тарихига оид маълумотлар, ҳаж воқеалари, Каъба, Ҳарам ва унга мансуб бўлган нарсаларнинг бадий тавсифи, Каъба ва Ҳарам сўзларининг истиора, бадий тимсол сифатида қўлланиши каби йўналишларда ўрганади. Эргаш Очилов

---

**Нафас ШОДМОНОВ** – филология фанлари доктори. 1960 йилда тугилган. Қариш давлат университетининг филология факультетини битирган. “Темурийлар даврида мусиқашунослик”, “Хожа Абдулқодир Мароғий”, “Жон жавҳари”, “Аруз вазни асослари”, “Муаммо жанри ва уни ечиш амаллари”, “Мумтоз адабиёт тарихи” каби илмий рисоалар ва ўқув қўлланмалари муаллифи.

Навоий меросининг издош ижодкорларга таъсири масаласини Муҳаммадризо Огаҳий ижод қилган ҳикматларни таҳлил қилиш орқали ёритади. Абдурасул Эшонбобоев “Хамса”ни насрий баён қилиш тадрижини таҳлил қилиб, эришилган тажрибаларнинг замонавий талқин яратишдаги аҳамиятига тўхталади. Алишер Раззоқов шоир ижодида қўлланган бадий тимсоллар ва уларнинг тасаввуфий талқинлари борасидаги узоқ йиллик мунозарага киришган.

Журналнинг 2022 йилги сонларида Эргаш Очиловнинг энг фаол муаллиф бўлганини кўриш мумкин. У биринчи сонда бошлаган мавзусини тўртинчи ва бешинчи сонларда яна давом эттиради. Тўртинчи сонда “Навоий ва Огаҳий” деб номланган мақоласида Огаҳийнинг Навоий ғазалларига татаббуълари, мухаммаслари, Огаҳий ижодида навоийона оҳанглар, Навоий қаламга олган мавзуларнинг давом эттирилиши, икки шоир асарларининг тил хусусиятлари, услубий муштараклик ва ҳоказо масалалар кенг муҳокама қилинган. Бешинчи сондаги “Адабий таъсир қирралари” номли мақоласида Навоий ва Муҳаййир ижодларидаги издошлик ишончли мисоллар орқали ёритиб берилган.

Журналнинг учинчи сонид атоқли олим Иброҳим Ҳаққулнинг “Навоий шахси ва ижодий имкониятлари” мақоласида машҳур навоийшуноснинг буюк аждодимиз мероси ўрганилишидаги бир умрлик армонлари қайд этилгандек таассурот уйғотади.

Журналнинг иккинчи сонид асосилган Иқболой Адизованинг “Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг шеърий маҳорати” мақоласида Навоий мавзусидан четга чиқилади. Мақолада Бобур она тилидан унумли ва маҳорат билан фойдалангани, Ватан туйғусининг ўзбек тили билан муштараклик касб этгани, шоир чин ҳаётини сўзда яшаши таъкидланиб, бу фикрлар шеъриятида қандай бўй кўрсатгани, шунингдек, бу шеъриятда қўлланган услублар тадқиқ қилинган.

Иқболой Адизованинг “Sharq yulduzi” журналида асосилган “Миллатнинг адолат мадҳияси” деб номланган мақоласи ҳам ўзига хос. Унда мумтоз шоирларимиз ижодида анъанага айланиб, ижодий тафаккурнинг ривожланишига асос бўлган хусусиятлар ўз даврининг “маликулкалом”и Лутфий бошлаб берган “устина” рафидан фойдаланиб шеър ёзган адиблар ҳақида маълумот берилиб, Огаҳий ижодида қандай муваффақият келтирганига диққат қаратилади.

Элнур Қурбонованинг “Яссавийнинг икки муршиди” (2-сон), Баҳриддин Умурзоқовнинг “Рашаҳот”даги бадий санъатлар” (10-сон), Шерхон Қораевнинг “Тушқунликдаги тасалли” (11-сон) мақолаларида Яссавий муршидлари, Фаҳруддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айни-л-ҳаёт” асари бадийи ва Муҳаммад Раҳимхон Феруз мустабидлик исканжасидаги ҳаёти давомида овунишига сабаб бўлган шеърият ва мусиқа кечалари ҳақидаги қарашлар ёритилган.

“Sharq yulduzi” журналнинг 7-сонид асосилган Олимжон Давлатовнинг “Алишер Навоийнинг шаҳрошуб ғазаллари” деб номланган мақоласи навоийшуносликка янги бир мавзуни тақдим этгани билан аҳамиятли. Муаллиф шаҳрошуб ғазалнинг асосий белгиси сифатида шаҳар ҳунармандлари ва турли касб эгалари учун хос етакчи хусусиятлар, уларга мансуб касб-ҳунарнинг нозик сирлари ва жамиятдаги аҳамиятини васф этишдан иборатлигини таъкидлайди.

Профессор Нурбой Жабборовнинг журналнинг 12-сонид асосилган “Англаким, сўз ўзга, маъни ўзгача...” мақоласи Навоий асарларининг бадий-эстетик ва ирфоний-ахлоқий қимматини англаш ва тушунтириб бериши билан аҳамиятли. Унда шоирнинг “маъни” ва “маоний” истилоҳларининг моҳиятини очувчи фикрлари; маоний аҳлининг даражаси баландлиги ва уларнинг қарашлари жамият ҳаёти ҳамда миллат адабий-эстетик тафакқури учун мезон бўла олиши; маоний аҳлиги мансуб шоир салафлари ва замондошлари васфи; аҳли маъни ва аҳли сурат тушунчалари ўртасидаги зиддият ва уларнинг бир-бирини тақозо этиши каби масалалар тадқиқ қилинган.

Олимжон Давлатовнинг “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳар бир сониди Навоий ғазалларидан бирини шарҳлаб бораётгани ҳам мумтоз адабиётимиз тарғиботида катта аҳамиятга эга.

Бинобарин, журналда иккита мақолада Навоий ижодига мурожаат қилинган. Улардан бири Дилнавоз Юсуповага тегишли мақола “Лайли ва Мажнун” сабоғи” деб номланади (1-сон).

Сувон Мелининг “Икки тоифа ишқ: “Ромео ва Жульетта”, “Лайли ва Мажнун” мақоласи (5-сон). Олим сарлавҳада кўрсатилган икки асарни маҳорат билан ҳамда бу борада анъанавий бўлиб қолган бир хилликни инкор этиб қиёслади.

Абдулла Улуғовнинг “Маснавийи маънавий” сабоқлари” мақоласида машҳур асарнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни бир неча ҳикоятлар талқинлари орқали очиб берилган (5-сон). Мирзо Кенжабек томонидан ёзилган “Тарихий даврлар кўзгуси” мақоласида “Бобурнома”нинг ҳозиргача амалга оширилган таснифлари баён этилиб, у янги нуқтаи назардан ўн бир хислатига кўра алоҳида-алоҳида ўрганилиши мумкинлиги тақдим этилади. Журналнинг 11-сонида берилган Дилбархон Аҳмедованинг “Асрлар сасига уйғун ҳикматлар” мақоласида яссавийшуносликнинг ҳозирги даражаси таҳлилга тортилган.

2022 йилда нашр қилинган мумтоз адабиётимиз саҳифаларини ёритувчи монографиялар ҳам талайгина. Улар орасида профессор Бегали Қосимовнинг уч жилдли “Танланган асарлар”и диққатга сазовор. Олимнинг ҳар бир асарида миллат руҳи ва нафаси уфуриб туради. Олимнинг янги уч жилдлик асарлари хусусида ҳам худди шундай фикр айтиш мумкин. Сабаби ушбу жилдларда ҳам олимнинг юқоридаги китобидан кўплаб материаллар киритилган.

Нашр қилинган монографиялардан айримлари чет элларда чоп қилингани ютуқларимиз юксалиб бораётганини яққол кўрсатади. Хусусан, адабиётшунослигимиз отахонларидан бири профессор Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг инглиз тилида чоп этилган “Alisher Navoi’s epic “SAB’AI SAYYOR” tradition and originality” (Алишер Навоийнинг “Сабаи сайёр” достони анъаналари ва ўзига хослиги) номли монографияси ана шундай ишлардан бири.

Профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов ушбу монографияда Баҳром Гўр ёки Шоҳ Баҳром ҳақидаги барча ижодий ишларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, Навоий талқинига алоҳида тўхталади ва ижодкор достонидаги ютуқларини шарҳлаб беради. Китоб хорижий ўқувчи ва тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотиши, ўзбек мумтоз адабиёти бўйича изланишлар олиб боришга кўп имкониятлар тақдим этишига ишониш мумкин.

Олимнинг шу йил чоп этилган “Ҳикматларда оламча маъно” номли китоби ҳаминсоннинг тафаккурини кенгайтириш, маънавий оламини бойитиш, руҳини поклаш ҳамда комил инсон бўлиб тарбияланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Қодиржон Эргашев “Алишер Навоийнинг насрий услуб масалалари” номли монографиясида Навоий илмий-ижодий меросининг бир қисми ҳисобланган насрий асарларини тадқиқ қилган. Яъни унда улуг мутафаккир насрий услубининг шаклланиш омиллари, баён тарзи ва тасвири, матн композицияси, символик масалалар ҳамда насрий асарларнинг услубий хусусиятлари устида атрофлича изланиш олиб борилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу монография навоийшунослик илмида янги қарашлар шаклланишига ҳисса қўшади. Бироқ Навоийнинг насрий услубида, ҳатто шеъриятида ҳам, араб тилининг синтактик-стилистик хусусиятларидан кенг фойдаланадиги, мухтарам олимимиз тадқиқотида бу жиҳат кўзга унчалик яхши ташланмайдиги.

Яна бир жиддий тадқиқот Орзуғул Ҳамроева томонидан амалга оширилди. Унинг “Темурийлар давридаги поэтикага доир рисоаларда қофия илмининг қиёсий таҳлили” деб номланган монографияси мумтоз адабиётимизда кўп асрлар давомида

ривожлантирилиб ва талқин қилиб келинган қофия унсури ўрганилишининг қиёсий тадқиқига бағишлангани билан қатта аҳамият касб этади.

Қофия илмининг тадрижий тараққиёти олти босқичда кечгани тадқиқотчи томонидан чуқур ва атрофлича таҳлилий тадқиқ қилиниб таснифланади. Уларда Арасту, Форобий, Қудаман ибн Жаъфар, Ибн Қутайба, Ибн Халдун, Абу Абдуллох Хоразмий, Абу Закарийё (Ал-Хатиб) ат-Табризий, Хатиб Табризий, Юсуф Азизий, Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Воҳид Табризий, Фаҳри Исфакхоний, Абулҳасан Али Сарахсий Баҳромий, Ибн Муътаз, ал-Аскарӣ, Юсуфас-Саккокий, Қиноий, Даманхурий, Умар Родӣний, Рашидиддин Вотвот, Шарафиддин Рамий, Фаҳри Исфакхоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоӣ, Бобур, Шайх Аҳмад Худойдод Тарозий, Хусайн Воиз Кошифӣ, Атоуллох Хусайний каби алломалар рисоалари асосида қофия ҳарфлари, ҳаракатлари, турлари, нуқсонлари батафсил тадқиққа тортилган.

Хусниддин Эшонқуловнинг “Алишер Навоӣ ғазалиётда ишқ талқини поэтикаси: қиёсий-типологик таҳлил” номли монографиясида абадий адабий мавзуга анча муфассал ёндашилган. Унда Навоӣ ижодида ишқ мавзуси талқинининг анъанавийлиги, етакчи ўрин тутганлигини, қолаверса, бу мавзу исломгача, исломий ва тасаввуфий манбалар асосида шаклланганини атрофлича асосланади. Улуғ шоирнинг “Хазойину-л-маонӣ” қуллиётдаги ошиқона ғазалларда ишқ талқини поэтикасининг тасаввуфий қирралари, ирфоний-маърифий ва рамзий-тимсолий маъноларини теран таҳлил қилади.

Навоӣ бир ўринда “Ишқ эрур асли илм фано дарсоҳида” дейди. Демак, ишқ бир илм, қолаверса, сирри ишқ моҳияти хусусидаги иш-да илм экани шубҳасиз. Шу маънода, ушбу монографияни нафақат улуғ мутафаккир Алишер Навоӣ ижоди, балки мумтоз адабиётимиздаги ишқ мавзуси ҳамда у воситасида илгари сурилган концепцияни чуқур англашга хизмат қилувчи муҳим илмий асар, дея эътироф этиш мумкин.

Шижоатли адабиётшунос Буробия Ражабованинг 22 та мақоладан таркиб топган “Боқий васиятномалар” китоби бевосита Алишер Навоӣ асарларининг турли қирралари, жумладан, ҳазратнинг молиявий ибодати, мулкчиликка оид қарашларидан тортиб, комил инсон фазилатлари – маънавий етуклик, руҳий юксалиш, илм-маърифат ҳосил қилиш, саховат ва қарам, халқпарварлик, миллатсеварлик каби фикр-ғоялари таҳлилига бағишланган.

Олиманинг “Темурийлар Ренессанси ва “Бобурнома” монографиясида Амир Темур ва темурийлар даври Ренессанс жараёнлари ва унда улуғ мутафаккирлар Алишер Навоӣ ва Абдурахмон Жомийларнинг иштироки масаласига диққат қаратилган. Буларнинг ҳаммаси Бобур ва унинг шоҳ асари – “Бобурнома”га таянилган ҳолда олиб борилган. Ушбу тадқиқотнинг адабиётшунослик илмидаги бошқа ишлардан асосий фарқи “Бобурнома”да битилган тарихий шахслар ҳақидаги маълумот, лавҳаларни темурийлар Ренессанси контексти доирасида ўрганилганидир. Монографиянинг асосини темурийлар Ренессанси тушунчаси ҳамда мураббий ва муқаввийлик талқини; Бобурномада Амир Темур тасвири; “Равзату-с-салотин”да Амир Темур ва Бобур подшоҳ зикри; темурийлар Уйғониш даври ижодкорлари: Алишер Навоӣ ва Абдурахмон Жомий; “Бобурнома”да хотин-қизлар образи; “Бобурнома”да ғоя ва тасвир мавзулари талқини ташкил этади.

Умуман, монография бобуршунослик ва навоӣшунослик борасидаги тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Амир Темур ва темурийлар давридаги улуғ шахслар, ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаёт ҳақидаги маълумотларни тўлдириши билан ҳам қимматлидир.

Юлдуз Муҳаммадиеванинг “Ферузнинг бадий маҳорати” номли монографияси шоир Муҳаммад Раҳимхон Феруз адабий меросининг бадий қиёфаси тадқиқига бағишлангани билан муҳим аҳамият касб этади. Унда шоир шеърларининг жанр

поэтикаси, бадиий мазмун ва шакл уйғунлиги, мавзу қўлами, илми бадеъ, илми аруз ва илми қофиядан фойдаланиш маҳорати, ижодкорнинг илмий салоҳияти ва бадиий тафаккурининг бойлиги тадқиқ этилган.

Мамнуният билан қайд этиш лозимки, мумтоз адабиётимиз намояндалари меросининг матншунослик ва адабий манбашунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳам жадал олиб борилаётир. Бу борада ҳисобот йилида Шаҳобиддин Нуриддиновнинг “Комил Хоразмий девони манбалари генеалогияси ва матн танқиди муаммоси” ҳамда Соҳиба Мадиримованинг “Мутриб Хонаҳароб ва унинг адабий мероси” номли монографиялари ана шундай ишлар сарасига киради.

Шаҳобиддин Нуриддиновнинг монографиясида Комил Хоразмий лирик мероси тадқиқ қилинган. Таъкидлаш лозимки, Комил Хоразмий назмий асарлари бугунга қадар икки марта – 1961 йилда 730 мисрадан иборат “Танланган шеърлар”и, 1975 йилда 3750 мисрадан иборат “Девон”и нашр қилинган. Шунингдек, XX асрда нашр этилган қатор тўплам ва мажмуаларда Комил Хоразмийнинг бир қанча шеърлари киритилган. Бироқ ушбу нашрлар шоир адабий меросини тўлиқ қамраб олмаган. Тадқиқотда шоир адабий мероси манбаларининг муфассал илмий таснифи ва тавсифи амалга оширилган ҳамда шу пайтга қадар илм аҳлига маълум бўлмаган 58 ғазал, 1 мураббаъ, 16 мухаммас, 8 мусаддас, 1 мусамман, 6 қасида, 7 маснавий, 16 таърих ва 12 рубоий – жами 3842 мисрадан иборат шеърлари аниқланиб, илмий истифодага олиб кирилган.

Соҳиба Мадиримованинг монографиясида эса Хоразм адабий муҳитида етишиб чиққан яна бир ижодкор Муҳаммад Ҳасан Мутриб Ҳожи Табиб ўғли (1853–1923) нинг ҳаёти ва ижоди тадқиқ этилган.

Монографияда дастлаб, Мутриб девони манбаларининг қўлёзма ва тошбосма манбалари тўпланиб, улар тарихий-қийсий метод асосида текширилган, сўнг девоннинг таянч манбалари аниқланиб, матншунослик меъзонларига таянган ҳолда матн тарихи, матн таҳрири ва нусхалараро тафовутлари аниқланган ва таҳлил этилган. Шунингдек, шоир девонлари қўлёзма манбалари тадқиқ этилар экан, унда учрамайдиган ғазал, мухаммас, мусаддас, қасида каби жанрларга мансуб шеърлар аниқланиб, жадвал шакллантирилган.

Янги топилган 158 та ғазал, 1 та мураббаъ, 6 та мухаммас, 6 та мусаддас, 1 та қасида илмий ва адабий истифодага олиб кирилди. Ҳозирги кунда Мутриб Хонаҳаробнинг девонига киритилмаган 15 тадан ортиқ баёз ва мажмуаларга 654 мисра, 52 та ғазал (4 таси 9 байтли, бошқалари 7 байтли), 2 та баёзи мухаммасотларга 48 бандлик 6 та мухаммас (7, 9, 11 бандли)лари кўчирилган. Бундан ташқари, Лаффасий тазкирасида 18 мисрадан иборат (9 байтли 1 та) ғазали, тошбосма манбадаги 60 мисралик 1 та мураббаъ, маълум маҳаллий нашрларда, 212 мисра (8 байт 16 мисра ғазал, 2 та мусаддас 72 мисра, 6 та маснавий 124 мисра)дан иборат янги шеърлари тадқиқот натижасида бир жойга тўплангани таъкидланади. Унга қўра, Мутриб Хонаҳаробнинг девони қўлёзмаларида учрамайдиган шеърлари жами ҳажми 992 мисрани ташкил этди.

Матншунослик ва адабий манбашунослик соҳасида олиб борилган бу тадқиқотлар катта илмий қимматга эга бўлиши билан бирга, уларнинг натижаси бўлган танқидий ёки йиғма матннинг нашр этилмагани ўқувчилар учун тўла маънода фойдали бўла олмайди. Бу ҳолнинг сабаби маълум: тадқиқотчилар тезроқ монографияларини чиқариб, диссертацияларини ёқлаб олишга ҳаракат қиладилар. Чунки улар учун бу талаб. Жамият ва адабий жараён эҳтиёжи эса матн. Хўш, бунинг ечими борми? Бор, албатта. Мутасаддилар матншунос тадқиқотчилар учун жорий амалиётда қўлланиб келаётган ишнинг жорийланишига қўйилган талаблар ўрнига ўзлари тайёрлаган матн нашрини киритсалар, бундан ҳамма ютади.

Хуллас, ўзбек мумтоз адабиёти бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишлари мазмун жиҳатидан янгилашиб, ўсиб ва кенгайиб бораётгани, сифат жиҳатидан жиддий силжишлар юз кўрсатаётгани қувонарли ҳолдир.





**Захро ШАМСИЯ**

## Юлдузлар учди беун

\* \* \*

Баҳорман,  
Гоҳ ёмғир каби тўкилган,  
Гоҳо шамолдайин ёпирилган дард.  
Гоҳо миллионталаб эртак тўкилган  
Адоси йўқ муҳаббат.

Ҳижронман –  
Юракни эзгилаб турган,  
Соғинч кипригида тўкилаётган гард.  
Лайли изларидан саргардон юрган  
Ишқталаб мард.

Висолман –  
Ошиқнинг юзида ханда,  
Сўнгсиз изтироблар олий якуни,  
Зарб-ла ураётган юракман танда  
Илинж ғолиб бўлган куни.

---

*Захро ШАМСИЯ – 1969 йилда тузилган. Унинг “Исмсиз туйғулар” шеърий китоби нашр этилган.*

Ҳайратман –  
Дунёнинг иссиқ кафтида,  
Жилоланиб турган куёшнинг нури,  
Кўнгилнинг орзиқиб турган тафтида  
Куйдирги кўри.

Зухроман –  
Тонг сахар уйғотгум ерни,  
Хилол нафасидан ором олган дам.  
Токи тирик экан ишқ қанотида  
Ёшликка қайтади ҳар битта одам.

\* \* \*

Жилмайдинг,  
Тўкилди кафтларимга нур,  
Ёмғир томчисидек мусаффо – тоза  
Кел, тушимга киргил  
Мен-ла суҳбат қур,  
Ўнгимда биз барибир бегонамиз-да.

Шу кеча, фақат шу кеча  
Хаёллар жанги,  
Нигоҳлар суҳбати нақадар ширин.  
Кўзларимга чўккил,  
Кипригимга ин  
Ва ўкигин кўглимнинг сирин.

Шунда сўзлашмоқнинг йўқдир ҳожати,  
Шунда орамизда кўприклар ёнар,  
Тугамас ҳеч қачон юрак тоқати,  
Дил ишқдан қонар...

Фақат мендан олдин уйғонма сира,  
Тушларимдан чиқма,  
Қалбимдан чиқма.  
Уйғонсанг бариси бўлар хотира,  
Бошланмаган ишққа хотима...

Жилмайдинг,  
Тўкилди лабларимга дур...

\* \* \*

*“Осмон пасайган кеча”*

Нурали ҚОБУЛ

Ҳазонрезги боғ бўм-бўш,  
Супурилган қадамлар.  
Ҳатто учмас битта қуш,  
Зада қилган одамлар.

Сўқмоқ йўл четидаги  
Ўриндиқ ярим синиқ.  
Дарахт бағри яроли  
Ўйилган икки чизиқ.

Ўтмиш гўё қайтгандек,  
Гўё тирилди севги.  
Ху, бир ҳофиз айтгандек,  
Муҳаббат ўлмас туйғу.

Девонамиз, ишондик.  
Ишондику чалғидик.  
Учар гиламга миниб  
Учдик эртақдагидек.

Ва бир куни йиртилди  
Эртақдаги шу гилам,  
“Осмон пасайган кеча” –  
Юрагимга инди ғам.

Эртақларинг тугади,  
Шаҳзода – буқаламун.  
Пасайган осмондаги  
Юлдузлар учди беун.

Ва билдик-ки ҳофизнинг  
Айтгани фақат қўшиқ.  
Фақат қўшиқдагина  
Ўлмай яшарканда ишқ.

Ҳазонрезги боғ бўм-бўш  
“Осмон пасайган кеча...”

\* \* \*

*“Кўр, ёмғирга айланиб, саҳар,  
Деразангни тинмай, чўқирман.”*

Холдор ВУЛҚОН

### Баҳор

Ўнгирларда яна ўзгариш,  
Уйғоқ замин алласин айтар  
Мусофирлик сафари тугаб,  
Қалдирғочлар ватанга қайтар.  
Қовоғини уяди осмон,  
Булут секин ер томон чўкар.  
Ва гердайиб чакмоқлар чунон  
Ўт тошларин навбат-ла чақар.  
Ва портлайди гўё юрагим,  
Ва осмоннинг ёрилар кўкси,  
Сийнасида тоғни суғориб  
Дард чекади булутлар акси.  
Шошиламан, йўл эса узоқ  
Қутмаслигинг аниқ юз фоиз.  
Табассуминг – кўнгилга тузоқ,  
Мен тузоққа тушган телба қиз.  
Энди ҳеч ким тўсолмас йўлим,  
Энди йўқдир аввалги ихлос.  
Фақат кўмсар қайсар бу кўнглим,  
Шу кўнглимдан бўлмадим халос.  
Шовиллайди тинмайин ёмғир,  
Шовиллайди армонли дунё.  
Деразанг оч, баҳорни чақир,  
Ойналардан кирсин нур, зиё.  
Булбул бўлиб қолсам мен агар,  
Сенга ишқли шеърлар ўқирман.  
“Кўр, ёмғирга айланиб, саҳар,  
Деразангни тинмай чўқирман”  
Ўнгирларда яна ўзгариш.  
Уйғоқ замин алласин айтар...



**Муяссар  
ЭРГАШЕВА**

## **Ҳар ютум ҳаводан ҳавотир ютиб...**

### **Тонг**

Хабар йўлладим ҳолингни сўраб  
Эди кўнглимдаги айтарим қат-қат.  
Жавобини ёзсанг “Яхшиман”, дея  
Тугамай тоқат.

Тоғ тоғ-ла учрашган ажаб дунёда  
Қолиб кетмасайди дийдор қиёмат.  
Бир йўқлаб келсанг-чи, топмасдан ўлим –  
Қувонай беҳад.

Елкамга санчилган милён тиғларнинг  
Азобли оғриғи сира билмас ҳад.  
Кечир, сенга қайғу, ҳасратлар бердим  
Тугамас абад.

Гуллаш орзусими ҳар бир дарахтнинг  
Кузакда гул очди сочларим не бахт.  
Телефонингда ҳозир ўқилмай қолган  
Балки сўнгги хат.

Қўлларини қўйиб битмас юмушнинг  
Ёнимга келишга тополсайдинг вақт.  
Ё ўзим боргунча довлонлар оша  
Ўлмай тур фақат!

---

*Муяссар ЭРГАШЕВА – 1984 йилда туғилган. Наманган давлат университетининг ўзбек филологияси йўналишини тамомлаган. “Муҳаббатгинам”, “Жаннатим онам”, “Сизни севмай бўларканми”, “Сиз яна қайтасиз”, “Бахт қўшиғи”, “Адолат шамишири”, “Тўмарис изтироби”, “Мовий тушлар” номли китоблар муаллифи.*

**Рухимни чайиб бер...**

Рухимни чайиб бер табассумингга  
Йўламасин токи ҳеч битта қайғу.  
Не-не оғриқларга бергандиму чап  
Дилга оғир келди соғинчранг туйғу.

Сўнгги илинжидан жудо бўлгандай  
Илдизи зирқираб титрар дов-дарахт.  
Ёмғирлар товшида айтдим-қу кўп бор  
Сезмадинг кўнглимни сўраганинг пайт.

Ҳар тушган томчидай тўкилганда жон  
Ёп-ёруғ хаёллар қўйди уйғотиб.  
Қайданам ишониб зумрад тушларга  
Бахтнинг манзилини қўйдим йўқотиб.

Ҳар ютум ҳаводан ҳавотир ютиб  
Жонимни чирмаса сиёҳранг печак.  
Битта сўзинг билан ахир, шу аёл  
Ё яшаса керак, ё ўлса керак!

**Кўнгил бир бўлса-ю...**

Кўнгил бир бўлса-ю, манзиллар турфа  
Дард жоним нишонга олса ўқ отиб.  
Кўз олдимни қоплаб сиёҳий ранглар  
Биллур бахт тошимни қўйдим йўқотиб.

Манглайга битилмиш қайғуранг кўзлар  
Лойим қорганмикин ҳасрату ғамга.  
Битта нигоҳи ҳам малҳам-қу ишқнинг  
Оғусини ичиб қўйган одамга.

Энди кечмоқликнинг ҳеч имкони йўқ  
Азалий қонимга синган ақида.  
Рухимга мангулик соя солмасдан  
Туш кўрсайдим мовий бахтлар ҳақида.

Яқинлашавердим суйганим сари,  
Сенга томон борар барча йўл, манзил.  
Афв этмасанг қандоқ учайин ахир  
Гуноҳлари билан танам зил-замбил.



**Бир гўзал қуш бўлиб...**

Бир гўзал қуш бўлиб уйғонсам эди  
Зулм уя қурган ерда тонг чоғи.  
Еб битирмай қолган ғамлар ортимдан  
Югурса. Барибир энди у ёғи.

Шамолга совуриб учсам баландроқ  
Менга азоб берган ҳар зарра, гардим.  
Чиқиб кетмасидан танамдаги руҳ  
Қўшиққа айланиб кетса бор дардим.

Елкамда тоғдай юк қуласа бирдан  
Туйғулар жўш уриб тор келса кўксим.  
Ёдга солаверса парвоз таъмини  
Қушларга ичикиб озроқ ўксидим.

Тупроққа оғирлик қилдимми чоғи  
Боссам товонимни тилади тикан.  
Замин кўтаролмай ҳасратларимни  
“Қуш бўлиб уч!”, – дея қарғадимикан?

“Қуш бўлиб уч!”, дея қарғадимикан...

**Мени денгиз томон...**

Мени денгиз томон етакласа йўл  
Ўз қавмига қўшса бир тўп чағалай.  
Ёп-ёруғ хаёллар элтса соҳилда  
(Тошларнинг юраги тошмас, ҳар қалай!)  
Тўлқинлар сочимни тараса майин  
Минг йиллик дардларим кетса тўкилиб.  
Бугун сенсиз ҳолим харобдан-хароб  
Орзулар яшайди дилда ўкиниб.  
Жилваланса феруз рангида сувлар  
Яшилланиб кетса изтиробларим.  
Қўйма суйганимга пушаймон қилиб  
Хавотир ичида титрар лабларим.  
Майда туйғуларга этмагин таслим.  
Ҳар томчи ёшимда бор мингта афсус.  
Бир куни уволи тутгай заминни  
Барвақт маҳв этса остонамда куз.  
Қонимга қўшилган илоҳий оғриқ  
Анча йиллар бўлган ҳаловат ҳаром.  
Зўр оташ ичида ёнган руҳимга  
Беролсайди денгиз мавжлари ором.  
Етакласа эди денгиз томон йўл...

### Бир ишқ бер...

Ҳадисини олсанг ишқда мардликнинг  
Ҳавойи ҳаёллар ҳавога учса.  
Уволи йўқмикин, ахир ҳар битта  
Тушган киприкларим ёдингга тушса.

Туну кун дилимда соғинч улғайса  
Фарқиға бормаса қай мавсум, фасл.  
Яшилланиб кетса изтиробларим  
Кўксим тўла дардга. Дардларки асил!

Умидлар ундириб қароқларимда  
Ғам келса қучибман боламдай шодон.  
Шум йўллар йўлимдан урса пайт пойлаб  
Яшашни қарзим деб билибман нодон.

Энди бу ёнишлар қўймасми омон  
Ҳаловат руҳимдан маҳрум ва бадар.  
Ўзингга етгунча тобландим. Ишқ бер  
Бир ишқки нафасим битгунга қадар!

### Яшагим келяпти...

Руҳимда бир дунё улғайиб борар  
Унда ҳаёлларим қадамдан оғир.  
Бор бисотим фақат дард ва яна дард  
Сен десам, сен десам юрагим оғрир.

Қучоқ очганида хазоний фасл  
Яширдим қалбимга туйғулар аслин.  
Тўқнаш келмагунча этмовдим ошкор  
Битта нигоҳингда таслимман, таслим.

Энди тирикманми ҳеч қизиги йўқ  
Билганим соғинчга айланиб бўлдим.  
Қирқ жоним бор эди ҳижрон қўлига  
Битта-битта бердим ва кейин... Ўлдим.

Ўлим нима бўпти айрилиқ ёмон  
Ўзингга етгунча тобладинг Раббим.  
Бир гўзал ишқ бўлиб унинг бағрида  
Яшагим келяпти, ахир яшагим!



## Она, Худойимдан битта бахт сўра

Умида АЎЗАМ

Кетдим

Кетдим.  
Хаяллади мен соғинган кун,  
Бечўғ видоларга айланди руҳим.  
Бу азоб,  
Бу ҳижрон,  
Бу қаролиғ тун,  
Бардошни кучоқлаб йиғлагай кўксим.  
Худойим қисматга битгани ҳақдир,  
Келмоқлик,  
Кетмоқлик – манглайда ёзуқ.  
Яхшими,  
Ёмонми ёзилган тақдир,  
Мен бахтни азалий кутгандим узок.  
Минг аср қаршингда йиғлади дунё,  
Минг аср айқашиб кетди саволлар.  
Жонимга осиглиғ азобмиди, ё,  
Кўзимга илиниб турар хаёллар.  
Қалбингга бош қўйдим,  
Ҳисларим бетин,  
Тўкилган томчилар товушин тинглаб.  
Майсалар устида шабнам мен эдим,  
Тўкилдим,  
Ўксидим,  
Ҳижрондан титраб.  
Қадамлар аямай хазонбарг кечар,  
Умидсиз йўлларда битта умид йўқ.  
Тўкилган япроқлар қоғозга кўчар,  
Мен бахтни соғиндим,

---

*Умида АЎЗАМ – 1974 йилда тугилган. Фаргона давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Олислардан сени излайман”, “Кўзларингга чўккан дунёман” каби шеърый тўпламлари чоп этилган.*

Изладим бечўғ.  
Кетдим,  
Изларимда йиғлади шамол,  
Ортимдан жилмаяр учган хазонбарг.  
У энди хотира,  
Чизилган завол,  
Минг битта дардимга қўшилган шу дард.  
Кетдим.

### Салом

Салом,  
Азизим,  
Мен қайтиб келдим.  
Нажоткор юракка бир таскин излаб.  
Қачондир мен сизни излаган эдим,  
Кечиринг,  
Милён йил қолдим хаяллаб.  
Энди узун йўллар,  
Олис давонлар,  
Оппоқ қоғозларда қолган хотира.  
Ўтди баҳорларим,  
Ўтди армонлар,  
Кўзингиз кўзимдан кетмади сира.  
Келдим,  
Меҳрибон,  
Қутганмидингиз?  
Мен эса соғиниб келганлигим рост.  
Мана минг баҳорда яшадим сизсиз,  
Лекин,  
Юрагимдан кечолмадим воз.  
Асрлар айқашиб суратин чизар,  
Йиллар – юракдаги таралган садо.  
Ишонинг,  
Хазонлар кўксим эзгилар,  
Ўксик юрагимни қилгандек адо.  
Сукунат,  
Ўйларим,  
Совуган симлар,  
Ҳамон вужудимда ўша қўнғирок.  
Яна маҳзун қўшиқ,  
Ёмғир қуй чалар,  
Ёмғирпўш тагида ўксиган титроқ.  
Энди қайтиб келдим,  
У – сўнгги бекат,  
Хазин япроқларга қўшилар жисмим.  
Ҳамон хотиримда турибсиз фақат,  
Осмонга ёзгандим ўксиган исмим.  
Салом,  
Азизим,  
Мен қайтиб келдим...

**Она**

Она,  
Худойимдан битта бахт сўра,  
Оққушга айланиб қолсин юрагим.  
Хаста бу кўнглимни гулларга ўра,  
Ахир,  
Сенга бор-ку,  
Мени керагим.  
Ҳар кун кунларимни ўғирлаган дард,  
Бу кун лаҳзаларим кун эмас энди.  
Нега,  
Эрка бўлиб яшолмам бедард,  
Ахир,  
Орзуларим осмонча эди.  
Ойдан битта ўпич сўра, онажон,  
Тебратсин осмоннинг беланчаклари.  
Минг бора тўкилиб кетган телбажон,  
Бахтлимас руҳимнинг келинчаклари.  
Найсон томчисидек кўзёшим увол,  
Қалбимда ҳаётим нина барглари.  
Бунча оғриқлар кўп,  
Бунчалар завол,  
Зулумот бағрида кўнгил гардлари.  
Она,  
Вужудимда оғир хўрсиник,  
Майсалар ифорин қўмсар йўлаклар.  
Манглайми,  
Тақдирми,  
Минг битта синик,  
Қадим ёзуғларда қолган қўйлаклар.  
Она,  
Худойимдан битта бахт тила,  
Она,  
Худойимдан битта бахт сўра...

**Сенга борар йўллар**

Сенга борар йўллар бўлгандай охир,  
Кўнгил манзиллари топар ниҳоя.  
Яшалмам, азизим,  
Яшамоқ оғир,  
Вайронлиғ кўксимга солмоқда соя.  
Мен сени,  
Сен мени йўқотган маҳал,  
Юрагим титроқдан милёнта синик.  
Кечир,  
Азобларим бермай галма-гал,  
Тоабад манглайда оғир хўрсиник.  
Тонг десам,  
Тонг эмас,  
Зулумот бу тун,

Юрагим талпинган кунларим йўқдир.  
Ўзим алдолмаган умримдир юпун,  
Тегирмон тошидай эзғилар тақдир.  
Не қилай,  
Бариси Тангрига аён,  
Шукр манглайимда турган бебахтим.  
Мен сени суяман ўшандан буён,  
Ўзингсан биргина қора дарахтим.  
Сенга борар йўллар  
Олис бунчалар,  
Пешонам устида узун чизиқлар.  
Соғинсанг,  
Соғиндим,  
Ишон шунчалар,  
Тизгин хотирларда қолган ёзуқлар.  
Сенга борар йўллар охири йўқдай...

### Боролмам

Ҳой,  
Бедор тун,  
Ҳижронли манглай,  
Ахир,  
Дилга яқин эдинг-ку.  
Бахтим,  
Сени қандайин англай,  
Қақраган қалб – даҳшатли туйғу.  
Қуш бўлсайдим,  
Борардим учиб,  
Меҳр излаб ёнингга осмон.  
Юрак тўла ишқимни ичиб,  
Кўришардик сен ва мен омон.  
Яқин келдинг,  
Кечир, боролмам,  
Нетай, ахир,  
Қадамлар оғир.  
Эҳ, ўша дард – кўксимда алам,  
Ёмғирлардек тўкилдим охир.  
Кўзимда мунг – сарғайган кузак,  
Вужудимда сузиб борар дард.  
Соғинч – армон,  
Руҳим жонсарақ,  
Яшасайдим беюрак,  
Бедард.  
Қутгин,  
Ишқим,  
Токи тонггача,  
Ўша нафас,  
Ўша зор кўксим.  
Бир кун сенга етиб боргунча,  
Юрагимни тинглаб тургин жим.  
Юрагимни тинглаб тургин жим.



**Фирдавс  
АБДУХОЛИҚОВ**

## Шарқ миниатюралари ва ислом фалсафаси

Милодий VIII асрда мамлакатимиз ҳудудига ислом динининг кириб келиши унча мавжуд бўлган маҳаллий маданият ривожига тўсқинлик қилган бўлса-да, миллий анъаналар билан йўғрилган янгича исломий тамаддун юзага келди. Шарқ уйғониш даври, Биринчи ренессанс даврида кўплаб буюк алломаларнинг, шоир ва фозилларнинг етишиб чиқиши китобат санъати ривожига кенг йўл очди. Хусусан Темурийлар даврида санъат ва маданиятнинг ҳар тарафлама ривожланиши тасвирий санъат, жумладан миниатюра ва рангтасвири ривожини ҳам таъминлади.

Ислом таълимотига кўра, бутун борлиқни яратишдан мурод бу инсон эди. Аллоҳ инсонни Ер юзида ўзига ўринбосар (халифа) қилиб яратди<sup>1</sup>. Уни ҳатто фаришталардан ҳам улуғ қилди ва уларни Одамга сажда қилишга буюрди. Шу мисолларнинг ўзи Аллоҳ наздида инсон яратиларнинг энг буюғи эканини яққол кўрсатади.

Ислом асосида юзага келган тасаввуф таълимотига кўра, инсоннинг руҳи Яратганининг бир заррасидир. Аллоҳ инсонга ўз руҳининг бир парчасини инъом этган. Инсоннинг фоний ҳаётдаги сафари тугаши билан руҳ яна ўз манбаига қайтарилади.

Қуръони каримнинг Бақара сураси 156-оятда “Уларга мусибат етганда: “Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз унинг ҳузурига қайтувчилармиз” дейдилар”<sup>2</sup> оятида ҳам ана шу масалага ишора бор.

Қуръони каримда бутун борлиқ Аллоҳнинг иродаси билан қандай мукамал ва гўзал тарзда бино этилгани эсланади, тоғлар, юлдузлар, ҳайвонот ва наботот оламининг гўзалликлари ўзига хос илҳом билан тасвирланади:

<sup>1</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент ислом университети нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2004. – Б. 6.

<sup>2</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2004. – Б. 24.

**Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ** – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист. 1963 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факультетини тамомлаган. У йигирмадан ортқ ҳужжатли фильмлар ва бир қатор медиа лойиҳаларнинг продюсеридир. Хусусан, унинг раҳбарлигида Россия телеканаллари билан биргаликда “Ўзбекистан жемчужина песков”, “Қарақалпақстан сквозь пески времени”, “Ўзбекистан. Обретенные откровения”, “Нукус. Неизвестная коллекция” ҳужжатли фильмлар ишланган.



“Сиз тоғларни кўриб (мангу) қотиб турувчи, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар (сузиб) юргандек (ҳавода сузиб) юрурлар. (Бу) барча нарсани пухта қилган зот – Аллоҳнинг ҳунаридир. Албатта, У зот сизлар қилаётган (барча) ишлардан огоҳдир!<sup>3</sup> (Намл сураси, 88-оят)”

Мазкур ояти каримадаги “сунъ” сўзи ҳам барчамизга таниш бўлган “санъат” сўзининг ўзагидир. Шунингдек, “Ҳашр” сураси 24-оятда ҳам Аллоҳнинг бир қатор исмлари қаторида “мусаввир”, яъни суврат берувчи сифати зикр қилинади: “У Аллоҳ Яратувчи, (йўқдан) бор қилгувчи, (барча нарсага) сурат (шакл) бергувчидир”<sup>4</sup>. “Муъминун” сураси 14-оятда эса, “Суратларингизни гўзал яратган Аллоҳ буюк, баракотлидир” деб марҳамат қилинади.

Маълумки, ислом динида инсон тушунчасига Яратгanning энг улуғ ижоди сифатида ёндашилади. Қуръони каримнинг Исро сураси 70-оятда “Дарҳақиқат (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик”, дея марҳамат қилинади<sup>5</sup>.

Ислом дини нозил қилинган, пайғамбаримиз (с.а.в) вафотларидан кейин ушбу дин асосида бир қанча оқимлар, мазҳаблар, таълимотлар вужудга келди. Улар орасида шарият ва илмий тафаккурни ўзида мужассам эта олган таълимот бу тасаввуфдир.

Тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чуқур кириб борди; фан, маданият ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик ғояларидан руҳланганлар<sup>6</sup>.

Шуни назарда тутиб, атоқли олим Е.Э.Бертельс ўтган асрнинг бошидаёқ “Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин”, дея қайд этган эди:<sup>7</sup>

Шарқ адабиётида, хусусан Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарларида ҳам Яратувчи ва борлиқнинг яхлит бир вужуд эканлигини илгари сурадиган ваҳдатул-вужуд фалсафасини тараннум этганлар. Бунга эса, айрим тадқиқотчилар, “Мен яширин хазина эдим. Ўзимни танитмоқ учун махлуқотни яратдим”, дейилган ҳадиси қудсийни мисол келтирадilar. Бу ҳадисни Жалолиддин Румий ҳам “Ичиндаги ичиндадир” асарида келтириб ўтган.<sup>8</sup>

Навоий ўзининг барча асарларида Аллоҳнинг буюк ва бекиёс гўзаллигини таъриф ва тавсиф этиш билан бирга, барча мавжудот орасида энг улуғи, энг шарофатлиси инсондир, деган фикрни бадиий юксак даражада ифода этади:

<sup>3</sup> Қуръони карим, таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент, Шарқ НМАК, 1992. – Б. 339.

<sup>4</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент ислом университети нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2004. – Б. 548.

<sup>5</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент ислом университети нашриёт матбаа бирлашмаси, 2004. – Б. 289.

<sup>6</sup> Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент, Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 13

<sup>7</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука. 1995. С. 54.

<sup>8</sup> Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. – Тошкент, Ёзувчи. 1997. – Б. 144.

*Барчасини гарчи латиф айладинг  
Барчадин инсонни шариф айладинг,*

дейилади “Ҳайратул-аброр” достонида.

Шарқ уйғониш даврида фан, маданият, меъморчилик, муסיқа ва тасвирий санъатнинг ривожига замирида ҳам бевосита ана шу тасаввуф фалсафаси ётади. Тасаввуфга кўра, инсон энди тақдир изни билангина ҳаракатланадиган, эрксиз, онгсиз мавжудот эмас. Унда илоҳий куч-қудрат, ақл-идрок мужассам. У ўз қарашларини, фикрларини, ҳис-туйғулрини шеърят, тасвирий санъат, муסיқа ва ижоднинг бошқа кўплаб турлари орқали намоён эта олади.

Зотан, инсонда Аллоҳнинг сифатлари сингдирилган. Унинг улуғлиги ҳам шунда. Бу жараён Шарқ адабиётида, бинобарин китобат санъатида ҳам ўз аксини топади. Мусулмон Шарқда адабиётга ва санъатга ана шу тасаввуфий нуқтаи назардан ёндашилгани боис, шеър ҳам, тасвир ҳам Аллоҳнинг бир парчасига – инсонга кўчган қудрат нишонига сифатида қаралган. Аллоҳ агар ўз бандаларини йўқдан бор қилиб, унга шакл ва суврат берар экан, демак, инсон ҳам унга тақлидан гўзалликни васф этиши, уни сўз ва бўёқлар ила тасвирлаши мумкин.

Албатта, ислом динида жонли ҳайвонларни тасвирлаш у қадар ёқланмайди. Гарчи Қуръони каримда бу ҳақда аниқ тақиқ бўлмаса-да, айрим ҳадисларда бу борада кўрсатмалар бериб ўтилган. Исломда жонли нарсаларни тасвирлашга нисбатан ноҳуш қараш айрим ҳадисларда учрайди.

Саъидибн Абу Ҳасан айтади: “Ибн Аббос розияллоху анҳумонинг ҳузурини эдим. Тўсатдан бир киши келиб: “Эй Абу Аббос! Мен ҳам бир инсонман, тирикчилигим фақат қўл меҳнатидан, мен мана бу суратларни чизаман”, деди. Шунда Ибн Аббос: “Мен сенга фақат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сўзлаётганларини эшитганимнигина айтиб бераман. У зотнинг “Ким бирор сурат чизса, то унга жон киритмагунича Аллоҳ уни азоблайди. Ҳолбуки у ҳеч қачон жон кирита олмайди, деяётганларини эшитганман”, деди. Ҳалиги киши қаттиқ ҳансираб, юзи сарғайиб кетди. Шунда у (Ибн Аббос): “Шўринг курсин! Агар шуни қилишдан бошқага кўнмасанг, сенга мана бу дарахт, ҳар қандай жони йўқ нарсалар (ни чизиш мумкин)”, деди. (“Саҳиҳул-Бухорий”, 96-2225-ҳадис.)

Бу ҳадис Имом Муслимдан ҳам ривоят қилинган бўлиб, “Дарахт ва жонсиз нарсалар чизиш”, деган сўз келади<sup>9</sup>.

Кўпгина тадқиқотчилар бу тақиқни икки хил сабаб билан изоҳлайдилар. Биринчидан, ислом эндигона жорий қилина бошлаган пайтларда бутларга, санамларга, уларнинг тасвирига сиғиниш араблар ўртасида кенг тарқалган эди. Исломда эса, Яратгандан бошқа ҳар қандай мавжудотга ёки уларнинг тимсолларига сиғиниш қатъий тақиқланади. Иккинчидан, мусаввир, яъни тасвирлаш фақат Аллоҳнинг сифати бўлгани учун исломда Яратганга тақлид қилиш жоиз ҳисобланмайди. Мана шу икки қараш тасвирий санъат ҳақида, айниқса сунний эътиқодидаги мусулмонлар орасида салбий қарашлар шаклланишига сабаб бўлган<sup>10</sup>.

Шу нуқтаи назарда ҳозир ҳам айрим радикал қарашлар ислом таълимотидаги жонзотлар, хусусан инсон тасвирини яратишга тўсқинлик қилади. Аммо, ўрта асрда

<sup>9</sup> <https://hadis.islom.uz/sbm/4632-96-2225.html>

<sup>10</sup> Бибиқова О. П. Исламское (мусульманское) искусство. Архивная копия от 13 ноября 2012 на Wayback Machine // Энциклопедия “Кругосвет”. – С. 1.

Шарқ мамлакатларида, хусусан юртимизда кенг ёйилган тасаввуф фалсафасини чуқур ўрганмасдан, бу масалага жиддий баҳо бериб бўлмайди.

Гарчи айрим ҳадисларда тирик жонзотларни тасвирлаш тақиқланган бўлса-да, инсонлар ва жонзотлар тасвири ислом кириб борган турли ҳудудларда қурилган йирик иншоотларда кўплаб учрайди. Ҳатто аббосийлар, умавийлар давридаги бир қатор ёдгорликларда ҳам жонзотлар тасвирини учратиш мумкин. Масалан, умавийлар халифалиги даврида Қурдоба (Испания) амири Абдуллаҳмон III (929–961) даврида барпо этилган Мадина аз-заҳро мажмуаси ҳудудида оҳу, шер ва бошқа ҳайвонларнинг гўзал ҳайкаллари ўрнатилган<sup>11</sup>.

XIV асрда араблар томонидан Испанияда Ғарнота (Гранада) амирлиги пайтида бунёд этилган ал-Ҳамро мажмуасида, мармар фаввора атрофида ўрнатилган ўн иккита шер ҳайкалини кўришимиз мумкин<sup>12</sup>.

Маълумки, 1453 йилда усмонийлар Константинополни забт этиб, у ердаги Аё София соборини йирик жоме масжидига айлантиришади. Аммо, қизиғи шундаки, 324 йилда қурилган собор деворида император Константин давридан қолган деворий суратлар ҳозирга қадар сақланиб қолган<sup>13</sup>.

Самарқанддаги Шердор мадрасаси пештоқида шер ва оҳу, Бухородаги Нодир девонбеги мадрасасида лайлақлар ва инсон қиёфаси жойланган қуёш тасвири акс эттирилган. Шарқшунос олим, археолог М.Массон фикрича мазкур шер ва қуёш расми кўпгина миниатюраларда ҳам учрайди. Бу араблар фатҳидан аввалги Самарқанд ҳукмдорларининг қадимий рамзи ҳисобланган. Чунки, бу рамз Амир Темурдан мерос бўлиб, фақатгина Улуғбек ва Халил Султон даврида зарб қилинган тангаларда акс эттирилган.

Испан элчиси Дон Рют Гонзалес де Клавихонинг кундаликларида ҳам Шаҳрисабздаги Оксарой ёдгорлик мажмуасида худди шундай шер ва оҳу тимсоли акс этганини ёзиб қолдирган<sup>14</sup>. XX аср бошида Хива хонлигида қурилган Нуруллабой саройида Бухоро амирига тегишли Сирои мо-хоса мажмуасида Ғарб тасвирий санъатига монанд сувратларни кўришимиз мумкин<sup>15</sup>.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, Шарқда, тасвирий санъатда инсонлар ва жонзотларни тасвирлашда муайян истиснолар мавжуд бўлган. Айниқса, Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудида ана шу истиснолар сабабли миниатюра санъати ривожлана борган. Ўрта асрларда ислом дунёсида санъатга, жумладан инсонлар қиёфасини тасвирлашга муносабат қатъий бўлмаган. На сарой аҳли, на уламолар томонидан бу масалага жиддий тақиқ қўйилган. Бу эса, Шарқ миниатюра мактабларида бебаҳо санъат асарлари юзага келишига замин яратган.

Ислом таълимотида, жонли образлар ва мавжудотларни тасвирлаш ман этилган бўлса-да (Қуръонда бу тўғридан-тўғри кўрсатилмаган), бундай тақиқ диний

<sup>11</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Мадина\\_аз-захра#Комплекс\\_Медина\\_Асаара](https://ru.wikipedia.org/wiki/Мадина_аз-захра#Комплекс_Медина_Асаара)

<sup>12</sup> <https://dzen.ru/media/id/5d73bbdb118d7f00adb11634/ivy-algambry-5d79323c3639e600ad375c52>

<sup>13</sup> Natalia B. Teteriatnikov. *Mosaics of Hagia Sophia, Istanbul: The Fossati Restoration and the Work of the Byzantine Institute.* – Washington, D.C.: Dumbarton Oaks Research Library and Collection, 1998. – P. 6.

<sup>14</sup> Клавихо Дон Р.Г. Путешествие в Самарканд, ко двору Тимура (1403–1406). – Москва, Наука, 1990. – Стр. 106.

<sup>15</sup> Жабборов. Р. Пайғамбаримиз расмларини чизиш мумкинми? – // Даракчи газетаси 2016 йил, 17 апрель.

мазмунга эга бўлган қўлёмаларга мувофиқ амал қилинган. Адабий асарлар эса бундай чекловларга қарамасдан, улардан мустасно бўлиб, турли сураатлар билан безатилган. Шунга кўра, Шарқ адабиётининг романтик дунёсини очиб беришда (айниқса, шеърятда), қўлёмза китобларнинг безатилиши бутун жараёни ичида, айнан, миниатюра рангтасвирининг руҳий ҳолати жавоб бера олган”<sup>16</sup>.

Санъашунос олим Ш.Муҳаммаджоновнинг фикрича, “...миниатюраларда ҳамиша яширин маъно бор, уни ҳар бир кузатувчи ўзича шарҳлашга мўлжалланган. Бугунги томошабин уни чиройли бир картина сифатида қабул қилади, муаллиф учун эса энг муҳими – композиция, ранг, турли хил имкониятлар воситасида ишнинг ғоясини беришдир. Миниатюра рангтасвирида ташбеҳ ва рамзлар Қонунқоидаларга бўйсунди. Айниқса, кўп қиёфали композицияда бирорта ҳам унсур йўқки, унга бирор маъно юклатилмаган бўлсин”<sup>17</sup>.

Миниатюра рангтасвир марказлари тарихан таркиб топган йирик вилоятларининг бош шаҳарлари Эронда Шероз, кейинроқ Исфохон, Казвин, Табриз, Хуросонда Ҳирот, Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Бухоро бўлган. Бу марказларда асосий техник усулларнинг ягоналиги, эстетик жабҳаларда умумийлик жиҳатларидан ўзига хос бадиий мактаблар шаклланган. Мовароуннаҳр миниатюра рангтасвири шаклланиши ҳақида маълумотлар XIV аср охири, Амир Темурнинг буюк давлатига асос солинган даврга бориб тақалади”<sup>18</sup>.

Марказий Осиёда қўлёмза китоблар йиллар ва асрлар давомида, аждодларимиз томонидан яратилган маънавий бойлик дурдоналарининг нафақат маданий ўчоғи, балки ягона билим бериш ва тарбия қуроли ҳам ҳисобланар эди. Миниатюра мактабларининг инсон эстетик тарбиясидаги ўрни ниҳоятда катта бўлиб, бу буюк мусаввирларнинг асарларида ўз аксини топган”<sup>19</sup>.

Мутахассислар фикрича, “Шарқ миниатюра рангтасвири халқнинг оламни идрок этиши ва ҳис этишини образларда мужассамлаштиради ва бу билан ҳаётий воқеликни, халқнинг тарихий ва диний ўзига хослигини жонли образларда тасвирлайди, бинобарин, у “ҳаёт кўзгуси” ҳисобланади”<sup>20</sup>.

Шу боис Шарқда, хусусан, темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар даврида ҳукдорлар ислом арконларига қатъий амал қилганлар. Айни пайтда шарқ ҳукмдорлари суннийлик оқими асосида вужудга келган тасаввуф таълимотидан яхши хабардор бўлишган. Тасаввуфда эса, инсонни, тирик жонзотларни тасвирлашда қатъий чеклов бўлмаган. Шу сабабли қўлёмза асарларда ҳам, меъморий ёдгорликларда ҳам, яқка турдаги тасвирий санъат асарларида ҳам инсон тасвири, жумладан тарихий шахслар қиёфасини акс эттириш анъанага айланган.

<sup>16</sup> Пугаченкова Г.А., Галеркина О.И. “Миниатюры Средней Азии. В избранных образцах”. – Москва: Изобразительное искусство. (1979) – Стр. 4.

<sup>17</sup> Муҳаммаджонов Ш. “Китоб қўлёмзаларининг қайта туғилиши” // “Санъат” 2000 йил, №1.

<sup>18</sup> Джалилова Р. Ўзбекистон тасвирий санъатда миниатюра. – Ученый XXI века 2016 № 5–1 (18). – Б. 59.

<sup>19</sup> Усмонова Л. Самарқанд миниатюра санъати мактабининг эстетик ва романтик хусусиятлари // Academic research in educational sciences volume 1 | ISSUE 3 | 2020. Б. 708

<sup>20</sup> Шоёкубов Ш. “Замонавий Ўзбекистон миниатюраси”. – Тошкент. Ўзбекистон 2006. – Б. 8.

## Давлат ва маданият арбоби



Наим КАРИМОВ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда авж олиб бораётган демократик ислохотлар яқин тарихимизда рўй берган мураккаб воқеалар ва шу даврда яшаган, аммо унутилиб бораётган забардаст давлат ва жамоат, фан ва маданият арбоблари ҳақида ҳақ гапни айтиш имконини беради. Бу ҳазилакам воқеа эмас. Бу мамлакатимизда том маънода янги тарихий-ижтимоий, маърифий ва маданий давр бошланганидан далолат. Аммо нима учундир бу имкониятдан тарихчи олимлар ва журналистлар эмас, балки ёзувчилар ва адабиётшунос олимларгина фойдаланиб келмоқдалар. Шу йилнинг январь ойида Саъдулла Сиёев билан Собит Мадалиевнинг, август ойида эса адабиётшунос Сувон Мелиевнинг Сарвар Азимов ҳақидаги хотира ва мақолалари эл-юрт кутаётган шундай воқеалардан бўлди, десам хато бўлмайди.

Сарвар Азимов – совет даврининг фарзанди, шу даврнинг сиёсий-ижтимоий ва мафкуравий кадриятлари руҳида тарбияланган инсон. У коммунистлар партиясининг бир мамлакатда коммунизм қуриш ҳақидаги чўпчагига ишонган арбоб... Бундай ўйлаб қарасак, бу чўпчакка кимлар ишонмаган. 1937–1938 йилларда “Коммунарка”да отилган давлат ва партия арбобларининг, 1941–1945 йилларда эса жанг майдонларига отилиб кирган минглаб жангчиларнинг сўнгги сўзлари “Яшасин Сталин!” “Яшасин Советлар ватани!” деган сўзлар бўлган... Сарвар Азимовнинг ўз эътиқодига содиқ қолиши қуёш нурида товланган ҳубобнинг ёмби эканлигига ишонч билан барабар эди. Сарвар Азимов бир неча давлат идораларида масъул лавозимларда хизмат қилган ва кенг халқ оммаси уни таниқли давлат арбоби сифатида билган ва ҳурмат қилган бўлмасин, меҳнат дафтарига ёзилган икки муассаса унинг ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Бу икки муассасадан бири Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтидир. У институтга келган йилларда уруш туфайли ўзбек олимлари сафи сийраклашган, танқид ва адабиётшунослик соҳалари ўтириб қолган эди. С.Азимов шундай мушкул бир даврда Солиҳ Қосимов ва Ҳамидулла Убайдуллаев

**Наим КАРИМОВ** – Академик. Адабиётшунос олим, жамоат арбоби. Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби. Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги хизматлари учун “Эл-юрт ҳурмати” орденига сазовор бўлган. 1932 йилда тузилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги миллий университет) филология факультетини таълимлаган. Олим ўнлаб китоблар, юзлаб мақолалар муаллифи.



деган дўстлари билан бирга долзарб мавзуларда танқидий мақолалар ёзиб, эл-юрт оғзига тушган. Собик иттифокда машҳур бўлган уч карикатурачи рассомдан иборат Кукриниксыларга қиёсан улар рус тилидаги мақолалари учун ҳатто “Косазубы” (“Қийшиқ тишлар”) деган номни ҳам олишган. Сарвар Азимов институтда дастлаб илмий ходим, кейин директор ўринбосари бўлиб ишлаган даврида шу илмий даргоҳда Ойбек, Ғафур Ғулом, Иззат Султон, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Юсуф Султон сингари ўзбек адабиётшунослик фанининг даргалари хизмат қилишган. Шу илмий муҳитда яшаган Сарвар Азимовнинг устозлардан ибрат олмаслиги, улар билими ва маданиятидан баҳраманд бўлмаслиги маҳол эди. У шу ерда фаолият кўрсатган йилларида Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги номзодлик диссертациясини ёзиб, уни муваффақият билан ёқлади. Ёш олимнинг шу диссертация асосида яратилган, юксак илмий-назарий савиядаги “Ҳамид Олимжон” монографияси замонавий ўзбек ёзувчилари ҳаёти ва ижодини ўрганишда узоқ йиллар давомида ибрат намунаси – эталон бўлиб хизмат қилди. С.Азимов 1954–1956 йилларда Ўзкомпартия Марказий Комитети аппаратида хизмат қилган вақтида ҳам институт билан алоқасини узмади. У Юсуф Султон билан ҳамкорликда ўрта мактабларнинг 10-синфи учун “Ўзбек адабиёти” дарслигини ёзди. Бу дарслик 30 йилдан зиёдроқ давр мобайнида ўқувчиларнинг бир неча авлодига хизмат қилди.

Камина 1955 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тугатганимдан сўнг, шу ўқув юртининг аспирантурасига кирдим. Расм-русмга кўра, факультетдаги адабиётшунос домлалардан бири менга илмий раҳбар этиб тайинланиши лозим эди. Лекин факультет декани Г.П.Владимиров мени ҳузурига чақириб: *“Сенга Сарвар Азимов илмий раҳбар бўлади. У Ўзкомпартия Марказий Комитетида олий ўқув юртлари ва мактаблар бўлими бошлиғи бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг ҳузурига бориб, ундан розилик хатини олиб келгин”*, деди. Мен, марказком, совнарком деган идораларнинг ёнидан ўтмаган аспирант, аввал С.Азимовнинг котибига қўнғироқ қилиб, унга ўзимнинг ким ва қандай мақсад билан келганимни айтиб, унинг илтифоти билан рухсатнома қоғозини олиб, ниҳоят, бўлажак илмий раҳбаримнинг ҳузурига кирдим. Сарвар Азимов менинг кимлигим, қаерда, қандай оилада туғилганимни сўради. Мен дадам Фотих Каримов эканлигини айтганимда, у мактаб дарсликларини яратиш жараёнида дадам билан учрашган ва дадамни яхши билар экан: *“Яхши одамнинг фарзанди экансиз”*, деди. Унинг бу сўзлари менга қанот бағишлади. Ўзим мўлжаллаган диссертация мавзуини сўраганида (бундан аввал мен Москвадаги Ижтимоий фанлар академияси аспирантурасига кирган Матёқуб Қўшжонов билан кўришиб қолган, у менга *“Ойбекнинг романнавислик маҳорати”* устида ишлаётганини айтиб, менга *“Ойбекнинг поэтик маҳорати”* мавзуи устида ишлашни маслаҳат берган эди), мен бўлажак устозимга шу мавзуни маъқул кўрганимни яширмадим. С.Азимов бироз ўйлаб, бу мавзунинг яхши мавзу эканлигини айтди, Ойбек ва унинг ижодига бўлган ҳурматини баён қилди. Шунга қарамай, менга *“Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати”* мавзуини тавсия қилди. Мен, ўша йиллардаги бошқа ёшлар катори, Ҳамид Олимжон шеъриятининг мажнунларидан бири эдим, жон деб рози бўла қолдим. Шу тарзда менинг Сарвар Азимов билан устоз ва шогирд сифатидаги алоқам тарихи бошланди.

Мен шу илк учрашув чоғидаёқ Сарвар Азимовнинг ўзига ишонган, мағрур, салобатли, бирсўз инсон эканлигини, бундай илмий раҳбар билан ишлаш осон

эмаслигини сездим. Камина билан бир вақтда аспирантурага кирган Ғаффор Мўминовга Натан Маллаев илмий раҳбар этиб тасдиқланган, шунинг учун у хоҳлаган пайтида домласи билан учрашар, Натан Муродович ҳам шогирдлари билан оддий муносабатда бўлар эди. Мен бўлсам, домлам билан учрашишим учун марказқўмдаги тегишли бўлимга қўнғироқ қилишим, кейин рухсатнома олишим, Сарвар Азимовнинг қабулидаги ходим ёки ходималарнинг чиқишларини кутишим ва навбат бўйича раҳбарим олдиға киришим мумкин эди. Бу ҳам ҳолва экан. Орадан кўп ўтмай, Сарвар Азимов Ўзбекистон маданият министри, кейин Ўзбекистон Министрлар Совети раиси ўринбосари ва Ташқи ишлар министри бўлиб кўтарилди. Бу лавозимларда ишлаган кишини нимаси кўп, мажлиси кўп. Нимаси кўп, хизмат сафари кўп... Шу ҳол мени С.Азимовни ҳам, ўзимни ҳам безовта қилавермасдан мустақил ишлашга мажбур этди.

Мен диссертацияни якунлаб, ҳимоя арафасида С.Азимовнинг Ташқи ишлар министрлигидаги хос хонасига кирганимда, илмий раҳбарим билан бироз суҳбатлашиш имконияти туғилди. Шунда ҳам С.Азимов диссертацияга оид гаплардан кейин бошқа мавзуга ўтиб, партияга кирган-кирмаганимни суриштирди. Устоз биринчи учрашувимиздаёқ партияга аъзо бўлиш шарафли эканлигини айтган, аммо Сталин ўлганидан сўнг партияга қабул қилиш тартиби мураккаблашган, натижада менда партияга, партияда эса менга ихлос ва эҳтиёж қолмаган эди. Сарвар Азимов менинг ҳали ҳам партиясиз эканлигимни эшитиб, жуда хафа бўлди: “Умрингиз бекор ўтибди”, деди худди мен мўлкиллаган чол бўлиб қолганимдек. Аммо бу сўзлар унинг бошқаларга бериши мумкин бўлган энг қаттиқ танбеҳи эди.

Агар ўрнимда бошқа бир одам бўлса, диссертация ёзмаса ҳам, партияга кириб, С.Азимов атрофида гирдикапалак бўлавериб, қўнглини олган ва унинг ёрдамида юқори мартабаларга эришган, уй-жойли, хусусий машинали бўлиб, айшини суриб яшаган бўларди. Бола-чақалари ҳам омад кулиб бокқан ота соясига салом бериб, гердайиб юрган бўлардилар. Аммо мен бундай йўлдан кетувчи инсон бўлиб тарбияланмаган эдим...

С.Азимовнинг кейинги тақдирида муҳим роль ўйнаган иккинчи муассаса Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси эди. У дастлаб 1956–1957 йилларда Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Шунгача марказкомда олий ўқув юртлари ва мактаблар масаласи билан шуғулланган кишининг Ёзувчилар уюшмасига раҳбар этиб тайинланиши кўплар учун қутилмаган, ҳатто кимларнингдир қўнғлидаги нохуш ҳисларни қўзгатган воқеа бўлди. 1956 йил совет давлати, шу жумладан, Ўзбекистон республикаси тарихида инқилобий бурилиш ясаган йил эди. Шу йили бўлиб ўтган компартия съездида Сталин шахсига сиғиниш кескин қораланган ва унинг фожиали оқибатлари олий минбардан туриб фош этилган эди. Шу кундан бошлаб совет мамлакатаида истиқомат қилаётган кишилар дунёқарашида кескин ўзгариш рўй бериши лозим эди. Шундай бўла бошлади ҳам. Ўша йилнинг 20–24 сентябрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти билан ҳамкорликда Тошкентда “Алпомиш” эпосига бағишланган минтақавий кенгашни ўтказди. Кунни кеча феодал давр манфаатларига хизмат қилган асар сифатида қораланган “Алпомиш” эпоси ва унинг тадқиқотчилари манглайига урилган мудҳиш тамға олиб ташланди. Ҳақиқат ҳазратларининг юзларида офтоб нурлари товланиб юборди. Ҳамид Олимжон 30-йиллардаёқ ўзбек халқ оғзаки ижодининг бу ноёб дурдонасини мукаммал ўрганиб, унинг бадиий қиммати ва жаҳоншумул



аҳамияти ҳақида гўзал бир мақола ёзган эди. Ҳамид Олимжон тарғиб ва талқин қилган асарнинг яна тухмат оламидан ҳақиқат оламига қайтиши Сарвар Азимовни хушнуд этган воқеалардан бири бўлди. Орадан кўп ўтмай, 11–13 октябрь кунларида Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съезди ўтказилди. Съезднинг дастлабки кунда “халқ душмани” сифатида отиб ташланган буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг оқланганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Сарвар Азимов ана шундай тарихий ўзгаришлар бошланган Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қила бошлади. У уюшма Ҳайъатининг дастлабки йиғилишларидан бирида Абдулла Қодирий меросини ўрганиш ва нашр этиш бўйича комиссия тузиб, унга раҳбарлик қилди. Ўзи адибнинг буюк асари “Ўтган кунлар” романини нашрга тайёрлади. Ўзбекистонга хорижий мамлакатларнинг ёзувчилари яхши ният билан ташриф эта бошлашди. Ўша йилнинг 10–16 октябрь кунларида мамлакатимизда Муҳаммад Мандур, Муҳаммад Саид ал-Эриан, Али Бақосир, Абдурахмон аш-Шарқавий сингари ёзувчилар билан учрашув ва мулоқот маросимлари бўлди. 23–28 декабрь кунларида эса Деҳлида Осиё ва Африка ёзувчиларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияга Ўзбекистон ёзувчилари номидан Зулфиянинг делегат бўлиб бориши ва сўзга чиқиши ўзбек адабиётининг ҳам, конференциянинг ҳам мавқеини кўтариб юборди.

1957 йили ҳам адабий ҳаётда қатор тарихий воқеалар рўй берди. Шу йилнинг октябрь ойида Ёзувчилар уюшмасида Павел Антокольский, Константин Симонов, Берди Кербобоев, Ғафур Ғулом, Зулфия иштирокида биродарлашган халқлар вакиллариининг ижодий кечаси, Абдулла Қаҳҳорнинг 50 йиллик юбилеи ўтказилди; Қорақалпоғистонда “Алпомиш” достонининг ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги версиялари нашр этилди; Тошкентда Бадиий адабиёт нашриёти ташкил этилди. Ноябрь–декабрь ойларида эса Самарқанддаги Шердор мадрасида Ҳамзага, Лабигор кўчасидаги 103–рақамли уйда Садриддин Айнийга бағишланган мемориал тахта ўрнатилди; Тил ва адабиёт институти қошида Алишер Навоий номидаги Ўзбек адабиёти музейи очилди; буюк немис шоири Генгих Гейне таваллудининг 160 йиллиги нишонланди... Бундай катта муҳим адабий тадбирларнинг амалга оширилишида Сарвар Азимовнинг хизматлари оз бўлмаган.

Сарвар Азимов 1980 йили Ёзувчилар уюшмасига биринчи котиб этиб сайланди. Бу вақтда унинг елкасида Ўзбекистон маданият министри, Республика Министрлар Совети раиси ўринбосари, Ташки ишлар министри, совет ҳукуматининг Лубнон (Ливан) ва Покистон давлатларидаги элчиси сифатида орттирган бой тажрибаси бор, дунё миқёсидаги воқеалар ва сиёсий ўйинларни кўрган, подшолар билан ҳам, оддий халқ вакиллари билан гаплашиш санъатини эгаллаган дипломат-арбобнинг тажрибаси бор эди. Аввал ҳам Ёзувчилар уюшмасида ишлаб, яхши хотиралар қолдирган шундай одамнинг уюшмага яна раҳбар бўлиб келиши кенг қанот ёзиб бораётган ўзбек адабиёти учун аини муддао эди. Лекин Сарвар Азимов уюшмага қайта раҳбарлик қила бошлаган кунларда Комил Яшиндек мўмин-қобил раҳбарнинг пинжига кириб олган, унинг сояи давлатидан баҳраманд бўлиб яшаётган ёзувчилар ўз мавқеларини йўқотган эдилар. Сарвар Азимов ҳар бир масалани уюшма аъзоларининг эмас, ўзбек адабиётининг манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳал қила бошлади. Ёзувчилар уюшмасининг Пушкин кўчасидаги янги биносини таъмирдан чиқарди; Дўрмондаги хароб бир аҳволга келган ижод боғини обод қилиб берди; ёзувчиларнинг муваққат яшашлари ва ишлашлари учун боғ ҳудудида бир қанча коттежлар қуриб берди. Ёзувчилар янги уй-жойлар, шахсий машиналар билан

таъминланди. Адабиёт кунлари, ҳафталиклари ва ўнкунликларини ўтказиш оддий ходисага айланди. Бу тадбирлар нафақат кўшни республикалар, балки республикамиз шаҳарларида ҳам ўтказиладиган бўлди. Сарвар Азимов шахсан ўзи раҳбарлик қилган делегациялар шаҳар ҳокимлари томонидан кутиб олинади. Ёзувчиларнинг ўзбек жамиятидаги обрўси бир неча баравар кўтарилди. Бу, Сарвар Азимовнинг халқ ва унинг адабиёти олдидаги унутиш гуноҳ бўлган катта хизмати натижасидир.

Ёзувчилар дунёси фаришталардангина иборат эмас. Истеъдодли ёзувчилар орасида ҳам ғийбатга мойил кишилар истаганча топилади. Шундай кишилар: “Ёзувчилар уюшмасига ёзувчи бўлмаган одам раҳбарлик қилмоқда. Сарвар Азимов адабиётдан, бадий ижоддан узоқ одам...” деган гапларни тарқата бошладилар. Бундан чорак аср аввал улуғ Ойбек кўлидан СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзолик гувоҳномасини олган, танқидчи ва адабиётшунос сифатида самарали меҳнат қилиб келаётган, биринчи марта Ёзувчилар курултойида уюшма раислигига овоз бериш йўли билан сайланган, шу даврда чоп этилган ва чоп этилаётган дарсликлари билан шоир ва ёзувчиларнинг болаларига ўзбек адабиёти бўйича билим бериб келаётган Сарвар Азимов бу “миш-миш”ларнинг кимнинг оғзидан чиқаётганини яхши биларди. Лекин у ҳар қандай муассасада беш кўл баравар эмаслигини ҳам биларди, шунинг учун у ғийбатлардан баланд туришни афзал билди.

Сарвар Азимов камина билан учрашган кезларида кўпинча бир гапни айтарди: *“Наимжон, яхши адабиётшунос бўлиш учун фақат илмий-назарий китобларни эмас, ўзбек ва рус тилларидаги бадий адабиётни ҳам кўп ўқинг. Айниқса, Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор асарларини қунт билан мутолаа қилинг. Танқидчи ва адабиётшуноснинг тили ЎзТАГ ахборотлари тилидан, ҳукумат қарорлари тилидан ўзгача, ширали, сеҳрли бўлиши лозим. Адабий-танқидий мақола ва китобларнинг тили йилдан-йилга эмас, балки кундан-кунга ғариблашиб бормоқда. Олимларимиз бадий асарни таҳлил қилаётганларини унутиб қўйишяпти. Бадий асар таҳлилида ҳам ҳар бир сўз ёниб-товланиб туриши лозим. Луғат бойлигинингизни кўпайтиринг...”*

Мен бу сўзларни тинглабгина қолмай, Сарвар Азимовнинг ўзи ҳам китоб ва мақолалари тили устида, луғат бойлигини бойитиш устида тинмай ишлаётганини сезардим. У Ёзувчилар уюшмасига иккинчи бор раҳбар бўлиб келганида эса, бояги “миш-миш”чиларга зарба бериш учунгина ҳам, балки ўзида, қалбида халққа айтиши зарур гаплар йиғилиб қолгани учун уларни қоғозга тушира бошлади. Унинг икки жилдлик “Сайланма”сидан жой олган “Назокат”, “Икки дил – икки олам” ҳикоялари, “Камалак” ва “Кўзлари чўлпон” қиссалари ёзилган санага назар ташласак, улар муаллифнинг республика Министрлар Совети ва Ташқи ишлар министрлигида хизмат қилган кезларида ёзилгани маълум бўлади. Бу ҳикоя ва қиссаларни ўқиган китобхон Сарвар Азимов зуваласида бадий ижод туйғуси бўлганини сезибгина қолмай, улардаги қаҳрамонлар ва воқеалар тасвиридан завқ ҳам олади.

Сарвар Азимов бу асарлардан аввал, 1961 йилдаёқ, ўзбек адабиётининг энг оқсоқ ва энг мураккаб соҳаси – драматургияда қалам тебратиб, халқаро мавзудаги сахна асарини ёзишга киришган эди. 1964 йил 25 январда Ҳамза номидаги Ўзбек академик драма театрида ёзган “Қонли сароб” драмасининг сахналаштирилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлган. Ўзбек театри ўз тарихида биринчи марта суронли йилларда замона зайли билан хорижга чиқиб кетган ва Ғарбдаги мамлакатлардан бирида уюшиб қолган ўзбеклар ҳаётига мурожаат

этган эди. Ўша даврнинг сиёсий-мафкуравий андозалари асосида ёзилган ва сахналаштирилган бу асар томошабинларда зўр қизиқиш уйғотган. Лекин бу асардан хабардор бўлган хориждаги ватандошларимиз Берлинда нашр қилинган “Миллий Туркистон” саҳифаларида кескин танқидий фикрлар билан чиққанлар. Уларнинг фикрича, хориждаги ватандошларимиз ҳаёти асарда бузиб талқин қилинган...

Орадан бир неча йиллар ўтиб, аввал “қайта қуриш”, кейин мустақиллик шабадалари эса бошлагач, шу вақтгача ўта ҳақоратли “ватангадолар” сўзи билан тилга олиб келинган ватандошларимиз киндик қонлари тўкилган заминни зиёрат қилиш учун кела бошладилар. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани улар учун ҳам ҳақиқий байрам, ҳам орзу-умидларининг рўёбга чиқиши эди. Шу ҳол “Қонли сароб”нинг Абдулла Қаҳҳор “Сароб”и сингари совет даврининг сиёсий буюртмаси билан ёзилган асар эканлигини кўрсатди-қўйди.

1965 йил 6 апрелда Сарвар Азимовнинг иккинчи саҳна асари – “Юлдузлар жамоли” драмасининг премьераси бўлиб ўтди. Драматург бу асар жанрини “икки пардали драматик тарих” деб атаган. Асарнинг “драматик тарих” деб аталишининг боиси шундаки, “ўзбек диёрининг шу кеча-кундузги ҳаётидан олинган бир лавҳа”да қаҳрамонлар ҳаётининг турли даврларида кечган воқеалар ҳам асар бадий тўқилмасидан ўрин олган эди. Шу ҳол драматургга бир кеча-кундузда рўй берган воқеа – асар қаҳрамонлари тушган самолётнинг ҳалокатга учраши воқеаси орқали бир замон ва бир маконда яшаган икки кишидан бирининг олижаноб, иккинчисининг эса қабих инсон бўлиб шаклланиши тарихини кўрсатиш имконини берган. Драматург ва театр қаҳрамонларнинг ана шу шаклланиш тарихини ретроспектив усулда кўрсатган саҳналардан бирида 70–80-йиллардаги қишлоқ манзараси кўз олдимишга келади. Пахта далаларига заҳарли моддалар сепилаётганидан қишлоқ аҳолиси, айниқса, болалар соғлиғининг ёмонлашиши ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиқларидан бири Полвон Султоновни ташвишлантиради. Аммо унинг шу масаладаги таклифлари ўша пайтда туман партия комитети котиби Улуғ Турсунов томонидан кескин рад этилади.

*“Турсунов (бошини тебратиб). Таклифларингиз жойиз эмас, нишонга урмайди... Дори урилган далалар бир ҳафтадан сўнг одамга зарар етказолмайди. Партия, комсомол активларингизни сафарбар этинг, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиринг, медицина назоратига катта аҳамият беринг. Одамлар касалланишига келсак, мактубингиз қозиги шунда, бу – ишлаб чиқаришда учрайдиган бахтсиз ҳодиса, холос...”*

Асар ва спектаклдаги бу ретроспектив саҳнада энг муҳим масалалардан бири тасвирланиб, икки раҳбар ходимнинг шу масалага икки хил қарашда эканлиги кўрсатилган.

Ёдимда бор, спектакль муҳокамасида Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқиб: “Сарвар Азимов асарда жуда муҳим ва қалтис масалани – пахта ҳосилини ошириш учун пахтазор далаларни, шу далаларга туташ қишлоқ аҳолисини заҳарлаш масаласини кўтарибди. Бу шундай муҳим ва катта масала. Аммо “пахта” қаттиқ бўлгани учун Сарвар Азимов қоққан мих мўлжалдан эмас, четдан чиқиб кетибди!” деган эди. Ваҳоланки, юқорида лавҳаси келтирилган саҳна асардаги бир неча ретроспектив эпизод-саҳналардан бири ва драматургнинг ғоявий мақсади бу масалани эмас, балки инсоннинг амалга эришиш йўлида ҳар қандай жиноятдан тоймаслигини, унинг инсон сифатида тубанлашиш жараёнини мамлакатимиз тарихининг мудҳиш даврлари фонида кўрсатиш эди. Аёнки,

шундай даврларда Турсуновгина эмас, балки юқори амалларга кўтарилиш истаги билан яшаган минглаб Турсуновлар тубанлашиб кетишган. Асардаги асосий ижобий қаҳрамонлар ҳам, салбийлари ҳам коммунистлар. С.Азимов ўзи истамаган ҳолда коммунистик ғоя ва догмалар устуворлик қилган жамият келажagini шу икки қаҳрамон мисолида кўрсатиб берган.

Агар Сарвар Азимов “Қонли сароб”да ўзи билмаган-кўрмаган қаҳрамонлар ва улар ўртасидаги курашни саҳнага олиб чиққан бўлса, “Юлдузлар жамоли”да тасвирланган ижобий ва салбий қаҳрамонларнинг ўнлаб прототиплари бўлган. Халқ ва мамлакатнинг муайян даврдаги тақдири иккинчисининг қўлида бўлганини кўргани учун асарда унинг виждони бонг уриб туради.

Асар драматургия қонун-қоидаларини мукаммал эгаллаган ёзувчи томонидан ёзилгани яққол сезилиб туради. Икки кутбга мансуб қаҳрамонлар характери ўзаро курашда очилган. Конфликт воқеалар жиловини ушлаб, ривожланиб боради. Ҳатто қаҳрамонлар тили ҳам “Қонли сароб” персонажлари тилидан пухталиги, индивидуаллиги, ширалиги билан ажралиб туради.

Орадан уч йил ўтгач, “Ҳамза” театри адибнинг яна бир саҳна асари – “Замон драмаси”ни томшабинлар эътиборига ҳавола қилди. Спектакль асосида “Яқинда озодликка эришган давлатларнинг бири”да XX асрнинг олтмишинчи йилларида бўлиб ўтган воқеа – ўз халқини мустамлакачилик зулмидан озод қилган Азиз Камолнинг эрк ва ҳуррият душманларига қарши олиб борган кураши ётади. Шу ҳол “Замон драмаси” ҳам, “Қонли сароб” ҳам Сарвар Азимовнинг шу йиллардаги ижтимоий-дипломатик фаолияти билан боғлиқ ҳолда майдонга келган, қаҳрамонлари реал воқеликдан олинган асарлар бўлганидан дарак беради.

“Спектакль воқеалари, – деб ёзган эди академик М.Раҳмонов, – Сильвия билан Собирнинг мулоқотидан бошланади. Актёрлар Э.Маликбоева билан Т.Азизов зинанинг юқори пиллапоясида турган ҳолда дунёдаги воқеаларни ҳаяжонланиб муҳокама қиладилар. Айни шу паллада Камолнинг ҳукумати ва унинг тарафдорларига қарши фитна саҳнаси бошланиб кетади. Фавқулодда сиёсий курашлар гирдоби томошабинни қамраб олади. Бу саҳна ўрнини қамоқхонадаги лавҳа эгаллайди. Экранда қамоқхона, панжаралар билан тўсилган Африка қитъаси кўзга чалинади ҳамда бу гал икки сиёсий етакчи – Камол билан Ойшанинг мунозараси бошланиб кетади. Азиз ролини ижро этган Олим Хўжаев билан Ойша ролини яратган Я.Абдуллаева муаллиф ва режиссёрнинг ўй-ниятларини тўла рўёбга чиқара олганлар. Айниқса, пьесанинг асосий мавзуи О.Хўжаев ўйнаган бош қаҳрамон Азиз Камол тақдирида ўз ифодасини топган”.

Олимнинг бу сўзларидан Сарвар Азимов асарининг нафақат 60-йиллардаги ўзбек адабиёти ва санъатининг долзарб мавзуларидан бири – мустамлакачилик зулми остида яшаган халқларнинг ҳуррият учун курашига бағишлангани, балки асарнинг саҳналаштирилишига театрнинг энг пешқадам режиссёр, рассом ва артистлари жалб этилгани ҳам аён бўлади. Адибнинг тилга олинган уч драмаси 60-йиллар ўзбек адабиёти ва театри ижодий диапозонининг кенгайишида муҳим омил бўлди.

Сарвар Азимов шу йилларда, саҳна асарларидан ташқари, киносценарий ҳам ёзиб, унинг экран нуруни кўришига эришди.

Эътиборли жиҳати шундаки, ёзувчининг адабий ижоди қайнай бошлаган шу йилларда у Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри лавозимларида хизмат қилаётган эди.

*“Давлат ва жамоат маъмурий ишлари, – деб ёзган эди Сарвар Азимов “Таржимаи ҳол”ида, – кўп вақт талаб қилишига қарамай, мен ҳам тенгдошларим қатори, баҳоли қудрат ижод қилдим. Кун сайин саҳарда турмоқ, тонг отар-отмас ёзув столидан ўрин олмоқ – кўп йиллик одатим. Канда қилмасликка тиришаман. Борки адабий-бадий асарларим – юрагимга яқин пьесаларим, илмий-таҳлилий китобларим, дарслик ва мақолаларим саҳархезлик мевасидир. Қўлда ёзаман, машинкани тан олмайман. Хатим қийин кўчади. Баъзан керакли сўзни, таибеҳни топиш, атиги бир жумлани ё бир ифодали тасвирни яратиш устида соатлаб, баъзан кунлаб ўтиришим ҳеч гапмас. Мен учун кунига бир-икки саҳифани қоралаш кифоя...”*

Сарвар Азимовнинг нашр этилган қарийб барча бадий асарлари унинг расмий лавозимларда хизмат қилган даврида ёзилган. У иккинчи маротаба Ёзувчилар уюшмасини бошқарган кезларида эса асосан публицистик мақолалар ёзди ва улар адабнинг икки жилдлик “Сайланма”сида чоп этилди. Лекин 60-йилларда жўшиб ижод қилган арбобнинг 80-йилларда бирор бадий асар ёзмаганига ишониш қийин. У публицистик мақолаларидан бирида икки воқеани тилга олган. Биринчи воқеа урушнинг дастлабки йилида рўй берган. Кун қорая бошлаганда Тошкентга етиб келган “Москва – Тошкент” поездидан мингга яқин бошпанасиз қолган кишилар тушишган. Вокзал майдони улар билан тўлиб-тошган. Тонг отганда эса майдонда бирор киши қолмаган, уларнинг барчаси меҳонхоналарга, ётоқхоналарга тошкентликлар уйига жойлаштирилган экан. Иккинчи воқеа ҳам Тошкент вокзалида бўлиб ўтган. 1966 йили Тошкент зилзиласидан кейин Шарқнинг кўҳна шаҳарларидан бири қаттиқ шикастланган. Шунда собиқ иттифоқнинг аксар йирик шаҳарларидан ёрдамга келган минглаб курувчилардан Тошкент вокзали жунбушга келган экан.

Муаллиф шу икки воқеани эслаб, ёзади: *“Мени мана шу мавзу – одамлар ва табиатнинг яширин кучлари, характеридаги қаҳрамонлик ва матонат ўзига тортади. Янги асарларимдан бирида шуларни акс эттиришни дилимга тукканман. Бу асарим ўтган воқеалар ҳамда фактларнинг йиғиндиси бўлиб қолишини асло истамайман. У китобхонларни чуқур ўйлантирса, ҳаяжонга солса, дейман. Менинг тинчимни бузган ҳаёт коллизиялари китобхонларни ҳам асир қилса, тўлқинлантирса, ўйлатса, деб орзу қиламан”*.

Шу йирик асар тугалланганми ё йўқми, ҳеч ким билмайди. Балки унинг бисотида бошқа асарлар ҳам бордир...

Сарвар Азимовнинг уюшма раҳбари сифатидаги хизматлари унинг ёзувчи сифатидаги хизматларига қараганда анча салмоқли. Унинг “иккинчи раҳбарлиги” пайтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида катта кўтаринкилик юз берди. Жанрлар бўйича уюшманинг Ойбек (наسر), Ҳамид Олимжон (назм), Ғафур Ғулом (болалар адабиёти) ва Сергей Бородин (бадий таржима) номларидаги йиллик мукофотлари таъсис этилди ва 1986 йилга қадар 20 га яқин ёзувчилар уюшманинг нуфузли мукофоти билан тақдирландилар. Ёш ёзувчиларнинг бир гуруҳи ўша пайтда удумда бўлган комсомол-ёшлар мукофоти билан тақдирландилар. Тўрт саҳифали “Ўзбекистон маданияти” саккиз саҳифали “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига айлантирилди. “Ёшлик” журнали чиқа бошлади. Тошкентда Сергей Бородин, Сергей Есенин ва Ғафур Ғулом уй-музейлари ташкил этилди. Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Шукрулло, Зиннат Фатхуллин, Ҳаким Назир, Одил Ёкубов каби ёзувчиларга Ўзбекистон халқ ёзувчиси ва Ўзбекистон халқ шоири унвонлари берилди. Уйғун ва Зулфия Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор




бўлишди. Яшин, Зулфия халқаро “Нилуфар” мукофотиға муносиб деб топилди. Ўзбек адабиётининг халқаро ва республикалар аро алоқалари янада кучайди. Сарвар Азимов шу йилларда Осиё ва Африка ёзувчилари билан алоқа ўрнатиш совет комитетининг раиси, Осиё ва Африка ёзувчилари ассоциацияси Бош котибининг ўринбосари, СССР Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби ва бошқа нуфузли лавозимларида ҳам ишлаб, сергайрат, жонкуяр, чарчоқ билмас раҳбар эканлигини намоиш этди.

Сарвар Азимов учун шу йиллардаги энг асосий иш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби зиммасидаги иш эди. У шу лавозимда хизмат қилар экан, аввало, уюшмага аъзо бўлиб кирган ва кираётган ҳар бир ёзувчидан адабиёт олдидаги, халқ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилишни талаб қилди. “Бадий сўз ва айниқса, санъаткор адибнинг сўзи, – деб ёзган эди у, – инсонга хос улуғ қароматлардан бирини, инсон руҳининг беқиёс қудратини ифодалайди. Мана шунинг учун ҳам, назаримда, ҳар бир китоб руҳий энергиянинг акс садосидир. Ёш қаламкашларга яна бир бор шуни эслатиб ўтишни истайман: Ёзувчилар уюшмасига ўтиш – камолот остонасига қадам босишдир. Ёзувчилар уюшмасининг билети маҳорат касб этиш учун ёки Олимпга кўтарилиш учун берилган мандат қоғози эмас. Бу ...халқ олдидаги масъулият, минг йиллик адабиёт олдидаги масъулиятнинг бир нишонаси, холос”. Сарвар Азимовнинг бу сўзлари менга Осиё ва Африка ёзувчиларининг жаҳон афкор оммасига мурожаатидаги қуйидаги сўзларни эслатади. Тошкентда бўлиб ўтган анжуман қатнашчилари мурожаатида бундай сўзлар тилла ҳарфлар билан битилган эди: *“Биз, ёзувчилар – халқлар виждонимиз. Замондошларимизнинггина эмас, балки келажак авлодларнинг ҳам тақдири учун жавобгарлик бизнинг зиммамизга тушади... Сизларни ҳам биз билан бирга ҳақиқат, гўзаллик ва озодлик ахтариб олға қадам ташлашга даъват этамиз. Бу бизга халқ ҳаёти билан боғланган ва унга ақл-идрок ғалабаси, ер юзиде адолат тантанаси учун курашда қўмаклашувчи адабиёт яратишга имкон беради...”* Бу сўзлар, назаримда, катта адиб ва сиёсатчи қалбида жўш урган улуғ фикр ва гўзал орзуларнинг қоғозга тушган ифодаси эди.

Мен “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”нинг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида адабиёт бўйича сўзликнинг тузилишида иштирок этганман. 1999 ёки 2000 йилмиде, энциклопедиянинг биринчи жилди учун ёзилган Сарвар Азимов ҳақидаги жажжи мақоламдаги фактларни аниқлаш мақсадида адиб хонадонига қўнғирок қилдим. Гўшакни кўтарган адибнинг рафиқаси билан саломлашиб, унга мақсадимни айтдим. Шунда ҳурматли Лайли Фозил қизи менга: “Овора бўлиб нима қиласиз? Барибир чиқаришмайди!” деган сўзларни айтди. Чиндан ҳам, ўша йилларда С.Азимов номи газета ва журналлар саҳифаларида кўринмай қолган, ўзи ҳам бирор жойда ишламаётган, ўзининг ёғига ўзи қоврилиб яшаётган йиллар эди...

Бугун Сарвар Азимов бизнинг орамизда йўқ. Лекин у шундай улкан шахс, истеъдодли ташкилотчи, қаерда хизмат қилган бўлса, ўша жойни гуллатган фидойи раҳбар эдики, бундай кишилар аҳён-аҳёндагина биз яшаётган замон ва маконга келиб кетадилар.



**Шаръий  
ЖУЗЖОНИЙ**

## **“Икки дил достони” таржимаси**

Ўқувчилик давримда Тошкент радиосидан Шароф Рашидовнинг “Икки дил достони”ни спектакль шаклида эшитиб, унга кўп қизиққан эдим. Уни ўқиб, таржима қилиш нияти туғилган эди.

У вақтларда Ўзбекистон билан бугунгидай алоқалар йўқ эди. Кўп йиллар ўтгандан кейин Тошкентга таълим олиш учун жўнатилган дўстларимиздан бири бу асарни топиб менга олиб келди. Муаллифнинг “Кашмир қўшиғи” асарининг арабча таржимасини ўқиб ёқтириб қолдим уни кунт билан бир неча марта ўқиб, форс тилига таржима қилишни бошладим.

Шароф Рашидов “Кашмир қўшиғи” сюжетини Ҳиндистон халқи фольклоридан олгани каби “Икки дил достони”ни ҳам Мирзо Абдулқодир Бедилнинг “Ирфон” маснавийсидаги ҳикоядан илҳомланиб ёзган экан. Бедил Ҳинд халқи ҳаётидан олган бу дoston қисқа, лекин кўп қизиқарли.

Алишер Навоий, Низомий Ганжавий ва Хусрав Дехлавий ёзган “Фарҳод ва Ширин” достонини шакл ва мазмун юзасидан ўзгартириб, бир шох асар яратганидек, Шароф Рашидов ҳам бу дostonни ишқий можаролар, романтик ҳодисалар ва трагик воқеалар билан жонлантириб, бир ажойиб романтик асарга айлантирган. Комдий ва Мудан билан бирга Атуб Чатр наққош, сеҳрли танбур ва унинг сеҳрли овози, шох боғбони, унинг ўғли ва нажоткор қаҳрамон образларини қўшиш билан дostonга янги руҳ бағишлаган.

Атубчатр наққош Ҳиндистондан овора бўлиб Ўрта Осиёга келганда, Мудан бир чойхонада у билан учрашиб, наққош чизган Комдий суратини кўриши билан унга ошиқи беқарор бўлади. Ўзини тутолмай қолади ва Комдийни қидириб Ҳиндистон диёрига кетмокчи бўлади.

Севги жазбаси ниҳоятда кучли бўлганидан Мудан ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмайди ва азмини жазм қилиб йўлга чиқади. Наққош унга йўл-йўриқлар кўрсатади ва унинг устози мусиқачи чол унинг қўлига бир эски танбурни тутдириб “Бу қадимдан қолган сеҳрли танбур, уни эҳтиёт қилиб сақла, кўп фойдаси тегади”, дейди. Мудан кўп ҳодисаларни бошдан кечиргандан кейин

---

***Шаръий ЖУЗЖОНИЙ** – юридик фанлари доктори, профессор. 1934 йилда туғилган. Кобул университетининг Шарият факультетини тамомлаган. “Ислом ҳуқуқшунослиги” ўқув қўлланмаси нашр этилган. Юздан ортиқ мақолалари Республика матбуотида эълон қилинган.*



Ҳиндистонга етиб боради ва тасодифан сарой боғбони ва унинг ўғли билан танишиб қолади.

Сеҳрли танбур овози чиққанда, барча садолар эшитилмайдиган бўлиб қоларди. Боғбон сеҳрли танбурнинг ажойиб овозини эшитиб мусофир йигит тенгсиз бир санъатчи эканлигига ишонади ва Комдий ҳақида унга сўзлаб беради: Комдий шуҳрати оламга тарқалган шоҳнинг гўзал раққосаси. У саройда яшайди, уни фақат баъзан шоҳона маҳфилларда кўриш мумкин. Модомики сен унинг ишқини кўнглингдан чиқара олмас экансан, ҳар қанча хавfli бўлмасин, мен сени у билан учраштиришга ҳаракат қиламан, дейди.

Комдий бу таърифларни эшитгандан кейин унга янада қизиқиб қолади. Боғбон ва саройдаги унинг бир қатор дўстлари ёрдами билан шоҳнинг боғида Комди билан учрашиб, қавлу қарор қиладилар. Бир муддатдан сўнг уларнинг саъй-ҳаракати билан Мудан саройга келтирилади ва катта созанда сифатида қабул қилинади. Муданнинг келиши натижасида, Комдийнинг шуҳрати яна ҳам ортади. Ҳинд атрофидан шоҳлар ва шоҳзодалар уларни кўргани султон саройига кела бошлайди. Бундан шоҳнинг боши осмонга етади.

Замон ўтиши билан Комдий ва Мудан севгиси ҳақида миш-мишлар тарқалиб, шоҳни ғазаблантиради. Унинг буйруғига кўра сеҳрли танбур синдирилиб боққа кўмилади. Мудан эса ўрмонга бадарға қилинади. Мудан кийиклар ва қушлар билан яшаб, Комдий отини дарду алам билан тақрорлаб юради. Ҳатто унинг бу таҳлид фйгон тўла овозини эшитган қушлар ҳам “Комдий” дейдиган бўлишади.

Кўп ҳодисалар юз бергандан кейин Агубчатр наққош ватанига қайтиб келиб, дўстлари ва боғбон билан Муданни қидириб топишади ва Комдийни қутқозиш йўллари кидиришади. Турли-туман можаролар бўлиб ўтгандан сўнг, боғбоннинг ўғли синдирилган сеҳрли танбурни кўмилган жойдан топиб олиб келади. Уни бир уста орқали таъмирлатиб аввалги ҳолига келтирадилар, сеҳрли танбур яна уларга куч ва умид бағишлайди. Шу замонда халқ ғалаёнига раҳбарлик қиладиган бир қаҳрамон киши уларга ёрдам беради ва шоҳ саройидан Комдийни олиб чиқади. Ишқий можаро охирига етиб боради ва Комдий билан Мудан бахтли ҳаёт бошлайдилар.

Мен Шароф Рашидовнинг мазкур достонини “Достони ду дил” номи остида форс тилига таржама қилдим. Миниатюрочи дўстим ҳиротлик Абдулқарим Раҳимий унга бир қанча лавҳаларни чизиб берди. Достонни матбуотда нашр қилиш керак эди. Ўшанда менга баъзи бир сиёсий фаолиятлар сабаб танилган номим билан мақола ёзишга рухсат берилмасди. Айрим мақола ва таржималаримни турли таҳаллуслар (масалан, Унгут, Шабтоб, Шабоҳанг, Илдирим, Маъсумзода ва бошқа номлар) билан нашр қилишга мажбур эдим. Таржамани ҳам “Унгут” имзоси билан “Жвандун” журнаliga нашр учун топширдик. Раҳматли доктор Ориф Усмонов Рашидовнинг бир суратини топиб берди. Мен муаллиф ҳақида қисқача маълумот билан достон борасида ўз фикрларимни ёздим.

Журналнинг масъул мудир дўстим Сирожуддин Ваҳҳож достонни ёктириб уни нашр қилишга ваъда берди, лекин бу иш осон кечмади. Ҳатто ўша нашриёт раиси Рашидов суратининг тагида, “Бу ерда ўриснинг сурати нима қилади?” деб ёзган ҳам экан. Ҳар ҳолда масъул мудир уни тинчлантириб: бу достон Мирзо Бедилдан илҳом олинган, деб амаллаб розилигини олган экан. Шу йўсинда достон охиригача журналда нашр қилинди. Бир муддат ўтгандан кейин “Икки дил достони”ни дўстларимиз раҳматли доктор Акрам Усмон ва Фарида Усмон Анварий ёрдами билан Афғонистон радиосидан спектакль шаклида ҳам намоиш қилишга муваффақ бўлдик.



## Шоирларнинг мусиқа ривождаги амалий ҳиссаси

**Зариф ЗОИРОВ**

XIII–XVII асрларда Ўрта Осиё, Озарбойжон ва Хуросон мусиқа илми ва амалиётида ўн иккита мақом жуда кенг тарқалган бўлиб, улар ҳақида бизга тўлиқ маълумот қолдирган олим Дарвешали Чангийдир. Шу боис унинг ўн икки мақом – создан иборат “Рисолаи мусиқа” асари жуда катта аҳамиятга эга. Муаллиф бошқалардан фарқли ҳолда фақатгина мусиқа назарияси асосларини баён қилиб қолмай, балки ўз асарининг катта қисмини турли даврларда яшаб ижод этган қатор мусиқачилар фаолияти, шунингдек, ўша давр саройда мавжуд мусиқа асбоблари тавсифига ҳам бағишлайди.

XV асрга келиб чолғу асбоблари, хусусан, торли асбобларда мусиқа чалиш кенг тарқалади. Бу мусиқий асбоблар поэтик тасвири ҳақида XV асрда яшаган ўзбек шоири Аҳмаднинг “Созлар мунозараси” деб номланган оригинал асарида ҳам батафсил маълумот берилган.

Умуман, мусиқий асарлар ҳам бошқа санъат турлари каби замонлар оша мазмунан кенг қамровликка, шаклан ихчамликка интилиб яшади. Жамиятнинг бошқа ҳодисалари каби даврнинг ижтимоий, бадий-эстетик талаблари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Мусиқани ғоят севган ва унинг улкан билимдони бўлган Алишер Навоийнинг ўзи ҳам мусиқа асарлари яратган. Мутафаккирнинг фикрича, мусиқа таъсирли куч бўлиб, халқ ва унинг ҳаёти билан мустаҳкам боғланиши лозим.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб, ўзбек-тожик халқларининг мустақил мусиқа жанри “Шашмақом” ўзидан олдинги ўн икки мақом асосида юзага келди. Хоразм хони, талабчан сардор, элпарвар, ҳақиқатгўй, маърифатпарвар раҳбар сифатида халқнинг меҳрини қозонган Муҳаммад Раҳимхон Соний Феруз ҳам шеърятдан ташқари мусиқа билан шуғулланар экан, санъат ва адабиёт аҳлининг жонкуяр раҳнамосига айланган эди. У мақомларнинг чолғу ва айтим қисмларига кўпгина мусиқалар басталаган. “Рост” мақомининг чолғу қисмидаги “Муҳаммаси Феруз”, “Наво” мақомининг чолғу қисмидаги “Сақили Феруз”, “Сегоҳ” мақомининг чолғу қисмидаги “Чор усул”, “Феруз-1”, “Феруз-2”лари шулар жумласидандир.

---

***Зариф ЗОИРОВ** – 1963 йилда туғилган. Термиз давлат мусиқа билим юртини, ҳамда Тожикистон давлат санъат институтини тугатган. “Мактабларда вокал тўғарагини ташкил этиши йўллари”, “Ўзбек халқ миллий-анъанавий чолғуларида ўқитиш методикаси” услубий қўлланмалари ва қатор мақолалари нашр этилган.*

Ферузнинг миллий муסיқа меросимизнинг равнақини таъминловчи саъй-ҳаракатларидан бири унинг “Биз ким, Хоразм мамлакатининг олий ҳокони Муҳаммад Раҳимхон Соний куйидаги фармони олийга имзо чекдик:

Хоразм мақомлари халқнинг дахлсиз мулки деб эълон қилинсин. Ушбу фармони олийга шак келтирган ва мақомларни камситган, ёинки уни бузиб ижро этган кимсалар қаттиқ жазолансин”, дейилган тарихий фармони ҳамдир.

Мазкур Фармон мазмунидан кўриниб турибдики, Феруз ҳазратлари халқ даҳоси яратган миллий мумтоз муסיқамизни давлат сиёсатининг олий даражасида сақлаб келиш билан кейинги авлод – сизу бизнинг маънавий камолатимизга муносиб ҳисса қўшган.

“Шашмақом” юз йилликлар давомида севиб тингланди, тўйу тантана ва даврларнинг беаги бўлди. Боболар унинг ҳикмати ва фараҳбахш оҳанглари билан аждодларни тарбияладилар, устозлар ўз талабаларини амалиётчи ва саводхон этиб вояга етказдилар.

XIX асрдан бошлаб муסיкий назарий рисоалар билан бир қаторда “Баёз”лар ҳам вужудга кела бошлайди. Улар муайян куйлар номи кўрсатилган қўшиқлар матнидан иборат тўплам бўлиб, бу анъана тараққиёти Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодида яққол акс этади. Ҳамза томонидан тузилган “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуада халқ ичида машҳур бўлган ашулаларга ўзи миллий, ватанпарварлик руҳида шеърлар ёзиб, улар қайси ашула усулида айтилиши, бу ашуланинг қайси жойларда тарқалганлиги, ижроси ҳақида маълумот берилган. Ҳамза бастакор сифатида ўз шеърларига муסיқалар басталаган. Бу ашулалар миллий ва жанговар руҳи билан ажралиб туради. Бундан ташқари, Ҳамза ўзбек муסיқа тарихида биринчи вальсни ҳам яратган.

Ўзбек муסיқашунослигига бекиёс ҳисса қўшган академик олим Абдурауф Фитрат томонидан эса XX аср бошида миллий чолғу асбоблари ҳақида махсус асар яратилиб, унда муסיқа асбобларининг деярли барчаси номма-ном келтирилиб, уларнинг тафсилоти, тузилиши тўлиқ ёритилган.

Ўзбек мақомларининг алоҳида шохобчаси ҳисобланадиган Бухоро шашмақоми Хоразм олти ярим мақоми ва мақомнинг Фарғона – Тошкент йўллари билан бирга ўзбек мақоми асосини ташкил этади. Уни нотага ёзиб олишнинг ҳам ўзига яраша тарихи бор.

Аслида, шашмақомни нотага олиш ҳаракатини баъзи муסיқашунослар XIX асрнинг ўрталаридан бошланган эдилар. Машҳур шоир ва муסיқа илмининг билимдони Комил Хоразмий ва унинг катта ўғли Муҳаммад Расул Мирзо томонидан Хоразм нотақияси ихтиро қилинганди. Бу нота ёзувини яратишда улар танбур сози пардаларини асос қилиб олгандилар.

Табиийки, бу нота тизими мақомларни ўрганишда ўз вақтида катта аҳамият касб этган. Лекин танбур табулатурасида бу нота тизими ҳозирги нота ёзуви имкониятларига эга бўлмагани туфайли ўша даврда шашмақом муסיқасини ёзиб қолдириш имкони бўлмади ва кутилган натижани бермади.

Бухоро шашмақомини ёзиб олиш тарихи нисбатан бошқачароқ кечган бўлса-да, асосан, XX аср давомида воқеликка айланди. Тўғри, унинг айрим парчалари XX аср арафасида ҳарбий капелмейстерлар Август Эйхгорн ва Вацлав Лейсек томонидан нотага кўчирилгани ҳақида маълумотлар бор. Лекин бу куйнинг нисбатан тўла нусхасининг илк бор нотага кўчирилишида Абдурауф Фитрат ташаббускор ва ташкилотчи сифатида алоҳида жонбозлик кўрсатгани ҳаммага ҳам маълум бўлмаса керак.

Абдурауф Фитрат 1921 йили Тошкентдан Бухорога қайтгач, маориф ва маданият ишлари билан жиддий шуғуллана бошлади: Садри Зиё, Муса Саиджонов каби маслакдошлари билан ҳамкорликда илмий жамият тузиб, турли фанларга оид нодир кўлёмаларни тўплашга киришди. 1922–1923–йилларда Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг маориф нозири вазифасида ишлаган кезлари бу фаолияти доирасини янада кенгайтди.

Фитрат мусикий таълимни ва бу соҳадаги тадқиқотларни йўлга қўйишни кўзлаб, Бухоро шахрининг Равғангарон гузарида ихтисослашган мусиқа мактаби ташкил этди. Бу мактаб “Шарқ мусиқа мактаби” аталиб, унда таълим жараёни шарқона устозу шогирд сабоқлари асосига қурилган эди. Мактабга ўша замоннинг машҳур мақомхонлари ва мақомдонлари Ота Жалол Носир ўғли, Ота Ғиёс Абдуғани ўғли, Левича (Леви Бобохонов), Абдурахмон Умаров, Маъруфжон Тошпўлатов каби устоз санъаткорлар жалб этилади. Кейинчалик шу устозлардан сабоқ олган Шарқ мусиқа мактаби талабалари орасидан Шохназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобов, Борух Зиркиев каби моҳир мақомхонлар ва забардаст бастакорлар Мухтор Ашрафий, Мутал Бурхоновлар етишиб чиқишди.

Абдурауф Фитрат Шарқ мусиқа мактабида таълимни ташкил этиш жараёнида асрлар давомида халқ даҳоси билан яратилган. Бухоро шашмақомини шу устозлардан ёзиб олиш ва абадийлигини таъминлашни кечиктирмаслик заруриятини тушунди. Бу борада Файзулла Хўжаев билан ўзаро фикрдошлиқда ечим топишга киришдилар. Ниҳоят улар келишиб, ўша даврнинг етук мусикашуноси Виктор Успенскийга мурожаат қиладилар.

Виктор Успенский бу ишга жиддий ва кучли ғайрат билан киришади. Фитрат шашмақом куйларини нотага ёзиб олиш ишларини қуйидагича ташкил этди: шашмақом шўьбаларига оид у ёки бу куй доира ва танбур жўрлигида Шарқ мусиқа мактабининг муаллимлари Ота Жалол бошчилигида навбатма-навбат ижро этилади ва бу куйларни Виктор Александрович Успенский нотага кўчириб, сўнг уларни шу ноталар орқали фортепианода чалиб берган. Мазкур нотали куй Ота Жалол бошчилигидаги ҳайъат назоратида маъқуллангандан кейингина уни нашр қилишга тавсия этилган.

Шашмақомни ёзиб олиш жараёнини тезлаштириш ва унинг мукаммал ёзиб олинишини кўзлаб Фитрат ўз уйида ҳафтада бир марта Ота Жалол бошчилигидаги Ота Ғиёс, домла Халим Ибодов, Левича ва бошқалардан иборат мақомхонлар иштирокида мусиқа кечаси уюштириб турган. Кечада ижрочилар ёзиб олинган асарлар сифатини муҳокама қилишган, созандалар у ёки бу куйни қайта-қайта ижро этишган. Бунда ижро аниқлиги, тиниқлиги ва жозибасига шу қадар аҳамият берилганки, мазкур ҳолат Виктор Успенский учун шашмақомга хос сир синаотни чуқурроқ ҳамда теранроқ англаш, Фитратга эса унинг назарий асосларини идрок этиш ҳамда таҳлил қилиб бориш имкониятини яратган. Кейинчалик Фитратни бадном этувчилар учун бу кечалар маломат тошларига айланганига қарамай, ҳар қалай айнан шу кечаларда Бухоро шашмақомини илк бор нисбатан тўла ҳажмда ёзиб олиш ва нотага кўчирилиши таъминланган. Бу Фитратнинг ўзбек миллий мусикасини авлодларга етказишда нечоғлик фидойилик кўрсатганини яна бир бор яққол исботлайди.

Ҳозирги даврда мусиқа мутахассислари етарлича бўлса-да, адабиёт намоёндаларининг ҳам миллий мусикамиз ривожига амалий иштироки аслида долзарблигича қолмоқда. Чунки юқорида кўрганимиздек, ўзбек миллий чолғулари ва уларда ижрочилиқнинг мавқеини тиклаш, ривожлантиришнинг йўллари излаган, ҳаётга тадбиқ этган шоирлар санъатимиз равнақига сезиларли ҳисса қўша олганлар. Шундай экан, мазкур мулоҳазани чуқур ўйлаб, бугунги кунда ҳам ҳар иккала томондан ўзбек миллий мусикаси ва ижрочилигини тараққий эттиришда фидойилик кўрсатувчилар топилишига умид қилиб қоламиз.

## Кадар

Ҳикоя



Эшқобил ВАЛИ

*Кўчада ётган тош – оддий тош, аммо у мачитга  
ишлатилса, “Ибодатхона тоши”га айланади*

Меҳнатобод маҳалла кўмитасида “майлис” борарди.

Раис Эшмирза-ошҳалол пахта режаси бажарилгани учун банкда мўмайгина маблағ жамланганини эълон қилганда тортишув бошланди.

Раис пулдан гапиргач, кўмитанинг одам лик тўла “катта” хонасига дастлаб сукунат чўкди: кўпдан бери ҳеч ким деҳқонларга даромад ҳақида гапирмай кўйганди.

Жимликни Ҳамдам-учқулоқ бузди:

– Оз-моз даромад бўлган бўлса ҳам капсанга кетар-да, раис?

Раис эшаги ўқ ариқдан омон-эсон ўтиб олган гўнг сувчидай иржайиб олди-да:

– Бу йил капсан олмаган қолмади: ревизориям, прокурориям тўйди, ортгани элники. Бир нарсанинг маънисига бормасанг писиллатмай ўтир, Учқулоқ, – деди. Енгил кулги бўлди. Гапга Зўлдир-немис аралашди.

– Хўш, раис, даромад олинган бўлса, унинг миқдори қанча ва у нимага етади?

Эшмирза раис бошбух Амат-эшаққоринга имлади. Бошбух ноўхшов қорин билан уч-тўрт таъзим қилди-да Эшмирза-ошҳалолнинг кўлига бир варақ қоғоз тутқазди.

– Хўш... Ғалладан саксон тўққиз миллион сўм. Пилладан... – Раис даромадни камайтириб ўқий бошлади. У хўжалик тақдири учун куйинарди, кутилмаган харажатларни ўйларди.

– Хуллас, жами даромад икки юз ўттиз миллион атрофида. Очиги, биз бу маблағни мактабга, газга ёки мачит қурилишига сарфлашимиз мумкин. Албатта, маош ёки моддий ёрдам тариқасида ҳам сарфлай оламиз, аммо ҳали натура тариқасида ғалла ҳам берамиз! Шунинг учун келинглار, нақд даромадни эл учун зарур бўлган бирорта объектга сарфлайлик.

---

*Эшқобил ВАЛИ – 1965 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини таомлаган. Унинг “Пахса қишлоғим”, “Минг иккинчи кеча”, “Сукунат мулки” шеърӣ китоблари, “Ултонат” номли насрий асарлари ва “Шоҳона бог” таржима асарлари тўплами нашр этилган.*



Омма яна сукутга чўмиб, чуқур тин олди. Одатда бу одамлар ўз қишлоқларида қатнашган ҳар қандай йиғилиш охир оқибатда пул тўплаш ҳақидаги гап билан яқунланишига кўникиб қолишганди. Шундан-да бугун Эшмирза-ошҳалолнинг сўзидан аксарият қувониб кетди.

Йиғилиш траманинг совуқ кунда ўтар эди. Эски фуқаролар йиғинининг пахсадан қурилган, аллақачон шўрлаб кетган биносидан зах ҳиди анқиб турарди. Бино тарновидан одамнинг ялонғоч киндигига тушаётган чакка, совуқ торттириб, этни жунжитиарди.

Ўша кун қишлоқ аҳли газ келишига ишончсизлик билдирди. Кимдир кўшни Молитуб қишлоғида газ бир мавсум ёниб-сўнганини эслатди. Зўлдир-немиснинг тоғаси Толмас-гуппи далил келтирди ва унинг гапи бир қарорга келишда ҳал қилувчи роль ўйнади: газлаштиришни халқ ҳозирда қуруқ трубадаштириш демокда, амалда газ ёқиб барака топмаймиз. Шундан сўнг гапни пайт пойлаб турган Иноят Махсум олди.

Махсум бува имомликка ҳам ўтган эди. У киши фикрни мачит қуришга бурди. Махсум динга муносабат ўзгарганлигини, мачит биноси ҳам “бир ижобий сиёсий ўзгариш” бўлишини сўнг, ниҳоят, машойихларнинг “Марҳумлар рози бўлмаса, тириклар барака топмайди”, деган гапини ётиғи билан гапирди.

Меҳнатободликлар ўликлар ва мачит алоқасини яхши тушунмаган бўлсалар-да, мачитга қарши гапиришдан ҳайиқиб, имомнинг тарғиботи билан Эшмирза раис бошчилигида мачит қуришга келишишди. Халқ ўша кун собиқ молбоқар – эндиги Эшмирза-ошҳалолнинг лақабини Эшмирза-мачитчига айлантирди ва бу лақаб раиснинг умрининг охиригача сақланиб қолди.

\* \* \*

Истамбулнинг Эскидор маҳалласида Бобо Дўст Самарқандий қазо қилмоқда эди. Кекса заргар жон талашарди.

Унинг ёши қарийб асрга тенг эди.

Самарқандийлар бу ерга ўтган асрнинг йигирманчи йиллари охирида, Шўролар ҳукуматга келган алғов-далғов замонларда, Туркистондан кўчиб келишган эди.

Бува жон таслим этарди. У қийналарди.

Америкадан тижоратчи ўғлини чақириб олганига ҳам бир неча ой бўлди. Ўғли Муҳаммад Туркон ҳам пайғамбар ёшини нишонлаганига беш-олти йил бўлиб оқсоқолга айланиб қолганди. У аллақачон бизнесда ҳам, турмушда ҳам ўзини тутиб олган, оғир-босиқ ғарбона ишбилармон эди.

Муҳаммад Туркон отасини ҳурмат қиларди. Бироқ ундаги болаларча соғинч хиссини, қачонлардир киндик қони тўкилган узоқ Туркистонга бўлган эҳтиросли муҳаббатини тушунмасди.

Унинг ўзи долғали йилларда йўлда, афғон тупроғида, дунёга келганди. Болалиги Туркияда ўтиб, Оврупода таҳсил олганди, эндиликда океан ортида корчалонлик қиларди. Унинг назарида одам қаерда тўқ ва тинч яшаса, омади қайси юртда юришса, ўша жойда истиқомат қилиши лозим. Ватанга садоқатли бўлмоқ эса, унинг учун қандайдир эскичароқ, ғайритабиийроқ шарт эди...

Муҳаммад Турконнинг бутун қиёфасидан тадбиркорлик руҳи уфуриб турарди. Мана ғарбликлар, дерди у жойдан ҳам, имкониятдан ҳам ҳеч бир эҳтироссиз, сентементаль кечинмаларсиз ишбилармонлик йўлида фойдалана олишади. Уларнинг муваффақиятлари, бойликлари гарови ҳам шу фалсафада...

Қария Бобо Дўстбек ўлими арафасида ўғли Муҳаммад Турконга юртдошларни тўплашни топширди. Ўғил отанинг ниятини тўлиқ англамаса-да, қариянинг сўзларини рад этолмади: Истамбул ва Измидан, Анқара ва Анталиядан ўзи билган қатта ёшдаги ўзбек орқадолларни жамлади.



...У бунча одам жамланишини кутмаган эди. Келганларнинг аксарияти отасини билган, таниган кишилар эди.

Бобо Дўстбек улкан меҳмонхона тўрида, калин кўрпачада, оппоқ кийиниб соғ одамлардай ўтириб, меҳмонлар билан суҳбат кургани ўғилни янада лол қолдирди. Оппоқ, самарқандчасига тўрт сидра ўралиб, бари осилтириб қўйилган ханафийча салласи, сарой уруғининг улуғлари киядиган, орқасига синчикқўл шаклидаги чорвадор қавмининг сарпанжа муҳри гул тарзида безак қилиб попиранган қаймоқи тус яктаги қарияни донишманд кайвонига айлантириб қўйган эди. Отаси гўё ҳозир шикордан қайтиб, қурол аслаҳасини ўтовнинг кесағасига илиб, энди чалоб сўрамоқчидек ёнбошлаб ўтирарди. Орқасидаги деворга илинган чарм қайишлар, тўппонча-наган ва қилич, мўйнали салла ва беклик тамғаси қадалган бурунги бекасам тўн қарияни ўта салобатли кўрсатарди. Меҳмонлар ўзларини худди саксон йил олдин бирон ўзбаки қишлоқда ўтиришгандек ҳис этишарди. Муҳаммад Туркон ташриф буюрганларни кузата бошлади. Қизиги меҳмонларнинг ҳаммаси полда, кўрпачада ўтиришар, аксарият эскича ўзбекона алак чопон ва дўппида эдилар...

Ўтириш узоққа чўзилмади. Меҳмонлар қариянинг аҳволи ва ниятини англашганди. Чуқур ва сермазмун салом-алик ҳамда сўрашишлардан сўнг самарқандча ош тортилди. Кўпчилик мақтаб-мақтаб паловни тановул қилди.

Пойгакда ўтирган Муҳаммад Туркон ҳам ора-сира гапга қўшилган бўлиб, икки кўзини падари бузрукворидан узмасди. Бобо Дўстбек ошга қўл узатмади, фақат бўш пиёласини оғзига олиб бориб, чой ичган бўлиб ўтирди. У ҳар қўл кўтарганида, озғин, қуруқ суяк бўлиб қолган кўллари қалтириб кетарди, аммо унинг нур сўниб бораётган нигоҳида юртдошларига меҳр аралаш раҳм-шафқат ва ўғли англаёлмаган яна қандайдир ҳиссиёт уфуриб турарди. Тўсатдан улкан қасрнинг қайсидир бурчагидан эски патефоннинг бўғиқ овози ингради. Қадимий мусика ҳофиз овози билан қўшилиб юракни тирнар даражада ҳазин ва дардли ингради. Бобо Дўстбек кўзларини ним юмганича хонишга қулоқ осди...

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, қария бор кучини йиғиб, хира тортган кўзларида йилтираган икки томчи ёшни артган бўлди ва нутқ ирод қилди. Дастурхон атрофидан йигирма-ўттиз чоғли юртдошлар бир-бирларини туртиб сукутга чорлашди. Қария гапни қисқа қилди:

– Барчангиздан розиман. Ҳаммангизнинг ота-боболарингизни билардим, узанги-йўлдош эрдик. Яхши одамлар эди. Биз-ватангадолар кўп нарсага эришдик, аммо бир нарса армонлигича қолди... Қария паст овозда ва узук-юлук сўзлар, бироқ унинг гапи пойгакдаги Муҳаммад Турконга ҳам англашилари эди. У сўнгги сўзларини айтганда кўзларига яна ёш келди:

– Бизга армон бўлиб қолган нарса Ватан бўлди, ота-боболаримиз мозори бўлди... Менинг паймонам тўлиб, охирагга кетар куним яқинлашган. Мана, ягона васиятим: ўғлим Муҳаммад Туркон омонлик етиб, Туркистонимиз озод бўлгач, киндик қоним тўқилган Самарқанд вилоятидаги отам дафн этилган маконда битта мачит қуриб беради... Менинг маблағим ҳисобидан... Сизларни гувоҳликка чорламоқдан мақсад шул эрди... Энди рухсатингиз бирла ором олай... Эшонзодам, васиятнинг ижобатига бир дуо айланг, дастурхонга ҳам...

Ўттиз ёшлардаги ихчам, озода кийинган зардўзи қалпоқли эшонзода киройи овоз билан кироат этгач, Муҳаммад Туркондан васиятнинг мағзини англадингизми, деб сўради. Тасдиғини олгач, ҳаммага рухсат бериб дастурхон фотиҳасига қўл очди.

Меҳмонлар одоб билан тарқала бошлагач, Бобо Дўстбек Эшонзодани имлаб қақирди. Эшонзода энгашиб, қулоғини ёнбошлаб ётган қариянинг оғзига яқинлаштирди. Айтилмоқ бўлган ниятни англагач, Эшонзода Муҳаммад Турконни чорлади ва ундан меҳмонларни кузатиб, олдига келишини сўради.

...Тўқсон олти ёшли самарқандлик Бобо Дўстбек, шўролар Кўр Шермат

лақаби билан бадном этган Шермухаммадбекнинг сўнги, энг яқин хос навқари, Истамбулнинг марказий кўчаларидан бири – Эскидордаги қасрида, рихлат тараддудида ўғли ва пири гувоҳлигида калимаи шаҳодатни қайтармоқчи эди.

Ўша оқшом Эшонзодани кузатгач, Бобо Дўстбек ўғли Муҳаммад Туркондан “сандиқча”ни келтиришни сўради. Ўғил отадан бўлак кимса кириши мумкин бўлмаган яширин хонага бекитилган темир сейфдан Регистоннинг Чилангарон кўчасида икки аср муқаддам ясалган, жез қопланган кичкина сандиқчани буванинг олдида олиб келди. Қариянинг рухсати билан унинг бўйнидан қора туморни олиб, ичидан қадимий Самарқанд қоғозига ёзилган хат ва калитча олди. Хат дуо эди. У авайлаб хатни бир четга қўйди ва калит билан сандиқчани очди. Сандиқдан икки бўлак қўйма ёмби, уч дона қадимий билагузук, беш-олтита тилло зирак ва узуклар, тангалар солинган қутичани олди.

У ҳар бир нарсани оларкан, отаси Бобо Дўстбек уни сўниб бораётган кўзлари билан кузатар ва рад маъносида бош чайқар эди. Охири қора лас халтачага солиниб оғзи созлаб каноп ип билан боғланган бир сиқим тупроқни олиб, отасига халтачанинг ипларини ечиб узатди. Қариянинг тупроқни ушлашга мадори қолмаган эди. Ўғли уни тушуниб, оғзи очилган халтачани отасининг бурнига тутди; ота чуқур нафас олган бўлди-да, бир нафас тин олди, кексалиқдан оқарган киприкларидан икки томчи ёш юмалади ва кўзларини юмди. Муҳаммад Туркон авайлаб нарсаларни жойига сола бошлади...

Уни отасининг кутилмаганда айтилган кескин гаплари ҳаракатдан тўхтатди:

– Бу ҳам эмас! – ўғил сесканиб кетди. У отасига савол назари билан қаради. Отаси худди соғ пайтларидагидек гапирди:

– Тупроқни эртага қабримни устига сочиб юбор!..

– Ота худди ҳозир туриб кетадигандек важоҳат билан гапирди. Бу Муҳаммад Турконни зийрак тортирди. Ота кўзини очмасдан давом эттирди:

– Олдингдаги сандиқчанинг таги икки қават, уни тўнтарда бир қаватини олиб ташла!

Муҳаммад Туркон тадбиркор киши эди. У шартта меҳмонлар дастурхонининг чеккасидаги ошпичоқ билан сандиқ тагидаги михларни суғуриб олди. Тахтачалар орасидан шапалоқдан каттароқ, икки қатланган қоғоз ва кичикроқ, бир минг тўққиз юз бешинчи йил ишлаб чиқарилган “Браунинг” тўппончаси тушди. У қоғозни очиб, таниша бошлади. Отаси худди ҳаммасини кўриб тургандек давом эттирди:

– Бу – харита. Ота-буваларимизнинг макони. Отамнинг, сенинг бувангнинг хонадонини тархи. Ундаги учта тўғри чизик – учта чинор. Катта қора нукта шўролар кўлида йигирма учинчи йилда шаҳид бўлган бувангнинг қабри. Ҳозир сақланган. Қабрнинг кунчиқар қисмида икки газ чуқурликда аждодларимиз мероси кўмилган... Ярим ботмонча келадиган зар бор... бари қадимий тангалар. Беш-олтита ноёб кўлёмалар ҳам бор... Ҳозир борсанг ҳам бўлади – чинорлар сақланган, қабр ҳам. Демак, мерос ҳам жойида. Мен олтмишинчи йилларда сайёҳ бўлиб яқинидан ўтганман, ўз кўзим билан кўрганман. Мабодо ўзгариб кетган бўлса, мўлжал Қўрғонтепа; уни бузишолмайди, у ер муқаддас қабристон... Мачитни бобонгнинг қабри атрофида курдирасан... амакингнинг авлодларига... ёрдам бер!

– Қарияни узук-юлук бўлса-да тушунарли даражадаги дадил овози сўнги сўзлари билан сўнди. Унинг кўли ён томонга узала тушди.

Кўпни кўриб пишиб кетган Муҳаммад Туркон совуққонлик билан ҳамма нарсани сандиқчага жойлаб, яширин хонага бекитиб чиққач туғишганларига хабар берди.

\* \* \*

Меҳнатободда миш-миш, шов-шув тўсатдан пайдо бўлди: эмишки инқилоб даврида Афғонга кетиб қолган Бувадўстбой авлодлари мачит қурилишига ҳомийлик қилармиш...

Гапни ҳокимиятда ишлайдиган Салим-сарик топиб келди. Унинг ўзи чойхонада бор гапни айтиб берди: хориждан ҳукумат номига ёзма мурожаат бўлганини, ҳукумат маъқул топиб вилоят ва туман ҳокимиятларига “команда” берганлигини, ҳоким буванинг шахсан ўзлари Салим-сарикни чақириб, Бувадўстбой уруғинг бўлмайдими, деб сўраб, аниқлик киритишни топширганлигини ҳаяжон билан сўзлади. Бироқ на чойхонада ўтирадиган кунда-шунда беақол оқсоқоллар, на бошқа ёш-яланг Бувадўстбой тўғрисида ҳеч нарса билишмас экан. Шунда Салим-сарик ишни комсомолчасига қилди: мактаб директорини чақирди. Одатда қишлоқнинг энг мансабдори бўлган директор бува иллай-биллай ерга бормаса-да, ноумид шайтон дегандек (директорнинг боболари ҳам қулоқ бўлиб кетган, аммо барчаси уйда, омонликда ўлишган эди) шошилиб келди. Салим-сарик терлаб кетган директордан мактабда ўкиб кетган ва ўқиётган Бувадўстов фамилияли одамларни сўради. Бундай фамилиялар йўқ экан. Шунда суҳбатнинг мазмунини кечикиброк зўрға илғаб улгурган Жуман-кар бува Бувақул жинни деган урушдан аввал ўтганини, “Как раз Момоҳол шапаққа қариндош” бўлганини эслаб қолди. Ҳокимият ходими Салим-сарик бошқаларга илдамлик қилиб, зийраклик кўрсатди:

– Момо тирик-ку-а!?

У саволга жавобини ҳам қутмасдан директорнинг қўлтиғидан олиб, қишлоқ чеккасига йўрғалади. Улар йўл ёқасидаги шамшод тераклар панасига бурилиб улгуришган ҳам эдики, раис Эшмирза-мачитчи хўжаликнинг пат-пат тракторида чойхонага етиб келди. У пат-патни ўчира солиб зарда билан савол ташлади:

– Бувадўстбойнинг уруғ-аймоғи топилдими...

Ҳамма бир-бирига қаради. Зўлдир-немис Жуман-кар бувани туртди-да раиснинг саволини такрорлади. Жуман-кар бува Салим-сарикга айтганларини такрорлади; уни эшитгач, раис ростакамига жаҳли чиқиб кетди:

– Бувақул жинни қаерда-ю Бободўстбой қаерда... Кар бува ҳаммасини чалкаштириб юборибди, мен туман архивидан суриштирдим. Бободўст деганингиз, Тўқол момонинг амакиси бўлган экан. Тоштемир-қўр бор эди-ку, ўшанинг кампири. Бободўстбойлар бир ота-онадан икки ака-ука бўлишган: Бойтурди деган укаси ҳам бўлган... Эскилар Турди-мошак, дейишарди. Ўша одам Тўқол момонинг отаси бўлган. Бойтурдидан ёлғиз шу момо қолган. Икки ўғли урушда ҳалок бўлган. Демак, Бободўстбойнинг тўғридан-тўғри ва ягона қариндоши-жияни Тўқол момо ва момонинг болалари ҳисобланишади... Турди-мошак бува қачон ўлувди ўзи?..

Раиснинг қутилмагандаги саволига ҳеч ким жавоб беролмади. Фақат бўлаётган гапларнинг маънисига яна қийинчилик билан етиб олган Жуман-кар бува гап қўшди:

– Олтмишинчи йилларнинг бошларида эди... Мен энди армиядан келувдим. Мошак бува простой колхозчи эди-да... Энди гўраниям биров билмасов... Тўқол мункиллаб қолган-ку... У одамларнинг суяги ҳам чириб кетди энди...

Салим-сарик ва мактаб директори орқасидан одам юборилди. Улар келгунга қадар Эшмирза-мачитчи қўлларини орқага қилганича тоқатсизланиб юриб турди. Ҳамқишлоқлар буни унинг сабрсизлигига йўйишди. Аслида раис туман архивидан билиб олган маълумотларини ошкор қилиш ёки қилмасликни ўйлаб қолганди. У бир зум Жуман-кар буванинг яғир тортиб кетган қўйлагининг ёқасига тикилиб турди-да, оғриниб олиб, маълумотларни айтмасликка қарор қилди...

Улар қайтиб келишди. Маҳалла фаоллари номидан учаласи Тўқол момони сўраб боришадиган, хўжалик ҳомийлиги сифатида қишлоқ қассоби Қўчқормеш икки кило гўшт, дўқондор Низомбаза уч кило қанд-курс насияга ажратиши лозим бўлди. Қош қарайганда учала фаол Тўқол кампирнинг уйи томон йўл олишди. Учаласи ҳам шу қишлоқда ўсиб-улғайган бўлса-да момонинг уйига тўғри йўлни топишолмади, фақатгина аллақадан пайдо бўлган Нортой-қарри йўл кўрсатган киши бўлиб

уларни бошлагач, раис овозни баралла қўйиб момони суриштириб борди.

Тўқол момо уйининг олдида кенг заранг жойда ўсган ягона садақайроғоч соясида чаппа тўшалган жарғоқ пўстакда урчук йиғириб ўтирарди. Узун “хуржун” усулида қурилган икки ўй, бир даҳлизнинг томи шиферланмаган эди. Оёқлари увушиб қоладиган, кўзлари хира тортган саксонни қоралаётган момонинг турмуш аҳволи хаминқадар эди...

Садақайроғоч атрофидан янги ўрилган йўнғичка ҳиди, узун-калта қилиб осиб ташланган чакка халталардан томган зардобнинг ачқимтил ҳиди аралаш уфуриб қоларди. Бу хидни шамол гоҳ кенг бедапоя устига таратиб юборар, гоҳ тўплаб, қаймоқ дўқаланаётгандай, қайроғоч соясига жойларди. Шундай пайтда аллақадан пайдо бўлган чивинлар уймалашиб қоларди...

– Ассалому алайкум, Тўқол момо! – дадил саломлашди Салим-сарик нимагадир кўзларини қисиб меҳмонларни кузатиб турган момо билан.

– Танидим, танидим учовингиям... – деди момо ўраб солган жун тўйнагини билагидан сидириб урчуғини ерга юмалатиб юбораркан. – Фақат манови Салим-сарик ҳоким бўлдим деб, момосини отиниям унутган...

Уни гапининг маъносига Салим-сарик ҳам, мактаб директори ҳам тушунишмади. Хатони Эшмирза-мачитчи тўғрилади:

– Момонинг исми аслида Хонзодабегим... Ишига пишиқ, рўзғори бут бўлгани учун овсинлари, чечалари Тўқол момо, деб кетишган...

– Уйинг куйгур совет даврида яланғоч кўп эди-да... бировга тикиб берайдим, бировга тўкиб берайдим... Ишқилиб, ким яхши гапириб келса, ёрдамимни аямасдим. Шундан Ҳурмат чечам бой хотин-тўқол хотин, деб шу лақабни қуювди...

Момонинг гапини тинглаб, Эшмирза раиснинг кизиқиши ортар, Салим-сарик билан мактаб директори бурун жийириб туришарди.

Эшмирза раис пўстакни бир чеккасига чўккалаб олди; Салим-сарик эса кўлларини орқага қилганча сарғайиб кетган чакка халталари устига уймалашаётган чивинларга нўбарой кўзларини лўқ қилиб тоқатсизланарди.

Мактаб директори бирдам момонинг гапига қулоқ солиб турди-да, шартта унинг гапини бўлиб, савол ташлади:

– Чет элда қариндошларингиз борми, момо? – директор саволини мактаб ойнасини синдириб қўйган иккинчи синф боласига танбех бергандай зарда билан берди.

Бехосдан зовур томондан келган гармсел шамол йўқ ердан заранг жойда тузон кўтарди. Зарангда бошланган чанг тўзонли шамол пастга эниб, барра бўлиб қолган маккажўхорининг чала қазилган ўқ ариғига етиб, майдароқ қуюнга айланди-да, сой кунжагидаги қўшнининг ҳовлисига ўтиб кетди.

Чой дамлаш учун энди неварасини чорламоқчи бўлиб турган момо директорнинг саволидан сўнг фикри ўзгариб, яна урчукқа қўл узатди. Тўйнакни қўлига илиб, зарда билан урчук йиғира бошлади, кўзини баландда гир айланаётган урчукқа қадаб олди...

Эшмирза раис момони тушунди: у бу тўғрида гапиришни истамасди. Шундай бўлса-да, раис майин оҳангда гап бошлади:

– Индамай қолдингиз, момо?!.

Момо урчуғини ўнг тиззасига бир теккизиб айлантирди-да, қўлини баландга одатдагидан кўпроқ чўзиб юборди, узайиб кетган ип “чирс” этиб узилиб кетди. Момо ерга тушиб ўзи атрофида айланишини давом эттираётган урчукқа безэтибор тикилиб турди-да, бир майдон тин олиб, гап қўшди...

– Индаб нима ҳам дейин... Менинг қариндошим чет элда йўқ, аммо отамнинг уруғидан кимлардир бор, дейишарди эскилар...

Ноқулай сукунат чўқди. Нарироқдан, макка уватларидаги қуюв ўсган янтоққа

ин курган, одамлардан кўркиб, қоронғиликда инига кўнолмаётган зарғалдоқнинг кечикканидан зориллаши эшитиларди. Қаердадир тинимсиз эшак ҳанграрди. Кўпни кўрган садақайрағоч барглари ҳаяжонлангандай шамолда шитирларди.

Сукунатни ичи тор мактаб директори бузди:

– Бувадўстбой кимингиз бўлади?

Момо саволни безътибор қолдирди, пинагини ҳам бузмади. Аксинча, қалдирғочлар безовта кириб-чиқаётган дахлизнинг эшигига қараб неварасини чақирди:

– Бувисора, ув Бувисора, ер юткур қаерга кетдинг, бир чой-пой кўй...

Момо буйруқ бераркан, раиснинг гўё сездирмагандай пўстакнинг четига жойлаштирган халталарни назарга илмасдан, секин, аммо сезиларли даражада ўзидан нари сурди. Бошқалар буни сезмади, аммо раис нафаси қайтгандай бир ютиниб олди.

Бир майдон тин олиб улганган Эшмирза раис момонинг гапини бўлди:

– Момо, чойни кейин ичамиз. Хорижда Бободўст деган кишининг авлодлари ҳукуматимиздан рухсат олиб, кишлоғимизда мачит қуришмоқчи... Асли шу ерлик экан. Босмачи даврида Афғонистонга ўтиб кетишган экан... Бола-чақасига бир кун киндик коним тўкилган жойда, юртимда, мачит қуриб берасанлар, деб васият қилган экан... Бадавлат ўтган бўлса керак-да...

– Мустақилликнинг шарофати-да, момо, бобойнинг уруғлари сўраб келиб қолса, сизга янги кўйлак-пўйлак олиб берармиди... – лақиллаб улгурди мактаб директори.

Момо бу пайтда яна узилган урчуқ ипларини улади-да, йиғиришни давом эттирди. Унинг нигоҳлари урчуқ тепасида гириллаб айланаётган урчуқтошга қадалган эди. У шу ҳолатда гапира бошлади:

– Энди кўйлакни нима қиламан... кафанлигимни олиб беришади... Энди кимни ҳам сўраб келишарди... Билгичлар, интиқ кутганлар, куйиб-куйиб ўлиб кетишди. ...итнинг кунини кўриб... – Момонинг кўзларида ёш қалқди. – ...Отам бир умр акам, акам, деб жигари эзиларди. Ўғиллари фронтдан қайтмагач болаларим, деб қон қусиб ўлиб кетди. Акасиниям кўп эсларди...Уф! – Момо яна узилган ипига зарда қилгандай урчуқни ерга икки-уч уриб олди-да кўшиб қўйди: – Шу акасида бола қолган бўлса, қолгандир...

Эшмирза раис, кейин директор, момодан роса суриштиришди. Салим-сарик ҳам тик туришдан толиб момонинг невараси солган пўстакка омонат ўтирди. Ҳаммаси тўғри экан: Бувадўстбой Хонзода кампирнинг тус амакиси бўлиб чиқди.

Меҳмонлар кетишаётганда қоронғи тушиб улгурган эди; зирхона ёнида меҳмонларни манзират қиламан деб кечиккан момонинг келини соғайган сугир сутининг челака “тиз-тиз” тўкилиши эшитиларди. Ўрисга ихтиёрий мардикорликка кетган эрининг кирза этигини бўрбойини кесиб калиш “ясаб” кийиб олган келин минғиллаб меҳмонлар билан хўшлашган бўлди. Кайвонилар худди сезишмагандай, унга эътибор ҳам беришмади

Ҳамма ҳаяжонда эди: Эшмирза-мачитчини воқеа ҳаяжонлантирган бўлса, мактаб директорини хориждан келиши мумкин бўлган бойваччаларнинг ҳали ҳеч ким сезмаган салобати боса бошлаганди; Салим-сарикни эса, Бободўстбой нега менинг қариндошим бўлиб чикмади, деган ҳасадли оғир ўй босганди.

Сукунатни момо билан суҳбат чоғида аллақаерга йўқ бўлиб қолган ва ҳозир яна қаердандир пайдо бўлган Нортон-қаррининг “Хўп, майли!” деган адрессиз сўзлари бузди. Учала ҳамрой бирдан ўгирилишиб, бош ирғаб хўшлашишди. Бу ўртада улар момонинг ҳовлисида ўтишиб катта тупроқ йўлга чиқишган эди. Дастлаб Салим-сарик ажралди: “Ҳай, майли, яхши боринг... Омад келса, шунақа пастларга келади-да...”. Унинг сўнгги гапини шериклари маъқуллашмагани сезилди – ҳеч ким гап қўшмади. Раис бошини сарак-сарак қилганича йўлида давом



этди. Ҳамма ўз ҳаёли билан банд эди. Шу тарзда хайр-маъзур ҳам чала қолди.

\* \* \*

Бобо Дўстбек вафотидан икки йил ўтгач Туркистон озод бўлди, Истиклолга эришди. Муҳаммад Туркон бу тўғрида Оврупада эканлигида эшитди. У қувонишни ҳам, қувонмасликни ҳам билмасди. Ватандошларининг қувончига ҳам айтарлик шерик бўлолмади. У ўта банд киши эди; шундай бўлса-да орадан ярим йил ўтгач, Истамбулга қайтганда отасининг асли самарқандлик бўлган эски кадрдонини, ўлим арафасида ётган Раҳимбийни кўргани борганда Истиклолнинг моҳиятини тўсатдан англаб, маънисига етди.

Қария Раҳимбий узлуксиз телевизор кўрар, телевизорда эса, Ўзбекистон кўрсатилар ва унинг бошқонини нутқи такрорланар эди. Нутқ юртнинг озод ва Мустақил эканлигини эълон қилиниши билан тугар эди. Шу гап айтилиши билан оёқдан қолган саксон етти ёшли Раҳимбий ҳиқиллаб йиғлаб юборар, унинг нурсизланиб қолган кўзидан тирқираб ёш оқар, сўз айтмоғи маҳол эди. . .

– Олти ойдан буён аҳвол мана шу, – деди Раҳимбийнинг катта ўғли. – Бошқа нарсани кўрмайди ҳам, эшитмайди ҳам... видеога ёзиб олган... отангизнинг жўрасига бир насиҳат қилинг!

Муҳаммад Туркон аста бориб Раҳимбийнинг кўлидан ушлади: – Маммадимисан? – деди узоқ тикилиб уни таниб олган бий. – Отанг шу кунларга етганда борми... – Раҳимбий кўз ёшларини оқ гарди рўмолга артди. – Бир кўшилиб жилашайдиқ, хурсандчиликдан... – Қипчоқ лаҳжаси беихтиёр Муҳаммад Турконнинг хотирасига отасини келтирди. У кўзига ёш олди-да Раҳимбийнинг кўлидан телевизор пултини олиб, Ўзбекистонни томоша қила бошлади. Унинг вужудини қандайдир ширин, илиқ ва шу билан бирга нотаниш ҳис қамради. У бунинг нималигини англолмади, фақат отасининг гапларини эслади, васиятини ёдга олди ва тушунган бўлди...

У қария билан анча вақтгача гурунги қилиб ўтирди. Кетиш олдидан қатъий бир қарорга келибулгурган Муҳаммад Туркон яна Раҳимбийнинг кўлидан ушлади: – Бува, мен – Маммади, Бува Дўстбекнинг авлоди, сўз бераман – Ўзбекистонга бораман, у ерда қиладиган ишларим бор – падаримни васиятини амалга ошираман. Бир дуо қилинг! – Раҳимбий қалтироқ қўлларини кўтариб уни дуо қилди. – Ватандошларга дуои салом айт! – Сўнг кекса бий кўзёш аралаш меҳмоннинг қўлларини ушлаганча илова қилди: – Ўғлим, отанг икковимиз бир тумандан эдик, қишлоқларимиз қўшни эди... Ўртадан Н. канали оқарди... Оёғим йўқ, бўлмасам, ҳозир учиб кетардим... Уйи куйсин бу мусофирликнинг... Ватанга долик курсин... ўша жойларга борсанг менинг уруғимдан ҳам бирортани топ... Қирилиб кетмагандир шўро даврида... Мен катта урушда пленга, тутқунликка тушдим... Палакнинг гардиши билан шу ерларга келиб қолдим.

Паланг йилининг изтироб билан қиздираётган август офтоби Истамбулнинг тош кўчаларини чатнатар эди. Очиқ деразадан кираётган гармсел хонадаги ҳавони енгил этишдан кўра оғирлаштираётгандек туюларди. Қареддир оврупача кўшик эшитиларди.

– Отанг билан қирқ олтинчи йилдан буён ошна эдик... Ўғлим, шу ёқларга оёғинг етса, айт: Аҳмад-чаппанинг ўғли Раҳим тирик де... соткин эмасакан де... Шўрони ёмон кўрганидан аразлаб жирибдийкан де... Мен билан келайди, лекин оёқлари йўқ, мўлоқ бўлиб, жотиб қоған де... Уйи зўр, қорни тўқ, усти бут, аммо жўраси билан Ватани йўқ, деб очигини айт қишлоқдагиларга. Раҳим соткин эмас, дегин, тайин айтгин! – Қариянинг кўзларидан ёш тўхтамас, ўғли унга сув бериб тинчлантиролмасди...

Муҳаммад Туркон отасининг васиятини амалга оширишга қатъий киришди.



Истамбул–Тошкент тайёрасига ўтириб ота юртига борди. Аэропортда тиз чўкиб тупроқни ўпди, тавалло қилди. У Туркия элчихонасига, турли маҳаллий вазирликларга қатнаб, Самарқанднинг узок қишлоқларидан бирида Бобо Дўстбек ва Раҳимбийлар болаликларида мол боқиб ўсишган ўрада мачит қуришга рухсат олди. Маҳаллий ҳукумат билан масалани мувофиқлаштиргач Туркияга қайтди: бу ерда қурилиш ширкатиини жалб этиш, тегишли одамларни ёллаш ва ялпи ҳисоб-китоб билан шуғулланди. Ҳамма нарса тахт бўлгач Самарқандга ишончли кишиси Зейнал билан сафар қилди. Энди унга эшикларнинг барчаси очик эди: Муҳаммад Туркон отасининг қишлоғида, бобосининг қабри ёнида кўзида ёш билан узок Куръон тиловат қилди, жонлиқ сўйиб, қурбонлик қилди. Қариндошларини топди...

Бу ўртада Раҳимбий вафот этди. Ҳар доимгидек банд бўлган Муҳаммад Туркон унинг қариндошларини ахтариб ўтирмади, кўнгил ҳам сўролмади. У бизнес ишлари билан Қашқарга жўнаб кетди. Қашқарда марҳум отасининг яна бир кекса сафдоши ҳаёт билан видолашаётган экан. У зотникига ҳам ташриф буюрди.

Ота юртда мачит қурилишига тайинли одамлари бош-қош бўлишди. У Зейналга қачон келишини ва режасини тушунтириб кетди.

\* \* \*

Қурилиши бошланган мачитга Бўри терифуруш қоровул бўлди. Мачитга қишлоқнинг шундай биқинидан, қадимий мазор арафасидан танланган жой бир неча қабри ҳам қамради. Хорижлик ҳомийларнинг фикрига кўра шундай қилинса мачит улуғворлик ва муқаддаслик касб қиларкан. Дастлаб мачит учун катта дарвозали пойдевор ташланди. Кейин пишиқ ғиштдан уч газ баландликда девор кўтарилиб, ҳовли ўралди. Шундан кейингина меҳроб, намозхона ва айвон қуриладиган бўлди. Қурилишга бош бўлган туркиялик оқсоқол (Бўри терифурушнинг гапига кўра) пойдевор ва ҳовли девори битгунича гоҳ меҳмонхоналарда, гоҳ қавму қариндошлариникида юрди: Хонзода момони бой қилиб юборди. Момонинг томоркасидаги каттагина ҳаёт-узумзорга артезан қудуқ қаздириб сув чиқарди, томини шиферлаб берди. Улар момо билан туну кун гурунглашишди. Меҳмоннинг икки нафар тан кўрикчиси ва ҳайдовчиси кечаларни-да машинада ўтказди. Ишқилиб, меҳмон қариндошига нима берса берди, момо қурғур билдирмайди, холос.

Мачит ҳовлиси қурилиб битгач, айвонли намозхона ва меҳроб қурилиши арафасида Муҳаммад Туркон ўғли момони қўлтиқлаб мачит ҳовлисига олиб келди-да, қабрлар бошида узок тиловат қилди, кейин момони ўз машинасида уйига жўнатди. Кетиш олдидан момо иккиласи анча суҳбатлашишди ва қуюқ, ачомлашиб хушлашишди, кўзларига ёш олишди...

– Мен уч кунлик чиллага қираман, – деди Муҳаммад Туркон бува Бўри теричига. – Оқсоқол сизга ҳам жавоб, мачит ҳовлисига ҳеч ким яқинлашмасин... Ташқарида менинг одамларим кўз-қулоқ бўлишади. Ҳеч ким келмайди ҳам, кирмайди ҳам мачитга.

– Сув-пув... – қайвонилик қилмоқчи бўлди қув кўзлари гириллаган Бўри теричи; унинг писмаки ўғрилигининг нуқси юзага ургандай эди: ёғ босган қоровут юзига қабр захи уфурганди гўё.

– Йўқ! Ҳеч ким яқинлашмасин! – деди узиб Муҳаммад Туркон бува.

Теричи бирдан бекор кунлари мачит қурилишидан ўғирлаган ғиштларини нима қилишни ўйлади.

Тоғликларнинг аксарияти работталаб бўлишади. Улар худди даштликлар каби шаҳар энишади, ўтроқлашиб, ахир оқибати муқим кўним топишади. Энди улар тоққа ҳам, даштга ҳам қайтишолмайди. Бунга ориятлари йўл қўймайди: яхши деҳқон-кетмончи бўлишдан ёмон ўқитувчи бўлишни, зўр механизатор бўлишдан,

қаерда бўлмасин, ким бўлмасин ёғли жойни афзал билишади, муҳими, “обрўли” муассасада бўлса бўлди. Бўри теричи нафақага чиқиб мақоми пасайганлар тоифасидан эди. Қоровулликни ор билса-да, хорижлик ҳамқишлоқлардан яхши унумат бўлишини тўғри анлаганди. Яхшигина ойликдан ташқари ҳар бири Измирдан целофан халтачага солинган ҳолда келтирилган ғиштдан қарийб мингга яқинини зирхонасига киритиб олганди; Қўлга тушсам, балким, қайтарарман, деб уйларди. Юрагининг туб-тубида эса билишмас, суриштиришмас, деб умид қиларди...

Мухаммад Туркон бува саводли киши эди. Қуръони каримни яхши биларди. У овоз чиқариб тиловат бошлади. Шом намози пайти эди. Намозини тугатиб қоровул Бўри теричи қолдирган кўрпачани олиб, намоз ўқиган жойига тўшади, устидан жойнамоз ташлаб, тиззалаб ўтириб олганича яна тиловатга киришди...

Ҳаво майин эди. Ҳамма томондан юмшоқ тупроқдан энди ниш уриб, гуллай бошлаган баҳор кўкатларининг ҳиди уфуриб турарди. Энчайинда табиий ариқ суви ҳам ҳеч нарса кўкартиролмайдиган заранг, қуруқ ерлардан-да майинлиги сабабли турли туман номлари номаълум гиёҳлар униб қолган пайтлар эди. Югурик шамол узок-узоклардан найсон таъми аралаш енгил, уфorni келтирарди...

Бўри теричи икки кун мачит қоровуллигига келмади. Аниқроғи, келди-ю хўжайиннинг йигитлари катта йўл ёқасида папирос чекиб, суҳбатлашиб ўтирганини кўриб, ортга қайтди. У уйига қайтиб дарахт бутаган бўлди...

Унга учинчи кун тушликка яқин меҳмонлар жамадонларни йиғиштириб жўнаб кетишганлигини айтишди.

Терифурушни пешинда Эшмирза раис чакирттирди. Раис қоровулга ҳомийлар тегишли маблағнинг қолганини қурилиш учун хўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказишганини, ишни битириш учун ҳатто банкдан қўшимча маблағ ажратишганлигини таъкидлади. Гаровга тилло нарсаларни қўйишган эмиш...

– Так что, қоровуллигингизни қилаверинг... Мачит қурилиши давом этаверади...

Мачит кеч трамада қуриб битказилди. Унинг очилишида кўп одам қатнашмади. Ҳатто Бўри теричи келмади. Бечоранинг ўғли дўкondан костюм ўғирлаб, милицияга тушиб қолибди. Талаба эски костюми остидан янгисини кийиб чиқиб кетмоқчи бўлган экан.

\* \* \*

Орадан беш йил ўтди.

Хонзода-Тўқол момо бу орада ҳаётдан кўз юмди. Унинг невараларидан бири Истамбулдаги қариндошлари билан борди-келди қилмоқда, чой ва ширинликлар савдоси билан шуғулланмоқда.

Мухаммад Турконнинг икки ўғли Штатлардаги эгизак бинолар портлашида ҳалок бўлди. Фарзандлар доғини кўтаролмай тўшакка михланиб қолган бува набиралар қарамоғида. У ота юрти ҳақида тинимсиз гапирадиган бўлиб қолган.

Меҳнатободдаги янги мачит бир муддат ёпиқ турди. Юрт оқсоқоллари намозхонларни турли оқимлар таъсиридан сақлаш мақсадида шундай қилишди. Энди-энди янги имом, нафақага чиққан собиқ раис Эшмирза-мачитчи жума намозларини ўз ташаббуси билан қурилган мачитда ўқий бошлади. Иноят Махсум туман бош имом хатиблигига ўтиб кетди. Мулла Эшмирзанинг тароқ кўрмаётган сақолини ҳисобга олмаганда имомлар ўртасида айтарлик тортишувли нарса бўлмаган.

Бўри теричининг костюм ўғирлаган ўғли “суперконтракт” орқали савдо институтига ўқишга кирди. Бунинг тарихи жуда қизик, аммо энди бу бошқа воқеа.

## Навқирон шеърят хусусида



**Гулранг УБАЕВА**

Шоирлик бир умр уйғок  
виждон билан яшамокдир.  
Тавалло

Ижодкор... Бу сўз мен учун жуда қадрли. Жуда сеҳрли. Шеър ёзиш қўлимдан келмайди. Лекин, “Ижодкор” десам, ватан дегандек ўпкам тўлиб кетаверади. Уларнинг ҳар бири бир ватандек кўринади кўзимга. Хуллас, ватан деганда ўпкам тўлганми йўқми билмайману, ижодкор деганда ҳеч қачон ҳаяжонимни, ҳавасимни боса олмаганим сабаб, замонамиз адабий жараёнини ва шу жараён қаҳрамонларини иложи борица кузатишга ҳаракат қиламан. Бу жараёнга – Адабиёт аталмиш ҳечам қаримас, Худо ёрлақан онанинг саҳий бағрига назар солган муҳиб борки, шу онага Худонинг раҳматлари саналган янгидан-янги овозларни бирдам тингламасдан, ёш ижодий қатлам хусусида ўй сурмасдан ўтиб кетолмайди. Бу қатламнинг Шаҳриёр Шавкат деган сархил сўз усталари, ўз кўнгил бадиятининг ҳар бир лаҳжасида темирдек жонини тоблаб келаётган Жонтемирлари, аллақачон аллақанча кўнгилларни беминнат зиёси билан ёритиб улгурган Сухроб Зиёлари бор! Анвар Ботир, Нажмиддин Эрматов, Нурмуҳаммад Азизов, Орифжон Комилов, Нурмуҳаммад Абдузоиров, Муҳаммад Сиддик, Раҳмат Бобожон, Алибек Анварий, Рашид Хўжамов, Мирзоҳид Музаффар, Бек Али, Хуршид Абдурашид, Дадахон Муҳаммадиев, Ниятулло Элбек ўғли, Масихуллоҳ Мадаминов, Фаррух Ҳасанов ва Муслимбек Мусалламлари бор!

Бу қатламнинг охирига етиш мушкул бугунда. Чунки, ёшликнинг бор ўйноқилиги-ю, бор куч-қувватини ўзида жамлаган бу тизгин анчайин бақувват. Бақувватлиги ҳам шундаки, улар сафининг охирини қидирсангиз Алпомиш ошган довлардан хабар олишингизга, саҳий қишлоқларнинг бағрикенг даштларида кезинишингизга тўғри келар. Чунки чиқаверади Шоирлар, Ижодкорлар. Довлларда ҳам, даштларда ҳам улар сафининг бақувват нуқталарига дуч келаверасиз. Айниқса, шу йили яхшигина ташкил этилиб, вилоятларгача етиб борган ёш ижодкорларнинг “ДУЭЛ” танлови ҳам фикрларимизни тасдиқлайди.

*Гулранг УБАЕВА – 2000 йилда туғилган. Тошкент давлат Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт университети филология факультети 4-босқич талабаси. Республика матбуотида мақолалари чоп этилган.*

Олис қишлоқларнинг бир чеккасида жимгина юрган ижод аҳли тўпланиб шеърлашганда шунақанги ёқимли шовқин кўтарилдики, жараёни кузата туриб, устоз Усмон Азимнинг фикрларига янада ишонч ҳосил қилдим. Яратган марҳаматлари инсон ақлида, жунунида турли йўсинда намоён бўлаверишига имон келтирдим. Устоз айтганларидек, Адабиёт тўхтамас экан. Тугамас экан.

“Ўпкангизни тўлдирадиган” яна бир ажойиб томони, биз юқорида тасвирлаган довларда, даштларда узликсиз эсиб турувчи жонбахш шаббода янглиғ қалам тебратаётган нозик қатлам – аёл ижод аҳлининг ҳам борлигида ва кучли жинс вакиллариининг ижоди билан баб-баравар бўй кўрасатиб турганлигида! Уларнинг ҳам исмларининг охирига етолмасак-да, “Илмнинг ҳам ирими бор” деб мақол тўқиймиз-да айримларининг номларини келтирамиз. Гулҳаё Анорова, Феруза Хайруллаева, Наргиза Одинаева, Нозима Ҳабибуллаева, Мадина Норчаева, Зулхумор Орифжонова, Тилланисо Эшбоева, Кумуш Абдусаломова, Кумуш Ўсарова ҳали шеърлари саноклигига бўлса-да, сатрлари биз муҳибларнинг тилимизда кассетадек айланиб турадиган – Нодира Муҳаммадшариф, Марҳамат Мирзоева, Орзу Ҳаёт қабилар ана шундай ирим қилишга мажбур бўлиб келтираётганларимиздан.

Наргиза Одинаеванинг ҳаёт чархпалагида обдон чайиб олинган, гўё йиллар эмас, асрларнинг энг оғриқли (аслида энергияли) нуқталаридан ҳарфма-ҳарф териб олинган сатрларига эътибор беринг:

*Кўзларим кулиб тургай оловларга ботиб ҳам,  
Чилдирмангни чалавер, мен бошқача ўйнайман!*

Мен бу сатрларга йўлиқдим. Ҳа, сизни уйғотиб юборадиган, титратиб юборадиган, ўзингизни ўзингизга эслатиб, ўзингизга сўзлатиб юборадиган сатрларга одатда шунақа “йўлиқилади”. Шу икки сатрда икки дунё оралигида ягона йўл қидираётган инсон қалби бор, ижодкор аҳди бор! Ва албатта Абдулла Орипов айтган ўша йигитлар мактубин қондан битган вақтда ҳам, ҳам моддиятни, ҳам миллиятни нозик елкаларида тутиб тура олган аёл матонати бор. Умуман, Наргиза Одинаева қаламининг изини кузатган мухлис учун юқоридаги ўйлар бегона эмас деб ўйлайман. Шоира шеъриятида аёллик назокатигина эмас, балки, ҳар қандай эркак зоти учун ҳам ўрнатилган бўлиши мумкин бўлган улкан виждон бор:

*“Сим-сим билан очилмас сирлар,  
Қоинотнинг яшил шариди...”*

*“Бу дунёга берган бор харжим –  
Наҳот ўтсам чумчуқ кишит-кишитлаб?!”*

*“Дундан ичкарида, дундан эшикда,  
Йиғлаш фаросатин ҳаммага берсин!”*

Юқоридаги фикрларимиз учун шу сатрлар етарлича исбот, хулоса ва ҳукм ҳам бўла олади деб ўйлайман.

Яна бир ёш шоира – Кумуш Ўсарова ижоди билан деярли тўлиқ танишгач, ўзимча хулосаладимки, ҳозирча шоира ижодининг тўксон фоизини қундалиқ “севги ташвишлари” банд этган. Ёки менинг фаҳмим муҳаббат дардларидан нарийғини кўра олмади... Фақат, интим туйғулар билан чекланиб қолиш ҳам Шоирликнинг қадрини туширади, – деб ўйлайман.

*“Зўрларнинг хивчини – узун тил,  
Занжири тилида қўлларнинг,  
Нима деб овутай гулдонда  
Оёгин туш кўрган гулларни?..  
Мен жимман”.*

*“Қанча қадамларни орқага отдик,  
Илдизлар қучоқлаб йиғлади ерни.  
Дунё бир шеър билан оёққа тургай,  
Шоирим, ёз ўша шеърни!”*

*“Лолалар тоғлардан сўзларга кўчмиш,  
Менинг борлигимга кўзгу қай битик? –  
Бобомнинг соясин пана қилганлар  
Боламнинг кўзига қарай олса тик”.*

Юқорида келтирилган бандлар Нозима Ҳабибуллаеванинг айрим шеърларидан олинган. Бобосининг сояси тугул ўзининг соясидан қочиб умр кечираётганлар изғиган бир даврда бутун жамият дардини ўз юрагида тартибга солишга уринаётган шоиранинг қалби нақадар жасоратли, қалам қоралашлари қанчалик беҳаловат-а!..

Хурсанд бўладиган, сени ҳам нималардир қилишга ундайдиган, кўнглинг печига кўмир ташлаб турадиган яна бир долзарб томони – биз юқорида тан олган мисралардаги мардлик, беҳаловатлик адабиётга янгигина кириб келаётган шоир ва шоиралар ижодида ҳам борган сари ёрқин кўзга ташланыпти. Миллат дардини, кўнгилда борини кўзбўямачиликларсиз сўзга солиш жасоратининг тобора ёш ижодий муҳит доирасида авж олиб боришида, менимча, ҳеч қандай тақлидчилик, андоза олиш каби нимарсалар йўқ. Уларни тўғри тушунишга уринишимиз ҳеч курса Нодири Офокова айтгандай: *“Туркий гулистоннинг соқов булбул тугиш”*ининг олдини олар!

Дунё нисбий бўлгани каби, бизнинг тарафкашлигимизда ҳам давр нисбийлиги бор. Энди қўлига қалам олган бир ижодкор: *“Алам қилар ниёз тўғраётганим, Амир Темур қиличи билан”*, дея қийналаётган бир пайтда, кўп йиллик адабиёт одамининг *“Пахтачилик таъсирига берилган”*, берсанг ейман, урсанг ўламан тарзидаги турокка солинган *“гап”* ларига дуч келсангиз, рости жирканиб кетаркансиз...

Юқорида келтирганимиз сатрлардаги Темур руҳи олдида, унинг *“Рости-русти”* ҳикмати билан зийнатланган қиличи қаршисида ўзини бурчли, жавобгар санаб қийналаётган ижодкор – Нурмуҳаммад Абдузоирхўжа! Бу ёш қаламкаш шеъряти билан яқин бир йил ичида танишдим. Яхшигина йўлга қўйиб борилаётган *“Хиёбон оқшомлари”* шеърят даврасида, кўплаб бадий овозларни кашф эта олган *“ДУЭЛ”* танловида ва бошқа ижодий томонларда деярли ўзимга тенгдош бўлган шоир овозига қулоқ берарканман уни ўзимча кашф эта бордим. Лекин, куйида шоирнинг биров аввалроқ ёзилган шеърларидан келтиришни истадим:

*Эрлик бу – мардликдир, эрлик бурчингни  
Бажаргин, то борсан тун-у кун ёниб!  
Олтинга тўлдирма асло хўржунни,  
Ҳаммоли бўлмайин десанг дунёнинг...*

Бу айтимлар ўн саккиз ёшли ижодкорнинг тафаккур маҳсули, энди эрликка қадам қўяётган ўсмир хаёлотининг яхлит режаси. Бу режа – дунёга келиб

хуржунни, яъни кўнгилни фақат нафс сарқитлари билан эмас, балки эрлик орқали, мардлик орқали тўпланган савоб билан тўлдиришдан иборат. Ҳозирги кунда бир аёлнинг турмуш ўртоғи маъносида ишлатиладиган “Эр” сўзи чиндан ҳам қадимги туркий тилимизда фақатгина мард ўғлонларга – Алпларга нисбатан ишлатилган. Ижодкорнинг буни билиши ва сўз маъносини янада ошириб бизга етказиб бера олиши ҳам бадиийликнинг бир бахти аслида...

Шоирнинг “Буратино” деб номланган шеърида шундай бандлар бор:

*Бурнинг ўсиб ҳаддан ташқари  
Кўз олдингни қўйган бекитиб,  
Ҳақиқатга қарайсан ярим.*

*Ақлинг етмас ҳар бир тешикка  
Шундан балки суқмоғинг бурун,  
Қисилиб қолмасин бир кун эшикка.*

Мультфильм қаҳрамонини ҳажв қилиш орқали шоир бугунги кундаги буратинолашган мансаб бандларини, бурнидан эшак қурти ёғилувчи кибр кимсаларини усталлик билан танқид қилади. Эмаклай-эмаклай зўрға чиққан пиллапояларидан нафсий қизиқишлари сабаб бир зумда қулаб тушишлари ҳам мумкинлигини эслатиб қўяди.

Мана бу сатрий учликни сиз ҳам ўйлаб кўринг:

*Қуёш бир кўз билан қарар барчага  
Ёким бир кўзини қарарми қисиб,  
Не фарқи бор бунинг сизларга?*

Менимча, адабиёт учун бадиий безак уйғунлиги билан биргаликда ижтимоий мазмун улканлиги ҳам ҳаводек зарур. Сатр бир қатор бўлса ҳам, мавзу жиддий ва катта бўлиши керак, инсониятни “майдалашишдан” асраб қолиши керак. Юқоридаги уч сатрда эса Нурмуҳаммад Абдузоирхўжа буни баҳоли қудрат уддалай олган деб ўйлайман.

Бадиий жараёнда кўпчиликнинг эътибор марказида бўлиб келаётган яна бир ёш шоиримиз – Рашид Хўжамов.

Шоир ижоди билан танишиб бориш ҳар бир “шеърхўр” учун мароқли менимча. “Илҳақлик” шеърини тўлиқлигича ўқийлик:

*Мен йиғлайман –  
Ёнимда туриб  
Эшитмайди энг яқин  
Ошнам...  
Мен йиғлайман,  
Ўксиб, ўкириб –  
Балки...  
Билмас ёстикдошим ҳам.*

*Мен йиғлайман,  
Осмонни қучиб,*



*Юлдузларга бўламан эрмак.  
Лек ёшимни кўрмас одамлар  
(демак, одам бўлмасам керак).*

*Мен йиғлайман –  
тўрт фасл бир ранг...  
тўрт томоним қибла –  
қаридим...  
биргина у сезиб туради  
Йиғлаганим  
минг мил наридан!*

“Илҳақлик” мазмунига шоир ерга қувғин қилинган инсоният кечмишини бутунликча сингдира олган. Ҳар бир одам аслида ёлғиз ва Яратганига зорлигини яхшигина тасвирлаган. Аммо шеънинг сўнгги жумласи кишини бироз ўйлантиради: “Биргина у сезиб туради, Йиғлаганим минг мил наридан”. Минг мил... Бандаси билан Эгаси оралиғидаги масофа учун аниқ ўлчам ишлатиш тўғримикин? Ёки ижодкор бу жумлаларни “ўта олис” маъносида шунчаки қўллаяптими?

Насрда ҳам назмда ҳам ўз қаламига, ўз муҳибларига эга бўлган ижодкор Тилланисо Эшбоева ижоди мен учун доим қизиқарли бўлган. Бу шеъриятда кутилмаган фалсафага, таклифларга, қолаверса йиллар давомида айтолмасдан ичингизда сақлаб келаётган биргина сўзингизга дуч келиб қоласизки, шунинг ўзи ҳам сизни Тилланисо ижодини кузатиб боришга ундайди.

*Ватан деган одам ишонмаса,  
Асли ватани келажагига, деса, аммо ёлғиз бўлса умрбод,  
Шаробдан қутиб таскин...  
Мен бу дунё барбодлигига сизинаман!*

Гарчи, дунёнинг барбодлигига сиғинаётганлиги учун шоирани қоралаб ўзимиз оқликка интилсак-да, аслида юқоридаги мисралари билан у тўла ҳақ ва дунёмиз ниҳоятда “барбодлигини” тан олишимиз керак...

*Шунчаки одамзод асир ўз танасига,  
Кўксига уролмагани учун битта пичоқни.  
Муҳимлик ўйлаб топади,  
Кўнгилхушлик ўйлаб топади.*

Албатта, Ижодкор – ичида борини, кўнглининг қат-қатида сабрсизланаётган туйғуларини коғозга тушира олиши билан ижодкор. Худди шундай Тилланисо ҳам шоир сифатида қалб тугёнларини оққа кўчириш жараёнида кимнидир, ненидир ўйлаб, уялиб ўтирмайди. Шундай бўлса-да, Ижодкорга юкланган Сўз юкининг залворини бирдам унутиб қўйиш ҳам қалтис иш... Масалан, “Одамзод асир ўз танасига, Кўксига уролмагани учун битта пичоқни”, дея давом этувчи сатрларида, одамзод ўз танасига асир эмаслигини исботлаш учун пичоқ уришдан бошқа мисоллар, бадий топиломалар йўқми? Кўксига пичоқ қадаш билан ненидир исботлаш жудаям ғариб эмасми? Умуман, қатор нисбий камчилигу, ютуқлари билан биргаликда бугунги қизғин бадий жараёнимизда тиним билмай қалам тебратиб келаётган акаларимиздан, опаларимиздан ва бизга тенгдош ёки кичик бўлган ижод аҳлидан жуда “кўп” нарса умидвормиз, “катта” асарлар кутиб яшаймиз.

Холиёр САФАРОВ

## Энг қайғули қувонч

Қисса<sup>1</sup>

---



\* \* \*

Салимнинг ҳам жонидан ўтган эди. Қишлоғидан, теварак-атрофдан ҳеч ким унга тегмади. Қир ошиб, узоқлардан, ҳатто бошқа туманлардан суриштиришди, аввалига ройиш бериб турганлар ҳам кейинги гал борганида тўнини тескари кийиб олаверишди.

– Ай-э, бир гап бўлар... – деди Салим қўл силкиб. Энди унинг ўз ҳаётидан хўрлиги келадиган бўлиб қолганди.

Биринчи бахтинг – гул бахтинг. Салим бу гулни асрамаган эди. Унинг гули гоҳ шамолда, гоҳ иссиқда, гоҳ тўфонда, гоҳида сояда қолиб кетди. Унга парвариш, эътибор бўлмади. Гулки, на тафт, на тароват ҳис этди... Барглари бир-бир сўлиб, пояси қуриб, нобуд бўлди... Гул кадрили билмаган гулчи, гулчи ҳам эмас, ўзи ўтирган шохни кесган нодон энди Ҳақ тавбасига таяниб ўтирарди.

Кўнглига қил сиғмай қолган Қувонч ўқишга бориш ўрнига, чўкаётган рўзғорни, сингилларини ўйлаб, бу ғурбатлар орасида ишга кетиб қолган эди. Апрельнинг бошлари эди. Бир куни тонгда келса, отаси жойнамоз устида йиғлаб дуо қилиб ўтирибди.

Қувончининг дами ичига тушиб кетди. Отасини ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаган эди. Аввалига нимадир бўлдимикан деб кўрқди, кейин юраги алланечук ҳаприқди. Падарига тикилиб туриб, мижжаларида ёш қалқди. Шунчалар меҳри ийдики, бориб кучоқлаб олгиси келди, аммо тўхтади. Ота жойнамоз устида, тавба остонасида, имон қошонасида эди!

“Отам намоз ўқишни биладими?..”

Қувонч уй деворга суянганича сирғалиб, бўсағага ўтириб қолди.

– Аллоҳим, ўзинг гуноҳларимни кечиргин. Ўғлим, икки гўдак қизим ҳаққи, тавбаларимни қабул қилгин! Аллоҳим, ўзинг кечирмасанг, ҳолим харобдир, Аллоҳим...

Ота нидосини эшитган Қувонч ўзини тутиб туrolмади. Ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

“Наҳотки отам...”

Ота ўғли келганини сезди. Юзига фотиҳа тортди.

– Қачон келдинг, Қувонч? – овози титраб чиқди. Жойнамоз ва тасбеҳни деворадаги

---

<sup>1</sup>Охири. Боиланиши ўтган сонда.

михга илиб қўйди ва кўрпачага ўтирди.

– Боя келгандим... – ўғил бурун тортди. – Қарасам, намоз ўқиётган экансиз...

Ота синикқина жилмайди. Бу табассум шу қадар ёқимли эдики, ўғилнинг қалбини титратди. У нима дейишни билмасди.

– Қувонч, кел, ёнимга ўтир.

Ота авваллари ҳам ўғлини эркалаб ёнига чақирарди, аммо Қувонч маст отанинг ёнига боришни истамай, тайсалларди. Ҳозир эса буюк бир муҳаббат билан қабатига тиз чўкди.

Салим ака алланечук маъюслик билан ўғлига боқди. Аввал бунчалик эътибор бермаган эканми, Қувонч ёш, эндигина ўн тўққизга тўлаётган бўлишига қарамай юзига ажин тушган, меҳнатдан бадани чайир, қўллари тарашадек қотиб кетган. Кўзларида мунг.

– Мени кечиринглар, болам... – деди Салим ака кутилмаганда. Бошқа гапиролмади. Ўғлини кучоқлаб олди. Қувонч ҳам илк маротаба ҳаприқиб, отасига талпинди. Маҳкам кучоқлади.

– Қувонч... Раҳматли онанг “Боламнинг ҳаёти қувончга тўла бўлсин” деб, исмингни Қувонч қўйдирган эди... Лекин қувонч нималигини билмай ўсдинг... – Отанинг елкалари титради.

– Ундай деманг, ота...

– Ўғлим, яхшиям сен бор экансан...

– Нега бундай деяпсиз, ота?

– Буни ота бўлсанг биласан... – Салим ака ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

Бу пайтда қизлар уйғонишган ва Малоҳат чой дамлаган эди. Отамни чақирайлик, деб эшик очган қизлар отаси билан акасининг йиғлашиб ўтирганини кўриб, остонада туриб қолишди.

– Келинлар, қизим.

Малоҳат билан Сабоҳат остонада қотиб тураверди. Отанинг кайпанг қилиқларидан хуркак бўлиб қолган қизлар фавқулоддаги бу ҳолатдан қарахт эди.

– Аканг ишдан келибди, бир нарсани маслаҳатлашиб ўтирибмиз, – деди ота.

Қувонч хайрон бўлди.

– Нимани? – деб юборди Малоҳат.

– Шу десанглар, акангни уйлантирсак, уйга келинчак олиб келсак, нима дейсизлар?

– Ие?! – деб юборди Қувонч, – бу нима деганингиз?

– Вой, бунча зўр! – аввал Сабоҳат, кейин Малоҳат беихтиёр остона ҳатлашиб, уларнинг ёнига келишди. Кичик қиз Сабоҳат қизиқиб сўради: – Кимни келин қиламиз?

– Буни энди ўйлаймиз-да! – жилмайди Салим ака. – Аканг рози бўлса, бўлди.

Қизлар ялт этиб, акасига қарашди. Ҳозиргина отасининг қаъда ҳолатидаги нидосидан мутассир, кейин уни бағрига босиб айтган сўзларидан сел бўлиб турган Қувонч кўзмунчоқдай тизилишиб турган сингилларининг кўзларига боқиб, онасининг маъюс нигоҳини кўргандек бўлди.

“Болам, мendan кейин отангга яхши қаранглар... Сингилларингни ўқситма...”

Унинг хаёлчан сукунاتини отанинг сўзлари бузди.

– Нима дейсан, Қувонч? Сингилларинг қийналяпти...

– Билмасам, ота... Ўқишим ҳам чала ётибди. Бу ёқда сиз...

– Менинг масаламни қўй. – Отанинг овоз титраб кетди. – Бўлди, мен бир қарорга келдим. Менга тинчлик керак. Сени уйлантирамиз!

– Ота...

– Ай-э!.. Сен энди айтганимни қил. Онангнинг ўрнига уйимизга бир аёл керак. Сен уйлан. Сингилларинг ҳам янгасига овунади. Энг тўғри йўл шу экан...

Қувонч нима дейишини билмай қолди.

Ўша тонг Салим аканинг оиласи учун тамомила ўзгача бўлди. Гўё бошқа бир ҳаёт бошланган, ота ўзгариб, болаларнинг маъюс чехрасига табассум инган эди. Келин мавзуси нонушта вақтида ҳам давом этди ва Қувончнинг розилиги олинди.

– Майли... – деди у сингилларига қараб жилмайганича. – Отам нима десалар шу.

– Раҳмат сенга, ўғлим. – Отанинг овози титраб чиқарди. – Биласан, бошларингдан кўп кўргилик ўтди. Ҳаммасига мен айбдорман... Вақтида ўзимни тиймадим. Мана, жазойимни олиб ўтирибман. – Салим ака болаларига бир-бир қараб чиқди. – Энди Худодан тавба қилиб, гуноҳларимни кечиришини сўрайман, зора, кечирса...

Отасининг бундай ўзгариб қолгани Қувончни баттар хайратга солди. Тонгдан бери бўғзида турган саволни берди.

– Ота, намоз ўқиётган экансиз... Бунга анча бўлдимиз?

Салим ака чуқур ҳўрсинди.

– Ҳа, болам-а... Худойим менга ўхшаган кўр, ғофил бандаларини кечирсин. Ўзи кўнглимга солди, аммо меники жуда нуқсонли намоз. “Фотиҳа” билан “Қул хуваллоҳу аҳад”дан бошқасини тўлиқ билмайман... Масжидда айтилган азонни эшитиб, битта зам сурани икки мартадан такрорлаб бомдод ўқияпман. Насиб, тез орада кичик сураларнинг тўрт-бештасини ёдлаб, сени уйлантиргунча беш маҳал ўқийдиган бўламан.

Йиғлай-йиғлай кўзёшлари куриб, онасининг ўлимига кўниккан қизлар киш чиқиши билан отасида пайдо бўлган ўзгаришлардан мамнун эди, бугун Қувонч ҳам шодланди. Бу унинг кўзларидаги мамнунлик ва юзига қайтган хотиржамликда зоҳир эди.

– Қувонч, бугун-эрта қарорингни айтгин, – деди Салим ака салмоқлаб, – тоғангларни бирортаси билан совчиликка борамиз...

Қувонч отасининг сўзларини жимгина тинглар ва бундай ҳалимликка қандай муносабат бидиришни билмасдан нукул бошини кимирлатарди. Ўйларди: “Отамга-ку алкаш деб биров тегмади. Менга ким қизини бераркан?..”

Нонуштадан сўнг икки қиз мактабга, Қувонч эса коллежга йўл олди. У ҳали иккинчи курснинг битирув имтиҳонларини ҳам топширолгани йўқ. Ўқув йили охирида ишда эди, сентябрда борганида “Аввал эски қарздорлигингни ёп, имтиҳонларингни топшир, кейин ўқийсан” дейишди. Бу ёқда онаси оғир эди. Кўнглига сиғмай, “Онамга қарай, ўқиш ҳам бир гап бўлар...” деб коллежга бормаи қўйди. Онаси вафотидан кейин мажбур яна ишга чиқиб кетди.

Қувонч қишлоқнинг тош кўчасидан ўқишга пиёда кета туриб ўйлади. Шу пайтгача бировга кўнгил бермабди. Мактабда кимларнидир яхши кўрарди, аммо у муҳаббат эмасди. Коллежда эса қизлар кўп бўлишига қарамасдан бирортаси билан илиқ муносабати бўлмаган. Ҳар ким ўз кунига эди...

Қувонч коллежда ўқиётган кўзтаниш қизларни бир-бир хаёлдан ўтказди. Барчаси дуркун, бир-биридан чиройли, ақлли. Чин севги даражасига етмаган бўлса-да, аксариятининг йигити бор – кимдир ким биландир гаплашади. Бировга қиё боқмаган қизлар эса асов ва қайсар. Улар айни чоғларини тўла илмга бағишлаган. Айримларнинг ҳозир ҳам ҳужжати “ўқийди”, ўзлари шаҳарда, репетиторда...

У шундай кечинмалар билан коллежга борди ва гуруҳ раҳбарини топди.

– Қанақа одамсан? – деди ўқитувчиси уни кўриши билан. – Биламан, бошингдан кўп нарса ўтди, лекин коллеж хоҳласанг келиб, хоҳламасанг келмайдиган отангнинг уйи эмас! Сенга бошқарманинг буйруғи чиққан. Ўқишдан ҳайдалгансан!

– Нега?

– Ҳаммасини билиб туриб сўрайсан-а? – тутақиб кетди гуруҳ раҳбари. – Иккинчи курсда нечта фандан имтиҳонни топширмадинг? Неча кун ўқишга келдинг?

– Онам касал эди. Биласиз, дунёдан ўтди...

– Ҳаммасидан хабарим бор, бу воқеа кузда бўлган эди-ку?! Аммо ундан олдин ҳам, кейин ҳам ўқишга келмадинг-ку!

– Нима қилай? Отам ишламаса... Охирги пайтларда отам онамга қараб ўтирди, мен ишладим... – Қувончнинг овози титраб кетди. – Тўғри тушунинг.

– Ай-э, қўйсанг-чи, отангнинг онангга қандай қараганини ҳамма билади-ку! Менга ақл ўргатма!

– Домла! – деди Қувонч қўллари мушт бўлиб, – биринчидан, отамга тил текизманг! Сиз катта қилганингиз йўқ! Иккинчидан, ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади. Дипломсиз ҳам бир кунимни кўрарман, аммо отамни гапиришингизга йўл қўймайман!

– Диплом керак бўлганда вақтида келиб ўқирдинг! – Ўқитувчи ҳам паст кетмади. – Бор, кунингни кўравер!

Қувонч шарт изига бурилди ва аччиқ устида коллеждан ҳужжатларини олиб чиқиб кетди. Уйга қайтаркан, ҳали айтган сўзларини такрорларди.

“Ай-э, дипломсиз ҳам бир кунимни кўрарман-да... Коллеж дипломини олганим билан университетга кира оламанми, йўқми? Бунга шароит бўладими, йўқми? Уйда аҳвол бу бўлса...”

Қувонч сиқилса ҳам, қувонса ҳам Турсуналини эслайди. Ҳозир ҳам унга кўнғирок қилди.

– Нимажон, қаердасан?

– Нимада эдим...

– Қаерда?

– Ишда.

– Қачон чиқасан?

– Тугасин, кечга чиқаман. Нима гап, тинчликми?

– Ҳа, тинч. Сени кўргим келди.

– Кечроққа кел унда. Нима қиламиз.

– Бўлди, бораман. Қаерда бўласан?

– Шу, ўзимизнинг нимада бўламан. Келавер.

Турсунали коллежни битириб, ўтиш балли ва топширувчилар сони кам экан деб, ахборот технологиялари йўналишига ҳужжат топширган, аммо талабалик насиб этмаган эди. Йиққан балидан ўзи уялиб, “Ўқиш биз учун эмас экан”, деб шаҳардаги уй-жой қурилиш фирмасига ишга кирганди. Қувонч борганида у вагон-уйдан энди кийиниб чиққан эди. Дўстининг аҳволини кўриб, Қувончнинг юраги ачишди. Айни дамда ўзининг ҳам аҳволи уникидан қолишмасди.

Улар кучоқлашиб саломлашгач:

– Қайси шамол учирди, Қувончим? – деб мақсадга кўчди Турсунали.

– Ай-э, биласан-ку, бизники доим хуржун! – кўл силкиди Қувонч. – Шу десанг, бугун коллежга боргандим. Ўқишдан ҳайдашибди. Куратор айтди. Бошқарманинг қарори бор эмиш.

– Ай-э, бошқарманг нима-ю, унинг қарори гўр бўлармиди? Хохласанг, ўқишингни нима қилиб оласан.

– Тўғрисини айтсам, тиклашни хоҳламай ҳам қолдим. Боя куратор менга отамни қўшиб ҳақорат қилганди, “Дипломингсиз ҳам куним ўтади!” деб шарт коллеждан чиқиб кетдим!

– Домла нима деди?

– Ай-э, сўрама... – Қувонч гапиришни истамади. – Ундан кўра, юр, бирор жойда овқатланайлик. Гап бор. Кейин қорним ҳам оч.

– Меникиям!

– Ўзи иккаламиз қачон тўқ юргандик?!

Бараварига кулиб юборишди. Бошлашиб яқин атрофдаги ошхонага йўл олишди.

– Ишларинг яхшими? – деб сўради Қувонч.

– Кўриб турганингдай. Нима қилиб турибмиз-ку. Ўқишга киролмадим. Бу аниқ ҳам эди-да... – ўз-ўзига нашъа қилиб кулиб қўйди Турсунали. – Тақдир экан-да, ошна.

Улар бир косадан лағмон суздириб, иштаҳа билан ея бошлашди.

– Нимажон, битта маслаҳатли гап бор... – деди Қувонч. – Шу десанг, отам мени уйлантирмоқчи...

– Нима? – Турсуналининг оғзидаги лағмон отилиб кетаёзди. – Отанг ўзи уйланмоқчи бўлиб юрганди-ку? Нима бўлди? Омади юришмадимми?

– Бўлди қил, сенам! – Қувончнинг туси ўзгарди. – Жиддий айтаяпман.

Турсунали унга бир қур назар солди.

– Уйланишим керак, – таъкидлади Қувонч. – Отам ҳам, сингилларим ҳам қийналиб кетди.

– Кўз остига олганинг борми?

– Йўқ... – бош чайқади у. – Бошим қотган. Бугун сахарда ишдан келдим. Қарасам, отам бомдод ўқиётган экан. Шунчалар хурсанд бўлдим-ки, ошна, асти қўверасан.

– Отанг намоз ўқиётган эканми? – ажабланди Турсунали. Қари ўғри ҳақидаги мақолни айтгиси келди, аммо тилини тишлаб, “Ҳа-а?..” деб қўя қолди.

Дўстининг ажабланиши ҳам Қувончнинг кўнглига тегди, аммо сездирмади.

– Шунақа гаплар... – деб қўя қолди. – Кейин отам бугун ёрилди. Сингилларимнинг қийналаётганини айтиб, “Сен уйланишинг керак. Кўз остинга олганинг бўлса, айт”, деди.

– Сен нима дединг?

– Нимаям дердим? Биласан-ку, ошна, кўнглимда ҳеч ким йўқ...

– Унда нима қиламиз?

– Нима қилардик? Маслаҳат беришга устасан-ку.

– От олсанг, мол олсанг маслаҳат бериш мумкиндир. Михни қандай уришни, андавани қандай тортишни сўра, айтай, лекин хотин масаласида нима қилиш қийин-да...

Қувонч бир зум жим туриб қолди-да, кейин ички бир энтиқиш билан деди:

– Эсингдами, нариги қишлоқдан бир опанинг томига шифер қоқиб берган эдик...

Гулнор деган қизи бор эди... Негадир шуни ўйлапман...

– А, сенам нимасан-а? – Турсунали қув кўзлари билан боқди. – Эсладим, отаси йўқ эди. Авариядан ўлган. Битта акаси бор. Онаси иккаласи фермернинг ерида ишларди.

– Ҳа... Ҳозир сенинг олдинга келаётиб, шу ёдимга тушди.

– Менинг олдимга келсанг, калланг ҳам нима қилиб кетади, – кулди Турсунали.

– Нимажон, сенга гап йўқ-да, жўра! – қўллади Қувонч ҳам.



– Нима қилдик, шу қизга совчи қўясанми?

– Билмасам...

– Билсанг, билмасанг, бу ёғи таваккал энди. Тоғаларинг бир нима қилиб кўрсинчи... У қиз сени уста деб билади. Лекин онаси яхши аёл. Ҳаётда кўп машаққат кўрган. Агар сени тўғри нима қилса, тушунса, қизини беради. Бермасаям, сиқилиб ётма. Қиз зотига қирғин келгани йўқ!

Қувончга шу қиз маъкул эди. Отасиз ўсган. Манманлик, кибр-ҳавоси йўқ. Онаси одам ажратмайди. Мухими, инсоннинг инсофи, диёнати бўлсин, дейдиганлар хилидан...

– Қувонч, – деди Турсунали. – Бу масаланг ҳал. Отанг билан тоғангни совчиликка жўнат. Улар томини шиферлаб берганимизни айтсин. Икковимизни мақтаб, ҳозир бири университетда ўқияпти, бўлажак куёвингиз ҳам насиб бўлса, шу йил коллежни битирса, ўқишга кираман, деб шаҳарда тайёрланиб ётибди, деб нима қилаверсин. Ай-э, Худойим бир нима дегандир-да.

– Эй, жўра, орзуим кўп. – Қувонч чуқур хўрсинди. – Армоним эса, ундан ҳам кўп!.. Лекин ҳаёт кўп нарсага мажбур қилар эканда...

– Турмуш деб қўйибди буни, – синиққина жилмайди Турсунали. – Тўрт томонингдан мушт туширади. Мана, биз ҳам мушт еб ётибмиз-ку. Коллежда ўкиб ёлчитмадик, университетга кириш насиб қилмади. Мана, ота касбни эгаллаб ўтирибмиз-да, ошна. Аммо сиқилма, ҳаммаси яхши бўлади.

Турсунали бу тасаллиси билан Қувончнинг қақраб ётган қалбига сув сепгандек бўлди. Уларнинг дўстлик мартабаси ва ютуғи ҳам шунда эди. Керак вақтида бири-бирига шунчалик далда бера олишар эдики, бу самимиятни ва тасаллини бошқадан кутишмасди ҳам.

Қувонч дўстининг олдидан уйга қайтаётганида кушдай енгил эди...

Тенг тенги билан. Қувончнинг номидан совчи бўлиб боришган аммалар мақсадларини тушунтиришганида уй соҳибаси аввалига ўйланиб қолди. Сўнгра уста йигит – Қувончни кўз олдига келтирди. Ўзининг шароитини, паст-баландини чамалади.

– Бир ўйлашиб кўрайлик-чи...

Бу умидбахш жавоб эди.

Бу сўз кейинги галда жонбахш жавобга айланди.

– Ўйлашиб кўрдик. Берсак қизимизни шундай меҳнаткаш, ҳалол йигитга берамиз-да... Илоҳим, бахтли бўлишсин!

Ёлғизнинг ёри Худодир!

Йўқсилнинг ёри Худодир!

Нажот Ўзидандир!

“Яхши қизи бор экан...” деган самимий таассурот муҳаббатга, бурчга айланди!

“Ҳалол, қўли гул йигит экан” деган баҳо меҳрга дўнди...

Меҳрли нигоҳлар бирлашди, қалблар туташди...

Баҳорни ҳис қилмасдан саратонда сарғайган ва куз келмасдан қишга дучор бўлган кўнгилларга қайта баҳор келди. Умр ёзини кузга айлантирган Салим ака ҳам ўғлининг чехрасидаги хотиржамлик ва хушбахтликдан масрур эди. Отанинг елкасидан тоғ ағдарилиб, хонадони чироғи қайта ёнганидан, ўсмир қизларига сирдош ва дилдош янга келганидан мамнун эди.

– Ўзига шукр, – деди Салим ака ўғлининг тўйи куни. – Худойим тўғри йўл кўрсатди. Ўзи сабоқ берди. Болаларим ўзларидан кўпайишиб, ували-жували бўлиб

кетишса, армоним йўк. Ўзи берган умрни энди тоат-ибодатда ўтказаман...

Хотинининг вафотидан кейин Салим акани болаларига кўп томоша кўрсатса керак, деб ўйлаган кўни-кўшнилари, ҳаёт ҳақиқатлари қолиб, ҳаёл тасаввурларига эрк берган кишилар энди унинг муслимлигидан лол эдилар. Тавбасига таяниб, ўзини ислоҳ қилган, келин олиб, болалари ардоғида яшаётган Отанинг ҳаловати энди кўни-кўшниларга сабоқ бўлаётган эди.

– Одам ўзгараман деса, ҳеч гап эмас экан-да... – дейди кимдир.

– Жудолик одамни тарбиялайди, дегани шу бўлса керак-да... – дея мулоҳаза қилади бошқаси.

– Аввалинг хор бўлса бўлсин, охириг хор бўлмасин, деб шунга айтсалар керак-да... – дейди яна кимдир.

Қабоҳат ботқоғига ботган ва оғир жудоликдан сўнг тавба орқали рўшнолик кўра бошлаган бир инсон ва унинг оиласи тақдири уларни билган, аввал таназзулга учраб, кейин қайта оёққа турганини кўриб, хулоса қилиб яшаётган инсонлар учун сабоқ эди. Бунини Салим ака ҳам, Қувонч ҳам ҳис этиб турар, баъзан теваарак-жавонибдан ўзлари ҳақидаги узунқулоқ гаплардан хабардор бўлиб қолишса, биргина сўз билан барчасига қўл силкиб кетаверишарди.

– Ай-э, оғзи бор гапираверади-да... – дерди Салим ака. – Шуниям ўйлаб ўтирасанми? Эшак миниб кетаётган ота-бола воқеасини биласанми? Иккаламиз ҳозир худди шу аҳволдамыз.

– Қайси воқеа у, ота? – қизиқарди Қувонч ҳам.

Салим ака жилмайиб, бу ҳикоятни сўзлаб берарди.

– Қадимда менга ўхшаб икки жаҳон овораси бўлган бир киши ўғли ва эшаги билан кетаётган экан. Ўзи эшакда, ўғли эса пиёда юриб, бир қишлоқдан ўтиб қолибдилар. Шунда одамлар: “Бу қандай бераҳм ва бешафқат отаки, ўзи эшакка миниб олиб, бечора ўғлини ортидан пиёда юргизиб қўйибди?” дейишибди. Ҳалиги одам эшакдан тушибди-ю, ўрнига ўғлини миндириб, ўзи унинг ортидан юрибди. Йўлда бошқа бир гузардан ўтаётса, уларни кўрган одамлар: “Бу қандай окпадар бола бўлдики, ўзи эшакка миниб олиб, отасини эшак ортидан юргизиб қўйибди?” дейишибди. Бу гапдан кейин жаҳллари чиққан ота-бола эшакка мингашиб олибдилар. Йўлда учинчи бир қишлоқдан ўтибдилар. Уларни бу ҳолатда кўрган одамлар: “Бу қандай ваҳшийлик, ахир, бу эшакка зулм-ку!” дейишибди. Шундан сўнг ота-бола эшакдан тушиб, икковлон эшак ортидан яёв юрибдилар. Йўлда уларни кўрган одамлар: “Эҳ аҳмоқ ва нодон кимсалар, Аллоҳ таоло уларга шундай уловни бўйсундириб қўйса-ю, унга минмасдан ўзлари унинг ортидан юрсалар-а!” дейишган экан... Кўрдингми, ундай қилсанг ҳам, бундай қилсанг ҳам барибир гапиришади. Шунинг учун “Ай-э!” дегинди-да ўзинг тўғри деб билган ишни қилавер!

Отасининг ҳикоятини тинглаган Қувонч бош ирғаб турди-да, деди:

– Мен ҳам усталардан бир воқеани эшитгандим. Бир киши уй қуриб, уйининг эшигини шарқдан очибди. Уй яқинидан ўтган одамлар бунини кўриб: “Эшикни ғарб томондан очмабсан, ўшанда муносиброқ бўларди”, дейишибди. Уй олдидан ўтган бошқа бировлар эса: “Эшикни шимол томонга очганингда янада чиройлироқ бўларди”, дебдилар. Уйни кўрган яна бошқалар эса: “Эшикни жануб томонга очмабсан, шунда яхшироқ бўларди”, – дейишган экан. Ҳамманинг ўзига яраша қараши бор-да, ота.

– Шундай... – бош ирғади Салим ака. – Ҳаммани рози қилиб бўлмайди. Аввало, Аллоҳнинг розилигини ният қилиш керак экан. Яратганга мақбул бўладиган ишларни қила билсак, шуниси кифоя экан. Аммо бу жуда мушкул...

– Осон нима бор, ота?

Салим ака жавоб беролмай қолди. Олди-да, хонтахта устида “чопон” кийгизиб қўйилган чойнақдан пиёлага чой қуйиб ичди.

– Ай-э, дунёси шу экан-да, ўғлим...

Орага сукунат чўкди. Салим ака чойни ичиб бўлгач, яна сўради:

– Коллеждаги ўқишинг нима бўлади энди?

Коллеж сўзини эшитиши билан Қувончнинг томирлари тортишдими, бир қўли билан бўйнини қашлади.

– Мен қатори кирганлар битириб кетди, ота. Биласиз-ку, иккинчи курсда қолиб кетганман. Диплом олишим учун аввал ўқишни тиклашим керак, кейин иккинчи курсни қайтадан ўқишим керак энди.

– У-хху...

– Тўғрисини айтсам, ўқишдан қўнғлим ҳам қолиб кетди. Ишламасам бўлмайди. Энди ола хуржун елкада, дипломни олганим билан ҳам бирор жойда ўқий олмайман.

– Жонинг омон бўлсин, – ота ўғлига таскин берди. – Хунаринг бор, ишлаб турибсан-ку. Жуда бўлса, кейинроқ тиклатиб оларсан.

– Ай-э, бир гап бўлар, – қўл силкиди Қувонч. Сўнгра деразага боқди. Атрофга шом чўкмоқда эди.

...Тонг отганида эса орадан етти йил ўтиб кетган эди.

## I БОБНИНГ ДАВОМИ

Болаларининг қикирлашиб кириб келиши ўйга чўмиб ўтирган Қувончнинг хаёлларини тарқатиб юборди. Қараса, ўғлининг оёқ-қўли лой, икки қизи негадир пиқ-пиқ кулади.

– Сардор, нега ҳамма жойинг лой? – сўради Қувонч.

– Дада, ўғлингиз лой ўйнади, – деди катта қизи кулиб. – Уй кураман деб лойхандак кавлаб, ичига лой қилди. Кейин оёғи тойиб, йиқилиб тушди.

Қувончнинг бошига тўқмоқ билан туширгандай бўлди.

– Бор, ювиб кел!

Ўғли пўнғиллаб изига қайтди. Қизлар чикиб кетди. Қувонч ўйлади:

“Оталарнинг тақдири болаларнинг келажагига таъсир кўрсатар экан-да. Лой ўйнашини қаранглар бунинг. Эртага касбниям шундай танлайди. Мана, мен ҳам уста, мардикор бўлдим-ку... Булар-чи?”

Болалар ювиниб киришди. Катта қиз онаси бозордан кўтариб кирган халтани ковлашга тушди.

– Аям бозордан нима опкепти?

– Тегинма! – деди Қувонч. – Юз марта айтганман, сумкани титманглар деб! Ҳозир аянг келади, очиб беради.

Гулнор кеча кечқурун уютилган қатикдан тўрт косада сузиб келди. Болалар унга нон бўктириб ея бошлашди, Қувонч ҳам. Эрталаб шакарли чой, тушликка уютилган қатик ёки яна чой ичилади. Фақат кечга иссиқ овқат қилинади. Бахтига Гулнор оилапарвар, тадбирли чикди. Улар кутгандек қайнсингилларига ҳам меҳрибон эди. Вақти келиб, Малоҳат билан Сабоҳатни турмушга узатишда ҳам оналарча меҳрибонлик кўрсатди. Салим акага келин эмас, қиз эди у. Келин сабаб қайнотанинг иссиқ-совуғи жойида эди, хатто саҳар уйғонса таҳорат суви эшик олдида муҳайё эди. У келинининг бу меҳрибонлигидан баъзан жойнамоз устида йиғлаб-йиғлаб олар, елкалари титраётган

бўлса-да, овозим чиқмасин, деб лабларини тишлаб қонатгудек бўларди.

– Аллоҳим, менинг-ку бўларим бўлди. Жонимни олсанг ҳам розиман. Фақат болаларимнинг ризкини кенг қилгин.

Салим ака шундай ҳалим бўлиб қолган эди. Озода кийимда, тоат-ибодатда кунни тунга улар, ҳадеганда кўча-кўйга ҳам чиқмасдан, уйда невараларига қарашиб юрарди. Дасбурустдан дамқисма пайдо бўлди. Қувонч ҳар ишдан қайтаётганда отасининг томоғига пуркайдиган дори олиб келар, Салим ака ундан кунига беш-олти марта томоғига пуркаб ҳаёт кечирарди, аммо бу дард ўлимнинг даракчиси экан. Салим ака пайғамбар ёшига етмасдан ҳаётдан кўз юмди...

Отасининг ўлими Қувончнинг ҳаётий тушунчаларига яна бир хулоса муҳрлади. Ҳаёт синовлари, тушқунлик, эътиборсизлик, “Ай-э” деб ҳар нарсага қўл силтайвериш инсоннинг нафақат ризкига, балки умрига ҳам таъсир қилар экан. Онаси саратондан ўтди, отаси дамқисма сабаб... Уларга бу дардлар қандай илашган эди? Қачон илашган эди?

Қувончнинг саволлари кўп, аммо жавоби йўқ эди. Яна, “Ай-э, нима қилай, тақдир экан-да...”, деб ўзини овутарди.

Оталар тақдири болалар келажагига таъсир кўрсатади. Бу Қувончнинг ҳаётида ўз исботини топган эди...

Қувонч ҳозир ўғлининг лойҳандакда ўйнаб йиқилгани ва лойга беланиб келгани учун ҳам шундай ҳаёлларга берилиб қолди...

– Онаси, – деди Қувонч овқатланиб бўлгач хўриллатиб чой ичаркан. – Бояги гапингни ўйлаб кўриш керакми дейман...

– Қайси гапимни? – Гулнор хайрон бўлди.

– Ўн бир йиллик шаҳодатнома масаласини...

Аёлнинг юзига қизиллик югурди.

– Қанийди?! Эртага Районога бориб сўранг. Йўл-йўриғини айтишади.

– Тўғри айтаяпсан... – Қувонч чуқур хўрсинди. – Бу юриш бўлмайди. Ростини айтсам, ишгаям олдингидай ярамаяпман. Эртага ишга кетишдан олдин бир бориб суриштириб кўрай-чи.

– Боринг, дадаси. Орқайинлик қилманг...

Қувончнинг қарори қатъийлашиб, эртасига туман халқ таълими бўлимига борди. Мажбурий халқ таълими тўққиз йиллик бўлганида турли сабабларга кўра, коллеж ёки лицейда ўқий олмай қолган ёки ўқишни битириш насиб этмаган йигит-қизлар учун вилоят марказида битта мактабда курс очилган ва имтиҳонлардан ўтганга ўн бир йиллик шаҳодатнома берилар экан.

– Нега коллежни битира олмагансиз? – деб сўради сипо кийинган туман халқ таълими бўлими мутахассиси.

Унинг қадди-бастига қараб, ҳаваси келган Қувонч бошдан кечирганларини қисқача сўзлаб берди.

– Ай-э, шароит бўлмади-да...

– Ака, – деди ёш мутахассис йигит, – мана шу “Ай-э”, деган гапингиз энг катта душманингиз! Бу душман фақат сизда эмас, ҳаммамизда бор! Битта “Ай-э” билан ҳаётимизни ўзгартириб юборамиз.

Қувонч жим қолди.

– Майли, хужжатларингизни олиб келинг. Яна тўрт-бешта шундай хужжат бор. Ҳаммасини ўзим жўнатаман.

– Хўп. Раҳмат, барака топинг.

Қувонч хайрон бўлди. Коллеж ўқитувчилари ўзларини авлиё тутишарди, бу ёш йигит бўлим бошлиғи бўлсаям муомаласи, ўзини тутиши, бошлаган ишнинг охирига етишига ишонч бера олиши билан қабулига кирган одамнинг руҳиятини кўтарар экан.

“Замон яхши томонга ўзгарди... – мулоҳаза қилди Қувонч. – Янги давр бошланди, дейди. Янги давр дегани шу бўлса керак-да!”

Ишлар тезлашди. Қувонч ўша куннинг ўзида ҳужжатларини олиб борди.

– Қойил-е! – кулди мутахассис. – Мен энди буниям чўзиб бир ойда олиб келсангиз керак, деб ўйлагандим.

– Йўғ-е, нимага? – хижолатли жилмайди Қувонч. – Ўзимизга керак. Югурамиз-да...

– Бўлди, сиз кетаверинг. Имтиҳонлар бошланса, телефон қиламиз, ўша шаҳарга, айтилган мактабда бораверасиз.

– Хўп. Раҳмат.

Орадан кўп ўтмади. Ёзнинг илк кунларида қўшни кишлоқда ғишт қуяётган Қувончга туман халқ таълими бўлимидан кўнғироқ қилишиб, эртага имтиҳонлар бошланиши айтилди. Ишни ташлаб, уйга етиб келган Қувонч соч-соқолини олдирди. Ният қилиб олган янги либосларини кийиб, ўзини ойнага солди. Кўзгу қаршисида озода кийинган, кўзлари чакнаб турган, тик қоматли, елкалари кенг, кўзлари изтиробли боқиб турган эркак пайдо бўлди.

– Дада, куёвларга ўхшаб кийиниб олибсизми? – деди катта қизи келиб.

– Йўғ-е? – Қувонч алланечук бўлиб кетди.

– Сизга ярашди, – деди қизи. – Доим шундай юринг. Жуда чиройли кўринар экан.

– Йўғ-е?.. – Қувончнинг юраги зирқ этди. Алланечук хижолат бўлди. Аёлини излади. Гулнор ҳам орзикиб қараб турган эди.

– Чиндан ярашдимми-е?

Гулнор гапирмади, бошини кимирлатди. Сўнг шарт кетига бурилиб чикиб кетди. Қувонч сезди – аёли мутаассир бўлди. Кўзёшларини кўрсатмаслик учун чикиб кетди.

Қувонч кийимларини ечиб, қайтадан тахлаб қўйди. Болалари билан овқатланар экан, эртага шаҳарга бораётганини айтди.

– Ишга борасизми, дада? – сўради катта қизи.

– Йўқ, ўқишга бормоқчиман...

– Ҳа... – болалари шундай деди. Аммо бошқа савол беришга ҳофизалари етмадими, жим қолишди.

Айни чошгоҳ вақтда вилоят марказидаги мактабга келган Қувонч бу ердаги одамларни кўриб, хорижда ишлаб юрганида ҳужжат учун гастербайтерларнинг идоралар олдида шундай сарсон ва умидвор нигоҳлар билан музтар туришларини эслади. “Бир камим энди ўттиз бешга кирганда лўкиллаб мактабга бориш қолувди...” деган Қувонч бу ердаги тенгдош, ҳатто ўзидан катта кишиларни кўриб, қисматидан куйганлар сафида ёлғиз эмаслигини ҳис этди.

Бири семиз, бири орик, бири болали, бири ҳомиладор аёллар, бири қорин қўйган, бири озғин, бири тепакал, бири худди ўн саккиз ёшдагидай олифта эркаклар, жами юздан ошиқ “синфдошлар” кунда, кунора биттадан фандан имтиҳон топширишди. Орадан бироз муддат ўтгач, шаҳодатнома ҳам олишди. Ҳужжатга қараб Қувончнинг кулгиси келди.

– Тавба, ҳар замонга бир замон экан-да...

Саратон кириб, олий ўқув юртларга ҳужжат топшириш бошланган эди. Қувонч

ўйлаб кўрса, оз-моз биладиган фани тарих экан. Хотинига маслаҳат солган эди, “Шунинг сиртки бўлимига топшираверинг”, деб қўллаб-қувватлади.

– Универсал устасига ишнинг фарқи бўлмагандай бизга факультетнинг ҳам фарқи йўқ-ку! – Қувонч ўз-ўзига нашта қилиб кулди. Сўнг жиддий тортди. – Онаси, қанчалар бахтсизмиз-а? На тилимизни, на тарихимизни, на адабиётимизни, на бирор фанни яхши биламиз? Ҳаммаси ғилтинг-пилтинг. Ҳаммаси чала. Кейин биздан мардикор чиқмай ким чиқсин?!

Уч йил қишлоқдаги маиший хизмат кўрсатиш коллежида ўқиган, аммо нимани ўқиб, келажакда ким бўлишини ҳис қилолмаган Гулнор рўмоли учини тишлаб қолди.

– Ай-э, таваккал. Топширинг-чи, бир гап бўлар.

– Бизда доим шу, – хўрсинди Қувонч. – Битта гапни билиб олганмиз. Ай-э, бир гап бўлар. Ай-э, жойлашади-да. “Ай-э”дан бошқа нарсани билмаймиз. Шу нарса ҳаммамизга мерос бўлиб қолган.

– Дадаси, нега ўзи бундай нолиб қолдингиз? – деди Гулнор.

– Нолисам сендан эмас, ўзимдан нолияпман. Кундан-кунга ношудлигимни, бир дарди бедаво эканлигимни тушуниб етяпман.

– Мактабни битирганингиз билиняпти-да... – Гулнор ҳазиллашди.

– Бор-е! – Қувонч ўрнидан туриб кетди. – Мен ўламан десам, бу хотин куламан дейди.

Қувонч ташқарига чиқди. Уй олдидаги ғиштдан тизза бўйи кўтарилган сўрига ўтириб, атрофга назар солди. Йигирма сотихча келадиган ҳовли. Ўзининг уч хонали уйи, отаси яшаган бир уй ва даҳлиз, ёнида ошхона, тандирхона, молхона... Иккита соғин сигир. Уч фарзанд. Бир олам орзу, бир олам армон, ўқинч...

– Дадаси, нимага сиқилияпсиз?

Қувонч ногоҳ ўгирилиб, елкалари оша иссиқ нафаси урилаётган, кўзларида меҳр балқиб турган Гулнорни кўрди.

– Хужжат топширганим билан ўқишга кира олармикинман? Худо ол кулим, деб ўқишга кирган тақдиримда қандай ўқирканман? Рўзгор қандай кечади? Ўзи мендан ўқитувчи чиқадими? Мен саводсиз қандай қилиб болаларга дарс бераман? Улар устимдан кулишмайдими?

– Қўйсангиз-чи? – деди Гулнор. – Нима, мактабда ишлаётганлар сиздан билимлими? Ё уларнинг шохи борми?

Қувончнинг қовоқлари осилиб кетди.

– Аёл сочинг билан ўйлама, миянг билан фикр қил. Яхшими, ёмонми улар ўз вақтида мактабда ҳам яхши таълим-тарбия олишган, ўз вақтида университетларда ўқишган. Уларнинг ҳаёт йўлларида меникидек кемтикликлар йўқ... Мен эртага ёшлар ўтмишимни юзимга солишидан қўрқаман...

– Унда тарихчи эмас, меҳнатдан дарс берадиган бўлинг, – деди Гулнор. – Бунинг учун жуда катта билим керак эмасдир. Болаларга ҳунар ўргатасиз...

Қувонч ўйланиб қолди.

– Мактабда нечта меҳнат ўқитувчиси бор?

– Учта...

– Меҳнатдан қанча иш бор? – Қувонч ўрта мактабларда меҳнат фани учун қанча дарс соати ажратилганлигини тасаввур ҳам қилолмади.

– Мен қаердан биламан? – тўрсайиб олди Гулнор. – Унинг учун бориш керак, суриштириш керак, жуда бўлмаса, домлалардан маслаҳат олиш керак...

– Қишлоқчилик ҳам бор бўлсин, – деди Қувонч. – Қишлоқда яшайдиган бўлсанг



ё ўқитувчи бўл, ё дўхтир. Бошқа касбга иш йўқ. Ўлай агар, бошим қотиб қолди. Мен меҳнатдан дарс бериб, неча пул ойлик оламан?

– Ойликни ҳисобламай олдин ўқиб олинг қани! – деди Гулнор аччиқ қилиб. – Шунча одамга топилган иш сизгайм чиқар-да. Жуда бўлмаса, ишдан кейин ҳам шу мардикорлигингизни қилаверасиз.

Қувончнинг юраги санчди. Оғриқни сездирмаслик учун сал нарида ўйнаб ўтирган ўғлини чақирди.

– Сардор, кел ўғлим!

Ўғли югуриб келди.

– Ҳа, дада?

Қувонч уни бағрига босди. Юзидан ўпди. Умид билан сўради.

– Катта бўлсанг ким бўласан?

– Уста!

Қувончнинг бошидан бир челақ сув қуйиб юборилгандек бўлди.

– Қанақа уста?

– Сизга ўхшаган уста. Уй қураман!

– Ах, болам-а... – Қувончнинг юраги увишди. Ич-ичидан нимадир “чирт” узилди.

Буни сездирмаслик учун сал нарида ўйнаб ўтирган қизларини чақирди.

– Қизим, катта бўлсанг ким бўласан?

– Мен дўхтий бўяман! – деди катта қизи.

– Илоҳим, ниятингга ет! – Қувонч унинг пешанасидан ўпиб қўйди. Кейин кичкинасини чақирди. – Сен-чи? Сен ким бўласан?

– Менми? – қизи эркаланиб узун ва кир этақларини ўйнади. – Ме-ен...

– Айтавер, қизим. Қани?

– Мен бозорга чакки сотаман! Ана, аям ҳам чакки сотади. Кўппала пули бор.

– Вой, ўлмасам! – Гулнор дув қизарди. – Вой, тирмиза-ак...

Қувонч беҳолгина аёлига бокди. Эр-хотиннинг кўзлари ғуссага тўла эди. Улар бир муддат жим қолишди. Болалар ота-оналарига хайрон-хайрон қарашди. Сўнг ҳеч нарсасига тушунмай ўйнаб кетишди. Қувонч уларнинг ортидан қараб қолар экан, бир хулосага келди.

– Барибир ўқишим керак экан. То мен ўқимас эканман, то менинг ўзим уларга ибрат бўлмас эканман, болаларимнинг ҳам орзулари сўниб, майдалашиб кетаверар экан... Ниятим қатъий, ўқийман!

– Дадаси?

Қувончнинг қорачиқлари қорайди.

– Вақтида онам учун, оиламиз учун ўқишдан воз кечган бўлсам, энди болаларим учун қайтадан ўқийман! Шундай қилмасам, уларнинг ҳам мендай орзусидан армони кўп бўлади. Такдир синовлари сабаб мен кечикдим, улар кечикмасин! Мен эзилдим, отам эзилди, бобом эзилди, улар эзилишмасин, мен ўртандим, отам ўртанди, бобом ўртанди, улар ўртанишмасин, улар қувониб яшасин! Майли, бу қанчалик қийин, қанчалик қайғули бўлсаям уларнинг ҳаёти қувончга тўла бўлсин. Улар бахтли бўлишсин... Майли, улар бахтли бўлишсин!..

# Адабий ҳаёт

\* \* \*

**3 апрель.** Навоий шаҳрида “Мумтоз шеърят” халқаро фестивали ҳамда унинг доирасида ТУРКСОЙ Ёзарлар бирлиги ижодий ташкилотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Фестивалда Ўзбекистоннинг 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китоби инглиз тилига таржима қилинди. Асар Ферузабону Бекмуродова томонидан таржима қилинган.

\* \* \*

**6 апрель.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи Солим Исҳоқнинг “Қиёматга қолмаган қасос ёхуд қабрдан чиққан қул” номли тарихий детектив тетралогияси тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

**9 апрель.** Пойтахтимиздаги Амир Темури хайвонида бобокалонимиз таваллуд куни муносабати билан улуғ саркарда хайкали пойига гул қўйиш маросими бўлиб ўтди. Унда тарихчилар, давлат ва жамоат арбоблари, шоир-ёзувчилар, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар жам бўлишди.

\* \* \*

**11 апрель.** Абдулла Қодирий таваллудининг 129 йиллиги муносабати билан Абдулла Қодирий уй-музейида “Қодирийга эҳтиром” маънавий-маърифий тадбири бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, Тошкент давлат техника университети устоз ва талабалари, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

\* \* \*

**12 апрель.** Таниқли ҳажвчи ёзувчи Саид Анварнинг "Айланма асарлар" номли китоби нашрдан чиқди. Мазкур тўпламга адибнинг турли йилларда эълон қилинган, театрларимизда сахналаштирилган, телеэкранларда намойиш этилган асарлари жамланган.

\* \* \*

**19 апрель.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Тожик адабиёти кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

\* \* \*

**20 апрель.** Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Бобонор Нортोजиевнинг 70 йиллик таваллуди муносабати билан “Шеър ишқида тонглар отади” номли маънавий-маърифий тадбир ҳамда шоирнинг “Тонг таровати” номли китоби тақдими ўтказилди.

\* \* \*

**25 апрель.** Озарбайжон давлат арбоби Ҳайдар Алиев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёзувчи ва публицист Исмат Кучиевнинг “Ҳайдар Алиевнинг ғалабаси” номли китоби тақдими бўлиб ўтди.

\* \* \*

**26 апрель.** Таниқли ёзувчи, устоз ижодкор Хайриддин Султоннинг “Одамлардан тинглаб ҳикоя” китоби озарбайжон тилида чоп этилди. Мазкур тўплам Боку давлат университети профессори, адабиётшунос олим, “Дўстлик” ордени соҳиби Рамиз Асқар томонидан озарбайжон тилига ўгирилган.

\* \* \*

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 69 йиллиги муносабати билан Адиблар хибонида ўрнатилган шоир ҳайкали пойида “Улуғимсан, Ватаним”, деб номланган адабий-бадий кеча бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ёзувчилар, шоирлар, ўқитувчи-педагоглар, талаба-ёшлар иштирок этди.

\* \* \*

**27 апрель.** Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Миллат бахтин сўрар миллат отаси” номли янги китоби нашрдан чиқди.

\* \* \*

**28 апрель.** “Улуғбек” жамғармаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Она мадҳи” номли ижодий ишлар танлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қутлибека Раҳимбоева “Чақмоқлар фасли” номли шеърӣ тўплами, таниқли шоира Ҳалима Аҳмедова матбуотда чоп этилган туркум шеърлари, ёш ижодкор Шоди Отамурод “Умр ўтиб борадир, гулим” шеърӣ китоби ва истеъдодли адиб Наби Жалолиддин “Онаси́з тушлар” киссалар тўплами учун “Улуғбек” жамғармаси мукофоти билан тақдирланди.

МУНДАРИЖА

НАЗМ

|                                                       |     |
|-------------------------------------------------------|-----|
| Тохир ҚАҲҲОР. Замон бош эгмас. ....                   | 45  |
| Муҳиддин ОМОН. Куш ҳақида икки туш. ....              | 51  |
| ЎКТАМОЙ. Зебуннисо. <i>Достон</i> .....               | 87  |
| Захро ШАМСИЯ. Юлдузлар учди беун. ....                | 116 |
| Муяссар ЭРГАШЕВА. Ҳар ютум ҳаводан ҳавотир ютиб... .. | 120 |
| Умида АЪЗАМ. Она, Худойимдан битта бахт сўра. ....    | 124 |

НАСР

|                                                                 |     |
|-----------------------------------------------------------------|-----|
| Муҳаммад АЛИ. Мангу куёш. <i>Тарихий роман</i> .....            | 4   |
| Гулнора РАҲМОН. Йўлдаги ёлғиз одам. <i>Ҳаётӣй ҳикоя</i> . ....  | 57  |
| Хурсанд АЛИ. Аср изтироби. <i>Ҳикоя</i> .....                   | 71  |
| Эшқобил ВАЛИ. Кадар. <i>Ҳикоя</i> .....                         | 147 |
| Холиёр САФАРОВ. Энг қайғули кувонч. <i>Қисса (давоми)</i> ..... | 162 |

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

|                                               |     |
|-----------------------------------------------|-----|
| Нафас ШОДМОНОВ. Мумтоз адабиёт шажараси. .... | 111 |
|-----------------------------------------------|-----|

ТАДҚИҚОТ

|                                             |     |
|---------------------------------------------|-----|
| Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ.                        |     |
| Шарқ миниатюралари ва ислом фалсафаси. .... | 128 |

ЁДНОМА

|                                 |     |
|---------------------------------|-----|
| Наим КАРИМОВ.                   |     |
| Давлат ва маданият арбоби. .... | 133 |

ТАЛҚИН

|                                    |     |
|------------------------------------|-----|
| Шаръий ЖУЗЖОНИЙ.                   |     |
| “Икки дил достони” таржимаси. .... | 142 |

САНЪАТ

|                                  |     |
|----------------------------------|-----|
| Зариф ЗОИРОВ. Шоирларнинг мусиқа |     |
| ривождаги амалий ҳиссаси. ....   | 144 |

МУНОСАБАТ

|                                                |     |
|------------------------------------------------|-----|
| Гулранг УБАЕВА. Навқирон шеърят хусусида. .... | 157 |
| Адабий ҳаёт. ....                              | 174 |

Шарқ юлдузи

2023

4-сон

Муассис:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктан назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

\* Журналга обунда даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиблар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438  
www.sharqyulduzi.uz  
e-mail: sharqyulduzi@mail.uz  
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:  
03.04.2023

Қоғоз бичими 70x108 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Офсет босма усулида офсет қоғозида босилди. Босма табағи 11,0.  
Шартли босма табағи 15,4.  
Нашриёт ҳисоб табағи 17,2.  
Адади 5050 нусха.  
Буюртма №4

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган. “NAKIMA NASHR GROUP” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, Ифтихор кўчаси 117-уй 19-хонадон. Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мухаррир:

Дилфуза Маҳмудова

Мусаҳҳих:

Моҳира Ҳусанова

Веб-сайт муҳаррири:

Дилноза Камол

Саҳифаловчи-дизайнер:

Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ юлдузи”